



Нур борки, соя бор

Ўткир ҲОШИМОВ



Тошкент 2016

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

Ҳ – 71

Ҳошимов, Ўткир

Нур борки, соя бор: роман/Ўткир Ҳошимов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 288 б.

ISBN 978-9943-27-637-6

Ўзбек адабиётида фақат шу миллатгагина хос бўлган туйғу, кечинма, қадрият, инсоний қадр-қиммат мавзуларини ўзига хос ифодаларда қаламга олган адиб – Ўткир Ҳошимовнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган навбатдаги «Нур борки, соя бор» асари нашриётимизнинг севимли китобхонларига тақдим этаётган янги тухфасидир. Асарда жамият ҳаётидаги иллатлар, турғунликнинг моҳияти, инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммо ва қадриятлар, инсонлар ўртасидаги севги ва ҳиёнат, бир сўз билан айтганда, «нур» ва «соя»лар орасидаги азалий кураш мавзуси камалга олинган.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-637-6

© Ўткир Ҳошимов, «Нур борки, соя бор». «Янги аср авлоди», 2016.

1

«Дунёнинг ишлари қизиқ экан. Энг оқил мавжудот инсон деймиз-у, баъзан одамнинг арзимаган нарсага ақли етмай қолади. Бир пақирга қиммат, ўткинчи икир-чирлари учун жон куйдиради-ю, энг бебаҳо хазиначидан – саломатлигидан жудо бўлаётганини ўйлаб ўтирмайди». Шерзод касалхонага тушган кунидан бошлаб унинг хаёлида бу фикр тез-тез айланадиган бўлиб қолди. Ҳозир ҳам тўри бўшашиб, ўртаси чуқурча бўлиб қолган сим каравотда ўтираркан, шу гапни эслаб мийиғида кулиб қўйди. «Умуман, одамнинг ақли доим кечикиб киради, – деб ўйлади у чуқур хўрсиниб. – Биз ҳамма нарсанинг қадрини ўзи йўқолганидан кейин биламиз. Ҳатто бир-биримизнинг қадримизни ҳам».

У каравотни ғижирлатиб ўрnidан турди. Тўрт қадам юриб, сутранг бўёққа бўялган эшик олдига борди. Яна тўрт қадам юрган эди, дераза олдига келиб қолди. Шерзод ётган еттинчи палата икки ўринли эди. Эшик билан дераза ўртаси – тўрт қадам. Икки томонидаги девор остига иккита каравот, иккита тумбочка қўйилган. Бу ерда ҳамма нарса оқ: деворлар ҳам, эшик-деразалар ҳам, тумбочкалар ҳам. Фақат дераза тоқчасида қачонлардир беморлар қўйган чойнакларнинг сарғиш изи муҳрланиб қолган.

Шерзод дераза пардасини суриб, ташқарига қаради. Ҳаво булутли, касалхона ҳовлиси бўм-бўш эди. Қор аллақачон эриб кетган, аммо ҳали баҳор кирмаган. Совуқ уриб кетмаслиги учун гулларнинг устига «қўмма» қилиб қўйилган сарғиш қипиқ ҳам йиғиштириб олинмаган.

Гулзорга тўкилган бултурги хазон илма-тешик бўлиб, оч-жигарранг тус олган. Қиш бўйи қору ёмғир сувига тўйиб, қорайиб қолган ер мудроқ бир кайфиятда оғир-оғир хўрсинаётганга ўхшайди. Фақат ҳали чопилмаган ариқча четида унда-бунда кўриниб қолган майса найзачалари нурли кунлар яқинлигидан дарак бериб тантана қилади. Шундоққина дераза ёнида ўсган бир туп ўрик ниҳолининг новдалари шамолда силкинади, яқинлашиб келаётган баҳорини гўё сезиб, қувонади. Шерзод мамнун жилмайди.

Йўлак томондан оғир-оғир йўтал товуши эшитилди. Йўлакнинг қоқ ўртасида, девор тагидаги йиғма каравотда икки букилиб ўтирган, ранги сарғайиб кетган муштдеккина чол Шерзоднинг кўз ўнгига келди. Бу беморни кеча эрталаб олиб келишган, палаталарда жой бўлмагани учун вақтинча ўша ерга жой қилиб беришганди. Бугун Шерзоднинг палатасидаги семиз беморга жавоб тегди. Шерзод унинг ўрнига ўша чолни ётқизишса керак, деб ўйлаганди. Йўқ, негадир уни олиб киришмади. «Кимга асрашяпти бу жойни, – деб ўйлади Шерзод каравотига ўтираркан. – Умуман, бу палата қандоқ қилиб менга тегиб қолдйкин?»

Ўша куни касалхонага олиб келишганда, Шерзод дярли беҳуш эди. Ташвиш ҳар доим қўшалоқ бўлиб юради. Ўшанда ҳам шунақа бўлди: Шерзод эрталаб бекатдаги дўкондан адабий журналнинг янги сонини сотиб олди. Журнални варақлади-ю, танқид бўлимида босилган мақолага кўзи тушди. Мақолада Шерзоднинг янги китоби роса дўппосланган эди. Танқид кимга ёқади дейсиз? Аммо Шерзод танқиддан ўзига керакли фикрларни ажратиб олишга ўрганиб қолган, унинг самимий танқидчи дўстлари кўп эди. Бу мақолада ҳам тўғри гаплар борлигини дарров пайқади. Фақат унинг дилини бошқа нарса оғритди: мақола қочириқлару киноялар билан тўла эди.

Мақолани Шерзоддан бир йил илгари университетни битирган, ҳозир тил-адабиёт институтида ишлайдиган

фан номзоди ёзганди. Шерзод қиссани чиқаришдан олдин шу танқидчига ҳам ўқитган, ўшанда у асарни мақтаган эди. Шерзодга шуниси алам қилди. У ўзи ишлайдиган тахририятга кириб келганда, кўнгилсиз фикрлардан боши шишиб кетганди. Аксига олиб, ишхонада уни янги дилсиёҳлик кутиб турган экан.

Бир кун илгари у газетада навбатчилик қилган эди. Иккинчи саҳифада хато ўтиб кетибди. Аллақайси завод режасини юз ўттиз фоиз бажарган экан. Мақолада «ноль» рақами тушиб қолибди, завод режани ўн уч фоиз бажарган бўлиб чиқибди.

Тушдан кейин тахририятнинг умумий мажлиси бўлди. Уни роса «савалашди». Айниқса, мажлис деса ўзини томдан ташлайдиган муҳаррир ўринбосари қаттиқ уришди. Шерзод баҳона қидириб ўтирмади. Мажлис охирида унга қаттиқ ҳайфсан эълон қилишди.

Шерзод мажлисдан чиқиб, тўппа-тўғри «Тошкент» ресторанига кирди. У ҳеч қачон ёлғиз ўзи ичмас эди. Ўша кун ичди. Аввал икки юз грамм коньяк буюрди. Кейин яна юз грамм. Кейин ароқ... У аҳмоқона иш қилаётганини идрок этар, лекин ҳадеб ақлли бўлишдан кўра ора-чора аҳмоқ бўлиш ҳам яхши, деган ўй калласига ўрнашиб қолганди ўша топда.

У уйига қандоқ қилиб келганини тасаввур қилолмайди. Фақат Чилонзордаги уйи олдида таксидан тушгани ғира-шира ёдида бор.

Кечаси тўсатдан уйғониб кетди-ю, юраги қаттиқ-қаттиқ ураётгани, кўкраги қаттиқ санчаётганини, томоғига бир нарса тиқилиб, бўғилиб қолаётганини сезиб, кўнглига ғулғула тушди. Авваллари ҳам шунақа бўлиб турарди. Аммо ҳеч қачон шу сафаргидек бўшашиб кетмаган эди. У аъзойи баданидан муздай тер чиқиб кетаётганини пайқади-ю, чироқни ёқди. Елкасига пальтосини ташлаб, қоронғи зинага чиқди. Ёзувчилар уюшмасидан унга бир хонали уй беришганига ҳали кўп бўлмаган, бу ерга Шерзод яқинда кўчиб келган эди. Пастга тушишга

мадори етмади. Қўшнилари танимайди. У таваккал қилиб, ёнбош томондаги эшик кўнғироғини босди. Узоқ суриштиришлардан кейин рус кампир эшикни кўрқа-писа очди. Шерзод аҳволини айтиб, «Тез ёрдам» чақиритишни сўради. Ўз хонасига қайтиб кирди-ю, эмаклагудек бориб, диванга йиқилди. Уйга оқ халат кийган кишилар кириб келганида уларни ғира-шира кўрди.

Мана, ўшандан буён тўрт кун ўтди. Касалхонанинг ўзига хос қоидалари бор экан: бу ерга тушганлар бир хил оч-ҳаворанг бумази халат кийиб юради. Бир хил овқатланади, бир вақтда ётиб, бир вақтда туради. Шерзод биринчи марта шифохонага тушгани учун аввалига касалхона қоидаларига кўниколмай юрди-ю, кейин ўрганди. Ҳозир у эрталаб кўзини очиши билан навбатчи ҳамшира тумбочка устига қўйиб кетган дорига кўзи тушади. Тариқдай келадиган фоликор деган қизил дорини, мензуркадаги яна аллақандай суюқликни ичиб олади. Нонуштадан кейин беморлар «Манипуляционная» деган эшик олдига қатор-қатор бўлиб келишади. Биров егини шимариб, биров чолворини тушириб тайёр бўлиб туради. Қош-кўзи попукдай, доим кулиб турадиган Шоира деган дўндиққина жувон беморларга укол қилишга киришади. У нинани шунчалик беписад санчадики, ўз ишини шу қадар бемалол қиладики, ҳар сафар Шерзод бир нарсани ўйлайди. «Гастрономдаги сотувчи қиз колбасани қандоқ ушласа, Шоира ҳам беморнинг биллагини шундоқ тутди. Заррача фарқи йўқ».

Шерзодларнинг палатасига Доктор опа деган врач қарайди. Беморлар ҳам, ҳамширалар ҳам – ҳамма уни шундай атайди. Ҳеч ким отини айтиб чақирмайди. Сочлари дув оқарган, аммо кўз қарашлари тийрак Доктор опа ҳар куни Шерзоддан қандоқ овқатлангани, қандоқ ухлаганини ҳатто нима туш кўрганигача синчиклаб сўрайди. Шерзод унинг тийрак кўзларига қараб ётади-ю, кўнглида миннатдорчилик туйғуси аралаш алланечук бир ийманиш ҳисси уйғонади. Худди ресторанга кириб би-

ровнинг ҳисобидан овқатланган одамдек қарздор бўлиб қолаётганга ўхшайверади.

Тушлик ўтиб, икки соатлик мажбурий ҳордиқ тамом бўлгандан кейин касалхона гавжум бўлиб кетади. Беморлар оғизларига ёқар овқат олиб келган кишилар билан дардлашишга тушади. Ундан кейин кечки овқат... Шерзод кечки овқатни эслаши билан беихтиёр соатига қаради. Олтидан сал ўтибди. Демак, бир соатча бор. У қорни очганидан эмас, тартиб билан овқатланиши зарурлигини доктор қайта-қайта тайинлаганидан шуни ўйлади.

Йўлак томондан яна ўша йўтал товуши келди. Бу сафар чол узоқ тўхтовсиз йўталди. У оғир-оғир энтикар, нафаси етмай ҳарсиллаб қолаётгани аниқ эшитилиб турар эди. Унинг сарғайиб кетган юзи, муштдеккина гавдаси Шерзоднинг кўз ўнгида тағин жонланди. «Нимага жой бўш туриб, олиб киришмайди? – деб ўйлади у ғижиниб. – Кимга сақлаб туришибди?»

У касалхонага тушгандан буён ўтган мана шу тўрт кун ичида бир нарсани сизди. Бу ернинг тартиб-қоидалари ҳаммага баравар бўлса ҳам, жой танлайдиган беморлар, касалларнинг «мавқеи»га қараб жой тақсимлайдиган одамлар ҳам бор экан. Шерзод ётган палата икки кишилик бўлгани учунми, бошқа хонадаги баъзи беморлар ўзига ҳасад аралаш ғазаб билан қараётганини Шерзод сезар, сезган сайин ғаши келарди.

Ҳозир йўлакдаги чолнинг йўталиши унинг ёнидаги каравот бўш ётганини яна бир бор эсига солди-ю, чидаб турулмади. Эшикни силтаб очиб, йўлакка чиқди. Йўлак чироқлари ёқиб қўйилган, тозалаб артилган линолиум пол ярақлаб турарди. Сарпойчан, оёғига калиш кийиб олган чол йиғма каравотда ўтирганча силкиниб-силкиниб йўталар, зўриққанидан кўзларидан ёш чиқиб, буришиқ юзи кўкариб кетган эди. Ниҳоят, йўтал тўхтади. У ўпкаси ғижиллаганча оғзини каппа-каппа очиб нафас ола бошлади. Йиғма каравот бошига суянчиқли стул қўйилган, стул устида жўмраги учган чойнак билан стакан турар-

ди. Чол ўтирган жойида эгилиб, титроқ қўллари билан стаканга чой қўйди. Энтикиб-энтикиб ича бошлади.

Шерзод кескин бурилди-да, йўлак бошига – «бўлим мудури» деб ёзиб қўйилган эшик олдига борди. Беморлар бу эшикдан ичкари киришга журъат этолмас, ҳатто врачлар ҳам бўлим мудирининг хонасига ўйлашиб киришларини Шерзод билар, у мудирнинг ўзини уч-тўрт марта кўрган, аммо отини билмас эди. Бир зум иккиланиб турди-да, шахт билан эшикни очди. У, мудир аллақачон кетиб қолган бўлса керак, деб ўйлаган эди. Йўқ, кетмаган экан. Бўлим мудури устига оқ ғилоф қопланган диван суянчиғига суянганча бошини орқага ташлаб ўтирар, шунинг учунми, ингичка бўйни узун кўринарди. У қўлларини ёнига ташлаб олган, халатининг елкалари осилиб ётар, юпқа гардишли кўзойнаги ялтираб турарди.

Шерзод остонада тўхтаб қолди. Мудир бошини буриб шу томонга қаради.

– Нима гап?

– Еттинчи палатада битта жой бўшади, – деди Шерзод совуққонлик билан. Мудир юзини ўгирди. Лоқайд бош силкиб қўйди.

– Хабарим бор.

– Йўлакдаги чол икки кундан буён жой кутиб ётибди.

Мудир яна Шерзод томонга бошини бурди. Кўзойнак устидан унга синчиклаб қаради. Аммо тагин ўша лоқайд оҳангда гапирди.

– Хабарим бор.

Бу гапдан Шерзод: «Йўлингдан қолма» деган маънони уқди.

– Энди нима бўлади? – деб сўради қовоғини солиб.

– Эндими? – бўлим мудури узун оёқларини йиғиштириб шошилмай ўрнидан турди, – ярим соатдан кейин кечки овқат бўлади. Овқатланиб бўлгандан кейин ётиб дам оласиз. У кўзойнак орқасидан Шерзодга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, негадир жилмайди. – Келишдикми?

Бу гап оҳангида киноя ҳам, шифокорнинг беморга муруввати ҳам бор эди.

Шерзод бир зум эсанкираб қолди.

– Мен билолмай қолдим, – деди овози титраб. – Палатада бўш жой турса-ю, касал йўлакда ётса?

Бўлим мудир мийиғида кулиб қўйди.

– Хотиржам бўлинг, жой бўш қолмайди, – у секин-секин юриб яқин келди-да, кўзойнаги ортидан Шерзодга қаттиқ тикилди, – ё ўзингизнинг жойингизни бўшатиб берасизми?

Шерзод бу одам ярим ҳазил-ярим эрмак оҳангида гапираётганини тушунди-ю, болалигидан қонига сингиб кетган қайсарлик лоп этиб юзига тепди.

– Бўпти, бўшатиб бераман! – У мудирнинг кўзига тик қараб чертиб-чертиб гапирди. – Лекин мен йўлакда ётмайман. Манави диванга чиқиб ётаман.

Бўлим мудир ингичка елкаларини силкитиб тўсатдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Шундай кулдики, юпқа гардишли кўзойнаги силжиб кетди. Кўзойнагини қўлига олиб, халатининг кўкрак чўнтагига солиб қўйди. Шерзоднинг елкасига қоқди.

– Қизиқ одам экансиз! – деди ҳамон кулиб. Аммо энди бу гапни киноя оҳангида эмас, самимий айтди. – Бу бизнинг ишимиз, биродар. Касални биз даволаймиз, сиз эмас!

– Биламан, – деди Шерзод бўғиқ овозда, – танасини даволайсиз, руҳини ўлдирасиз.

Мудир бирдан жиддий тортди.

– Тушунмадим, – деди қошини чимириб.

– Нимасини тушунмайсиз?! – Шерзод кескин қўл силтади. – Икки кундан буён йўлакда ётган одам, нега мени тайёр жойга олишмади, деб ўйламайдими? Мен ўша зорманда жойга лойиқ эмас эканман-да, деб кўнгли чўкмайдими?!

Мудир бир муддат хижолат чеккандек кўзларини олиб қочди. Аммо зум ўтмай юзида яна ўша табассум пайдо бўлди.

– Кўп куюнчак бўлаверманг, – деди юпатувчан оҳангда. – Сиз бу ерга даволаниш учун келгансиз. Масала талашиш учун эмас. Аввал ўзингизнинг соғлигингизни ўйланг. Бошқасини биз ҳал қиламиз.

Шерзод индамай нари кетди. Палатасига юраркан, чол томонга яна бир бор қараб қўйди. Чол энди йўталмас, ғужанак бўлиб деворга ўгирилиб ётиб олган эди. Четдан қараган одамга у ухлаб қолганга ўхшарди. Аммо Шерзод унинг уйғоқ эканини ички бир туйғу билан ҳис қилди. Шу топда бу одамга ҳеч қандай ёрдам бериш қўлидан келмаслигини ўйлади-ю, қўнгли бўм-бўш бўлиб, палатага кирди. Жаҳл билан каравотга ўзини ташлади. Каравот симлари асабий ғижирлаб кетди. Шунда, тўсатдан, юраги тез-тез гурсиллаб ура бошлади. «Тахикардия дегани шу бўлса керак-да, – деб ўйлади доктордан эшитган гапни эслаб. Бир лаҳзада мадори қуриб, пешонасидан совуқ тер чиқди-ю, ўрнига чўзилди. – Нимага яна шунақа бўляпти?» У дераза томонга тикилиб, юрагининг гурс-гурс уришига қулоқ солиб узоқ ётди. Дераза ортида оқшом ташвиши билан жонсарак бўлиб қолган чумчуқлар тинимсиз чирқиллар, ёш ўрикнинг қизғиш новдалари ҳамон қаттиқ-қаттиқ силкинар эди.

2

Эшик очилганда Шерзод мудраб ётарди. У илдам қаддини ростлади-ю, ичкари кириб келаётган бўлим мудирини кўрди. Мудир халатининг тугмаларини ечиб юборган, ингичка бўйнидаги гулдор галстугининг боғичини бўшатиб қўйган, тез юриб келганидан бўлса керак, ёноқлари туртиб чиққан юзи қизариб кетган эди. «Жойнинг эгасини олиб келаётган бўлса керак», деб ўйлади Шерзод ундан кўз узмай. Бўлим мудирини палата ўртасида тўхтади-да, эшик томонга қараб гапирди:

– Сайфи Соқиевич! Марҳамат, кираверинг.

У бу гапни худди азиз меҳмонни уйига чорлаган мез-бон сингари ички ҳурмат билан ийманиб айтди...

Эгнига янги пахмоқ халат кийган, тўрхалта кўтарган киши ичкари кирди. Кўринишидан у эллик ёшлардан ошган, устарада қиртишланган бошига мошранг бахмал дўппи кийиб олган, юзлари шишинқираган, кўзларининг ости салқиб турар эди. «Жигари касал бўлса керак», негадир Шерзоднинг хаёлига энг аввал шу фикр келди-ю, ўрнидан туриб, салом берди.

Сайфи Соқиевич алик олайми-олмайми, деб иккила-ниб қолгандай бир лаҳза жим турди-да, қовоғини солиб, «Салом» деб қўйди.

«Ўҳ-ў! Димоғ масаласи жуда баланд-ку! Кун бўйи жойни сақлаб туришгани бежизмас экан, шекилли». Шерзод мийиғида кулиб қўйди.

Бўлим мудир қўли билан имо қилиб Сайфи Соқиевичга бўш каравотни кўрсатди.

– Мана, сизнинг ўрнингиз. Чойшаблар янги.

Сайфи Соқиевич Шерзодга бир қошини баланд, бир қошини паст қилиб қараб қўйди. Чамаси, у бунақа «ёш бола» билан ҳамхона бўлиб қолганига кўпам хурсанд эмасди.

– Бу бизнинг «люкс» палатамиз, – деди бўлим мудир жилмайиб. – Шеригингиз, – у боши билан имо қилиб Шерзодни кўрсатди, – шеригингиз яхши йигит. Хуррак отмайди.

Унинг гап оҳангида: «Кўлимдан келса, бу болани чиқариб юбориб, сизга палатани бўшатиб берардим-у, иложим қанча», деган маъно бор эди. Шерзод шуни тундунди, ижирғаниб юзини ўгирди.

– Доктор, – деди кинояли жилмайиб, – Сайфи Соқиевичга айтиб қўйинг, кечаси алаҳлайдиган одатим бор.

Сайфи Соқиевич бу боладан шунчалик бетгачопарликни кутмаган бўлса керак, ярқ этиб мудирга қаради.

Бўлим мудир ингичка елкаларини силкитиб кулди. Эшик олдига бориб, чироқ тугмасини босди. Палата ёп-ёруғ бўлиб кетди.

– Майли, яхши дам олинглар, – мудир остонада тўхтаб, Шерзодга юзланди. – Айтгандай, анави чолни палатага олдик.

У остонада яна бир лаҳза турди-да, эшикни ёпди.

«Мана бу иш яхши бўпти!» ўйлади Шерзод мамнун. У кўлларининг бармоқларини чалиштириб, боши остига қўйиб ётганча, Сайфи Соқиевичнинг ҳаракатларини кузата бошлади.

Сайфи Соқиевич яшил тўрхалтанинг боғичини ечиш учун анча овора бўлди. Шерзод унинг калта дўмбоқ бармоқлари асабийлик билан билинар-билинемас титраётганини кўриб турарди. Ниҳоят, чигал тушиб қолган боғич ечилди. Сайфи Соқиевич газета қоғозга ўроғлик пахта гулли чойнак-пиёла, ёғоч қошиқ, бир банка асал, тишчўтка, яна аллақанча майда-чуйдаларни олди. Баъзиларини тумбочка ичига, баъзиларини дераза токчасига териб қўйди. Шерзод унинг салқи қовоқларига, сарғайган юзию асабий ҳаракатларига разм соларкан, раҳми келди. Бир одамнинг йўлакда ётганию бу ерда жой бўш тургани учун бу киши айбдор эмас-ку. Ўзига қолса ким касалхонага тушгиси келади?!

– Чой ичасизми? – деди у қаддини ростлаб.

Сайфи Соқиевич қовоғини солганча Шерзодга қараб қўйди-да, индамай бош силкиди.

Шерзод ўз тумбочкасидан ялтироқ никелли чойнак, тунука чойдишни олиб эшик томон юрган эди, Сайфи Соқиевич имо билан тўхтатди.

– Чойингиз қанақа? – деди бўғиқ товушда.

– Памил чой.

– Шошманг, – Сайфи Соқиевич тумбочкасини очдида, пахта гулли чойнагига бир кафт кўк чой солди. – Мен тўқсон беш ичаман. Давлением бор. – У чойнакни Шерзодга узатди.

Шерзод катак-катак линолиум полли йўлакдан юриб бораркан, икки кундан буён девор остида турган каравот йиғиб олинганини кўриб, тагин қувонди.

Ҳали кечки овқат бошланмаган, ошхонада беморлар йўқ эди. Фақат дераза олдидаги стол ёнида малла соч фаррош кампир билан Шоира ўтирар, икковлари ўртага бир тарелка печенье қўйиб, чой ичишар эди. Шоира стол суянчиғига елкасини ташлаганча, оёқ чалиштириб ўтирар, халатининг тугмаларини ечиб юборган, ялтироқ садафранг кофта остида бўлиқ кўкраклари бўртиб турарди.

«Бугун яна Шоира навбатчи экан-да», деб ўйлади Шерзод. Умуман, Шоира навбатчилик қилмаган кун кам бўларди. У гоҳ биринчи қаватда, гоҳ беморларни қабул қиладиган бўлимда ишларди. Шерзод дарров кўзини олиб қочди. Унинг қизиқ одати бор эди: бировнинг овқатланишига назар солишни уят ҳисобларди. У тез-тез юриб, бурчакдаги титан олдида борди. Жўмрак остига қўйилган алюмин тоғора ярмигача шамага тўлиб қолганди. Шерзод пахта гулли чойнакка шоша-пиша қайноқ сув тўлатди. Зум ўтмай иккинчи чойнак ҳам тўлди. Шерзод иккала қўли банд бўлгани учун жўмракни бурашга улгуролмай қолди. Қайноқ сув чойнақдан тошиб, тоғорага тўкила бошлади. Буғ кўтарилиб Шерзоднинг қўли ачишди. Шу ондаёқ Шоиранинг янгроқ қаҳқаҳаси хонани тўлдирди. У югуриб келиб жўмракни буради. Шерзод ҳар иккала чойнакни яқинроқдаги стол устига қўйди. Шоира бўлса ҳамон шарақлаб кулар, чиройли кўзлари сузилиб кетган эди.

– Хотин киши бўлганингизда эрингиздан роса сўкиш эшитаркансиз, – деди у пахта гулли чойнакнинг қоқоғини ёпаркан.

Шерзод Шоиранинг кўзларига тик қаради.

– Мен аёл киши бўлсам эрга тегмасдим.

– Нега? – Шоиранинг кўзлари ҳамон табассумдан ёниб турарди.

– Эр ёмон бўлади.

– Ҳаммаси-я?

– Билмадим... – Шерзод мийиғида кулиб қўйди. – Ҳар қалай хотинлар ўз эрини ҳамма эркаклар ичида энг ношуд, энг ёмони, деб билади. Шу одам билан эмас, бошқаси билан яшасам бахтиёрроқ бўлардим, деган гапни ўйламаган хотин кам бўлади.

– Худди билгандай гапирасиз-а! – Шоира ясама жиддийлик билан қошини чимирди. – Хотинларнинг кўнглидаги гапни сиз қаёқдан биласиз?

«Билишим керак, билишга мажбурман!» деб ўйлади Шерзод иккала чойнакни баравар кўтараркан. Эшик олдига етганда бурилиб қаради-да, кулди.

– Бундан осон нарса борми? Аёллар тўғрисидаги китобларни кўп ўқиганман.

Шоиранинг кўзларида шўх табассум ўйнади.

– Аёлларни шунчалик яхши тушунаркансиз, нега хотинингиз сиздан хабар олмайди?

«Бўлса хабар олади-да, – деб ўйлади Шерзод кулимсираб. – Кузатиб юрганини қаранг!»

– Бундан чиқди, мен ҳам ёмон эр эканман-да! – Шерзод Шоиранинг парпираб турган кўзларига яна бир бор қаради-да, йўлакка чиқди.

Сайфи Соқиевич тумбочка устига газета ёзиб, патир, япроқ-япроқ тўғралган қази тайёрлаб қўйган экан.

– Ўтиринг, – деди у Шерзодга қарамай. Чамаси, бояги кескинликнинг заҳри хийла кўтарилган эди.

– Раҳмат! – Шерзод самимий оҳангда ташаккур билдириди. – Ҳозир кечки овқатга борамиз.

Сайфи Соқиевич дўмбоқ қўлини силтади.

– Баннисани овқати овқатми?!

Шерзод ғаши келиб юзини ўгирди-да, дераза олдига борди. Пишиллаб овқатланишга тушган Сайфи Соқиевич томонга қарамаслик учун деразадан ташқарига тикилди. Аллақачон оқшом тушган, ичкаридан ёғилиб турган чироқ нурида ўрик танасининг бир бўлаги қорайиб кўринарди. Ҳовлида беморлар сайр қилиб юришган бўлса керак, уларнинг гангур-гунгур гаплашиши эшитилар-

ди. Тўсатдан шундоқ дераза ортида шовқин-суронли куй янгради. «Шу ердаям тинчлик йўқ», деб ўйлади Шерзод ғижиниб. У кўча-кўйда магнитофон кўтариб юрадиганларни жинидан ҳам ёмон кўрарди. Дераза олдидан иккита шарпа сирғалиб ўтди. Беморлар халатини кийиб олган новча йигит билан паст бўйли қиз ўрик танасига суяниб туриб олишди.

Йигит бир қўлида кичкина магнитофон кўтариб олган, иккинчи қўли билан қизнинг елкасидан тутиб ўзига тортар эди. Қиз ўзини олиб қочган бўлар, аммо чандон қаршилиқ қилмас, йигитнинг пинжига кириб борарди.

«Нархи арзонлашган муҳаббат! – деб ўйлади Шерзод ижирғаниб. – Худо билсин, иккови кеча танишган бўлса керак. Бугун ўпишади. Эртага касалхонадан чиққандан кейин бир-бирини ё эслайди, ё эсламайди».

У эркин муҳаббат деган гапни нотўғри тушунаётган, севгидек табаррук ҳисни оёқости қилаётган одамлар тўғрисида ёзишни кўпдан буён ўйлаб юрар, туйғуларнинг арзонлашиб кетишига олиб келаётган илдизни кўпдан буён излар эди. Ҳозир ҳам шундоқ дераза рўпарасида бир-бирининг пинжига кириб турган йигит билан қизни кўриб шуни ўйлади. «Булар қизиқ! Трамвайда писта чақишга уялади-ю, ўпишишга уялмайди. Наҳот муҳаббат писта чақишдан арзон бўлса!» У кескин бурилди-да, ҳамон пишиллаб овқатланаётган Сайфи Соқиевич томонга қарамай, жойига келиб ётди. Шовқин-суронли куй тинди. Анчадан кейин унинг қулоғига маъюс, энтиктирувчан бир оҳанг чалинди. Магнитофондан майин ҳинд куйи ёғиларди. Шерзод ҳинд фильмларини ёқтирмас, бир-бирига ўхшаш сийқа воқеаларни кўришга тоқати йўқ эди. Аммо ҳар сафар ҳинд куйларини эшитганда роҳат қилар, ранго-ранг оҳангларнинг шу қадар жонбахшилиқ билан уйғунлашиб кетишига ҳайрон қоларди. Ҳозир Муҳаммад Рафиқ «Дўст менга хиёнат қилди» деб бошланадиган қўшиқни айтар, қўшиқ садолари қанотларини мулойим силкитиб деразадан учиб кираёт-

ганга ўхшарди. Шерзод шу куйни эшитганида ҳар доим нимқоронғи бир бўшлиқда сузиб бораётгандек бўлар, бу бўшлиқнинг охири кўринмас, у қаёққа кетаётганини ўзи ҳам билмай сузиб борар, юраги тушуниб бўлмас бир тўлқиндан изтироб чекар, бу тўлқин асло тугамайди-ганга ўхшар эди. Ҳозир ҳам у кўзларини юмиб ётаркан, асаблари бирдан мулойимлашди. Дераза ортида ўпишаётган «чиллаки» ошиқ-маъшуқларни ҳам, рўпарасида овқатланиб ўтирган Сайфи Соқиевични ҳам унутди-ю, куй мавжига шўнғиди.

3

Шерзод елкасига кимдир беозор туртганидан уйғониб кетди. Боши устида Шоира эгилиб турар, у сочларини чиройли турмаклаб, киприкларининг четига кўкимтир «соя» суртиб олганди.

– Туринг, бугун профессор Рауф Абдуллаевич обход қилади! – деди у Шерзод уйғониши билан қаддини ростлаб. – Ўринларингизни яхшилаб тартибга солинглар. Тумбочканинг устида ортиқча нарсалар турмасин.

Шерзод Шоиранинг жиддий, кескин гапиришидан бу талаб Сайфи Соқиевичга ҳам, ўзига ҳам баравар тааллуқли эканини билди.

Шоира эшик олдига бориб, бурилиб қаради.

– Дераза пештахтасиниям бўшатиб қўйинг.

Шерзод қаддини ростлаб, қўлларини қаттиқ-қаттиқ силкитди. Тонг ёришиб кетган, деразадан тип-тиник осмоннинг бир бўлаги кўриниб турарди. Шерзод Сайфи Соқиевич томонга қараб қўйди.

Сайфи Соқиевич тумбочкасини тимирскилаб, электр устарасини олди, каравотда майкачан қорнини қаппайтириб ўтирганча устара ғилофини шошилмай очди.

– Яхши ухлаб турдингизми? – деди Шерзод хушчақчақ овоз билан.

Сайфи Соқиевич Шерзодга бир лаҳза қаради-ю, босиқлик билан «дуруст» деб қўйди.

Шерзод ювиниб қайтиб келганида, Сайфи Соқиевич соқолини олиб бўлган, палатада «Шипр» иси анқирди.

– Ассалому алайкум! – деди Шерзод Сайфи Соқиевичнинг кўзига тик қараб.

Сайфи Соқиевичнинг хийла сарғайган кўзларида табассум пайдо бўлди.

– Ваалайкум ассалом! – деди дона-дона қилиб. – Мулло бўлинг.

«Мана элакишиб қолдик! – деб ўйлади Шерзод сочиғини каравотнинг ялтироқ кифтига ташлар экан. – Донишмандлар тўғри айтган. Биринчи таассурот узоқ эсда қолади-ю, аммо кўпинча хато бўлади. Кеча бу одам сени бетгачопар деб ўйлади, сен уни димоғдорга чиқариб қўйдинг. Аслида икковларинг ҳам адашдинглар».

– Қатиқ олиб келайми? – деди у дилкашлик билан, – ҳар куни эрталаб дарвоза олдида яхши қатиқ сотишади.

Сайфи Соқиевич сочиғини билагига илиб, эшик томон юраркан, бош чайқади:

– Йўқ, раҳмат!

Шерзод халатини елкасига ташлади-ю, илдам юриб вестибюлга чиқди. Каттакон ойнаванд эшикни очиб, цементи кўчиб кетган зинага оёқ қўйиши билан кўксини баҳор шабадаси тўлдирди. У ҳайратлангандек бир лаҳза тўхтаб қолди. Бунақа ҳаво баҳор эндигина бошланаётган кезларда бўлади. Кечаги изғирин шамол ўрнини тўсатдан илиқ, майин шабада эгаллайди-ю, бутун табиат яшаш завқидан жунбушга келгандек, узундан-узоқ чўзилган уйқудан уйғонишга қасд қилгандек бирдан жонланди. Кишининг кўзини қамаштирадиган даражада шаффоф тус олган осмон тагин ҳам теранлашиб кетганга ўхшайди.

Ҳали ўзи кўринмаса ҳам нафаси сезилиб турган кўклар оқанлари кўлоққа талғилади: кушлар ҳаяжондан энтиқиб қаттиқ-қаттиқ сайрашга тушади, дарахт шоҳлари-

да эрка шамол дутор чалади, қаердадир, пұпанак босган тўнғак тагидами, ҳали сув келмаган ариқ лабидами қурбақа журъатсиз қуриллаб қўяди... Одамнинг руҳида шу қадар енгиллик пайдо бўладики, қанот чиқазиб олис уфқларга учиб кетгинг келади...

Шерзод икки четида қатор тераклар саф тортган, тозалаб супурилган асфальт йўлақдан юриб бораркан, вужудида худди шу енгилликни ҳис этди. Худди ўша жарангдор оҳанглар қалбини қувончга тўлдирди-ю, халат кийиб юрган беморлар ҳам, яхлит деразаларига оқ пардалар тутилган эски ғиштин бино ҳам, осмон ҳам, олам ҳам гўзал кўриниб кетди кўзига.

У қўлида бир банка қатиқ билан палатага қайтиб кирганида, Сайфи Соқиевич қайта ечиниби, ўрнига ётиб олган эди.

– Нима қилди? – деди Шерзод хавотирланиб. У кўнглини қизитган туйғулардан ҳали халос бўлиб улгурмаган эди. – Мазангиз қочдимми? – У Сайфи Соқиевичнинг тепасига келди.

— Йўқ, – Сайфи Соқиевич хўрсиниб қўйди. – Профессор обходни бизнинг палатадан бошларкан. Ҳозир...

– Нонуштадан кейин кирмайдими?

– Қайдам? – Сайфи Соқиевич елкасини қисди. – Профессорни зарил иш билан аллақаяққа чақиришган экан. Доктор айтдилар.

Шерзод ётиши билан эшик очилди-ю, оппоқ сочлари устидан оппоқ қалпоқчасини қўндириб олган Доктор опа, унинг кетидан оқ халат кийган гавдали бир киши кириб келди. «Профессор!» деб ўйлади Шерзод ундан кўз узмай.

Профессор бош яланг бўлиб олган, сийрак сочларига оқ оралаган, қорамағиз чехрасида алланечук хотиржамликми, сокинликми, шунга ўхшаш ифода кўриниб турар, йирик-йирик кўзлари теранлик билан боқар эди. У икки қўлини халатининг чўнтагига солиб олган, ўнг чўнтагидан фонендоскопнинг тарғил резинка ичаги чиқиб турарди.

«Сайфи Соқиевични кўриб бўлгунча чиқиб турсам ҳам бўларди», деб ўйлади Шерзод ўша томонга қараб. Сайфи Соқиевич профессорга термилиб ётар, кўзларида шу қадар маънос ўтинч, шу қадар илтижо бор эдики, Шерзоднинг унга беихтиёр раҳми келиб кетди. «Тўйда сўйиладиган қўй қассобга шунақа тикилса керак», деб ўйлади Шерзод хаёлига келган бемаъни фикрдан ўзи кулиб.

Профессор хотиржам юриб, Шерзоднинг тепасига келди. Шерзод беихтиёр оёқларини бир чеккага суриб, ўтириш учун унга жой бўшатди. Профессор Шерзоднинг оёқ томонига ўтириши билан Доктор опа унинг касаллик варақасини узатди.

– Самандаров, – деди у паст товушда. – Стенокардия. Йигирма олтинчи февраль куни «Тез ёрдам» машинасида олиб келинган. Икки марта кардиограмма қилинди. – Доктор опа турган жойида эгилиб, профессорнинг қўлидаги касаллик варақасига ёпиштирилган қизғиш тасманинг бир учидан тортиб ёзди. – Паталогия йўқ.

Профессор тасмадаги эгри-бугри чизиқларни диққат билан кўздан кечира бошлади.

«Бошланди, – деб ўйлади Шерзод профессорнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб ётаркан. – Биринчи савол: ҳозир сизни нима безовта қиляпти? Иккинчи савол: болалигингизда қанақа касалларга чалингансиз? Учинчи савол: кўпдан бери юрагингиз санчармиди? Чекаси ва ҳоказо, ва ҳоказо...»

Профессор касаллик варақасидан бош кўтарди-да, негадир жилмайди. Шунда бурнининг усти тиришиб, теран кўзларида самимий бир нур порлаб кетди. Унинг табассуми шу қадар дилкаш, шу қадар «юқумли» эдики, Шерзоднинг ўзи ҳам беихтиёр жилмайди.

– Врачлар психологиясини анча яхши биларкансиз, Самандаров! – деди профессор ҳамон жилмайиб тураркан.

Шерзод эсанкираб қолди. «Қизиқ, бу одам нимани ўйлаётганимни қаёқдан билди», – деган фикр хаёлидан лип этиб ўтди. Беихтиёр кўзини олиб қочди.

– «Операция» деган ҳикоянгиз менга маъқул бўлди.
– Профессор Шерзоднинг қўлини юмшоқ кафти орасига олиб, қон томирига бармоғини босди. – Операция пайтида хирург энг яқин одамини ҳам бегона ҳисоблайди, деганингиз тўғри. Шунақа қилмаса, иккиланиб қолиши мумкин. Медицинада иккиланиш – мағлубият деган сўз.

«Ўқиган экан-да! – Шерзоднинг кўнглини бирдан қувонч чулғади. – Вақт топганини қаранг-а». Шерзоднинг бу ҳикояси журналда чиққан, ҳар ким ҳар хил фикр билдирган эди. Ҳозир у шифокорнинг ўзидан шундай гап эшитганига қувониб кетди.

– Яна битта гапингизга тўла қўшиламан, – деди профессор ҳамон Шерзоднинг томир уришини санаркан. – Медицина соҳасида кадрлар тайёрлашга айниқса эҳтиёт бўлиш керак. Ёмон шифокорнинг қотилдан фарқи йўқ. Рост, уқувсиз докторлар кўпайиб кетяпти.

– Бунақалар ҳамма соҳада бор, – деди Шерзод жилмайиб.

– Медицинада бўлмаслиги керак! – Профессор қошини чимирди. – Менга қолса, медик бўлишни ҳавас қиладиганлар аввал бир-икки йил касалхонада ишлаши керак. Мурдани кўрса, лабига учуқ тошадиган чаламулла врачларни кўргани кўзим йўқ!

– Энди, дўхтир, ҳозир қайси институтга борсангиз, таниш-билишнинг боласи киради, – Сайфи Соқиевич ётган жойда каравотни ғирчиллатиб ўнглиниб олди. – Шунақа бўлганидан кейин илож қанча?

Профессор унга вазмин бир назар ташлади-ю, Шерзодга имлади.

– Қани, ўтиринг-чи, юракни эшитиб кўрайлик. – Унинг кўзларида яна ўша самимий ўт порлади. – Ўзувчиларнинг қалби нозик бўлади, дейишади. Ё танқид қилавериб пишитиб қўйишганми?

Шерзод жилмайиб елкасини қисиб қўйди.

«Наҳотки танқидий мақолаларниям ўқиса бу одам?» – деб ўйлади ҳайрон бўлиб. У аниқ фан мутахассислари кўпинча адабиёт, санъатни чуқур тушунишини билар,

аммо бунчалик деб ўйламаган эди. Курагига фонендоскопнинг муздек ҳалқаси тегиши билан вужудида хушнуд бир енгиллик сезди.

Қизиқ, ҳар гал Доктор опани кўрганида уйғонадиган қарздорлик ҳисси ҳозир уни қийнамас, профессор билан ўзининг ўртасида қандайдир табиий бир яқинлик пайдо бўлганидан шод эди. Шунда у профессор гапни бекорга ҳикоядан бошламаганини, ўртада яқинлик туғдириш учун шундай қилганини бирдан тушунди-ю, кўнглида ҳайрат аралаш қувончли бир хитоб янгради. «Оббо, профессор-эй! Усталигини қаранг!».

- Тинчланинг, - деди профессор унинг кўнглидан ўтаётган гапларни эшитиб тургандай. - Ҳаяжонланманг!

Шерзод чуқур-чуқур нафас ола бошлади. Анчадан кейин профессор фонендоскоп тутқичини қулоғидан олди.

- Тўғри, паталогия йўқ, - деди ҳамон тик турган Доктор опага қараб. Доктор опа гўё Шерзодга эмас, ўзининг дарди енгиллашгандек эркин хўрсиниб қўйди.

- Кийинаверинг! - профессор Шерзодга қараб тағин жилмайди: - Сизга бир маслаҳат: кўп куюнчак бўлаверманг. Юрак касаллиги аксарият икир-чикир ташвишлардан келиб чиқади. Уйланганмисиз?

Шерзод индамай бош чайқади.

- Унда ишингиз беш экан! Уйлангандан кейин ташвишлар яна кўпаяди. Ҳали қиладиган ишларингиз кўп. Шунинг учун сал бепарвороқ бўлинг. Келишдикми?

Шерзод феълини ўзгартира олишига кўзи етмаса ҳам сидқидилдан ваъда берди:

- Уриниб кўраман, Рауф Абдуллаевич!

- Ёшларнинг касал бўлиши энг адолатсиз нарса! - профессор Шерзоднинг елкасига оҳиста туртиб қўйди. - Сиз тузалиб кетишингиз керак. Гавдангизни қаранг!

У Шерзоднинг касаллик варақасини Доктор опага берди-да, Сайфи Соқиевичникини олди. Профессор каравотига бориб ўтириши билан Сайфи Соқиевичнинг юзида яна ўша аянчли ифода пайдо бўлди.

– Меники эски дард, дўхтир, – деди у ғамгин тарзда, – саккиз йилдан буён шу азоб. Жигар шишиб кетади, буйрак оғрийди... Бунинг устига иш кўп. Минг хил одам билан муомала қилиш керак. Лечитса этишгаям вақт йўқ.

– Парво қилманг, – профессор хотиржам овозда Сайфи Соқиевични юпатди. – Универмагнинг савдо-сотиғи директорсиз ҳам ўтаверади!

«Универмагда ишларкан-да». Шерзод шошилмасдан кийинаркан, Сайфи Соқиевич томонга қараб қўйди.

Кейин Доктор опага қараб: «Чиқиб кетсам майлими?» деб имо қилди. Доктор оҳиста бош ирғади. Шерзод каравотини ғирчиллатмасликка ҳаракат қилиб, ўрнидан турди-да, йўлакка чиқди.

4

Шерзод томирига укол қилдиришни ёқтирмасди. Ҳозир ҳам амаллаб чидади. «Аввало касал бўлма. Касал бўлгандан кейин буёғига чидаб бер», – деб ўйлади у Шоира томирига нина санчаётганда.

– Менга унақа қараманг, – деди Шоира шприцдан кўз узмай. Унинг юзига қизил югурди. Сурма тортилган узун-узун киприклари титраб кетди.

– Нега?

– Халақит беряпсиз.

Шерзод дераза томонга қараб олди. Ташқарида куёш чарақлаб ётар, илиқ ҳаводан жони кирган беморлар асфальт хиёбонда кезишарди. Ниҳоят, Шоира нинани суғуриб олиб, ўрнига пахта босди.

– Раҳмат! – Шерзод ўрнидан турди.

– Хафа бўлдингизми? – Шоира шприцни ялтироқ стерилизатор қопқоғига ташларкан, Шерзодга тезгина қараб олди. Шу топда у ҳаммага аямай укол қиладиган дадил ҳамшира эмас, аллақандай ёш қизалоққа ўхшаб қолган эди.

– Нега энди? – деди Шерзод ҳайрон бўлиб.

– Билмасам... Қараманг деганимга-да! – Шоира унга мулойим назар ташлаб қўйди. – Бориб ўн беш минут ётинг. Глюкоза қуйгандан кейин албатта ётиш керак.

Шерзод палата эшигига келди-ю, тўхтаб қолди. Дераза олдида мовий жемпер устидан елкасига оқ халат илиб олган аёл турарди. У каттакон жигарранг сумкасидан патир, яшил кастрюлька, олма, анор олиб дераза токчаларига териб қўйди. Сайфи Соқиевич каравотда ўтириб олганча энгашиб, тумбочкани титкиларди.

Шерзод салом бериб, ичкари кирди. Аёл бурилиб қаради-да, бош ирғаб саломлашди. Унинг ёши ўтиб қолган, аммо қош-кўзидан ёшлигида хушсурат бўлгани кўриниб турарди.

– Танишинглар! – деди Сайфи Соқиевич. – Келинойингиз! Бу киши – Шерзоджон! Мана, ака-ука ётибмиз Худо деб.

Шерзод аёлга яна бир бор бош силкиб қўйди-да, каравотига ўтирди.

– Вой, қандоқ яхши! – аёл негадир кулди. Шунда унинг қатор-қатор тилла тишлари ярақлаб, оғзидан чўғ сачраб кетгандай бўлди. Аввалига Шерзод эътибор бермаган экан. Аёлнинг қулоқларига катта-катта олтин балдоқлар осилган, иккала қўлининг бармоқларига қўша-қўша тилла узуклар тақилган, мовий жемперининг ёқасидан шо-да-шо-да марварид кўриниб турарди. У тишини кўрсатмай турганида сезилмаган экан-у, оғзини очгани ҳамон ҳамма олтинлар қўшилиб, бирдан ловиллаб кетди.

«Тилла конидан чиқиб келганми бу? – деб ўйлади Шерзод кинояли жилмайиб. – Ўзиям тиши элликта эмас, ўттиз иккита бўлганига афсусланса керак!»

– Ўлсин! – деди аёл Сайфи Соқиевичга қараб. – Майдам йўқ экан. Қоровулга бир сўм бердим. Бўлмаса киргизмайман, дейди, кечқурун келасиз, дейди яшшамагур! – У сумкасига яна бир марта қўл суқди-да, газета қоғозига ўроғлик икки бўлак нарса олди. – Икки кийимлик об-келақолдим, – деди Сайфи Соқиевичнинг кўзига куюн-

чаклик билан термилиб. – Ўлар энди, биттасига қилиб, биттаси куруқ қолса яхши бўлмас.

Шерзод газета қиррасидан чиқиб турган атласнинг бир учини кўрди-ю, беихтиёр кўзини олиб қочди.

– Буниси майда тароқ, – деди аёл ҳамон ўша оҳангда. – Манавиниси сариғидан. Ўзингиз билиб берарсиз. Шусиз иш битармиди ҳозир.

«Оббо, олди-берди бошландими? – деб ўйлади Шерзод кўнгли ғашланиб. Индинга саккизинчи март эканини тўсатдан эслади-ю, ҳаммасини тушунди. – Шу ердаям ошир-ошир...»

Сайфи Соқиевич Шерзоднинг ижирғаниб турганини пайқади, шекилли, жеркиб берди:

– Майда гап бўлма, деб минг марта айтдим сенга! – У сумкасини йиғиштираётган хотинига бир лаҳза қараб қолди-да, қовоғини солиб, сўради: – Сирожиддин машинани нима қилди?

– Тузаттиргани обкетди. – Аёл бўшаган сумкани кўтарди. – Ўлсин, кунора пачоқ бўлади бу машина! – у Шерзодга юзланди-да, ҳеч гап бўлмагандек оғзидан олов сачратиб кулди. – Хўп, хайр оповси.

Шерзод индамай бош силкиб қўйди. Эр-хотин чиқиб кетиши билан палата жимжит бўлиб қолди, Шерзод юрагининг яна қаттиқ-қаттиқ ураётганини пайқаб, кўзларини юмди-да, девор томонга қараб олди.

«Индинга саккизинчи март, – деб ўйлади у маъюс. – Одамлар қизиқ. Турли-туман байрамлару туғилган кунлардан шунақа усталик билан фойдаланишадикки, ҳайрон қоласан киши!»

Кўша-қўша узук тақилган қўллари билан кийимлик атласни чангаллаб турган хотин, шу хотинга ҳозир ҳамма иш пулу совға-саломлар билан битади, деб ўргатган Сайфи Соқиевич Шерзоднинг кўз ўнгига келди-ю, икковини ҳам ёмон кўриб кетди.

Палатадаги бўш жойни кун бўйи асраб туришларини Сайфи Соқиевичнинг универмаг директори экани, хо-

тини тиллага беланиб юришию текинга иш битмайди, деб ўйлаши – ҳаммасининг ўртасида қандайдир бирлик бор эди. Шерзод шуларни ўйлади-да, хаёлан ўзига киноя қилди. «Йўқ, биродар! Бу сафар биринчи таассуротинг хато чиқмади. Сайфи Соқиевич билан сенинг қонинг ҳеч қачон қўшилмайди».

Анчадан кейин эшик очилди-да, Сайфи Соқиевичнинг овози келди.

– Туринг, Шерзоджон!

Шерзод секин бурилиб қаради.

– Шундоқ катта ёзувчи экансиз-ку, айтмайсизми?! – деди Сайфи Соқиевич астойдил гина қилиб.

– Бунинг нима аҳамияти бор! – деди Шерзод совуқ оҳангда.

– Жаям фарқи бор-да, ука! – Сайфи Соқиевич Шерзоднинг қўполлигини пайқамагандек унинг каравоти-га келиб ўтирди. – Ёзувчилар-чи, вей, Худо назар солган одамлар бўлади! Ёшлигимда, денг кечалари ухламасдан китоб ўқиб чиқардим. Ҳой, ахмоқ китоб сенга ош билан нон бўлармиди, дейдиган одам йўқ!

– Қанақа китоблар эди? – Шерзод истехзоли кулиб нарироқ сурилди. Сайфиддин ака жойлашиб ўтириб олди-да, қўл силтади.

– Э, кўп эди. «Ўтган кунлар» дейсизми, «Минг бир кеча»ю «Лайли-Мажнун» дейсизми... Ана уларни китоб деса бўлади. Ҳозиргилар унақа ўхшатиб ёзолмайди. Мана, Навоийни олайлик! Ўқиган сайин ўқигинг келади. – У бир зум пешонасини тириштириб ўйлаб қолди-да, кўзларини ярим юмиб ёдаки ўқиди:

Осмонда бир хўкиз – номимиш Парвин,

Бириси қуйида кўтарар замин.

Кўзингни катта оч, қўшхўкиз аро

Кўриб қўй, қанчалаб эшак юрганин.

– Ана ақл, ана заковот! – деди у бош чайқаб. – Навоий деб бекорга айтмаган-да!

Шерзод беихтиёр кулиб юборди.

– Навоий деб бекорга айтмагани тўғри-ку, лекин бу гапларни Умар Хайём ёзган-да!

– Қаранг! – Сайфи Соқиевич парво қилмай Шерзоднинг елкасига қоқди. – Дунёда эшакмижоз одамлар тикилиб ётганини ўша пиёнистаям билган экан-да. Аммо боплаган, қизталоқ! Ана ўша Умар Хайёмлар ҳам Худо назар солган бандаси бўлган-да!

– Умар Хайём одамзодни яхши кўргани учун шоир бўлган. – Шерзод қадини ростлади.

Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,
Яхшидир ер юзин қилгандан обод!
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,
Афзалдир юз қулни қилгандан озод.

Бу гапларниям Умар Хайём ёзган, Сайфиддин ака!

Сайфи Соқиевич орзумандлик билан бош чайқади.

– Оббо, қизталоғ-ей! Боплаганини қаранг. Ипга тизгандек ёзади-я! Шунинг учун ўқимишли одамларни яхши кўраман-да! Ўзимиз институтни амаллаб битирган бўлсак ҳам...

– Қайси институтни? – сўради Шерзод унинг гапини бўлиб.

– Савдо институтини-да! – Сайфи Соқиевич бепарво қўл силтади. – Бизнинг ўқиш нима бўларди, йўлини қилиб битирдик-да.

«Яъни пул тикиб», – ўйлади Шерзод унинг гапини аниқлаштириб.

– Ўзимиз амаллаб ўқиган бўлсак ҳам, илмнинг қадрига етамиз, ука. Бизнинг ўғил ҳам аспирантурани битирган, яқинда кандидат бўлади. Ёшлигидан тарихга қизиқарди ўзи. Менам айтаман, ҳой бола, кўзингни оч, кечаги кунни билмай туриб, ўлсанг ҳам эртани билолмайсан, дейман. Гапим маъқулми, а, лаббай?

«Бало-ку! – Шерзод унга диққат билан тикилиб қолди. – Амаллаб ўқиганми, бошқами, бари бир балони билади!»

Сайфи Соқиевич Шерзоднинг эътибор билан тинглаётганини дарров сизди. Жиддий қиёфада давом этди:

– Одамнинг ёши ўтган сайин янгиликни ёқтирмай қолади. Биз ёшлигимизда ундоқ қилганмиз, бундоқ қилганмиз деб кариллаб юраверади. Ҳаммаси бекор гап. Кечаги кун билан бугунги кунни қўшмасангиз, четга чиқиб қоласиз. Мана сиз! – у Шерзоднинг кўзига тик қаради. – «Ялла» ансамблини яхши кўрасизми?

Шерзод унинг гапни қаёққа бураётганини тушунмади. Аммо ростини айтди.

– Албатта!

– Отангизга раҳмат! – Сайфи Соқиевич унинг елкасига қоқди. – Мен тенги одамлар ёмон кўради. Нега деганда, ашулачиси ликиллаб турармиш! Бекор гап! Лична мен ўша болаларни яхши кўраман. Қадимги «Яллама ёрим»ни бугунга мослаб айтади.

«Ҳечам саводсиз эмас. Бало бу одам!» деб ўйлади Шерзод ҳамон ундан кўз узмай.

– Қолаверса, – Сайфи Соқиевич илдам ўрнидан турди, – мен концертга фақат томоша кўриш учун бормайман. Одамларнинг дидини, юриш-туришини билиш учун тушаман. Мана шунисиям савдо оборотига киради. Ана шунақа гаплар! Биззиям анойи деманг, ука!

«Гап бу ёқда экан-да! – Шерзод ичида унга яна тан берди. – Бундан чиқди, концерт кўриш ҳам савдо обороти учун. Анойи эмас...»

Сайфи Соқиевич ўз каравоти олдига борди-да, кўзларини йилтиратиб Шерзодга тикилди.

– Мана, насибамиз қўшилган экан, битта палатага тушиб қопмиз. Худо хоҳласа, бу ёқдан чиққандан кейин ҳам ака-ука бўлиб қоламиз. Чилонзордан пастрокда Мевазор деган жой бор. Ўша ерга бориб Сайфиддин аканинг уйи қайси, десангиз, етти яшардан етмиш яшаргача – ҳамма танийди. Участкани катта қилиб юборган эканмиз, театр Навоий бўп кетди ўзиям! – У ўзининг уйи катталигидан қувонгандек яна мамнун жилмайди.

«Мевазорда бўлса қўшни эканмиз-да», деб ўйлади Шерзод унга синчковлик билан қараб. Аммо индамади.

– Қани, ўтиринг, ука, бир мантихўрлик қилайлик! – Сайфи Соқиевич тумбочка устидаги кастрюльканинг қопқоғини кўтарган эди, мурч иси гуркираб кетди.

Шерзоднинг кўз ўнгида олтин тўла бармоқлари билан хамир қораётган бояги хотин пайдо бўлди-ю, иштаҳаси бўғилди.

– Раҳмат, – деди ўрнидан туриб. – Хамир овқатга ҳушим йўқроқ.

Шерзод йўлакка чиқди-да, ошхона томонга бурилди.

5

Вақти-соати етганда одамнинг туғилиши оддий бир нарса кўринади-ю, ўлим ҳар доим ғайритабиий ҳодиса бўлиб туюлади. Аслида, одамнинг ўлиши ҳам ҳеч гап эмас экан. Шерзод буни шу кун билди.

У ошхонага кириб келганида нонушта охирлаб қолган, кўп беморлар овқатланиб бўлишган эди. Столлар устида овқатдан бўшаган идиш-товоқлар турар, дераза олдидаги столда уч аёл ўтирар, яна бир бемор туйнук олдида туриб, овқат оларди.

Шерзод уни узоқдан таниди. Бу – уч кун илгари йўлакдан палатага олинган ўша муштдеккина гавдали чол эди. Шерзод унинг ўн тўққизинчи палатага жойлашганини билар, кеча уни кириб кўрган эди.

– Тузукмисиз, ота? – деди Шерзод яқин келиб.

Чол Шерзодга бурилиб қаради-да, кулимсиради.

– Шукур, ўғлим. Тузукман. Докторлар туриб юришга рухсат беришди, – деди тетик оҳангда. Чол яп-янги дўппи кийиб олган, чўққи соқолини текислатгани учунми, юзига анча ранг кириб қолганга ўхшар, кўзлари тийрак боқар эди. Шерзод унинг анча тузалиб қолганидан қувонди.

– Йўталигингиз ҳам қолдимми?

- Шукур, болам. - Чол туйнукдан ошпаз узатган тарелкани оларкан, Шерзодга мамнун қараб қўйди. - Бинойидек бўп қолдим. Юринг, бирга овқатланамиз.

- Бўпти! - Шерзод чол кетиши билан туйнукка рўпара бўлди.

- Келдингми, азамат?! - деди семиз ошпаз - рус кампир дилкашлик билан сенсираб. - Бугун сенга ширгуручнинг энг мазали жойидан обқўйдим.

- Раҳмат, Маша хола! - Шерзод ҳам дилкашлик билан шанғиллади. - Сарёғини икки ҳисса берсангиз ҳам йўқ демайман.

- Сендан сариёғ у ёқда турсин, қизимни ҳам аямайман! - ошпаз кампир ширгуруч тўла тарелкани туйнукдан узатди.

- Йўқлиги учун айтяпсиз-да, қизингиз бўлса, ноз қилардингиз, - деди Шерзод туйнукдан узоқлашаркан хушчақчақ оҳангда.

У тарелкасини олиб чол ўтирган столнинг бир чеккасига жойлашди-да, энди ўртадаги нонга қўл узатган эди, тўсатдан чолнинг қошиғи стол тагига тарақлаб тушди. Шерзод беихтиёр чолга қаради. Чолнинг ранги докадек оқариб кетган, кўзлари олайиб, боши орқа томонга оғиб борарди. У шу лаҳзадаёқ ўтирган стули билан чалқанча йиқила бошлади. Шерзод сакраб туриб, унинг елкасидан ушлаб қолди. Чолнинг бошидаги янги чуст дўпписи бир чеккага учиб кетди. Дераза олдида ўтирган аёллар чинқириб юборишди.

Зум ўтмай шприц кўтарган Шоира, унинг кетидан кўзойнакли бўлим мудирини югуриб кирди. Шоира титроқ қўллари билан чолнинг билагига укол қиларкан, Шерзодни туртди:

- Қочинг! Кетинг! Қўрқасиз.

Аммо Шерзод кўрқашга ҳам улгурмади. Кўзойнакли бўлим мудирини чолнинг томирини ушлаб кўрди-да, иккинчи шприцни тайёрлаётган Шоирага қараб бош чайқади.

– Ҳожати йўқ. Ундан кўра мархумнинг уйидагиларга хабар қилишсин.

Шерзод сесканиб, чолга қаради. У бошини орқага, стул суянчиғига ташлаганча ётар, кўзлари очиқ турар, худди шифтда ўрмалаб юрган бир нарсани томоша қилиб ўтирганга ўхшарди. Ерда эса унинг янги чуст дўпписи тўнтарилиб ётар эди.

– Кетинг! – деди Шоира Шерзодни яна туртиб. Унинг икки кўзи жиққа ёш эди. Шерзод бу аёл ўлимларни кўравериб, кўзи пишиб кетган бўлса керак, деб ўйлаган эди. Шоиранинг ҳозирги ҳолатини кўриб ҳайрон қолди-ю, бирдан ўзининг кўзига ҳам ёш қуюлиб келди.

«Бу одам дунёга келиб нима кўрдийкин? Ақлини танигандан буён ишлаган, бола-чақа қилган, уларни боқман деб, тиним билмаган. Мана, энди кетди. Ҳаммаси тамом бўлди. Ҳозиргина у бор эди. Энди йўқ. Ҳаммаси бир киприк қоққулик фурсатда ўтиб кетди. Туғилишию эсини таниши, қувонч-ташвишларию ўлими... Қизик, одамнинг умри шунча қисқа-ю, типирчилаши оламни тутади. Гўё дунёга устун бўладигандек...».

Шерзод йўлақдан секин-секин ўтиб бораркан, вужудини теран бир хотиржамлик эгаллаган эди. «Ҳаётингдан нолисанг, гўристонни зиёрат қил» деган гапда ҳикмат кўп.

6

«Табиат ҳам қизик, – деб ўйлади Шерзод вестибюлнинг ойнаванд эшиги олдида тураркан. – Хотинларнинг байрамида бир тегажоғлик қилмаса, кўнгли жойига тушмайди. Ҳар йили саккизинчи мартда ё қор ёғади, ё ёмғир».

Бугун ҳам тонг-саҳардан ёмғир қуя бошлади. Ҳавонинг авзойига қараганда ҳали-вери тинадиганга ўхшамасди, аммо бу еру кўкни толиқтирадиган эзма ёмғир эмас, кўклам нафасининг қанотига осилиб келган майин, илиқ томчилар эди.

Шерзод эшикка елкасини тираганча ҳовлини томоша қиларди. Ёмғир тинимсиз шовиллар, цементи кўчган зинанинг шундоққина ёнидаги занг босган тунука тарновдан лойқа сув отилиб чиқар, асфальт йўлкада иланг-биланг сарғиш из қолдириб, нарироқдаги ариқчага қуйилар, шиддатли оқимга қўшилиб кетарди.

Ариқча қирғоқларида эндигина оламга келиб, кўз очган майсалар атрофида рўй бераётган воқеаларга ҳайратланиб тикилади. Хиёбон четидаги терак шохлари баҳор ёмғирининг жонбахш куйига маст бўлиб, мулойим чайқалади. Намхуш ҳавода қиш уйқусини тарк этган тупроқнинг майин иси оҳиста қанот қоқади.

Оқ халатини бошига ёпиниб олган бир аёл йўлақдан югуриб нариги корпус томонга ўтди. Қалин платформа пошнalarининг шипиллаган товуши бир лаҳзада тиниб, ёмғирнинг аллаловчи оҳангига сингиб кетди. Шерзод бир зум иккиланиб турди-да, пахмоқ халатига яхшилаб ўраниб олганича тез-тез юриб зинадан тушди. Шу онда ёқ сочлари орасига ёмғир томчилари сизиб кираётганини сезди.

У сув сачратмаслик учун эҳтиётлаб қадам ташлар, шу топда палаталардан ўзига турли-туман одамлар тикилиб турганини ҳис этарди. «Бунақа пайтда одам дераза олдига келиб ташқарини томоша қилишни яхши кўради, – деб ўйлади у, атайлаб секин юриб бораркан. – Демак, мениям томоша қилишяпти. Ичларида масхара қилиб кулишаётган бўлса керак». У темир панжарали дарвоза олдига етгунча елкалари жиққа хўл бўлиб кетди. Қоровулхонадан ўтиб ташқарига чиқди. Ҳамма ёмғирдан қочган бўлса керак, кўчада йўловчилар сийрак, аммо машиналар тўхтовсиз ўтиб турар, ғилдираклар асфальт йўлда тинимсиз шариллар, кўча юзида симёғочлар акси ялтираб кўринарди.

Шерзод йигирма қадамча наридаги бозорча томонга юрди. Чамаси, касалхона яқинидаги бу бозорча ўзидан ўзи пайдо бўлган, кейинчалик бир қатор раста қурилиб,

устига рангдор пластмасса шифер ёпиб кўйилган эди. Бу ер эрталаблари гавжум бўлар, беморлар қатиқми, қаймоқми, олмами, хуллас, кўнгиллари тусаган бирон нарсани харид қилар эдилар. Ҳозир вақт пешиндан оққани учунми бозорчада одам сийрак эди. Ҳар доим олма сотадиган сийрак соқолли чол бир чеккада мудрар, нарироқда бахмал нимча кийган хотин олдига бир даста редиска кўйиб ўтирарди.

«Дарров редиска катта бўп қопти», – деб ўйлади Шерзод раста олдига келиб. Растанинг нариги четида тивит рўмол ўраган кампир ўтирар, унинг олдида ичига яримлатиб сув солинган алюмин товоқчада ихчам қилиб боғланган бинафшалар яшнаб турарди. Шерзод худди шунинг учун бу ерга келганди.

У илдам борди-да, танлаб-танлаб икки боғ бинафшани тоғорачадан олди. Бинафшанинг соч толасидек нозик, оқиш бандларидан сув томчилаб турарди. Шерзод чечакларни димоғига яқин келтириши билан баҳор исидан қалби ҳаяжонга тўлиб, боши айланиб кетгандек бўлди. Ҳар йили у бинафша ҳидлаганида болалигини, қишлоқ чеккасидан оқиб ўтадиган Тиниқсой бўйларидан бинафша терган дамларини эслар эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Бинафшанинг майин иси илк баҳор каби тиниқ, сокин кунларни эслатди-ю, беихтиёр жилмайди. Тивит рўмол ўраган кампирга пул берди-да, бозорчанинг тими остидан чиқди. Яна сочлари орасига илиқ томчилар сизиб кира бошлади.

Энди у тез-тез юриб қоровулхонадан ўтди. Касалхона йўлагига кирди. «Манипуляционная» деган эшикни қия очиб қаради. Шоира йўқ, дераза олдида оқ мато ёпилган стол устида стерилизатор биқиллаб қайнар, зичлаб беркитилган қопқоғи остидан буғ чиқиб, дераза ойнасининг бир кўзи хира тортиб қолган эди. Шерзод секин ичкари кирди, бинафшанинг бир боғламини стол устига, стерилизатордан анча берига кўйди. Кейин худди ўринсиз иш қилгандек тез-тез юриб чиқиб кетди.

Энди Доктор опани қутлаш қолганди.

«Нима деб кираман, – деб ўйлади у врачлар кабинетининг эшиги олдида тўхтаб. – Сизга бинафша олиб келдим дейманми?».

Шерзод бир зум иккиланиб турди-да, таваккал қилиб эшикни силтаб тортиди. Девор остидаги диванда Доктор опа ўтирар, берироқда эса башанг кийинган, жингалак сариқ сочли йигит турарди. «Врачлардан бирортаси бўлса керак», – деб ўйлади Шерзод унга қараб. Хона ўртасида чўғдай қилиб кийинтириб қўйилган болакай «ғоз-ғоз» турар, бу рус йигитнинг ўғилчаси бўлса керак, унинг ҳам сочлари сариқ, кўнғироқ-кўнғироқ бўлиб чаккасига тушган, мовий кўзлари порлаб турарди. Эшик очилиши билан болакай ёнбоши билан бурилиб қаради-да, қизил ботинкачасини тап-туп босиб, шу томонга икки-уч қадам қўйди. Аммо эшикка етмай ўтириб қолди. Доктор опа билан рус йигит қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди. Йигит илдам келиб болани кўтариб олди.

Шерзод ҳам беихтиёр жилмайиб, ичкари кирди. Ийманиб, бинафшани узатди. Доктор опа бинафшани оҳиста ҳидлади-да, кўзларида ҳаяжон билан Шерзодга тикилди.

– Раҳмат, – деди секингина. – Бинафшани жуда яхши кўраман.

Болакай дадасининг кўлидан тушиш учун ҳадеб чинқириб, оёқчасини типиллатар эди. Шерзод унинг ҳаракатларидан завқланиб, яна жилмайиб қўйди-да, секин йўлакка чиқди.

У энди ўз палатасига бурилган эди, йўлак бошида баланд овоз янгради.

– Ёзувчиларга алангали салом!

Шерзод овоз эгасини таниди-ю, қувончдан энтикиб кетди. «Абдувоҳид!» деди у йўлакдан югуриб бораркан пичирлаб. Вестибюл эшиги олдида сариқ плаш кийган, шапкасини бостириб олган Абдувоҳид кучоқ очиб турар, чамаси, ичкарига отилиб киргиси келарди-ю, халати йўқлиги учун ботинолмасди. Шерзод бу йигит билан би-

ринчи курсда – пахта теримига ҳашарга боришганидаёқ дўстлашиб қолган, Абдувоҳид тошкентлик бўлгани учун уларникига кўп борган, унинг кекса онаси Шерзодни «қиёматлик ўғлим», дер эди. Ўқишни битиргандан кейин икковлари бир жойда ишлайдиган бўлишганда ўзларидан кўра кўпроқ шу кекса аёл қувонган эди.

Шерзод югуриб борди-ю, Абдувоҳидни даст кўтариб олди. Абдувоҳиднинг ихчам гавдаси ҳавода муаллақ осилиб қолган, кўзлари кулгидан қисилиб кетган, ундан ёмғир ҳиди анқиб турарди.

– Қўйвор, овсар, белни синдирдинг-ку, – деди кучаниб.
– Ким айтади сени касал деб?

Шерзод дўстининг юзи зўриққанидан қизариб кетганини кўриб, секин ерга қўйди.

– Ҳечам касалга ўхшамайсан-ку! – Абдувоҳид бир қадам орқага чекиниб уни бошдан-оёқ кузатиб чиқди. – Қандоқ қилиб бу ерга тушиб қолдинг?

– Ҳайронман, – Шерзод кулди. – Обкелиб тиқиб қўйишди.

Шерзод вестибюлда одамлар гавжумлигини, босинки говир-ғувур авжига чиққанини энди пайқади. Деворларига пашшага қарши кураш чораларию эски афишалар илиб ташланган мана шу вестибюл ҳар кун кечкурун гавжум бўлиб кетарди. Ҳозир ҳам беморлар оғизларига ёқар овқат олиб келган яқин кишилари билан чекка-чеккада суҳбатлашиб ўтиришарди. Шерзод Абдувоҳидни бурчакдаги скамейкага бошлади.

– Бу ёққа тушганингни нега хабар қилмадинг? – деди Абдувоҳид Шерзоднинг кўзига тик қараб. – Қидирмаган жойим қолмади-ку!

Унинг хиёл қисикроқ кўзлари жиддий боқар, овозида қатъият бор эди.

Шерзод унинг елкалари осилиб ётган ҳўл плашига, билинар-билимас сийрак соқол ўсган ингичка иягига, асабийлик билан чимирилган қошига қараб тураркан, ўзини айбдор ҳис этди. «Бир оғиз кўнғироқ қилиб қўй-

санг, асаканг кетармиди?! – деди хаёлан ўзини койиб. – Дўстинг бўлганидан кейин ранжийди-да».

– Мотоциклда келдингми? – деди.

Абдувоҳид бултур «Ява» мотоцикли сотиб олган, ундан ора-чора Шерзод ҳам фойдаланиб турарди.

Абдувоҳид кулиб юборди.

– Бу гапнинг у гапга нима дахли бор, овсар! Мотоцикл минсанг, тузалиб қолармидинг?

– Кўриб турибсан-ку, отдайман! – Шерзод қўлларини ёзди. – Таҳририятда нима янгиликлар?

– Тинчлик, – Абдувоҳид плашининг этагини қайириб, шимининг чўнтагидан сигарет олди. Намиққан сигаретни лабига қистирди. Гугурт чизай деб турган жойида бирдан тўхтаб қолди. – Бу ерда чекиш мумкинмас-а! – деди сигаретни қайтиб жойига соларкан. У бир зум жимиб қолди-да, ишхонадаги янгиликни айтди. – Муҳаррир сени уч-тўрт марта йўқлади.

Шерзод муҳаррир ўзига кўпинча жиддий иш топширишини билар эди. «Яна, нима гап экан!» деб ўйлади Абдувоҳиддан кўз узмай.

– Негалигини айтмадимми?

– Бир шикоят келган. Фельетонбоп хат.

– Мен фельетон ёзмайман! Муҳаррирга айтиб қўй, – деди Шерзод кескин оҳангда. – Бошқа одамга топшираверсин.

У чиндан ҳам фельетон ёзмаган, бундан кейин ҳам ёзмоқчи эмасди. «Ўнта фельетондан битта ҳикоя ёзган яхши», дерди у.

– Шикоят сенинг қишлоғингдан келган, – деди Абдувоҳид ўйланиб.

– Нима қипти? Бу ёғини сўрасанг, ҳали театр масаласидаги ишим ҳам чала ётибди.

У нима учун одамлар театрга қизиқмай қўйганини кўпдан буён ўйлаб юрар, шу масалани синчиклаб ўрганмоқчи эди. Бу борада Абдувоҳид билан кўп бор маслаҳатлашганди.

- Ўзинг биласан, - Абдувоҳид қўл силтади. - Эртага ойим келмоқчилар, - деди у анчадан кейин. - Нима олиб келсинлар?

Шерзод унинг кўзига қараб қўйди-да елкасига мушт туширди.

- Сени етаклаб келсалар бўлди. Валақлашиб ўтирамиз!

- Айиққа ўхшайсан-а, - деди Абдувоҳид елкасини ишқар экан, афтини бужмайтириб. - Тагин бу касалмиш.

Икковлари бир-бирига қараб шодон кулиб юборишди. Бу - ўша талабалик дамларидаги сингари беғубор кулги эди.

7

У ғира-шира қоронғилик чўккан йўлдан бораётганмиш. Кунботар палласими, тонготарми, хуллас, шунақа ғира-шира пайт эмиш. Йўлнинг икки томони қалин чакалакзормиш. Бу жойлардан қачондир ўтганмиш-у, қаерда кетаётганини бари бир эслай олмасмиш. Олдинда - чакалакзор ичкарисида бирдан Абдувоҳид пайдо бўпти. У майкачан бўлиб олганмиш. Бошида яп-янги чуст дўпписи бормиш. «Абдувоҳид қачон сочини олдирибди, дўппи киймасди, шекилли», деб ўйлармиш Шерзод ҳайрон бўлиб. У дўстини чақирса, овози чиқмасмиш. Кетидан югурмоқчи бўлган экан, оёқлари юрмай қолибди. Шу пайт Абдувоҳид тўсатдан чуст дўппи кийган чолга айланиб қолибди. Бир зум тўхтабди-да, боши ўзидан-ўзи бир ёққа оғиб, кўзлари олайиб кетибди. Чуст дўпписи бошидан учиб ерга тушибди.

«Туш кўряпман-ку, туш, - деб ўйлади Шерзод ўзини юпатиб. - Тушдан ҳам кўрқадими одам».

Энди у палатада ётганини, ҳозир ҳаммаси ўтиб кетишини билар, аммо ҳамон оёқ-қўлини қимирлата олмасди. Нар иборса бир неча сония давом этган мана шу ҳолат уни айниқса қийноққа солди.

Киши уйғонса, эс-хуши жойида бўлса-ю, қимирлай олмаса, бундан ортиқ азоб йўқ экан. Ниҳоят, у ёнбошига ағдарилди. Чуқур-чуқур нафас олди. Пешонасидан чиққан совуқ терни артди-да, ётган жойида чўзилиб тумбочка устидаги чойнакнинг жўмрагидан совуқ чой ичди. Палата нимқоронғи, эшик тепасидаги ойнадан йўлакдаги чироқнинг шуъласи тушиб турарди. Каравотнинг никель кифти ялтирар, ташқарида шамол гувиллар эди. Сайфи Соқиевич оқ ғилоф қопланган аёлни елкасига тортганча хотиржам ухлар, оғзи очилиб қолган эди.

«Менга нима бўлди? – деди Шерзод пичирлаб. – Яна тормозланиш бўляпти, шекилли». Шерзод илгари ҳам шундай хушсиз аҳволга тушган эди. Қайси куни Рауф Абдуллаевич яна кирганда Шерзод шуни айтиб берди. «Кўркманг, – деди ўшанда профессор Шерзодни юпатиб. – Бу мия чарчашидан бўлади. Киши ухлаётганида мия тормозланади. Уйғонганда ҳамма нуқталар яна ишга тушиб кетади. Баъзи тугунчаларнинг тормозланиш реакцияси сал чўзилиши мумкин. Шунда киши бир муддат ҳаракатланмай қолади. Уйламанг...»

«Одам ўйламаса калла нимага берилган, – Шерзод каравотни ғирчиллатиб чалқанча ётиб олди. – Бирон дақиқа ўйламай туриш мумкинми?»

Ёмон тушдан хира нарса йўқ. Ширин туш кўраётганда уйғониб кетсангиз, ҳарчанд уринган билан давомини кўролмаимиз. Кўрқинчли туш бўлса ўзингизни чалғитишга минг уринганингиз билан қайтарилаверади. Шерзод Сайфи Соқиевичнинг тумбочка устида турган мошранг дўпписини кўрди-ю, тагин ўша мархум чолнинг чуст дўпписи ҳаёлидан нари кетмай қолди.

У кўзларини юмган эди, назарида яна ўша чол пайдо бўлди. Ўшанда Шоира уни ҳайдагани бежиз эмас экан-да! «Ухлаш керак! Ҳали уйқу дори сўрасам бўларкан. Қизиқ, бугун ким навбатчи экан? Ким бўлсаям шу пайтда безовта қилиш яхшимас».

Шерзод ётган жойида дераза томон қараб қўйди. Ташқарида ҳамон шамол гувиллар, ҳаво очилиб кетган, тўлишиб қолган ой деразадан мўралаб турар, новдаларида ғунчалари бўртиб турган ўрик шохлари қаттиқ силкинар эди. У деразадан кўз узиб, яна Сайфи Соқиевич ётган томонга қаради.

Шерзод уни ҳеч қачон бошяланг кўрмаган эди. Ҳозир унинг текис қиртишланган боши икки хил рангда эканини пайқайди. Пешонасининг усти қизғиш, тепаси – дўппи остида қоладиган қисми эса оппоқ гардиш бўлиб қолганди. «Карамга ўхшайди! – деб ўйлади Шерзод мийиғида кулиб. – Зах жойида узоқ ётган карамнинг ерга тегиб турган бўлаги шунақа оқариб қолади. – Шерзод ўзининг хаёлига келган фикрдан ўзи кулиб қўйди. – Ҳикояга яхши детал бўларкан».

У Сайфи Соқиевичнинг лаблари жуда қалин эканини энди пайқайди. Сайфи Соқиевич ҳамон чалқанча ётар, чуқур-чуқур нафас олар, терлаб кетган эди. Шерзод бундан атиги бир неча соат олдин бўлиб ўтган воқеани эслади...

Шерзод кечқурун касалхона ҳовлисини айланиб палатага қайтди-ю, ўзининг каравотида ўтирган йигитга кўзи тушди. Йигит қора костюми устидан халат ёпиниб олган, туғуни катта гулдор галстук тақиб, ялтироқ қора туфлили оёғини чалиштириганча Шерзоднинг каравотида бемалол ўтирарди. Сарғиш плашни икки буклаб Шерзоднинг каравотига ташлаб қўйганди.

Ўзининг ўрнида ёнбошлаб ётган Сайфи Соқиевич Шерзод кириши билан йигитни таништирди:

– Мана, мулла Сирожиддин ҳам келдилар.

Сирожиддин кескин кўзғалиб ўрнидан турди. Шерзоднинг кафтини ингичка, аммо чайир бармоқлари орасига олиб қисаркан, кулиб қўйди:

– Сизнинг китобингизни ўқиганман.

Шерзод, қайси бирини, деб сўраб ўтирмади.

– Тузалиб қолдингизми? – деди Сирожиддин дилкашлик билан.

У отасига жуда ўхшарди. Думалоқ юзи ҳам, қалин лаблари, эрта сийраклашган сочлари ҳам худди дадасининг ўзи эди. Фақат кўзлари бошқачароқ. Унинг кўкиш кулранг кўзлари қув табассум аралаш эҳтиёткорлик билан боқарди.

- Раҳмат! – деди Шерзод унга қаттиқ тикилиб.

- Бизнинг бобой зериктириб қўймаптиларми сизни? – деди Сирожиддин отаси томонга имо қилиб. – Аммо гаплашсангиз, кўп ҳаётгий деталлар ўрганасиз. Бобойда гап кўп.

Шерзод ўз онасини «кампир», отасини «бобой» деб атайдиган одамларни ёмон кўрар, бориб турган ҳурматсизлик, деб биларди.

- Тарихчимисиз? – деди «бобой» ҳақидаги гапни тўхтатиш учун.

- Аспирантура битган. Энди ишимни муҳокамага қўймоқчиман, – деди Сирожиддин дарров жиддий тортиб. Кейин отасига қаради-да, қўшиб қўйди. – Домламга учрашмоқчи эдим. Машинада келинг деганлар.

- Боравер, ўғлим, боравер, – Сайфи Соқиевич ўрнидан турди. – Домлангга салом айтиб қўй.

- Домла ўзлариям келиб қолсалар керак, кеча бирга борамиз, деган эдилар.

- Овора бўлмасин, менинг ундан гинам йўқ, иши кўп одам, – деди Сайфи Соқиевич юпатувчан оҳангда.

- Хайр! – Сирожиддин Шерзоднинг қўлини чайир бармоқлари билан маҳкам қисди-да, эшикни очди. У туфлисига нағал қоқтирган бўлса керак, йўлакда қадам товушлари анчагача қаттиқ қарсиллаб эшитилиб турди.

«Дадасига ўхшаркан, – деб ўйлади Шерзод Сайфи Соқиевичга қараб. – Пухтагина йигит кўринади». У девор томонга ағдарилиб ётди. «Ухлаш керак, – деди у яна пичирлаб. – Одам учун уйқусизликдан ортиқ азоб бўлмаса керак». Илгарилари биров ухлолмадим деса, Шерзод хайрон қоларди. Ўзи кечалари алла-паллагача ёзиб ўтирар, ҳар кеча қирқ-эллик саҳифа ёзган пайтлари ҳам

бўларди. Кейин эса ўрнига ётарди-ю, донг қотиб ухлаб қоларди. Тонг-саҳарда яна одатдагидек туриб кетар, ҳеч нима бўлмагандек ишига бораверарди.

Ҳозир у шуларни ўйларкан, яна фикри чалғиб, боши ғувиллай бошлади. У кўзларини чирт юмди-да, ташқарида ғувиллаётган шамолга кулоқ солди. Шу топда бутун табиат жим қолиб, шамол товушини эшитаётганга ўхшарди. Бора-бора Шерзодни уйқу элита бошлади. Худди шу пайт эшик ғийқиллаб очилгандай бўлди.

Шерзод яна кўзини очса, уйқуси ўчиб кетишидан чўчиб, индамай ётаверди. Аммо эшик янаям катта очилди, шекилли, унинг кўзига чироқ нури тушди. Хонада атир ҳиди гуркираб кетгандай бўлди. Шерзод беихтиёр бошини кўтарди. Қия очиқ эшик олдида Шоира турарди. У халатининг тугмаларини чала ўтказган, ёқаси остида пуштиранг ич кўйлагининг нафис гажими кўриниб турар, доим турмаклаб юрадиган сочларини ташлаб юборган эди.

«Бугун ҳам у навбатчи экан-да!» – деб ўйлади Шерзод негадир қувониб. Шоира «жим» дегандек, кўрсаткич бармоғини лабига босди-да, оҳиста ичкари кирди. Шерзод беихтиёр қаддини ростлаб ёстиққа суюнганча ўтириб олди. Шоира силлиқ оёқларига кийиб олган юмшоқ шиппагини унсиз босиб яқин келди-да, Шерзоднинг тумбочкаси олдидаги стулга ўтирди. Нафис атир иси Шерзоднинг димоғини қитиқлади.

– Нега ухламаяпсиз? – деди Шоира шивирлаб.

– Билмадим, – деди Шерзод ҳам паст овозда. – Уйқум ўчиб кетди.

– Менга қарашиб юбормайсизми? – Шоира яна ўша сирли тарзда шивирлади.

– Майли!

Шерзод йўлакка чиқиб палата эшигини ёпиши билан Шоира деворга суюнганича елкалари силкиниб, пиқиллаб кулиб юборди. Шерзод ҳайрон бўлиб тўхтаб қолди.

– Нега куласиз?

– Қизиқсиз, – деди Шоира кулишдан тўхтаб. Унинг чиройли кўзлари ёшланиб кетганди. – Ҳеч бўлмаса, нима ишлигиниям сўрамайсиз.

«Одамни жинни қилади бу!» деб ўйлади Шерзод ўзининг аҳволидан ўзи кулиб.

– Ёстиққа кислород тўлдириб келиш керак, – Шоира энди жиддий қиёфада пичирлади. – Борасизми? Битта ўзим кўрқяпман.

– Хўп, – деди Шерзод қовоғини солиб.

Шоира унинг тумшайиб олганини пайқади, шекилли, яна жилмайди.

– Кетдик!

Йўлак ёруғ, линолиум пол ярақлаб турар, палаталардан беморларнинг хуррак товуши, инграгани эшитиларди.

Вестибюлдан ўтиб чап томондаги нимқоронғи йўлакка бурилдилар. Шоира олдинда тез-тез юриб борарди. Шерзод унинг силлиқ, дўмбоқ оёқларини кўриб келарди. Улар йўлакнинг охиридаги пастак эшик олдига етдилар. Шерзод берироқда тўхтаб кутиб турди. Шоира эшикка калит солиб очди-да, ичкари кирди. Шерзод унинг чироқни ёқишини кутиб пойлаб турди. Аммо у ҳадеганда чироқни ёқмас эди. Ниҳоят, ичкаридан унинг овози эшитилди.

– Кираверинг.

Шерзод худди сеҳрлангандай эшикдан кирди-ю, Шоиранинг рўпарасида тўхтаб қолди. Шоира нимқоронғи хонанинг ўртасида турар, халатининг кўкси янаям очилиб кетган, кўзларида ўт ёнарди.

– Мен хурсанд бўлдим, – деди у ҳаяжонли товушда.

Шерзод тушунмади.

– Нимага?

Шоира жилмайди.

– Нимага бўларди, бинафшага. – Охирги сўзини у алланечук эркаланиб, таъкидлаб айтди. – Биласизми, менга ҳеч ким бинафша совға қилмаган эди. Гул беришган-у, аммо бинафша ҳадя қилишмаган.

Шоира жимиб қолди. Шерзод сукунат чўккан хонада унинг энтикиб нафас олаётганини эшитиб турарди. Ўзининг ҳам юраги гурсиллаб кетди-ю, беихтиёр бир қадам юрди. Шу ондаёқ Шоиранинг титроқ қўллари бўйнига чирмашганини, қайноқ лаблари лабини ёндириб юборганини сизди. Унинг ёйилиб кетган сочлари Шерзоднинг юзига тегиб қитиқлар, у алланечук бегона, аммо нафис бир исдан маст бўлиб қолганга ўхшарди.

– Сиз бепарвосиз, – деди Шоира қаттиқ пичирлаб. – Ҳеч нимани билмайсиз.

Шерзод эсанкираб қолди. У Шоиранинг таранг, бўлиқ кўкраклари кўксига ёпишганини сезиб турар, аммо гапиролмасди. У боши айлангандек бир зум гарангсиб турди-да, энтикиб Шоирани бағрига босди.

Шоира кушетка устига оҳиста чўкди. Шерзод ҳам беихтиёр унинг ёнига ўтирди.

– Билмадим, нимагадир сизни кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим. – Шоира ерга қараб яна пичирлади. – Ҳар доим ўйлайман.

«Сен-чи? – Шерзоднинг хаёлига шу бемаъни ўй келди-ю, бирдан кўнглига ғашлик чўкди. – Сен ҳам ўйлайсанми уни?! Бўлмаса нима қиласан лўттибозлик қилиб!»

– Шоирахон, мен... – у тугилиб қолди. Шоирани ўзидан беозор нари сураркан, кўшиб кўйди. – Эрингиз...

Шоира бир лаҳза ҳайрон бўлгандек унга тикилиб қолди. Кейин тўсатдан қаддини ростлади.

– Эрим йўқ! – Унинг кўзларида нафратли олов ёниб кетди. – Ўлган!

Шерзод туйғуси ҳақоратланган аёлгина шундай хитоб қилиши мумкинлигини тушунди-ю, ўзининг бемаъни аҳволга тушиб қолганидан ғаши келди.

– Мен сизни... – у беихтиёр Шоиранинг сочларини силлаш учун қўлини чўзди. – Вужуди таранг тортилиб юраги гурсиллаб ура бошлади. – Шоирахон...

Бағрига тортмоқчи эди. Шоира унинг қўлини силтаб туширди. Девор томонга қараб олди-да, сочларини те-

кислай бошлади. Шерзоднинг кўзи энди қоронғиликка кўниккан эди. У Шоиранинг йиғлаётганини пайқади. Шундагина Шоиранинг кулиб туриши аянчли бир ниқоб эканлигини тушунди. Унинг дўмбоқ қўлидан ушлади.

Шоира қўлини силтаб тортиб олди.

– Кетинг, – деди ҳиқиллаб. Шерзод унинг кўзларида ёш аралаш нафрат оловини сизди. Чамаси, Шоира ҳозир уни ҳам, ўзини ҳам бирдек ёмон кўрарди.

Шерзод беихтиёр тисарилиб эшик олдига келди. Ҳамон бир нуқтадан кўз узмай турган Шоирани зимдан кузатаркан, негадир кўз ўнгига тўсатдан Фаридани келди. Шерзод уни аллақачон унутиб юборганман деб юрар, тўғрироғи, шунга мажбур қиларди ўзини. Ҳозир, худди шу пайтда яна Фаридани ўйлаганидан ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Ўзидан ижирғаниб кетди: «Ландовур! Латта!». Шоира тағин девор томонга қараб олган, чамаси, у ҳам Шерзодни эмас, бошқа бировни ўйлар эди.

– Йўқолинг! – деди Шерзод томонга қарамай.

Шерзод бир зум каловланиб турди-да, индамай чиқиб кетди.

8

Сирожиддин зулукдек қоп-қора «Волга»ни пишиқ ғиштдан қурилган темир дарвозали гараждан тислан-тириб олиб чиқди-да, цементланган майдончада тўхтаб, бир учи водопроводга уланган резинка ичак билан юва бошлади. Кеча кечқурун у Сайфи Соқиевичга: «Домланинг олдига бораман», деганида ёлғон гапирган, негаки, дадаси домланинг номини эшитса, ҳамма нарсага рози бўлишини билар эди. Кеча у «Баҳор» ресторанида маишат қилиб, алламаҳал қайтди. Бу ресторан анча эскириб, файзи кетиб қолган бўлса ҳам, Сирожиддинга ёқар эди: тинч жой, хушруй официант жувонлар таниш...

У аввалига тарих музейининг рўпарасида машинасини тўхтатиб алла-паллагача Зухрани кутди. Сирожид-

дин қизга ресторан эмас, музейга кирамиз, сизга қизиқ экспонатларнинг тарихини гапириб бераман, деганди. Зухра келмади. Тўғри, у «бораман», деган эмасди. Сирожиддин Зухра ишлайдиган театр эшиги олдида машинасини кўндаланг қилиб ҳадеб тиқилинч қилаверганидан кейин гапни кўпайтирмаслик учун бўлса керак, «Ўйлаб кўраман», деб кўя қолган эди. У илгари ҳам бу қизнинг йўлида уч-тўрт пайдо бўлган, Зухра тутқич бермаганди. Аммо Сирожиддин бу сафар унинг роппа-роса соат саккизда музей олдига етиб келишини кутганди. Зухра бу сафар ҳам келмади. «Нимасига гердаяди бу қиз, – деб ўйлади Сирожиддин резинка ичак учини қаттиқ қисиб. – Наридан борса, бир артист-да!». Кеча ёмғирда юргани учун машинанинг ёнбоши лой бўлган экан. Шиддатли сув оқимидан эриб тушган лой, бетонланган майдондан икки чети цементланган ариқчага оқиб тушарди.

Сирожиддин иккита болали бўлсаям, ота-онаси билан турар, ҳовлилари алоҳида бўлса ҳам, рўзғорлари бирга эди. Рўзғорини бошқа-бошқа қилиш зарурати йўқ эди. У ёлғиз ўғил бўлгани учун Сайфи Соқиевич топганини гўдаклигиданок шу болага тутди. Бола йўлга кирар-кирмас уч ғилдиракли велосипед минди, кейин дадаси икки ғилдираклигидан олиб берди. Еттинчи синфни битирганида мопедини тариллатиб қўшниларнинг қулоғини батанг қилди. Сайфи Соқиевич ўнинчини эсон-омон битириб олган кунинг машинанинг калити қўлингга тегади, деб юрарди. У чиндан ҳам сўзининг устидан чиқди. Сирожиддин аттестатни олган куни олчаранг «Москвич» эшикдан кириб келди.

Сайфи Соқиевичнинг ўртоқлари улфатчилик қилгани келганида ҳазиллашиб қўйишарди: «Бу дейман, Сайфиддин ака, мулла Сирожиддиннинг оёғи юриш учун эмас, педал босиш учун яратилган экан-да». Сайфи Соқиевич бунақа ҳазилларга кулиб кўя қоларди. «Ҳа, энди пешонамизга битган биттаю битта ўғлимиз экан, топганимиз шуники-да».

Сирожиддин ўқишга унчалик ихлос қўймади. Бировдан олдин, бировдан кейин дегандек амаллаб юрар, айниқса, кимёдан бўш эди. Кимёвий реакцияларга унча-мунча қизиқарди-ю, формуласини эслаб қололмасди. Еттинчи синфда ўқиб юрганида чорак баҳоси икки чиқди. Худди аксига олгандек ҳеч қачон унинг баҳосини суриштирмайдиган отаси тўсатдан кундалигини титкилаб қолди. Она-бола катта жанжал бўлишини кутиб туришганди, ҳеч нима бўлмади. Сайфи Соқиевич хотиржамлик билан ўша «кимё маълими»нинг оёғи нечанчи размерлигини сўради.

Ўша пайтда Сайфиддин ака пойабзал базасининг директори эди. Сирожиддин ўқитувчисининг размерини билмасди. Аммо дадасининг гапида қандайдир нажот борлигини сизди. «Маълимингга айт, вақти бўлса, идорамга бир кирсин», деди Сайфиддин ака.

Сирожиддин ўшанда кечаси билан қийналиб чиқди. Кимё ўқитувчиси жуда тажанг, заҳар одам эди. Шундоқ кишига дадам сизни чақиряпти, деб қандоқ айтади? Ўқитувчи олдига солиб ҳайдаса-чи? Болалар билиб қолса нима бўлади?

Эртасига кимё дарси йўқ эди. Сирожиддин ҳар танаффусда ўқитувчилар хонасининг эшигига бориб турди-ю, ичкарига мўралашга ботина олмади. Ниҳоят, олтинчи дарс тамом бўлганидан кейин зина олдида кимё ўқитувчисига рўпара бўлди. Унинг томоғи қақраб кетган, овози қалтирар эди. Бир амаллаб дадасининг гапини етказди. У ҳозир ўқитувчи ўзини зинадан улоқтириб юборадигандек чўчиб турар эди. Аммо ундоқ бўлмади. Кимё ўқитувчиси ниҳоятда хотиржам оҳангда базага қачон борса бўлишини сўради. Шундагина Сирожиддин дадил тортди. «Хоҳлаган пайтингизда, – деди ишонч билан. – Дадам айтдиларки, қачон борсангиз бошлари осмонга етаркан». Кейинги гапни у қувониб кетганидан ёнидан қўшиб айтди.

Ўшандан кейин у икки олмай қўйди. Албатта, беш ҳам ололмасди-ю, аммо икки ҳам қўйишмасди. Дадаси ора-чора «қалай, кимё маълимнинг думини қисдим», деб сўраб қўяр, Сирожиддин ҳамма ишлар жойида эканини айтиб дадасини тинчитар эди. «Энди сенга тегмайди! - дерди Сайфиддин ака. - Энди сени ҳурмат қилади».

Кимё ўқитувчиси ўзини қанчалик ҳурмат қилишини Сирожиддин билмасди-ю, аммо бир нарса аниқ эди. Унинг ўзи ўша воқеадан кейин кимё домласини бир тийинга олмай қўйди. У буни дадасидан ҳам яшириб ўтирмади. Бир куни Сайфиддин ака уни олдига ўтқазиб қўйиб насиҳат қилди: «Устоз отангдан улуғ бўлади, ўғлим, - деди тушунтириб. - Ўқитувчингни ҳурмат қил. Ҳали ёшсан, катта бўлганинга ҳаммасини тушунасан».

Чиндан ҳам Сирожиддин ўсган сайин кўп нарсаларга ақли ета бошлади.

Ўнинчини битиргандан кейин Сирожиддиннинг ташвиши ортди. Дадаси институтга кирасан, деб тикилинч қила бошлади. Сирожиддин умуман ўқимоқчи эмасди. Мабодо, кирсаям, физкультура институтига кириб ўқимоқчи эди. Ўзи серҳаракат бўлгани учунми, енгил атлетика бўйича мактабда ўтказиладиган спартакиадаларда кўпинча ютиб чиқарди. Шунинг учун бўлса керак, жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳазиллашиб қўярди: «Сенинг бошингдан кўра оёғинг яхшироқ ишлайди!»

Сирожиддин физкультура институтига кирмоқчи эканини айтган эди, дадасининг капалаги учиб кетди: «Ҳозир имтиҳонни болалар эмас, ота-оналар топширади, у ерда менинг ҳеч кимим йўқ!» деб дағдаға қилди. Онаси айюҳаннос солди: «Имтиҳондан йиқилсанг, армияга обкетиб қолади, биттаю битта боламдан жудо бўлиб қолавераманми?» деб сочини юлди. Хуллас, Сайфи Соқиевичнинг ўзи Сирожиддинни диканглатиб етаклаб борди-да, ҳужжатларини тарих факультетига топшириб келди. Сирожиддиннинг энг ёмон кўрган фани тарих эди. Екатеринанинг нечта жазмани борлигию Иван Грозний ўғ-

лини ўлдирганидан бошқа нарсани билмас, қизиғи ҳам йўқ эди. Шунинг учун имтиҳондан йиқилиши аниқлигини билар, қайтага яхши бўлди, тенгқурларим билан армияга бориб маза қилиб келаман, деб юрарди. Йўқ, у имтиҳондан йиқилмади. Аллақандай қўллар уни суяб-сургаб талабалик курсисига ўтқазиб қўйди.

Тагида машинаси бор талаба кўп эмас. Тез орада Сирожиддин танилиб қолди. Қизлар ўртасида ҳам, домлалар орасида ҳам кўзга кўринди. Факультетда ҳамма Домла деб атайдиган кафедра мудирини унга айниқса меҳрибонлик қилар, Сирожиддин ҳам нафсонияти ҳар қанча оғримасин, бу Домлага аравакашлик қилишга мажбур эди. Унинг институтга киришида худди шу Домла жон куйдирганини, бу одам дадасининг болаликда бирга ўсган дўсти эканини энди у биларди. Домла Сайфи Соқиевичникига тез-тез борадиган, Сирожиддинни ўғил ўрнида ўғлимсиз, дейдиган бўлди.

Сирожиддин биринчи курсда ўқиётганидаёқ Элмира деган курсдоши кўзига иссиқ кўринди-ю, изига тушди. Бу гуруҳдаги энг чиройли қиз шу эди. Қоп-қора қошлари, чақмоқдек кўзлари кўрган кишини куйдираман дерди. Унинг нафис лаби устидаги майин туклари ҳам ўзига шунчалик ярашган эдики, киши беихтиёр шу лаблардан бир марта бўса олишни орзу қилиб қоларди. Қизнинг атрофида кўп йигитлар ўралашар, аммо у ҳеч кимни тан олмасди. Сирожиддинни ҳам писанд қилмади. Сирожиддин уни яхши кўрармиди, йўқми, ҳали ўзиям дурустроқ билмасди. Қизнинг беписандлиги унга, айниқса, алам қилди. Иш шунчага бориб етдики, Сирожиддин шу қизга уйланишга қаттиқ аҳд қилди. Иккинчи курсда ўқиётганларида ниятини ота-онасига билдирди.

Элмиранинг отаси трамвай депосида ишларкан. Сайфи Соқиевич келиб-келиб «кўнкачи» билан куда бўламанми, деб ранжиди. «Ортиб-ортиб» келадиган келин тушириш ниятида юрган онаси ҳам Сирожиддинни оқ қиламан, деб айюҳаннос солди. Аммо Сирожиддин сўзи-

да туриб олди. Тўй жуда дабдабали бўлди. Қизик, орадан кўп ўтмай Сирожиддиннинг хотинидан кўнгли совий бошлади. Эришилган орзунинг ширин жойи қолмайди. Энди унга Элмиранинг чақноқ кўзлари ҳам совуқ, хунук кўринадиган бўлиб қолди. Ундан чиройлироқ, ундан ёшроқ қиз-жувонлар учради. Сирожиддин бундан минг марта чиройли, ёш қизга уйланишим мумкин эди-ю, тузоққа илиниб қолдим, деб афсусланди... Ой ўтди, йил ўтди, икки орада Элмиранинг ўқиши қолиб кетди. Бир қиз, бир ўғил туғди-ю, қаримсиқ бўлди-қолди. Сирожиддин институтни битириш арафасида тагидаги қизил «Москвич»и қора «ГАЗ- 24» билан алмашди. Бу ёқда Домла яна бир оталик қилди-ю, уни аспирантурада олиб қолди. Диссертация мавзусини тасдиқлатиб, ишига ўзи раҳбарлик қиладиган бўлди. Сирожиддин бир вақтлар қандай қилиб институтга кирганига ҳайрон бўлган эди. Аммо энди аспирантурага «жойлашиш» уни ҳеч ажаблантирмади. У аспирант бўлишини ҳам, диссертация ёқлашини ҳам табиий бир нарса деб биларди. Бундан унинг кўнгли тўқ эди-ю, бошқа нарса ғашини келтирарди. Домласига югурдак бўлишга тоқати йўқ эди. У ҳали-вери диссертацияни эшлай олмаслигини билар, Домланинг бозор-ўчарини қилиш, уйини пойлаш жонига текканди. Лекин начора, «илм - нинада қудуқ қазиш билан тенг», деганлари бежиз эмас. Сирожиддин илмий ишга киришди. Кутубхонага кириб олиб, лотин алифбосида чиққан, сарғайиб кетган газеталарни титкилаш, архив қидириш билан икки йил ўтди. Ишнинг охири кўринмади. Домла Сирожиддиннинг илмий ишига чандон жон куйдирмаса ҳам, ўзига ёрдам берди: ўша йиллари у ҳали кафедра мудириликдан туширилган эмасди, гапини ўтказа оларди. Сирожиддинга институтдан дарс олиб берди.

Орадан яна икки йил ўтди. Кафедрада кўп ўзгаришлар бўлди. Ҳамма қаттиқ ҳурмат қиладиган Қилич Валиев деган профессорни кафедра мудири қилиб сайлашди. Домла бирдан қариб қолди. У Қилич Валиевни отгани

ўқ тополмас, аммо дами ичида эди. Шунда Сирожиддин ҳам кафедрадаги кўп олимлар ўзига анчадан буён бегона кўз билан қараб юрганини тушуниб қолди. Энди у шунча йиллик азиятлар эвазига қандоқ қилиб бўлмасин, ҳимояни тезлатишга аҳд қилди. Лекин Домла ҳамон ишни пайсалга солар, шунда Сирожиддин уни жуда ёмон кўриб кетар, аммо олдида илжайиб таъзим қилиб туришга мажбур эди. Кейин эса кўчага чиқиб машинада айланар, ё «шўхлик», ё ресторанга кириб коньякхўрлик қилар эди.

Кеча ҳам у Зуҳра билан шаҳар айланмоқчи, иложи бўлса, ресторанга олиб кирмоқчи эди. Бўлмади.

Машина ювишнинг ҳам ўзига яраша завқи, ташвиши бор. Машинанинг устини ювиш майли-ю, ичини тозалаш одамни толиқтириб юборади. Домла оёғининг лойини судраб киради-да, сен уни бир соат қийналиб тозалайсан, Сирожиддин ўриндиқлар остини, орқа ойнага тутиб қўйилган атлас дарпарда гажимларидаги чангни тозалагунча терлаб кетди. Кейин ялтироқ жимжимали гардиш қопланган ғилдиракни тозалаб ювди. Янги туққан сигир бузоғини қанчалик ялаб-юлқаса, Сирожиддин ҳам «Волга»сини шунчалик «эркалар», нимаики безак топса, машинасига ёпиштирар эди.

Ниҳоят, у ишини битириб, енгил нафас олди. Қизил чийдухоба ғилоф қопланган ўриндиқ устида ётган сигаретдан олди-да, капотга суянганча чекди. Беихтиёр ҳовлига разм солди. Тартиб билан қатор-қатор қилиб ўтқазилган олма, гилос, нок дарахтлари баҳор шамолидан уйғона бошлаган, қизғиш тусли новдалар шарбат йиғиб, гул фаслига тайёрланар эди. Луччак шафтолилар شوхида пуштиранг ғунчалар маржондай тизилган, гулзордаги атиргулларнинг калта қилиб қирқилган ўзаги диккайиб турар, ҳовли ўртасидаги шийпон остида кўмиб қўйилган ток ҳали очилмаган эди. Ёз пайти бу ҳовли жаннат бўлиб кетади. Атиргул, райҳон, қашқаргуллар кеч кузгача ловиллаб кўзни олади. Уймакорлик билан ишланган олти устун устида қад кўтариб турган шийпонга узум зангла-

ри чирмашиб кетади. Шийпон остидаги мармар ҳовузда Сайфи Соқиевич ҳар йили аллақадан топтириб келадиган балиқлар вазмин сузади. Шийпоннинг атрофи очик бўлгани учун қишда зах уриб, унинг шифтидаги товус патларининг тасвирини ўчириб юборади. Паркет пол намиқиб ёрилиб кетади. Сайфи Соқиевич ҳар йили паркет полни қайтадан қоплатади. Шифтга қайтадан гул солдиради. Ҳовуздаги кўчиб тушган мармар кошинлар ўрнига ҳар йили янгисини қўйдиради. Умуман, бу атрофда Сайфи Соқиевичнинг участкасига тенг келадиган уй йўқ. У ўзи билан Сирожиддинга ёнма-ён қилиб солган иккала участкани ҳам пишиқ ғиштдан қурдирган. Аммо «оч бўлсанг беролмайдиган, тўқ бўлсанг кўролмайдиган» «ғаламислар»нинг гапидан қочиб, участкани суватган эди. Кейин мармар қипиғи билан «шуба» қилдирди. Участка янаям очилиб кетди. «Чўнтакда пул бўлса – каллага ақл ҳам келаверади» деганлари бежиз эмас. Ҳар иккала участка ҳам ниҳоятда катта, кўкракдор эди. Ҳар бирининг олтигадан катта-кичик хонаси, заллари, саунаси бор. Ўртасидаги дарвозахонанинг усти – меҳмонхона. Ҳовли этагида – дарвозахонанинг шундоққина рўпарасида – гараж. Унинг ёнбошида омборхона, бурчакда – отхона. Сайфи Соқиевич отга ишқибоз эди. Аммо ҳозир отхона бўш. Бултур унинг қундуздек қоп-қора, кўзлари юлдуздек чақнаб турадиган жийрони бўларди. Янги йил кечаси ўзидан-ўзи ўлиб қолди. Сайфи Соқиевич худди боласидан айрилгандек анчагача талмовсираб юрди.

«Зарари йўқ, – деб ўйлади Сирожиддин сигаретни босиб-босиб тортаркан, – дадам хоҳласа ундан яхшироқ от сотиб олишга қурби етади». У дадасида гап қўплигини биларди. Ҳозир ҳам шуни ўйлаб мийиғида кулиб қўйди-да, силлиқ бетон йўлакдан ўтиб, баланд зиналардан ойнаванд айвонга чиқди. Бугун – душанба, унинг дарси йўқ эди. Аммо ҳар душанба соат ўн бирда Домла албатта кафедрага келади. Демак, Сирожиддин ҳам бориши шарт. «Ҳали яна қанақа иш буюраркин», деб ўйлади у гилам тў-

шалган айвонга кираркан. Айвон ивирсиб ётарди. Стол усти йиғиштирилмаган, чекка-чеккада торт бўлаклари ётар, болалар шўхлик қилган бўлса керак, битта кресло ёнбошлаб қолган, бурчакда ипак гилам устида думалоқланган кўрпача хунук дўппайиб турар, айвон тўрида Элмира оёқ машинада иш тикиб ўтирар эди. Унинг сочлари паришон тўзиб ётар, қўли машина қулоғида бўлса ҳам кўзларини бир нуқтага тикканча хаёлга толган, гулдор халати кенг бўлгани учунми, ё ўзи озиб кетганиданми, халат остидаги кўкраклари деярли сезилмас, кўкси теп-текис бўлиб қолганга ўхшар эди. Бир вақтлар Элмиранинг мана шу кўкраклари таранг, сутдек оппоқ эди. Сирожиддин уларга қўл тегизиши билан ўзи ҳам, Элмира ҳам сесканиб кетишарди. Энди бўлса... «Ёшроқ қизга уйлансам ўлармидим. Эчкига ўхшаб болалашдан бошқа нарсани билмайди бу!» деб ўйлади Сирожиддин ётоқхонага кираркан. У гардеробни титкилаб дурустроқ шим тополмади. Ҳаммаси ғижим бўлиб ётарди.

Бир вақтлар Элмира уй-жойни ниҳоятда саришта тутар, ҳамма нарса ярақлаб турарди. Кейинги пайтларда негадир айниди. У энди аввалгидек уйим-жойим, деб жон куйдирмас, аллақандай лоқайд бўлиб қолган эди. Фақат бу уйга меҳмонлар келганда унинг пазандалик одати ярқ этиб кўриниб қолар, у меҳмон кутишни яхши кўрарди. Аммо меҳмонлар тарқаши билан яна бепарво бўлиб қолар эди.

Сирожиддин жаҳл билан айвонга чиқди.

– Қўлинг синганми, ҳей! – деди қичқириб. – Шимни дазмоллаб қўйсанг ўласанми?!

Элмира ўтирган жойида бурилиб қаради.

– Каравотнинг устида дазмолланган шимингиз билан жакетингиз ётибди, – деди совуқ оҳангда. – Кўзингизни каттароқ очсангиз кўрасиз.

«Тагин гап қайтаради бу! – ғазабдан Сирожиддиннинг тишлари ғижирлаб кетди. – Бетга сапчийдиган бўпқолди бу! Ҳамма нарса муҳайё бўлса, бойвучча хотин бўлиб

Ўтирса, тагин нима керак? Сирожиддин зинада турган туфлисини кийиб, боғичини ўтказаркан, бурчакда хурпайиб ўтирган хотинига нафрат билан қараб қўйди. Аммо ҳозир унинг олишиб ўтиришга вақти йўқ эди. Шоша-пиша зинадан тушди.

Шу пайт машина чўзиб, қаттиқ сигнал берди. «Вой ярамас-ей», деб ўйлади у бошини кескин кўтариб. Сирожиддиннинг тўрт яшар ўғилчаси машинага ўч эди. Ҳозир ҳам Сирожиддин «Волга»нинг иккала олдинги эшиги ланг очиқ турганини кўриб, югурди. Сочи пешонасига тушган, бош яланг ўғли руль чамбарагини ушлаб, у ёқ-бу ёққа айлантирар, лабларини чўччайтирганча оғзини «мотор» қилиб гувиллатар эди. У туфличаси билан ўриндиққа чиққан бўлса керак, қизил чийдухоба ғилоф лой бўлиб кетганди.

– Ада, катайса қилдирасми? – деди у Сирожиддинни кўриб.

– Туш-эй! – Сирожиддин жаҳл билан унинг қўлидан силтаб туширди.

Бола кўзларини катта-катта очиб, негадир илжайиб қўйди-да, нари кетди.

Сирожиддин катта кўчага чиқиши билан газни босди. Машина қора оққушдек енгил сузиб борар, ён деразадан баҳор шабадаси шиддат билан ёпирилиб кирар, Сирожиддиннинг сийрак сочлари пешонасига тушиб, ора-чора кўз ўнгини тўсиб қўяр, аммо бундан унинг ғаши келмас, қайтага завқланарди. Кўчалар гавжум, одамлар кўп эди. Ҳаво очиқлигига қарамай, уларнинг кўпчилиги плаш кийган, соябон кўтариб олганди.

Ярим соат ўтар-ўтмас машина институт олдига етиб келди. Сирожиддин «Волга»ни доим ўзи тўхтайдиган жойга – акация дарахти остига қўйди-да, эшиklarини кулфлаб, кўчанинг у юзидаги тўрт қаватли ғиштин бинога кирди. Ҳамма дарсга кириб кетган, шекилли, йўлақлар кимсасиз, сокин эди. Сирожиддин нимқоронғи зиналардан кўтарилиб, иккинчи қаватга чиқди. Тарих кафедра-

си йўлакнинг охирида эди. «Домла келганмикин?» деб ўйлади кўкиш эшик олдида тўхтаб. У думалоқ тутқичга энди қўл узатган эди, Қилич Валиевнинг таниш, кескин овозини эшитиб, дарров қўлини тортиб олди. Қилич Валиев эшикнинг у томонида туриб гапирар, чамаси, шошиб чиқиб кета туриб, ичкаридаги ҳамсухбатининг саволига йўл-йўлакай жавоб қилаётган эди. Сирожиддин унинг гапларига беихтиёр қулоқ солди.

- Иложи бўлганда шу лавозимни Домланинг ўзига жон-жон деб топширардим. Соатлаб мажлисларда ўтириш мана бундай жонга тегди. Ишдан қолиб кетяпман!

Сирожиддин бу киши «Домла» деганда ўзининг домласини назарда тутганини тушунди.

Эшик шиддат билан очилди-да, Қилич Валиев чиқиб келди. У кулранг костюм, йўл-йўл кўйлак кийиб олган, қўлида портфель бор эди. Бу одамнинг нимасидир чиндан ҳам қиличга ўхшар, катта-катта ўтқир кўзлари синчковлик билан боқарди кишига. Унинг озғин чеҳраси, қимтилган юпқа лабларида аллақандай қатъият бор эди. Сирожиддин ҳар сафар Қилич Валиевни кўрганида аллақандай чалкаш бир ҳолатга тушарди. У бу одамни ёмон кўрар, аммо кўрқар; писанд қилмагандай бўлар, аммо кўзига тик қарай олмас эди. Ҳозир ҳам у беихтиёр ўзини орқага ташлади-да, салом берди.

- Домла бормилар? - деди минғиллаб.

Қилич Валиев унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, хотиржам овозда гапирди:

- Ҳали келмадилар.

Сирожиддин ичкари киришни ҳам, кетаверишини ҳам билмай қолди. Кирса, Қилич Валиевнинг гапига ишонмагандек бўлиб қолади. Кирмай деса, кафедра мудири ким билан шундай дилкаш гаплашганини билгиси келарди.

Қилич Валиев кескин бурилди-да, шахдам юриб кетди. «Нари борса мендан беш ёш каттадир», - деб ўйлади Сирожиддин унинг адл қоматига қараб. Яна бир бор

эшикни очиб ичкари кирмоқчи бўлди-ю, хаёлан қўл силтади: «менга нима!»

У зина олдига етганда қўнғироқ узоқ, асабий жаранглади. Эшиклар бирин-кетин очилиб, талабалар чиқиб кела бошлади. Сирожиддин биринчи қаватга тушган эди, рўпарасида қора атлас кўйлак кийган, юзлари ҳам қоп-қора, чўпдай озғин қиз чиқиб қолди. Сирожиддин уни дарров таниди. «Қора чигиртка!» деб ўйлади ғижиниб. Қиз ҳам унинг юзига тик қаради-да, салом бермай ўтиб кетди. «Димоғини қара бунинг!» деди Сирожиддин ғижиниб. У бу талабани жуда яхши танир, мана шу «қора чигиртка» туфайли умрида биринчи марта қаттиқ қоқилган эди.

9

Бу воқеа бурноғи йили бўлди.

Сирожиддин аспирантурани битириб, институтда дарс бера бошлаган эди. Уни қабул имтиҳонларига қатнаштирадиган бўлишди. Йил бўйи ишлагандан кейин дам олиш ўрнига саратонда яна қийналиб имтиҳон олиб ўтириш ҳаммагаям оғирлик қилади. Бунинг устига талаба бўлишни хоҳлайдиган бола кўп. Боласининг орқасидан елиб-югуриб келадиган, қўлидан келадиган ҳамма «хўнар»ни ишга соладиган ота-она ундан кўп. Балки, шунинг учундир, институт ўқитувчилари кўпинча бу ишга қатнашишни унчалик хуш кўришмайди. Аммо бир йилда тополмайдиган «даромад»ни бир ойда ишлаб қоладиган домлалар ҳам бор. Сирожиддиннинг ҳеч қандай тамаси бўлмаса-да, қабул имтиҳонига жон-жон деб қатнашадиган бўлди. Домласи ўзига бу вазифани ишониб топширганидан ниҳоятда қувонди.

Домланинг иккита «одамини» суяб юбориш керак экан. Сирожиддин бу ишга енг шимариб киришди. Ёш домла шу қадар қаттиққўл эдики, камдан-кам бола ундан «тўрт» олишга муяссар бўларди. Бу билан у аввало

Ўзининг билимдонлигини, талабчанлигини кўрсатар эди. Қолаверса, бошқа ўқувчиларнинг бали қанчалик пайса, домланинг «одамлари» учун институт дарвозаси шунчалик каттароқ очилишини яхши биларди. Шундай кунлардан бирида Сирожиддин қаттиқ мункиди. Бунга ўша «қора чигиртка» сабаб бўлди. Қизил шоҳи кўйлагининг ёқалари осилиб ётган, оёқлари косовдай озгин, қоп-қора қиз билетдаги учала саволга яхши жавоб берди. Сирожиддин унинг имтиҳон варақасига қараб қўйди. Адабиёт ёзмадан тўрт, оғзакидан беш баҳо олган экан.

- Уч, - деди у қизнинг бетига хотиржам тикилиб.

Қизнинг уйқусизликдан қизарган ҳорғин кўзлари қисилиб кетди.

- Мен бу фанни бешга биламан! - деди у асабий оҳангда.

Аллақандай бир лалайган қизнинг ўзига шу қадар ишониши Сирожиддиннинг ғашига тегди. Бунақа пайтда кўп ўқувчилар: «Яна савол беринг», деб ялинарди. Ҳатто баҳосини бир поғона ошириш учун ҳар нарсага рози бўладиган қизлар ҳам учраб турарди. Бу қиз эса Сирожиддиннинг кўзига тик қаради-да, дона-дона қилиб таъкидлади.

- Хоҳлаган саволингизни беринг. Бу фанни мен бешга биламан. Бу фанни мен жонимдан яхши кўраман.

«Кимга орқа қияпти бу сурбет!» деб ўйлади Сирожиддин энсаси қотиб. У савол назари билан Домлага қараб қўйди. Аммо Домла нариги столда чарчоқ бир тарзда бошини қуйи солиб ўтирар, рўпарасидаги боланинг жавобини бепарволик билан эшитарди.

Сирожиддин ҳамон ўзига ёвқараш қилиб турган қора қизга бурилди-да, киноа билан тишини ғижирлатди.

- Икки! - деди заҳарханда билан.

У қизнинг йиғлаб юборишини, шовқин солишини кутган эди. Аммо қиз йиғламади. Шовқин ҳам солмади. Сирожиддиннинг қўлидан имтиҳон варақасини юлқиб олди-да, косовдек қора, ингичка оёқлари билан полни

қарсиллатганича юриб чиқиб кетди. Шундагина Домла Сирожиддин томонга ҳайрон қараб қўйди.

Қизнинг бу қилиғи кун бўйи Сирожиддиннинг асабини бузди. Кечқурун имтиҳонни тугатиб, Домла икковлари ҳориб-чарчаб туришганда, кафедра лаборанти уларни апелляция шикоят комиссиясига чақиришаётганини айтиб қолди. Бунақа иш камдан-кам бўлар, талабалар орасида домла қўйган баҳога қарши исён кўтаришга журъат қиладиган бола кам бўларди. Домла «нима гап», дегандек Сирожиддинга қаради. Сирожиддин бояги қизни эслаб кўнгли зил кетди. Лекин пайпоғини эплаб киймайдиган аллақандай бир қизалоқнинг шикоят қилиб ўтиришига ишонмади. Домласига қараб ҳайронман, дегандек елка қисиб қўйди.

Апелляция комиссияси учинчи қаватда – деканат биқинидаги кичик хонада жойлашган эди. Домла билан Сирожиддин олдинма-кетин ичкарига киришди. Дераза олдидаги яшил мовут ёпилган стол рўпарасида Қилич Валиев ўтирарди. У иссиқлаб кетган бўлса керак, қисқа энгли кўйлагининг ёқасидаги тугмачаларни бўшатиб қўйган, терлаб кетган эди. Қилич Валиев ҳали кафедра мудири эмасди. Аммо билими зўрлиги учунми, ҳамма уни иззат қилар, Домла бўлса унча ёқтирмас, «Профессор бўлса ўзига, олим эмас, чапани бола бу», деб юрарди. Сирожиддин Домланинг бу одамдан ҳайиқишини ҳам биларди. Келиб-келиб худди шу одамнинг апелляция комиссиясига раис қилиб тайинланганини эшитганда Домланинг қаттиқ ғаши келган эди.

– Нима гуноҳ қилдик, ҳамкасаба! – деди у ичкари кириши билан ярим ҳазил-ярим пичинг қилиб.

– Бир абитуриентдан қайтадан имтиҳон олишга тўғри келади. – Қилич Валиев Сирожиддинга имо қилди. – Билетлар борми?

Сирожиддин папкасидан билетларни олиб мовут қопланган стол устига ёйиб қўйиши билан эшик очилди-да, бояги қиз кириб келди.

«Қора чигиртка-ей! – деб ўйлади Сирожиддин ижирғаниб. – Суянчиғи бор экан-да!» У кинояли табассум билан Қилич Валиевга қараб қўйди. Аммо Қилич Валиевнинг бир туки ҳам ўзгармади, стол қиррасига тирсагини тираганча индамай ўтираверди.

– Билет олинг! – деди Сирожиддин қизга қовоғини солиб.

Қиз саволларни бир зум кўздан кечириб чиқди-ю, негадир Сирожиддинга эмас, Қилич Валиевга қараб гапирди:

– Ўтирмасдан жавоб берсам майлими?

– Ўзингиз биласиз, қизим! – Домла ҳамма учун жавоб бериб, ҳорғин уф тортди-да, стул суянчиғига гавдасини ташлади.

– Ўрта Осиёда мўғул истилосига қарши кураш, – деди қиз биринчи саволни ўқиб. Кейин бир лаҳза жим қолди-да, ички бир ишонч билан жавоб беришга киришди. 1219 йили Чингизхон юз минг кишилиқ аскар билан Тошкент яқинидаги Ўтрор шаҳрига келганини, уч йил ичида Ўрта Осиёни босиб олгани, Урганч қалъаси саккиз ой душман билан олишганию мўғуллар қалъани босиб олгандан кейин шаҳарни теп-текис қилиб, ўрнига арпа септирганигача айтиб берди. Жалолиддин Мангубердининг мўғуллар лашкарига қирон келтирганини, Чингизхон бу эркесвар йигитнинг ўғлини тутиб олганини, ёш боланинг юрагини суғуриб олиб, итига егизганини айтаётганда қизнинг кўзлари чўғдай ёниб кетди. Қиз аллақандай оловли ҳаяжон билан ҳикоя қилар, шу туришида у аллақачон олис тарих қаърига сингиб, товуши сўниб кетган отлар дупурини, қиличлар жарангини яна эшитаётганга ўхшарди. Кейин у 1239 йил Маҳмуд Торобий деган бир элаксоз хунарманд халқни тўплаб кўзғолон кўтаргани, кўзғолончилар Бухорони эгаллаб олишганини айта бошлади.

– Бўпти, иккинчи саволга ўтинг! – деди Домла қаддини ростлаб.

Сирожиддин беихтиёр Қилич Валиевга қараб қўйди. У тирсагини стол қиррасига қўйганча ҳамон индамай ўтирарди.

Қиз Улуғ Ватан уруши йилларида партизанлар ҳаракатини айта бошлади. Бутун халқ Ватан ҳимоясига отланганини, 1943 йилга келиб икки юз эллик минг партизан душман орқасида ҳаракат қилганини айтди. Булар орасида ўзбек жангчилари ҳам борлигини, Мамадали Топиболдиевнинг номи бутун Белоруссияда машҳурлигини ҳикоя қилди.

– Техрон конференцияси қачон бўлган? – деди Сирожиддин унинг гапини бўлиб.

Қиз яна ўша ишонч билан дона-дона қилиб, Техрон конференцияси 1943 йил 28 ноябрдан 1 декабргача бўлганини айтди. Шу конференцияда таржимонлик қилган Бережковнинг «Техрон – 43 йил» китобидан кўп далиллар келтирди. Бу сафар ҳам Сирожиддин қизнинг уйқусизликдан қизариб кетган кўзларида алланечук ёниқ бир ўт пайқади. У ўтмиш воқеаларини шунчалик билағонлик билан, шунчалик энтикиб ҳикоя қилардики, Сирожиддин ўзи ҳамон хуш кўрмайдиган тарих фанининг аллақандай сеҳри борлигини ҳис этди. «Асли боя тўрт қўя қолсам бўларкан», деб ўйлади иккиланиб. Лекин бу қиз, мана шу аллақандай «қора чигиртка» ўзининг юзига оёқ қўйганини эслади-ю, тағин ғаши келди.

Учинчи савол Яқин Шарқдаги аҳвол ҳақида экан. Қиз Голан тепалигидаги жанглар, араб давлатларининг нефть сиёсатини яна ўша ёниқ ҳаяжон билан айтиб берди.

– Аъло, қизим, аъло! – деди Домла оғир гавдасини лапанглатиб ўрнидан тураркан. – Маладес!

Бу гапни у азбаройи қизнинг жавобига қойил қолганидан эмас, Қилич Валиевнинг олдида ўзининг билағонлигини кўрсатиш учун айтганини Сирожиддин тушунди.

– Менда савол йўқ, – деди Домла Қилич Валиевга қараб. – Сизда-чи?

Қилич Валиев индамай бош чайқади.

- Мендаям йўқ, - деди Сирожиддин қизнинг имтиҳон қоғозини оларкан. У боягина қўйган «икки» баҳосини ўз қўли билан ўзгартираркан, «қора чигиртка»га алам билан қараб қўйди. Қоғозга ҳамма қўл қўйгандан кейин аввал қиз, унинг кетидан Домла билан Сирожиддин эшик томон йўл олишди.

- Кечирасиз, сиз бир минутга қолинг, - деди Қилич Валиев Сирожиддинни имлаб.

Домла чиқиб кетди. Сирожиддин хона ўртасида туриб қолди. Қилич Валиев ўтирган жойида Сирожиддинга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, секин-секин юриб ёнига келди.

- Нега унақа қилдингиз? - деди Сирожиддиннинг кўзига тик қараб. Унинг овозида ошкора ғазаб бор эди. Шунда Сирожиддин Домласи бекорга бу одамни чапани деб атамаганини тушунди.

- Нима қилибман? - деди кулишга уриниб.

- Нега «аъло» олиши керак бўлган абитуриентга «икки» қўйдингиз?

Сирожиддин беихтиёр кўзини олиб қочди.

- Ўзингиз биласиз-ку, - деди кулишга уриниб, - ўн олти абитуриентдан биттасини қабул қилиш керак. Бола кўп, жой кам. Талабчан бўлишга тўғри келади.

- Тўғри, талабчан бўлиш керак. Лекин нега энди сиз, - Қилич Валиев «сиз» деганда кўзлари ёниб кетди, - сиз, - деди яна ғазаб билан хитоб қилиб. - Икки оладиган абитуриентга беш қўясиз-у, фанни бешга биладиган ўқувчига икки қўясиз?

Сирожиддин сесканиб кетди. Нимага шама қиялпти бу! «Домланинг одамларини қўллаб юрибсан», демоқчими? Ким ўзи бу? Нега энди кафедра мудири бўлган Домланинг айтганини қилмаслиги керак? Шу одамдан кўрққани учунми?

Сирожиддин энди ростмана кулди.

- Кечирасиз, домлажон, - деди киноя билан. - Бу қиз сизнинг одамингиз эканини билмабман. Шунини бир оғиз...

Сирожиддин сўзини тугатолмади. Кулоғининг тагида жаранглаган тарсакидан чап юзи ёниб кетгандай бўлди. У гандираклаб бориб столга суяниб қолди. Ўзини ўнглаб олганда Қилич Валиев рўпарасида турар, ранги ўчиб кетган эди.

– Нима ҳаққингиз бор? – деди Сирожиддин ловиллаётган юзини ушлаб. – Судга бераман!

– Аблах! – деди Қилич Валиев лаблари титраб.

Ўшандан кейин Сирожиддинни имтиҳон комиссиясига яқин йўлатмайдиган бўлишди. Бу ҳам етмагандек, орадан кўп ўтмай Домла кафедра мудирлигидан тушди. Ўрнига худди шу Қилич Валиев мудир бўлди. Ўшандан буён Сирожиддин ҳар гал Қилич Валиевни кўрганда юраги бир зил кетади. Негадир ҳимоя пайтида шу одам ўзининг тагига сув қуядигандек туюлаверади.

Шунча дилсиёҳликка сабаб бўлган «қора чигиртка» эса ҳеч нарса бўлмагандай ўқиб юрибди. Сирожиддин ҳозир уни кўрди-ю, ўша воқеа бутун тафсилоти билан кўз ўнгида жонланиб баттар хуноби ошди. Факультет биносидан чиқди-да, кўчанинг у юзига ўтиб машинасининг эшигини очди. Бир оёғини ерга осилтирганча кута бошлади. Соат ўн иккига яқинлашиб қолган, ҳамон Домладан дарак йўқ эди. «Уйига борсаммикан?» ўйлади Сирожиддин. Аммо шу ондаёқ фикридан қайтди. «Албатта, бирон юмуш буюради». У ёқ-бу ёққа ўтаётган талабаларни томоша қила бошлади. Баҳор дарров одамларга таъсир қилибди. Қор эриши билан ердаги кўкатлар кўриниб қолгани сингари оғир қиш кийимини ечган қизларнинг кофтани туртиб турган кўкраклари, силлиқ оёқлари дарров кўзга ташланадиган бўлиб қолганди. У бирдан Зухрани эслади. «Далага опчиқиб кетаман, – деб ўйлади моторни ўт олдириб. – Амаллаб кўндираман!»

Кўп ўтмай унинг машинаси театрнинг тарғил дарвозаси олдида тўхтади. «Тушликка чиқиб қолишар, ахир», – деб ўйлади у моторни ўчириб. У анча кутди. Ҳадеганда ичкаридан ҳеч ким чиқавермади. Сирожиддин машина-

дан тушди-да, дарвоза олдидаги табуреткада ўтириб, офтобда тобланаётган қоровулнинг ёнига борди. Эски кўкиш костюм кийиб олган қоровул чол оёқлари остида чўзилиб ётган қизғиш тусли итнинг бошини силаб-силаб кўяр, алланималарни гапирар, ит эса кўзларини юмиб, бароқ думи билан захкаш ерни савалар эди.

– Бугун қанақа томоша, ота? – деди Сирожиддин.

Қоровул итни силашдан тўхтаб, бошини кўтарди. Ит кўзини очди-ю, ётган жойида Сирожиддинга қараб ириллаб кўйди. Қоп-қора лаблари титраб, узун қозиқ тишлари кўринди. Сирожиддин беихтиёр берироқда тўхтаб қолди.

– Бугун томоша йўқ, ўғлим, бугун отдих, – деди қоровул баланд овозда.

«Баттар бўлсин!» деб ўйлади Сирожиддин орқасига қайрилиб. У машинага ўтирди-да, жаҳл билан ҳайдаб кетди.

10

Кечаси Шерзоднинг юрак хуружи яна тутди. У кўкрагининг қаттиқ санчганидан уйғониб кетди. Бир муддат шифтга тикилиб ётганча, чап кўкрагини силади, кейин оҳиста ўрнидан турди-да, тумбочка устидаги доридан томизиб ичди. Ташқари сутдек ойдин бўлгани учунми, палата ёруғ эди. Сайфи Соқиевич бошигача бурканиб ухлар, ора-чора паст товушда хуррак тортиб кўярди.

Шерзод соатини деразадан тушиб турган ёруққа тутди. Тўртдан йигирма минут ўтибди. У ташқарига қаради-ю, сеҳрлангандек қотиб қолди. Дераза ортидаги ўрик қийғос гуллаган, оппоқ чечаклар билан қопланган новдалар ой нурида алланечук хаёлий бир манзара касб этган. Шерзоднинг кўкрагидаги оғриқ тақа-тақ тўхтаб қолгандай бўлди. У вужудида чидаб бўлмас бир талпиниш, ҳаяжонли бир куч ҳис этиб, ташқарига отилгиси келиб кетди. Кескин бурилди-да, шоша-пиша кулранг

чолворини, халатини кийди. Эшикни овоз чиқармасдан очиб йўлакка чиқди. Чироқлар одатдагидек ёқиб қўйилган, йўлак ёруғ эди. Йўлак бошида, шундоққина эшик олдидаги йиғма каравотда навбатчи энага кампир ухлаб ётарди. Шерзод унинг олдидан оҳиста ўтиб, вестибюлга чиқди. Ойнаванд эшик олдида бир лаҳза тўхтаб қолди. Эшик тутқичига таёқ тиқиб, маҳкамлаб қўйилган эди. Шерзод таёқни оҳиста суғуриб эшикни очиши билан димоғига қадрдон бир ис – гул ҳиди гупиллаб урилди. Бояги ҳаяжони янаям кучайиб кетди. У тез-тез юриб зналардан тушди. Теракзор хиёбоннинг икки четида, этак томондаги дарвоза тепасида қизғиш чироқлар ёниб турар, аммо ҳозир уларнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Ҳаволаб кетган тўлин ой мўл-кўл нур сочар, дарахтларнинг сояси лампочкалар ёруғидан эмас, ой нуридан қорайиб турганга ўхшарди. Шерзод тезроқ ўша – ўзларининг деразалари рўпарасидаги гуллаб ётган ўрик олдига боришни истарди. У бинони айланиб ўтди-да, ўрик тагига келди.

Қизиқ, кунни кеча ўрик шохлари қизариб турар, яккам-дуккам гуллар очилган эди. Ҳозир бўлса бутун дарахт оппоқ рўмол ўраб олганга ўхшар, ўрик новдалари тўлин ой нурида нукрадай порлаб, кишининг қалбини ларзага солиб юборадиган даражада сукутбахш афсонавий манзара касб этганди.

Чор-атроф осуда. Улкан шаҳар кундалик югур-югурлардан, қувончу ташвишлардан толиқиб дам олар, машиналарнинг шовқини ҳам, трамвай қўнғироқларининг жаранги ҳам эшитилмас, ҳаммаси-ҳаммаси ором оларди. Ором оларди-ю, мана шу эртак каби гўзал бир манзарани томоша қилишдан, мана шу муқаддас бир воқеани – гулларнинг очилиши-ю, баҳорнинг туғилишига гувоҳ бўлишдан бебаҳра қолаётганини билмасди.

Енгил, жуда сокин шабада келди. У эндигина туғилаётган гул фаслини хуркитиб юборишдан чўчигандек, ўрик новдаларини оҳиста сийпалаб ўтди. Шерзоднинг бошига, елкаларига енгил, илиқ гулбарглар ёғилди. Шерзод

беихтиёр дарахтга суяниб кўзларини юмди. Ўрик гулларининг ерга унсиз урилишига қулоқ солиб тураркан, тўсатдан қулоғига алланечук унутилган, аммо кадрдон бир садо эшитилгандай бўлди. Бу товуш баланддан – осмон томондан келар эди. Шерзод бир зум бошини кўтариб қаради-да, ҳаяжондан энтикиб пичирлади.

- Турна, турналар учяпти!

Осмон тип-тиник, ойнинг кумушсимон туманли нурига чўмган, юлдузлар сийрак эди. Шерзод энди турналарнинг шовқинини аниқ эшита бошлади. Уларнинг ўзи кўринмас, аммо овози қаттиқ-қаттиқ эшитилар, жуда паст учаётганга ўхшар эди. Шерзод ўрик тагидан шоша-пиша яйдоқ жойга чиқиб, яна осмонга тикилди. Ниҳоят, олисда, баланд осмонда ипга тизилгандай арғамчи солиб бораётган турналарни излаб топди. Улар кунботар томонга қараб кетишар, ойнинг нури туманини тўзитаиб юборишдан чўчигандек вазмин қанот қоқишар, баландда учишаётган бўлса ҳам, овози қаттиқ янграр эди. Шерзод турналарга эргашиб беихтиёр икки-уч қадам ташлади. Бир зумда Тиниксой бўйидаги ўтлоқда мол боққанлари, баҳор кунлари учиб бораётган турналар карвонига кўзи тушганда болалар билан уларнинг ортидан қичқирганлари эсига тушди. Шу ондаёқ томоғига илиқ, роҳатбахш бир нарса тикилди, кўзига ёш қуюлиб келди... Баъзан одам ўзини бахтиёр ҳис этиши учун кўп нарса керакмас.

11

Ўша кундан буён Шерзод Шоирани ҳар кўрганда ғалати аҳволга тушадиган бўлиб қолди. У бу аёл олдида ўзини айбдор ҳис этар, аммо нега шунақа бўлаётганини ўзи билмас эди. Шоира ҳам уни кўриши билан кўзларида аллақандай кинояли табассум пайдо бўлар, бу кулгими, ғазабми, Шерзод яхши тушунмасди. Фақат бир нарсани яхши биларди: туйғуси ҳақоратланган аёлнинг нафрати

ёмон бўлади. Чамаси, Шоира Шерзоддан нафратланар, Шерзоддан кўра ўн чандон кўпроқ ўзини ёмон кўраёт-гандек эди.

Бугун ҳам Шоира йўлакда дуч келиб қолганда, бош силкиб саломлашди-ю, индамай палатасига кириб кетди. Аммо зум ўтмай эшик очилди-да, остонада яна пайдо бўлди.

– Самандаров, – деди у кинояли жилмайиб. – Чиқаркансиз.

Кейинги пайтда у расмият юзасидан Шерзоднинг фамилиясини айтиб чақирадиган бўлиб қолганди. Ҳозир ҳам палатада Шерзоднинг ёлғиз ўзи бўлишига қарамай, исми билан эмас, фамилияси билан атади.

– Қаёққа?

– Хотинингиз келди! – Шоира яна жилмайди. Бу табасум остида аччиқ киноя яшириниб турганини Шерзод тушунди, кулиб юборди.

– Ким? – деди чўзиб.

– Хотинингиз келдилар! – Шоира худди хушхабар келтирганидан ўзи қувонгандек яна бир бор жилмайди-да, бурилиб кетди.

«Ҳазилини қаранг!» ўйлади Шерзод палата ўртасида туриб қолганча. Кейин Абдувоҳиднинг хотини келган бўлиши мумкинлигини эслаб, тез йўлакка чиқди. Абдувоҳид кунора гоҳ онасини, гоҳ хотинини юбориб ундан хабар олдириб турарди.

Шерзод вестибюлда бир лаҳза туриб қолди. Тиббиёт институтидан практикантлар келган бўлса керак, оқ халат кийган қизлар кўп эди. Улар чекка-чеккада тўпланиб туришар, қаҳ-қаҳ уриб кулишарди. Шерзод энди қайтиб кетмоқчи бўлиб турган эди, дераза томонга қаради-ю, сесканиб кетди. Беихтиёр ўша томонга бир қадам қўйди-да, тўхтаб қолди. Дераза олдида Фарида кулиб турарди. У қаймоқранг кремплин плаш-пальто кийиб олган, бир қўлида японча буклама соябон, бир қўлида майда-чуйдалар солинган целлофан халтача бор эди. «Нимага кепти?» деб ўйлади Шерзод беихтиёр ундан кўзини

олиб қочиб. Чамаси, Фариди ҳам уни кўрди, шекилли, шу томонга юра бошлади. Шерзод юрагининг гурс-гурс ура бошлаганини, пешонасидан совуқ тер чиқиб, оёқларидан мадор кетаётганини сезиб турарди. «Приступ бўлма-са эди, одамни шарманда қилиб...».

Фарида практикант қизлар тўдасини ёриб ўтиб, яқин келди-да, салом бериб, қўл чўзди. Шерзод унинг жажжи, дўмбоқ қўлини оҳиста сиқаркан, ҳамон юраги тез-тез ураётганини ҳис қилиб турарди. Бир вақтлар у бу қўлларни кўп силаган, бу қўллар ҳам унинг сочларини кўп сийпалаган эди. Энди улар бегона... Бегона!

- Тузукмисиз? – Фариди бу гапни секин айтди. Аммо Шерзоднинг назарида шу бир оғиз сўз ғайритабий оҳангда жаранглаб кетгандай бўлди.

«Бунинг нима аҳамияти бор энди», ўйлади у Фариданинг кўзига тик қараб. Бегоналик ҳисси унга тўсатдан собит бир куч ато қилди, қалбини алланечук хотиржамлик эгаллади. Қизиқ, шунча пайтдан бери кўнглида ловиллаб турган олов бирдан сўнди-да, қалби алланечук карахт бўлиб қолди. «Нима аҳамияти бор! – у ҳамон Фариданинг кўзига қараб турарди. – Сен учун касал бўлганим йўқ-ку, ахир».

- Тузукман, – деди у жилмайиб. – Яқинда чиқиб қолсам керак. – У ҳамон жилмайган кўйи Фаридани бир бошдан кузатиб чиқди.

Фарида эрга текканидан кейин Шерзодга азоб бериб келган изтироблар орасида ғалати бир савол ҳам бор эди. Икковимиз кўча-кўйда кўришиб қолсак, нима бўларкин, деб юрарди. Мана, икковлари учрашишди. Ҳеч нима бўлгани йўқ. Унинг рўпарасида бегона хотин турибди, вассалом!

Қизиқ, чамаси, Шерзоднинг кўнгли муздай бўлиши учун фақат шу – охирги учрашув етишмай турган экан. Фариди деярли ўзгармаган эди. Фақат сал озибди. Аввал сочини чиройли турмаклар юрарди. Энди кўнғироқ-кўнғироқ жингалак шиньон тақиб олибди. Доим

чақнаб турадиган кўзлари ҳозир хиёл чарчоқ ифода билан боқарди. Бари бир шу ҳолда ҳам ундан аллақандай тиниқ бир гўзаллик барқ уриб турарди. Нафис, текис юзлари, ўзига ишонч барқ уриб турган қоп-қора кўзларида кишини маҳв этувчи алланечук куч бор эди.

– Нима қилди сизга?.. – Фариданинг овозида қандайдир яқинлик, меҳрибонлик оҳанги бор эди.

– Шунчаки, ўткинчи нарса, – деди Шерзод жилмайиб. Ўзининг шу ҳолатини негадир Шоиранинг доимо кулиб туришига ўхшатиб, хаёлан киноя қилди: «Дунёнинг ишлари қизиқ – мушт кетдига ўхшайди».

– Сиз касал бўлмаслигингиз керак.

Шерзод Фаридага синчиклаб қаради-ю, чеҳрасида синиқ бир маҳзунлик борлигини сезди:

– Сиз касал бўлмаслигингиз керак! – Фарида гапини яна қайтарди-да, билинтирмай уф тортиб қўйди. – Сиз яхши одамсиз...

Одам ўзига яқин кишисининг қилча ўзгаришини ҳам дарров сезади. Шерзод Фариданинг гап оҳангида сезилар-сезилмас афсус-надомат шарпаси борлигини пайқайди. Ҳозир унинг кўнглида ҳам бир вақтлар ёниб, кейин кулга айланган чўғ яна йилт этганини, агар салгина шабада тегса, бу чўғ ловиллаб кетиши мумкинлигини сезди. Сезди-ю, уч йилдан бери чеккан изтироблари ҳаққи, Фаридага, бир вақтлар ўзи учун энг азиз инсон бўлган, кейин бировнинг хотинига айланиб қолган мана шу Фаридага, ораларида ўтиб бўлмас жар борлигини эслатиб қўйгиси келди.

– Эрингиз бу ерга келганингизни билсалар яхши бўлмайди, – деди иложи борича хотиржам оҳангда.

Қизиқ, бу гап Фаридага ҳам чуқур бир осойишталик бахш этди.

– Ер тагидаги одам ер юзидагиларни кўрмайди, – деди хотиржам жилмайиб.

Шерзод тушунмади.

– Нима? – деди қошини чимириб.

- Айтдим-ку, у киши ернинг тагидалар.

- Яхшимас, - деди Шерзод жиддий қиёфада... - Яқин одамингизга ёмонлик тиламанг.

- Нега ёмонлик тиларканман? - Фарида узун, эгик киприкларини пирпиратиб кулди. - Рост айтяпман...

- Кимингиз касал? - деди Шерзод мавзу майдалашиб кетаётганидан ғижиниб.

- Яқин дўстим бетоб экан. Кеча эшитиб қолдим.

- Ким у? Қайси палатада?

- Еттинчида дейишди, - Фарида шайтонлик билан кулди. - Кўриб хурсанд бўлдим. Анча тузалиб қолибдилар.

«Ўшандаям шунақа эди, - деб ўйлади Шерзод ундан кўз узмай. - Одамни минг қўйга солиш қўлидан келарди...»

- Мен сизга дўст бўлолмайман, Фарида, - деди у кескин, қўпол оҳангда. - Ўзим яхши кўрган одамимни бировга бериб қўйиб, тағин дўст бўлиб юриш қўлимдан келмайди!

Фарида сесканиб кетгандек бўлди. Нафис, оппоқ юзлари билинар-билинемас қизариб, чиройли лаблари титраб кетди.

- Мен сизга айтгандим, - деди у ингичка қошини чиририб, - Биз дўст бўлиб қоламиз, деганман.

- Буни сиз айтгансиз.

Фарида аччиқ кулди.

- Келишдик. Балки, мана бу майда-чуйдаларни қайтиб олиб кетишим шарт эмасдир, - деди целлофан халтачага имо қилиб. - Кўрқманг, ичида захари йўқ.

Халтада олма, анор, яна алланималар кўриниб турарди. Шерзод буниям рад этиш гўдакларча аразлаш бўлишини билиб, кулди:

- Мана бу бошқа гап! Доктор менга анор буюрган...

- Раҳмат, - Фарида лаблари хиёл титраб, қўл чўзди. - Тезроқ тузалинг.

- Ҳаракат қиламан. - Шерзод унинг қўлини оҳиста қисаркан, бу қўл энди ўзига бегона эканини яна бир бор ҳис этди.

Ҳар қандай дарднинг энг яхши давоси – вақт дейдилар. Лекин шундай дардлар бўладики, вақти-бевақт янгилашиб, усти кўчган ярадек аччиқ-аччиқ азоб бериб туради.

Ўзбекнинг нимаси кўп, тўйи кўп, тантанаю дабдабаси кўп. Ҳар гал оламга жар солган карнай-сурнай садоларини эшитганида, машинада сурон солиб кўчалардан ўтаётган куёв жўраларни кўрганда Шерзоднинг яраси янгиланар, Фариданинг тўйи кўз ўнгига келиб, олам кўзига тор кўриниб кетарди. Бу дард энди сал пасайганида бугун Фарида келди-ю, яна янгилаб кетди.

Ҳали у Фаридани кўрганда уйғонган бегоналик ҳисси ўткинчи қарахтлик эди. Киши тиш олдирганда шунақа аҳволга тушади. Аввалига оғриқни сезмайди-ю, дорининг таъсири йўқолгандан кейин азоб янаям кучайиб кетгандай бўлади. Шерзоднинг кўнглидаги ўша чўғ тагин ловиллаб кетди. Йўқ, у ҳозир ўзи кўрган, ўзи гаплашган, бировнинг Фаридасини эмас, бир вақтлар ўзи учун азиз бўлган Фаридани кўмсарди...

Шерзод ўшанда тўртинчи курсда ўқирди. Ўқув йили энди бошланган, талабалар эрта-индин пахта теримига – ҳашарга кетишларини билиб, дарсга чандон қизиқишмасди. Шундай кунлардан бирида факультет декани – қабарик кўзойнак тақиб юрадиган доцент уларнинг гуруҳига бегона бир қизни етаклаб кирди.

Аллақачон дарсга кўнғироқ чалинган, талабалар жой-жойига ўтириб олишган эди.

– Бугундан бошлаб Фарида сизлар билан ўқийди, – деди у қизга имо қилиб.

Ўттиз жуфт кўз эшик олдида турган бегона қизга баравар қадалди. Шу тикилиб турганлар орасида Шерзод ҳам бор эди. Сарик атлас кўйлак кийган, сочини битта қилиб ўриб, орқасига ташлаб олган Фарида хонадаги ҳамма талабалар ўзига қараб ўтирганини ҳис этиб, бошини ҳам қилиб турар, тиниқ, нафис юзлари қизариб кетганди.

– Бор, ўтир қизим, – деди декан унинг елкасига оҳиста туртиб.

Шундагина Фарида бошини кўтарди-да, қайрилма қошларини чимириб, аудиторияга бир дафъа қизиқсиниб қараб қўйди. Унинг нигоҳи Шерзоднинг кўзларига дуч келганида бир лаҳза тўхтаб қолди. Ким билсин, балки Шерзодга шунақа туюлгандир. Лекин ана шу бир лаҳзалик нигоҳ унинг қалбида довулли ғалаён кўзгади. Қизнинг қорачиқлари кенг, чақноқ кўзларида чуқур маъно, кибрга мойилроқ бир ишонч бор эди. Шерзод бу кўзларни, бу тиниқ чеҳрани қаердадир кўргандек бўлди-ю, аммо эслолмади. Йўқ, у бу қизни ҳеч қачон кўрган эмасди. Лекин худди шу сиймони доим тасаввур қилиб юрарди. Худди шу чеҳрани ёзаётган, ёзадиган асаридатасвир этмоқчи эди. Бу худди ўша – Шерзоднинг тасаввуридатез-тез жонланиб турадиган орзу каби ширин бир сиймо эди.

Шерзод кўнглида бўлаётган ғалаённи ошкор қилиб қўйишдан кўрққандек, дарров кўзини олиб қочди. Фарида икки қатор столлар орасидан секин юриб ўтди-да, энг орқа қаторга, бўш турган ўриндиққа бориб ўтирди. Аудиторияда ўтирган йигитларнинг ҳаммаси бошини орқага буриб, уни таъқиб этишар, бундан Шерзоднинг ғаши келарди. Ўзини мажбур қилди-ю, дарс тугагунча ўша томонга бирон марта қарамади.

Ҳар бир курснинг ўз лочинларию ўз гўзаллари бўлади. Лекин кўпинча йигитлар ўз гуруҳидаги гўзал қиз бир ёқда қолиб, бошқа курсдаги хунуккина қизни ёктириб қолади. Негаки, бир гуруҳда ўқийдиган талабаларда ака-сингиллик ҳисси бошқа туйғулардан устунроқ бўлади. Фарида эса бегона эди. Бунинг устига гўзал эди. Шунинг учун бўлса керак, гуруҳдаги йигитлар уни мафтунлик билан, қизлар бўлса ётсираш, ичиқоралик билан қарши олишди.

Тўртинчи курсдаги ўзига ишонган йигитларнинг ҳаммаси Фаридага кўнгил қўйган эди. Бири ошкора, бири

пинхона мафтун эди унга. Лекин Фаридида ҳеч кимни писанд қилмас, унинг ёнига яқин келганлар чироққа талпиниб қанотини куйдириб олган парвоналар сингари жароҳат чекиб нари кетар эдилар. Биргина Шерзод унга талпинмади. У кечалари миужжа қоқмай шу қизни ўйлаб чиқар, аммо ўзини кўрганда ҳеч нимани сездирмасликка уринар, оддий, самимий саломлашиб қўя қолар эди. У ҳаёлан шу қиз қаршисида минг марта топинар, аммо ўзини кўрганда мағрур ўтиб кетарди. Негаки, у Фаридани севарди. У ўзининг муқаддас туйғусини ҳеч кимга, ҳатто, Фариданинги ўзига ҳам оёқости қилдиришни хоҳламасди. Мағрур Фаридидага Шерзоднинг худди шу феъли – мағрурлиги ёқиб қолган бўлса, ажабмас.

Қиш оқшомларидан бирида Шерзод факультет қиротхонасига кирди-ю, бир чеккада дарс тайёрлаб ўтирган Фаридидага кўзи тушди. Фаридида ҳам худди Шерзоднинг кириб келишини кутиб тургандек бошини кўтариб қаради. Шунда унинг кўзлари парпираб ёниб кетгандай бўлди. Шерзод беихтиёр унинг ёнига бориб ўтирди. Икковлари анчагача китобдан бош кўтармай жимгина ўтиришди. Шерзод нима ўқиётганини ўзи ҳам билмас, фақат бир нарсани – ёнида Фаридида ўтирганини ҳис этар, унинг осуда нафас олишини эшитиб турар, димоғига урилайётган нафис атир иси бошини айлантириб қўйгандек бўлар, аммо унинг юзига қарашга журъат этолмас эди. Чамаси, Фаридида ҳам ҳеч нима ўқимас, ўқиёлмас эди шу топда. Қанча ўтиришган бўлса Шерзод ҳам, Фаридида ҳам китоб саҳифасини бирон марта варақлашмади. Шерзод гапни нимадан бошлашни ўйлар, аммо жўялироқ сўз тополмай қийналар эди. Ниҳоят, юрак ютиб, иложи борица хотиржамлик билан шивирлади:

- Кеч бўлиб кетди, уйингизга кетишга кўрқмайсизми?
- Мен ҳеч кимдан кўрқмайман. Сиз-чи? – деди Фаридида ҳам шивирлаб.

Мана шу охириги сўз – ярим ҳазил билан айтилган: «Сиз-чи?» деган савол бўлмаганида, Шерзод гапни таққа

тўхтатган, ўзининг ёпиқ оламини ёпиқлигича қолдирган бўларди. У боядан бери биринчи марта Фариданинг кўзига тик қаради. Қизнинг кўзларида, доим кибрга мойил бир ғурур билан боқадиган кўзларида алланечук маъсумлик бор эди.

Шерзоднинг вужудига майин бир илиқлик югурди-ю, бахтиёрлик билан кулди.

- Мен кўрқаман, - деди шивирлаб.

- Кимдан?

- Сиздан...

- Мендан?! - Фарида энди овоз чиқариб кулиб юборди. - Нимамдан кўрқасиз?

Атрофда ўтирганлар ўзларига қараб қўйишаётганини кўриб Шерзод яна пичирлади:

- Билмадим... Сиз жуда... бошқачасиз.

- Сиз ҳам...

Шу оқшом Шерзод уни уйига - шаҳар марказидаги тўққиз қаватли ғиштин бино олдиғача кузатиб қўйди. Фарида дадасининг ҳарбий врач эканини, узоқ йиллар Самарқандда ишлагани-ю, энди хизмат юзасидан Тошкентга қайтиб, уларни ҳам олиб келганини, оилада ёлғиз қиз эканини айтиб берди. Шерзод ҳам ўзининг Фарғонадан келгани, дадаси урушдан ярим жон бўлиб қайтгани, беш йил бурун вафот этгани, қишлоқда онаси билан синглиси қолгани, уларнинг ўзидан бошқа суянадиган кишиси йўқлигини айтди.

Шу куни икковлари ҳам қизиқ бир нарсани кашф этдилар. Аввал икковлари ҳам бир-бирларини ўтакетган кибр-ҳаволи деб билишарди. Шерзод Фаридани ўз хуснига ўзи маҳлиё деб юрарди. Фарида эса Шерзодни бошқалардан яхшироқ ўқиганию қалами ўткирлиги учун мақтанади, деб ўйларди. Энди билишса, икковлари ҳам унчалик кибрли эмас эканлар. Икковларида ҳам қандайдир кўз илғамас соддалик бор экан. Шу кашфиёт уларни бир-бирига беихтиёр занжирдек боғлаб қўйди. Ким бил-

син, эҳтимол, бу занжир илгарироқ боғлангандир-у, улар буни тан олмай юришгандир.

Шерзоднинг ҳаётида энг афсонавий, энг бахтиёр дамлар бошланди. Бу дамлар қанчалик ширин бўлса, шунчалик сермазмун эди. У дарсдан бўш пайтларида таҳририятлардан топшириқ олиб, далаларга, заводларга борар, турли-туман одамларнинг қисматларини ўрганар, ҳар нарсага жон ато қилишдек сеҳрли бир куч ҳис этарди вужудида.

Апрель оқшомларидан бирида Фаридани икковлари шаҳар айланиб юриб, стадионга кириб қолишди. Ўша куни мусобақа йўқ, стадион кимсасиз эди. Тушдан буён қовоғини солиб турган осмонда бир лаҳза чақмоқ йилт этди-ю, кетидан осмон-фалакни ларзага келтириб момақалдироқ гумбурлади. Йирик-йирик томчилар еру кўкни савалай кетди. Шерзод Фариданинг кўлидан тутганча, бир чеккада турган соябондек думалоқ тут дарахти панасига қараб югурди. Фариданинг юпқа гулдор кўйлаги жиққа сув бўлиб, баданига ёпишиб қолган, киприкларидаги нафис бўёқлари ёйилиб, сочлари тўзиб кетган эди. Дарахт япроқлари ҳарчанд қалин бўлмасин, ёмғир томчилари улар орасидан йўл топиб икковларининг устига мўл-кўл ёғиларди. Шерзод Фаридани пана қилиш учун унинг бошини кўксига яширди. Шунда қизнинг намхуш, титроқ лаблари бир лаҳза интиқлик билан йигит томон талпинди-ю, Шерзод уни бағрига босди... Улар ёмғир тингунча тут остида туришди.

– Троллейбусга қандоқ чиқаман, – деди Фаридани кулиб.

Икковлари пиёда кетишди. Шерзод уларнинг тўққиз қаватли уйи олдидан қайтиб кетаётган эди, Фаридани кўймади. «Бир пиёла чой ичиб кетинг, шамоллаб қоласиз», деб кўлидан судради.

Иккинчи қаватдаги чарм қопланган эшикни гулдор крепсатин халат кийган аёл очди. Бу – Фариданинг онаси эканини Шерзод дарров билди: қош-кўзлари худди Фариданикига ўхшарди. Йўлакка киришлари билан Фаридани Шерзодни онасига таништирди.

- Жуда яхши, марҳамат, - деди аёл Шерзодга бошдан-оёқ синчиклаб тикилиб. Шерзод унинг кўз қарашидан она-бола ўртасида ўзи ҳақида илгари ҳам гап бўлганини тушунди. Уни ичкарига таклиф этишди. Меҳмонхона деворларига чўғдек гиламлар осилган, тўр томондаги гилам тепасида кумуш сопли эгик қилич илиғлик турар, шифтдаги каттакон биллур қандил майин порлар, қорамтир сервантда қадимий кумуш идишлар товланар эди. Шерзод устига қизил бахмал ғилоф қопланган креслога омонатгина ўтирди. У қаттиқроқ нафас олса, боши устидаги биллур қандилни тушириб юборадигандек қотиб ўтирар, оёғидаги ёмғир ўтиб намиққан пайпоғи жуда хунук кўринарди кўзига.

Шерзод шаҳарга келиб ўқий бошлагандан буён кўп давраларда бўлган, ҳатто тўнғич ҳикоялари назарга тушиб қолгани учун катта-катта ёзувчиларникига ҳам таклиф этилган, бундан анча мукамалроқ жиҳозлару безакларни кўрган эди. Аммо ҳеч қаерда ўзини ҳозиргичалик ноқулай ҳис этмаганди. Негаки, у ҳозир Фариданинг онаси ҳар кириб-чиққанида ўзини зимдан таъқиб этаётганини сезар, сезган сайин қисиниб-қимтинар эди.

Фарида нариги хонага кириб кетди-да, бир оздан кейин худди онасиникига ўхшаш халат кийиб чиқди. У сочларини ёйиб юборган, янаям чиройли, янаям жозибали бўлиб кетган эди. У сервант ёнида турган китоб шкафидан каттакон альбом олди. Шерзоднинг креслоси ёнига стул қўйди-да, ўтириб альбомдаги суратларни кўрсата бошлади. Шерзод альбомга паришон назар ташлар, аммо Фариданинг суратидан бошқаларини яхши илғамасди.

Фариданинг онаси қора жило берилган столнинг бир чеккасига крахмалланган тўртбурчак қўл сочиқ ёзиб, биллур саватчада шоколад, кумуш тақсимчада асал, майиз келтириб қўйди.

Шерзод бир пиёла чой ичгунча терлаб кетди. У кўлидаги пиёлани қаёққа қўйишини билмай қийналарди. Крахмалланган салфеткага қўйй деса, пиёланинг таги

тегиб доғ бўлиб қолади. Столга қўйса, жилосига панд этади. Фариданинг онаси бўлса унинг рўпарасига ўтириб олиб, ҳар бир харакатини синчиклаб кўздан кечирарди.

Шерзод бу аёл ўзини очикдан-очик синовдан ўтказётганини сезди. Она-бола ҳарчанд қистамасин, шоша-пиша ташқарига чиқди-ю, хийла енгил нафас олди. Шу куни, ҳаётдаги энг бахтиёр кунда кўнглида туманли бир нохушлик уйғонди. У бир неча кунгача нимага шунақа бўлаётганини ўзи ҳам тушунолмай юрди-ю, кейин идрок этди. Балки ўзи билан Фариданинг ўртасида фарқ йўқдир. Лекин ўзининг онаси билан Фариданинг онаси ўртасидаги фарқ кичкина эмас экан. Фариданинг ўз қишлоғида, ўз уйида аясига хизмат қилишини тасаввур этишнинг ўзи ақлга сиғмайдиган гап экан. Шерзод шуни пайқади-ю, Фаридаларникига иложи борича бормасликка ҳаракат қиладиган бўлиб қолди. У Фаридани жондидан яхши кўрар, бу қиз учун ҳар нарсага тайёр турар, фақат уларникига боришдан безиллар эди.

Бу орада имтиҳонлар тугади. Фарида ота-онаси билан Болтиқ бўйига дам олишга кетди, Шерзод қишлоққа жўнади. Улар тез-тез хат ёзишиб турар, Шерзод энди бу қиз қалбининг бир парчасига айланиб қолганини билар эди.

Янги ўқув йили – Шерзод билан Фарида учун охириги ўқув йили бошланди. Фарида денгиз бўйидан қорайиб, тўлишиб қайтди. У янаям очилиб кетган эди. Пахтага кетишлари арафасида Фарида қўярда-қўймай уни яна уйларига таклиф этди. Шу куни Фариданинг онаси қирк олти ёшга тўлганини Шерзод ичкари кирганидан кейин билиб қолди. Билди-ю, қуппа-қуруқ кириб келганига баттар мулзам бўлди.

Меҳмонлар ҳали йиғилишмаган эди. Фариданинг онаси елиб-югуриб дастурхон безатаркан, Шерзод билан ора-чора гаплашиб қўярди. У аввало Шерзоднинг Тошкентда ишда қолиш-қолмаслигини суриштирди. Шерзод бултур республика газетасида практика ўтаган, уни шу ерда олиб қолишмоқчи эди. Аммо бу ҳали мавҳум гап

бўлгани учун Шерзод Фариданинг онасига тайинли бир гап айтмади.

- Тукқаним ҳам, тургани ҳам шу қизим, – деди Фариданинг онаси Шерзоднинг рўпарасига ўтириб. – Дадаси билан мен уни бир қадам жилдирмаймиз. Очиғини айтсам, Фарида рўзгор эплай олмайди. Ёлғиз боламизга харидор бўлган одам фарзандимиз қатори шу ерда тураверади.

Шерзод ҳаммасини тушунди. Тушунди-ю, индамади. Бир нима дейишга ожиз эди. Бир оздан кейин Фариданинг дадаси келди. Бу одам подполковник формасида жуда салобатли кўринган эди. Аммо ичкаридан хонаки либос кийиб чиққанида оддий, қоп-қора, хушчақчақ кишига айланиб қолди. Шерзод билан жуда дилкаш суҳбатлашди. Ўша оқшом меҳмонлар алла-паллагача ўтиришди. Шерзод ётоқхонага кеч қайтди. Тонг ёришгунча мижжа қоқмади. У ўйлаб ўйига ета олмас эди: демак, Фариданинг онаси ичкуёв излаяпти. Шерзод мабодо марказда қолган тақдирда ҳам шу шартга кўна олмайди, у, аввало, қишлоқда қолган онаси билан синглисига ёрдам бериши керак. Ҳали синглисини узатиш масаласи турибди. Шунинг учун ҳам у газеталардан олган арзимас қалам ҳақини, стипендиясининг бир қисмини қисиб-қимтиб ўйига жўнатади. Энг муҳими бу ҳам эмас, муҳими, у эркин бўлишни хоҳлайди. Фариданинг уйида, бир кун ҳам туролмайди. Демак... Шерзод уёғини ўйлашни истамас эди. «Фарида билан гаплашиш керак, – дерди у ўзига таскин бериб, – Фарида эсли қиз».

Бир куни у гапни узоқдан бошлаб, шу мавзуга улаганда Фарида лўнда қилиб айтиб қўя қолди: «Ойимлар мен учун ўзларини фидо қилдилар. Институтда беш йил ўқиб олган билимларини менга алишиб, ишни ташладилар. Энди мен нонкўрлик қилолмайман».

Шерзод Фаридани ҳам, онасини ҳам айблай олмасди. Айни пайтда, Фариданинг шартига кўна олмасди ҳам.

Киш кунларидан бирида ғалати ҳодиса рўй берди. Шерзод билан Абдувоҳид бозорга тушишди. Абдувоҳид

оилали бўлгани учун Шерзод ора-чора бозор-ўчарига қарашиб юрарди. Бозор дарвозаси ёнига келишганда бир тўда одамни кўриб тўхтаб қолишди. Қори супуриб ташланган асфальт йўлканинг бир чеккасида табурет-када ароқ ичаверганидан юзи шишиб кетган, соқоллари ўсган, пахталик чопон кийиб олган малласоч киши ўтирарди. У бир қўлида букланган қоғозлар зичлаб тахланган қутича ушлаб олган, бир қўлида каламушга ўхшаган жонивор бор эди.

– Денгиз чўчқаси билан фол очяпти, – деди Абдувоҳид кулиб. – Кел, бир кўрайлик.

– Жиннимисан? – Шерзоднинг жаҳди чиқди. – Топган эрмагингни қара-ю!

– Буям бир гап-да, оғайни. – Абдувоҳид пиёниста фолбинга элик тийин бериб кафтини тутди. Жонивор қизғиш тумшуғини яқин келтириб, унинг кафтини искаб кўрди, қутичадаги қоғозлардан бирини тишлаб тортди.

«Яқинда фарзанд кўрасан!» Абдувоҳид машинкаланган қоғозни овоз чиқариб ўқиди-да, кулиб юборди.

– Бунисини ўзимам биламан, номард! – деди пиёниста фолбинга қараб. – Хотиним туғай деб турибди. Сен менга нима туғиб беришини айт! – у қоғозни Шерзодга чўзди. – Чиройли қилиб машинкалатганини қара! Йигирманчи асрнинг лўттибозлари ҳам техникадан фойдаланадиган бўп кетган. Қани, қўлингни чўз. – У Шерзоднинг кафтини зўрлаб жониворнинг тумшуғи тагига тикиштирди. Шерзод жонивор тортиб чиқарган қоғозни беихтиёр қўлига олди-ю, текис қилиб машинкаланган сўзларни ўқиди: «Сен хиёнатга дуч келасан».

– Менга қара! – деди у фолбиннинг шишиб кетган башарасига тикилиб. – Чўчқангга айт, яна бир марта текшириб кўрсин. Агар яна шу сўзларни топиб чиқарса, уч сўм оласан. Мабодо, бу гал бошқача фол очса, қўлингдан олиб ерга ураман-у, тинчителиб қўя қоламан.

Фолбин қизариб кетган кўзларини Шерзодга тикиб бир лаҳза талмовсираб турди-да, бош силкиди:

- Давай!

Бу гал жонивор қутичанинг бошқа томонидаги қоғозни тишлаб тортди. Шерзод қоғозни ёйиб ўқиди: «Сен хиёнатга дуч келасан!».

У қоғозни ғижимлаб улоқтирди. Лекин кўнглида уйфонган ғашликни улоқтириб юборолмади.

Ўн тўртинчи февраль Фариданинг туғилган куни эди. Икки кун илгари қиз уни яна уйига таклиф қилди.

- Бажону дил, - деди Шерзод кулимсираб. - Фақат битта шартим бор: ўз қўлингиз билан ош дамлаб берасиз.

- Вой, одам ўзининг туғилган кунидаям ишлайдими?
- Фарида хандон отиб кулди.

- Нима қипти, ойингиз туғилган кунларида ҳамма ишни ўзлари қилдилар-ку!

Фарида Шерзоднинг нимага шама қилаётганини тусунди.

- Нима, мени синамоқчимисиз? - деди қовоғини солиб. - Мен шунақаман, оқсочликни ёмон кўраман.

Шерзод шу гапдан дилсиёҳлик чиқармаслик учун қачондир қулоғига чалинган латифанамо бир воқеани айтиб берди:

- Машхур бир ёзувчининг ғалати одати бор экан. Хотинига гоҳ зиғир ёғдан, гоҳ қўй ёғидан ош қилишни буюраркан. Бир куни уларникига нозикроқ меҳмон келиб қолибди. Хотини қанақа ёғдан ош қилиш кераклигини сўрабди-ю, эрининг жавобини яхши англай олмабди. Қайтадан сўрай деса, меҳмондан уялибди. Шунинг учун иккита қозонда икки хил ёғдан ош дамлабди-да, иккита лаганда сузиб олиб келибди.

Шерзод Фаридани кулдирмоқчи эди, аммо у кулмади.

- Биринчидан, сиз ҳали ёзувчи эмассиз, иккинчидан ёзувчи тугул пайғамбар бўлсаям, мен эримга оқсочлик қилмайман! - деди дона-дона қилиб. - Керакли ошини ўзи пишириб еяверади.

- Ош пишириш айб эмас-ку? - деди Шерзод ранжиб.

- Мен бўладиган гапни айтдим!

Чиндан ҳам Фариди туғилган кунида «меҳмон» бўлиб ўтирди. Шу куни Шерзодни ранжитадиган яна бир гап бўлди. Меҳмонлар кўпайишиб кетди-ю, Шерзод сиқилиб балконга чиқди. Шунда ошхонада бўлаётган гап-сўзлар беихтиёр қулоғига чалинди.

– Дидсизгина бола экан. Тўртта гулни матах қилиб кўтариб келганини-чи! – Бу Фариданинг онаси эди. Шерзод ўзи гулхонадан олиб келган уч дона чинни гулни эслади.

– Майда гап бўлманг, ойи! – деди Фариди жеркиб.

– Ҳамма нарса майда-чуйдадан бошланади. Нима қиласан шу болани! Сени бошига кўтариб юраман деганлар сон мингта! Биласан, бизга шунчаки куёв эмас, ўғил керак. Сени қишлоғига диканглатиб олиб кетадиган одам эмас, шу ерда қоладиган одам керак.

Шерзод югургудек бўлиб меҳмонхонага кирди. Шу оқшом худди саҳнада роль ўйнаётган одамдек илжайиб ўтиргани учун ўзини ёмон кўриб кетди. У бунақа ишларни эплай олмасди.

...Севиқли одаминг сен билан ўпишаётганида юзини ўгириб, кўзини олиб қочдим, билки – кўнглида ё хиёнат бор, ё адоват. Кейинги пайтларда Шерзод Фаридида худди шу ҳолатни пайқайдиган бўлиб қолди. Фариданинг кўнглида хиёнат бўлмаса ҳам адоват бор эди. Биринчи май куни шу адоват ярқ этиб кўриниб қолди. Факультетда байрам оқшоми нишонланди. Шерзод кечқурун Фаридани кузатиб қўймоқчи эди, қиз кўнмади.

– Ўзим кетаман, – деди қуруққина оҳангда.

Йўқ, унинг ўзи кетмади. Йўл-йўл қўйлагининг енгини қайириб олган баланд бўйли бир йигит Фаридани зина олдида кутиб турган экан. Икковлари етаклашиб кетишди. Фариданинг атрофида парвона бўлиб, қанотини куйдириб олган аламзада йигитлар Шерзодни «табриклашди».

Фариди бу ишни азбаройи ўша йигитни яхши кўрганидан эмас, Шерзодни ўзидан совитиш учун қилганини, бу аёлларга хос макр эканини Шерзод жуда кечикиб ту-

шунди. Ҷша пайтда унинг кўзига ҳеч нима кўринмасди. Эртасига у Фариди билан худди Ҷша зина олдида тўқнаш келди.

– Битта қинга иккита қилич сиғмайди. Мабодо, сиғса-ям ҳаром бўлади! – Шерзод бу гапни шу қадар совуқ қаҳр билан, шу қадар кўполлик билан айтдики, Фариданинг ранги ўчиб кетди.

– Сизга оғирлиги тушмай кўя қолсин! – деди Фариди ҳам ғазаб билан. – Бу ёғини ўзимизга кўйиб берасиз!

Шерзод ораларидан гап қочишига бемаъни нарсалар сабаб бўлаётганини билар, аммо Фариданинг олдида бўйин эгишга ғурури йўл кўймас эди. Фариданинг уйида эса жанжал бозори қизир, уни қандоқ қилиб бўлмасин, Тошкентда олиб қолиш масаласи ҳал қилинарди. Шерзод жаҳдан тушиб ғурурини тийиб олгунча масала ҳал бўлди. Давлат имтиҳонига уч кун қолганда Фариди унинг кўлига таклиф қоғози тутқазди. Шерзод нима бўлганда-ям тақдирининг шу қадар ағдар-тўнтар бўлиб кетишини кутмаган эди. Учиб кетаётганида ногаҳон ўқ еган лочиндек чилпарчин бўлиб тушди.

Илиқ ёз оқшомларидан бирида Фаридаларнинг тўққиз қаватли уйи рўпарасида, гулзор майдонда қарс-бадабанг тўй бўлди. Абдувоҳиднинг ҳарчанд қаршилиқ қилишига қарамай, ўзини ўзи хор қилаётганини била туриб Шерзод тўйга борди. Шўх-шўх куйлар чалинди, қадаҳлар жаранглади, нутқлар сўзланди.

Аввал Фариданинг дадаси билан бирга ишлайдиган семиз киши гапирди. Оилавий ўтиришда Шерзод уни, бу киши Шерзодни кўп кўрган эди. У куёв ўғил Жўравойнинг ажойиб инженерлиги, ажойиб одамлиги, келинпошша мисоли ой бўлса, куёв бола куёш эканлиги, бир-бирини қаттиқ севишини айтиб, бахт-саодат тилади. Кейин Фариданинг курсдоши, бир вақтлар Шерзодга кўнгил кўйиб, жавоб ололмаганидан кейин узоқлашиб кетган ихчамгина қиз сўз олди. Келин-куёв кўпдан буён

бир-бирини севишини, бир-бирига хўп муносиблигини айтиб, улар учун қадаҳ кўтаришни илтимос қилди.

Шерзод ён тарафдаги столда ўтирарди. Мунча гап-га чечан бўлмаса бу одамлар! Мунча беномус бўлмаса бу одамлар! Бировнинг муҳаббати дафн этилган қабр устига қўйилган гулчамбарлардан гулдаста ясаб, бошқа бировнинг қўлига тутқазिशга мунча уста бўлмаса бу одамлар! Шерзод шуларни ўйларди-ю, ҳаммадан баландроқ қаҳ-қаҳ уриб куларди. Шуларни ўйларди-ю, қўлидаги қадаҳни ҳаммадан қаттиқроқ жаранглатарди. Қизиқ, у дарров маст бўлиб қолди. Икки қадаҳ ичиши биланоқ боши ўз-ўзидан айланиб, кўз олди жимирлай бошлади. Бир маҳал, Фариданинг дадаси билан бирга ишлайдиган ҳамкасблари бўлса керак, бир тўда ҳарбий кишилар қарсак чалиб бор овоз билан «Горько! Горько!» деб қичқира бошладилар. Куёв оқ рўмол ёпиниб ўтирган келин томон эгилди. Шерзод юраги кўксидан отилиб чиқиб кетаётганини сезиб, сакраб ўрнидан турди. Маст оломон ҳамон бақириб-чақирар эди. У гандираклаганча даврадан чиқиб кетди. Анча юрди. Хаёлида нуқул бир хитоб янграр эди: «Нега бординг ўша ёққа! Нега?!». Бир маҳал ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолганини пайқади. Оломон бақириб-чақирмас, машиналар шовқини эшитилмас, трамвайлар гувилламас эди. Шерзод бошини кўтариб қаради. Аллақандай хилват боғнинг бир чеккасига келиб қолибди. Атрофда чироқлар кўринмас, ҳаммаёқ осуда, ғамбода ой дарахтлар орасида адашиб ночор тентирар, қаердадир сув шилдирар эди. Шерзод оёқларидан мадор кетганини сезиб чўккалади. Тиззаларига муздек майсалар уннади. Шундагина у майса устига мук тушди-ю, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди...

Бунақа пайтда киши ҳақиқат излаб қолади. Аммо қидирган нарсаси доим ўзи билан ёнма-ён юрганини, уни ўзи кўрмай қолганини тан олмайди, ололмайди. Шерзод ҳам буни кейин, кечикиб тушунди. Сен галварсга онангнинг хизматини қиладиган хизматкор керакмиди

ё маслакдош умр йўлдошими? Нега энди сен ўз онангни, ўз уйингни ўйлашинг кераг-у, нега Фариди ўз онасини ўйламаслиги керак экан? Нима, ўқинг ўзганми сенинг!

Шерзод бу саволларни ўзига кейинчалик берди. Шунда кўпдан буён ўзига эргашиб юрган ҳақиқатни кўрди: Фариди қанчалик худбинлик қилган бўлса, ўзи ҳам ундан қолишмаган экан. Фариди қанчалик бевафолик қилган бўлса, ўзи ҳам шунча енгилтаклик қилган экан. Ҳақиқат шу эди!

Киши бировдан нафратланса, битта алангада ёнади. Қўшилиб ўзидан ҳам нафратланса, бир ўти икки бўлади. Шерзод икки алангада баравар куя бошлади...

Мана, ўшандан буён орадан уч йилдан кўп вақт ўтди. У Фариданинг эрини – ўша новча йигитни бошқа кўрмади. Кўрса танимасди ҳам. Фақат бу йигит Фаридаларникида яшаётганини биларди. Фариданинг фарзанди йўқ эканини, ҳеч қаерда ишламаётганини ҳам билар, аммо ўзини кўрмаган эди. Бугун кўрди. Кўрди-ю, битай деб қолган яраси яна янгиланди.

Шу кеча палатанинг оппоқ шифтига тикилиб ётганича тонг оттирди...

13

Кейинги пайтда у ўзини яхши ҳис этар, ишни соғиниб қолганди. Таҳририятдан йигитлар тез-тез кўргани келишар. Абдувоҳид бўлса, кунора қатнар, гоҳ онасини, гоҳ ёш болали хотинини юбориб турар, бундан Шерзод хижолат чекар эди.

Бугун якшанба бўлгани учун касалхона янаям гавжум бўлиб кетди. Рангли афишалар осиб ташланган вестибюлда, теракзор хиёбондаги скамейкаларда, атиргуллар қизғиш барг ёза бошлаган гулзорлар четида кўпдан-кўп одамлар тўпланди. «Касалхона эмас, сайилгоҳ бўп кетди», деб ўйлади Шерзод мийиғида кулиб. Фақат кеч кириб, оқшом тушганидан кейин одамлар сийраклашди,

ҳовлига ҳам, йўлкаларга ҳам жимлик чўкди. Дераза ортидаги гулини тўккан ўрик шохларида бир лаҳза шафақ ўйнади. Қорайиб, қовжираб қолган гулбарглар остидан кўкариб чиққан майин япроқчалар зумрад нуқралардек бир ловиллаб сўнди.

Шерзоднинг кўзи энди илинган экан, бир маҳал Сайфи Соқиевич каравотини ғижирлатиб ирғиб ўрнидан туриб кетди.

– И-и-и! – деди беихтиёр олдига талпиниб. Шерзод чўчиб кетди-ю, ўша томонга хавотирланиб қаради. Сайфи Соқиевичнинг чеҳрасида алланечук қувонч порлар, салқи қовоқлари учиб-учиб турар, кўзлари ёниб кетган эди.

Шерзод эшик олдида турган кишини энди кўрди. У мизғиб ётганида эшик очилганини эшитмай қолганди. Нотаниш кишининг боши эшик кесақисига тегай деб турар, шунча бўй камлик қилгандек мовут шляпа ҳам кийиб олганди.

– Ассалому алайкум! – Сайфи Соқиевич чаққонлик билан каравотидан туриб, шиппагини оёғига илди-да, новча кишининг истиқболига чиқди.

– Саломатмисиз, омонмисиз? – у новча кишининг рапидадек кўлини ўзининг дўмбоқ кафтлари орасига олиб, беозор силкитар, гўё ўзи эмас, мана шу одам бетоб бўлиб қолган-у, ундан аҳвол сўраш фарздек ҳар қўл силкиганда қайта-қайта суриштирарди: – Уй ичилар тинчми, жиянлар омонми?

«Каттароқ хўжайин бўлса керак, – деб ўйлади Шерзод новча кишидан кўз узмай. – Бўлмаса Сайфиддин ака бунчалик шошиб қолмасди». У Сайфи Соқиевич кимга қанақа муомала қилишини билиб қолганди.

Новча кишининг юз тузилиши кўпол, чўмичдек бурни бор ҳуснини ҳам йўқотиб юборганга ўхшар, рангсиз юзидан бирор маъно уқиб олиш қийин эди.

– Қалай, тузалиб қолдиларми? – деди Сайфи Соқиевичга кибр билан қараб.

«Овози сурнайга ўшаркан, – ўйлади Шерзод мийғи-да кулиб. – Қизиқ, негадир кўпинча новча одамларнинг овози сурнайга ўшайди».

Сайфи Соқиевич энди ўзини анча босиб олди. Худди расмий давраларда қатнашадиган арбоб сингари вазмин бош силкиди.

– Худога шукур, – деди мулойим жилмайиб. У ўз туш-агининг бир чеккасини қайириб, кафти билан тозаллаган бўлди-да, имо қилди. – Марҳамат.

Новча киши шляпасини ечиб, Сайфи Соқиевичнинг ёстиғи устига қўйди.

– Жойингиз ўзингизга буюрсин. Нима, энди меням оёғимдан тортмоқчимисиз?

Сайфи Соқиевич қорнини селкилатиб қулди.

– Йўғ-э, «шеф», худо асрасин! Бутун бошли Горторг-нинг бошлиғига шу жойни раво кўрармидик.

У «шеф» деган сўзни нимтабассум билан айтди. Лаган-бардорлик қилдими, киноями, Шерзод тушунолмади. Ҳар қалай, бу сўз новча кишига ёқиб тушди, шекилли, овозини кийқиллатиб қулди. У тумбочка олдидаги стулга ўтир-ганидан кейингина Шерзод томонга қаради. Шерзод салом берган эди, бошини силкитиб алик олган бўлди.

Сайфи Соқиевич тумбочкасидан чойнак-пиёла, тўқ-сон беш чой олди.

– Қани, ука, тезроқ қимиллай қол! – деди Шерзодга чой-накни узатиб. – Титаннинг кнопкасини шундоқ боссанг, дарров биқиллаб қайнайди. Тоза қайнасин, уқдингми?

Шерзод ҳайрон бўлиб қолди. Сайфи Соқиевич унинг кўз ўнгида ҳар куни минг хил товланиб кўринар, аммо ҳеч қачон сенсирамаган эди. «Нима бу, яқин тутиб шун-дай қиялпими ё хўжайиннинг олдида ўзини кўрсатиб кўймоқчими? – Шерзод жилмайиб қўйди. – Ўзини кўр-сатмоқчи!»

Сайфи Соқиевич Шерзоднинг ўзига қаттиқ тикилиб турганини кўриб, бир лаҳза иккиланиб қолди-ю, аммо яна ўша оҳангда қайтарди:

– Ёш йигит деган тез-тез қимирлайди-да, ука!

Шерзод чойнакни кўтариб йўлакка чиқиши билан Сирожиддинга дуч келди. У ялангбош бўлиб олган, кўлида қаппайиб кетган портфель, юки оғир бўлса керак, бир томонга оғиб келарди. Сирожиддин Шерзодни кўриши билан портфелини чап кўлига олди-да, яқин келиб қўл қисишди.

– Тузукмисиз? – деди кўкиш кўзлари хиёл қисилиб.

Шерзод ичкарига имо қилди:

– Дадангизга меҳмон келди.

– Биламан, – Сирожиддин кулди. – Бобойнинг хўжайини-да! Ўзим опкелдим.

Титан совуб қолган экан. Шерзод уни қайнатгунча анча вақт ўтди. У палата эшигига яқинлашиши билан димоғига коньяк ҳиди гуркираб урилди.

Каравотларнинг бошида турадиган иккала тумбочка ўртага олиниб, «стол» қилинган, устига газета ёзиб қўйилган, дастурхонда қовурилган товуқ, яримлаб қолган арман коньяги, ширмой нон турарди. Дераза олдидаги стулда ўтирган «шеф» товуқ оёғини чайнар, Сайфи Соқиевич пахта гулли пиёлага ўз кўли билан қилқиллатиб коньяк қуяр, Сирожиддин бўлса, ҳў бир сафаргидек, ялтироқ туфли кийиб олган оёқларини чалиштириб Шерзоднинг каравотида ўтирарди.

– Нима бало, чой бўп кетдингми, ука? – Сайфи Соқиевич Шерзодга юзланиб койиган бўлди. – Кел, ўтира қол. – У иккинчи пиёлага ҳам тўлдириб коньяк қуйди. Унинг юзи бўғриқиб кетган эди. «Ичибди, – деб ўйлади Шерзод зимдан қараб. – Қон босими бор одамга ичкилик ёқмайди деганлари тўғри экан».

Сайфи Соқиевич пиёлалардан бирини «шеф»га узатди. Горторг мудирини тумбочка устига ёзилган газетанинг бир учини йиртиб олди-да, ёғли қўлларини артди. Пиёла унинг каттакон, сертомир кафтида худди ўйинчоққа ўхшаб қолди.

- Қани, ука, банияти шифо деб бир отиб юборасанда, энди! – Сайфи Соқиевич мастона сузилаётган кўзларини Шерзодга тикди.

Шерзод охирги марта ичиб касалхонага тушганини ҳали унутмаган, умуман, кейинги пайтда ичкиликдан ўзини тортиб қўйган эди.

- Раҳмат! – деди чой қайтараркан.

- Э, олсанг-чи! Бизга ақл ўргатадиган дўхтирларнинг ўзи пиёниста! – Сайфи Соқиевич овозини баралла қўйиб шангиллади. – Бир одам айтган экан, ичмасам, чекмасам, хотин билан юрмасам бу дунёга нимага келдим, деб.

«Оббо, пишиб қопти-ю», ўйлади Шерзод, ҳамон чой қайтараркан. У Сайфи Соқиевичнинг каравоти остида думалаб ётган иккинчи шишани энди кўрди. «Бирпасда шунчани ичишган бўлса, иштаҳалари чакки эмас-ку!».

- Нимаям қилардик, – деди Шерзод Сайфи Соқиевичнинг кўзига тик қараб. – Бу дунёда яшашни ҳамма ҳар хил тушунади.

Сайфи Соқиевич қизарган кўзларини бир лаҳза Шерзодга тикиб, киприкларини пирпиратди-да, йилтираб турган дўрдоқ лабларини ялаб қўйди. Негадир кулди.

- Файласуфларни ёмон кўраман-да, – деди пишқириб. Кейин «шеф» томонга бурилиб жарангдор овозда давом этди. – Инсоннинг бошига ҳар хил кун тушаркан. Шундоқ кунда қимматли вақтингизни аямасдан хабар олганингиз учун бошим осмонга етди. Раҳмат. – У бир лаҳза жим қолди-да, яна қўшиб қўйди: – Инсон учун энг катта бойлик – саломатлик экан. Мана, бошимизга тушгандан кейин билияпмиз.

- Соғ бўлиш учун остановкани билиш керак-да, нима дуч келса, ураверадими, меш қоринга!

«Шеф» бу гапни кулиб айтди. Аммо Шерзод унинг овозидаги ҳақоратомиз оҳангни сезди-ю, беихтиёр Сайфи Соқиевичнинг дўмбаган қорнига қаради. У Сайфи Соқиевич тутақиб кетса керак, деб ўйлаганди. Йўқ, у тутақмади. Пиёлани шимириб бўшатди-да, авайлаб бир

чеккага қўйди. Кафтининг орқаси билан лабини артиб жилмайди.

– Аммо ҳазилниям жа оласиз-да! Қани, марҳамат! – у бир бўлак товуқ гўшти ушатиб «шеф»га узатди. Шерзод Сайфи Соқиевичнинг ночор аҳволдан баттар ийманиб Сирожиддинга қараб қўйди. Сирожиддин парво қилмай жилмайиб ўтирар, ора-чора хандон писта чақиб ер, ўтирган жойида чўзилганча дераза тоқчасида турган шиша банкага пўчоғини ташларди.

«Яна бир неча йилдан кейин худди дадасининг ўзи бўлса керак, – деб ўйлади Шерзод унга тикилиб. – Фақат кўзлари бошқача, қув бўлсаям, ҳар қалай маъно бор...»

Шерзод Сирожиддин дадасининг майна бўлиб ўтиришини шу қадар бепарволик билан томоша қилаётганига ҳайрон қолди. Чамаси, Сирожиддин бунақа гап-сўзларни эшитавериб пишиб кетган эди. Шерзод шуни сезди-ю, секин ўрнидан туриб, эшик томон йўл олди. Ҳеч ким унга қайрилиб ҳам қарамади.

14

Қайтиб келганда алламаҳал бўлиб қолган эди. Бошқа палаталарда чироқ ўчган, фақат уларнинг қия очик эшигидан нур тушиб турарди.

Сайфи Соқиевич майкачан бўлиб олганча ёстиққа ёнбошлаб, тишини ковлаб ётар, юзи янаям қизариб, аллақандай қорамтир тусга кирган, қисилиб кетган кўзларида табассум ўйнар эди. Тумбочкалар яна жой-жойига қўйилган, ҳамма нарса йиғиштириб олинган, фақат коньяк иси билан пастак шифт остида қалқиб юрган тамаки тутуни «улфатчилик» анча чўзилганини айтиб турарди.

– Нега қочиб кетдингиз, Шерзоджон! – деди Сайфи Соқиевич қаддини ростлаб. Унинг ширакайф сузилиб қарашидан жудаям гаплашгиси келаётгани кўриниб турарди.

– Ўзим. – Шерзод елкасини қисди. – Халақит бергим келмади.

- Ё мендан хафа бўлдингизми, ука? – Сайфи Соқиевич Шерзодга қараб юмшоқ жилмайди. – Ҳали ўзимга яқин олиб, сенсираб юбордим, шекилли.

- Зиёни йўқ! – Шерзод дераза илгагини туширди. – Ҳозирча сизсираб турунг, «шеф»ингиз келганида яна сенсирайверасиз!

Сайфи Соқиевич Шерзоднинг ҳазили ёқиб кетгандай хузур қилиб қулди. Шерзод деразани очди. Кўксига мусаффо шабада урилиб, бир лаҳза туриб қолди. Ой ҳали чиқмаган, осмон қоронғи, юлдузлар ёрқин-ёрқин порлар эди.

- Найнов одам аҳмоқ бўлади, деган гапни эшитганмисиз, Шерзоджон?

Шерзод бурилиб қаради. Сайфи Соқиевич ёстиғини деворга тираб ўтириб олган, жун босган оёқларининг учи каравот остидаги пойандозга тегиб турарди.

- Эшитганмисиз? – деди у кўзларини йилтиратиб.

«Боя «шеф»дан кўнгли ранжиган экан-да», ўйлади Шерзод каравотига келиб ўтираркан.

- Унисини билмайман-у, – деди мийиғида қулиб, – ammo аҳмоқнинг катта-кичиги бўлмайди деган гапни эшитганман.

- Аҳмоқнинг катта-кичиги жудаям бўлади-да! — Сайфи Соқиевич тиш қовлаётган гугуртнинг учини бармоқлари билан қисиб тозалади-да, тагин оғзига тикди. – Ҳалиги найнов бор-ку, аҳмоқнинг энг каттаси ўша бўлади, – деди палағда товушда. – Қанийди, жавобгарлиги бўлмаса! Қоқ пешонасидан отиб ташлаган бўлардим, хунагани!

Шерзод кўйлагини еча бошлаган эди. Ёқа тугмачасини бўшатаётган жойида қўллари муаллақ қотиб қолди. У Сайфи Соқиевичнинг «шеф»дан ҳасрат қилгиси келиб турганини сезганди-ю, бунчалик ҳақорат қилишини ҳаёлига келтирмаган эди. Сайфи Соқиевичнинг йилтираб турган кўзлари, мой босган дўрдоқ лаблари бирдан шу қадар хунук кўриниб кетдики, жирканч бир туйғудан ву-

жуди сесканиб тушгандай бўлди. Наҳотки, бундан ярим соат илгари оёғига йиқилгудай бўлиб турган одамни энди шунчалик оёқ остига олиб топтаса!

Шерзод мактабда ўқиб юрганида биология ўқитувчиси зирҳли жониворлар тўғрисида дарс ўтган эди. Тошбақа, каркидон, яна аллақанақа ҳайвонларнинг қалқони бўлишини, улар бу қалқондан усталик билан фойдаланишини айтиб берганди. Шерзод бир хил одамларни кўрганда, ўша жониворларни эсларди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. «Зирҳли жониворларнинг энг зўри мана шунақа одамлар бўлса керак».

– Кўп машқ қилганмисиз, Сайфиддин ака! – деди заҳарханда билан.

Сайфи Соқиевич ҳамон сузилиб ўтирар, ўз хаёллари билан банд эди. Шерзоднинг ранги бўзариб кетганини пайқамади ҳам.

– Нимани? – деди бемалол тишини ковлаб.

– Бирпасда минг қиёфага киришни.

Сайфи Соқиевич қорнини селкиллади, маза қилиб кулди. Кўзлари янаям қисилиб кетди.

– Ёшсиз, ука, ёшсиз! Ҳозир ҳамма шунақа қилади! Ҳамма! Балиқ ҳам думини ликилламас, сузолмайди. Дунёда муросаю мадора деган гап бор. Найнов – аҳмоқ. Аммо аҳмоқ бўлгани билан амали бор. Бутун бошли Горторнинг мудирини! Муроса қилмасам, бир чўқийди-ю, учиради-юборади. Бу дунёда ё заринг бўлсин, ё зўринг бўлсин. Шундан бошқа ҳаммаси – бир пул!

«Мана фалсафаси! – ўйлади Шерзод. – Мана муқаддас нарсаси – ё зар, ё зўр!»

– Шефингизнинг нимаси кўп, зарими, зўрими?

– Чироқни ўчиринг! – Сайфи Соқиевич оёқларини йиғиштириб ёнбошлади. – Сестра уришиб беради.

Шерзод туриб чироқ тугмасини босди. Палата бир дафъа қоронғилашгандай бўлди-ю, йўлакдан тушиб турган чироқ нуридан яна ғира-шира ёришди.

– Деразаниям ёпа қолинг. Ҳаво салқин. – Сайфи Соқиевич аделга ўраларкан, чўзиб ҳомуза тортди.

Шерзод деразани ёпиб, жойига қайтди. Палатага жимлик чўкди. Орадан анча вақт ўтди. Шерзод шифтга тикилиб ётаркан, Сайфи Соқиевичнинг ҳали ухламагани, йўғон бармоқлари билан думалоқ елкасини қашлаб қўяётганини аниқ кўз ўнгига келтирди.

– Айтмадингиз-ку, зари кўлми, зўрими? – деди беихтиёр овозини баландлатиб.

Сайфи Соқиевичнинг каравоти ғирчиллади.

– Қайдам! Унисиям, бунисиям бўлса керак!

– Қаёқдан олади? – деди Шерзод шифтдан кўз узмай.

Сайфи Соқиевич узоқ жим қолди. Чамаси, у энди гапиришга иккиланиб қолганди.

– Олади-да! – деди ниҳоят. – Олмаса обориб беришади. Илгари бошқача эди: ҳамма ўзича ерди. Ҳозир бир улушни ўзинг еб, икки улушини юқорига оширмасанг, ишинг чатоқ. – Сайфи Соқиевич оғзидан гуллаб қўйганини пайқаб қолди, шекилли, яна дами ичига тушиб кетди. Шерзод ҳам бир зум жим ётди-да, секин сўради:

– Ҳаммадан улуш оладими?

– Қайдам... – деди Сайфи Соқиевич яна минғиллаб. – Аммо-лекин ишга янги келган кунлари мени силжитаман, деб кўп уринди бу хунаса! Ҳар ҳафта ревизия босади. Ўзининг одамини қўймоқчи бўлган-да. Олдига тўғри кириб бораверай десам, синамаган одам. Йўқ, бир кун чораси ўзидан-ўзи топилиб қолди, курортга кетаётганини эшитиб қолдим. Аэропортга кузатишга чиқдим-у, бир пачка қизилини чой пули қиларсиз, деб папкасига солиб қўйдим. – Сайфи Соқиевич қиқирлаб кулди. – Ўшандан буён уям тез-тез дам олишга боради, менам тинчиб қолдим.

«Бировнинг пора олгани-ю, бировга пора берганини айтишгайм қўрқмайди булар! – деб ўйларди Шерзод ўкиниб. – Зўрининг кучига, зарининг қудратига шунчалик ишонадими-а?!».

Навзамбиллосини айтганда, буям битта ўзи емайди. Ўздан катталарга оширади. Йўли шу!

– Бизнинг соҳа нозик, – деди Сайфи Соқиевич худди унинг кўнглидан ўтган гапларни билгандек. – Арзимаган нарса билан жувонмарг бўлиб кетиш ҳеч гапмас. Йўлини билиш керак.

«Сенинг соҳангдагилар ҳаммаси ўғрими ё ҳамма ўзингга ўхшаган ўғри бўлишини хоҳлаяпсанми?» – ўйлади Шерзод юраги гурсиллаб. У беихтиёр отасини эслади. Унинг отаси урушдан оёғидан айрилиб қайтган, ўшанда уни сельпо магазинига сотувчи қилиб тайинлашган экан. Шерзод ўша кунларни элас-элас хотирлайди. Отаси кечқурун керосин лампани ўртага қўйиб, ярим кечагача каттакон дафтардаги ҳисоб-китобларни чиқариб ўтирар, икки гапининг бирида: «Кўпчиликнинг ҳақи етим ҳақидан ёмон», деб қўярди. Кейин унинг иккинчи оёғидаги снаряд парчаси ҳам зўриқиб кетди. У қорасон бўлиб қолди-ю, бу оёғини ҳам кесиб ташлашди. Шу кундан бошлаб у уйга қамалиб қолган эди.

Шерзод шуларни эслади-да, вужудини қамраган олов лоп этиб миясига урилди. Шиддат билан ўрнидан туриб ўтириб олди.

– Менга қаранг! – деди паст, аммо таҳдидли товушда. – Мана шу гапларингиз учун пачағингизни чиқариб юборсам нима қиласиз?

Сайфи Соқиевич елкасига адёл тортиб беозор пишиллаб ётар эди. Шерзоднинг овозидаги таҳдид оҳангини сезди-ю, кўзлари ярқ этиб очилиб кетди. Йўлакдан тушиб турган ғира-шира чироқ нурида юзлари хиёл оқаргандек, салқи қовоқлари учиб кетгандек бўлди. Ҳа, у қўлга тушиб қолганини билди. Билди-ю, зум ўтмай ўзини босиб олди. Боя «шеф»ни кўрганда қандай жилмайган бўлса, ҳозир ҳам юзида шундай, майин табассум пайдо бўлди.

– Авваламбор, мен сизга ҳеч нима гапирганим йўқ, – деди ажиб бир хотиржамлик билан. – Қолаверса, мен худодан бошқа ҳеч кимдан кўрқмайман! Худо йўлдан оздирмаса бўлгани. Насиб этса буёғиям...

– Сизнинг Худоингиз борми? – деди Шерзод ижирганиб.

– Иншоолло, ҳаммамиз ҳам мусулмонмиз. – Сайфи Соқиевич янаям хотиржамроқ гапирди. – Ҳаммамиз ҳам бир куни бўйрадек жойга бориб ётамиз. Мана, шу ерга келганингиздан буён нечта одам ўлди. Шуларни кўрибам кўзингиз очилмадим, ука?

– Худони ўртага солманг! – деди Шерзод. – Одамлар қадим замондан Оллоҳдан кўрқиб ҳаромдан қочган! Сиз бўлсангиз, уни ўзингизнинг ҳаром-хариш ишларингизга шерик қиляпсиз. Сизнинг Худоингиз ҳам, имонингиз ҳам – пул!

Сайфи Соқиевич яна қиқирлаб кулди.

– Нима, сизга пул керакмасми?! Ёзувчилар бой бўлади, деб эшитганман. Китобларингизга жарақ-жарақ пул санаб олаётганингизда, бир қоп семирсангиз керак сиз ҳам!

– Ҳа, гап бу ёқда денг! – Шерзод киноя билан кулди. – Палатага кириб келганингизда мен билан саломлашиш-ниям эп кўрмагандингиз. Кейин эшитсангиз, мен ёзувчи эканман. Бирдан мулойим бўп қолдингиз. Пули кўп деб ўйладингизми?.. Кимнинг чўнтагида пули кўп бўлса, об-рўсиям кўп, пули камайса қадриям камаяди, шунақами?

Сайфи Соқиевич девор томонга ўгирилиб ётди-да, кўзларини юмди. Бу билан у: «фингшиб нима қиласан», дегандай бўлар, бундан Шерзоднинг баттар ғаши келар, аммо нима қилишини билмасди.

Шерзод тумбочка устидаги доридан пиёлага томизиб ичди, бир зумда палатани юрак дорисининг ўткир иси тутиб кетди.

– Нега индамайсиз? – деди у дорини жойига кўяркан, таҳдид билан.

– Йўқ ердаги гапларга жиғибийрон бўлаверманг, ука! – Сайфи Соқиевич чўзиб ҳомуза тортди. – Бу ерга масала талашиш учун кепмизми? Худо хоҳласа, бу ердан чиққандан кейин ҳам ака-ука бўлиб қоламиз. Қўшни эканмиз. Чилонзор билан Мевазорнинг ораси – бир қадам.

Шерзод тескари қараб кўзларини юмди.

Унинг боши ғувиллар, юраги гурсиллаб урар, уйқуси ўчиб кетган эди. У ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб, узоқ тўлғаниб ётди. Ҳар қимирлаганида каравоти ғирчиллаб ғаши келарди. Аксига олгандек, Сайфи Соқиевич беш минутча пишиллаб-пишиллаб ётди-да, кейин ўртачароқ оҳангда хуррак торта бошлади. Хурракнинг гоҳ пасайиб, гоҳ баландлаши, қулоғининг шанғиллаши Шерзоднинг асабини баттар қақшатарди.

«Ҳали элениум сўрасам бўларкан», деб ўйлади у кўзларини юмиб. Охири бўлмади. Бир ёстиқни бошининг тагига, иккинчисини қулоғига босди. Мудрай-мудрай кейин кўзи илинди.

У қанча ухлаганини билолмади. Бир маҳал ёстиқ босиб ётган қулоғига биров гапиргандек, аллаким инграгандек бўлди. Шерзод бир зум карахт бўлиб ётди-ю, кейин кимдир қаттиқ инграётганини пайқади. Юзидан ёстиқни олди. Сайфиддин ака каравотига ўтириб олган, ўнг биқинини чангаллаганича тўлғаниб аянчли инграр эди. Ҳали бутунлай тонг отмаган, аммо кун ёришиб келар, палата ичи анча ёришиб қолган эди. Ғира-шира нурда Сайфиддин аканинг юзи алланечук бўзариб кетгандек кўринди. У қаттиқ азоб чекаётгани кўриниб турар, тишларини маҳкам қисиб инграр, ярим юмуқ кўзларида алам ифодаси қотиб қолганди.

– Нима бўлди? – деди Шерзод қаддини ростлаб.

Сайфи Соқиевич кўзларини хиёл очди-ю, гапиришга мадори келмай яна ингради.

– Жигарим... – деди инқиллаб. – Падарига лаънат коньякни!

Шерзод кечаги зиёфат эсига тушиб ижирғанди. Ётиш олдидан Сайфи Соқиевич айтган гаплар яна хаёлига келди. Аммо бу одамнинг шунчалик азоб чекаётганига ачинди.

– Ҳамширани чақирайми? – деди ўрнидан туриб.

Сайфиддин ака ҳамон инграганча бош ирғади.

Шерзод елкасига халат ташлаб йўлакка чиқди. Шиппагини шапиллатмаслик учун секин-секин юриб йўлак

охиридаги ҳамширанинг эшигига борди-да, оҳиста тақиллатди.

– Еттинчи палатадаги касалнинг мазаси қочиб қолди, – деди ўзининг палатаси томонга имо қилиб.

Саксовулдек озғин, тажанг ҳамшира хотин шошилмасдан ўрнидан турди. Кечаги меҳмондорчиликдан хабардор бўлса керак, Шерзодга ўқрайиб қаради. «Ичмаса ўлиб қолади булар», деб тўнғиллади-ю, аммо стерилизаторни кўтариб чиқди. Олдинма-кейин палатага киришди.

Уколдан кейин Сайфи Соқиевич анча енгил тортди. Инграшдан тўхтаб ёстиққа оғир бош ташлади. Шерзод унинг пешонасидан тер чиқиб кетганини кўриб раҳми келди.

– Қатиқ ичсангиз яхши бўларди, – деди секин, – ҳозир бозорча очилса, олиб келаман.

– Раҳмат укам. – Сайфи Соқиевич кўзини очмай имо қилди. – Қараб кўринг-чи, тумбочкада бўлиши керак.

Шерзод унинг тумбочкасини очган эди, чиндан ҳам қатиқ бор экан. Сайфи Соқиевич титроқ қўллари билан банкани чангаллаб бир қултум қатиқ ичди.

– Ичкиликни падарига лаънат! – деди овози қалтираб. – Кеча сизниям хафа қилиб қўйдим, шекилли. Маст одам оғзига келганини қайтармай гапираверади-да. Яхши-ёмон гап ўтган бўлса, кўнглингизга олманг.

Шерзод Сайфи Соқиевичнинг қўлидан банкани олиб жойига қўяркан, чуқур хўрсинди.

Палата ичи ёришиб кетган, ташқарида мусичалар кукулар, янги тонг отган эди.

15

Кейинги бир ҳафта Шерзод учун бир йилдек чўзилди. У кун бўйи касалхона ҳовлисини кезиб чарчар, палатага киришга, Сайфиддин акани кўришга хоҳиши йўқ эди. Сайфи Соқиевич бўлса ҳеч нима кўрмагандек ҳазил-хузул қилиб юрар, бундан Шерзоднинг баттар ғаши келарди.

Кейинги кунларда Сайфи Соқиевичнинг олдига кўзиқоринга ўхшаган паст бўйли, доим шляпа кийиб юрадиган семиз бир киши тез-тез келадиган бўлиб қолди. Кўпинча у Сирожиддиннинг машинасида келарди. Сирожиддин, касалхона қоровуллари билан «тил топишган» бўлса керак, қора «Волга»сини шундоқ дераза тагига келтириб тўхтатарди. Башанг қилиб безатилган, орқасига атлас парда тутилган, ғилдиракларига ялтироқ гардишлар қопланган машинанинг бир эшигидан Сирожиддин, бошқа эшигидан ўша - кўзиқоринга ўхшаш одам тушиб келарди. Шерзод аввалига уни Сирожиддиннинг домласи бўлса керак, деб ўйлаган эди. Аммо Сайфиддин ака билан ўзаро гап-сўзларидан бу киши ҳам савдога алоқадор эканини сезди. Сайфи Соқиевич бу одам билан қалин бўлса керак, ҳар кун икки мартадан кўришсалар ҳам кучоқ очиб саломлашар, дарров пичир-пичир гап бошлар эдилар. Шерзод бу одамни кўриши билан ўзининг пала-тада ортиқчалигини сезар, дарров чиқиб кетарди.

Шерзод «Менга рухсат беринг», деб тиқилинч қилаверганидан кейин Доктор опа кўнди. Бугун профессор уни охири бор кўриши керак эди.

Профессор кўригини бошлаганида Шерзод ўрнида ўтириб китоб варақларди. Аввал Доктор опа кириб келди. Унинг кетидан Рауф Абдуллаевич кўринди. Доктор опа Шерзоднинг ўтириб олганини кўриб, капалаги учиб кетди. Пешонасига тушиб турган оппоқ сочлари остидаги ҳорғин кўзларида бир лаҳза ҳайрат аломати пайдо бўлди. Кейин пастки лабини тишлаганча, бош чайқадиди-да, «дарров ётинг», деб имо қилди.

Шерзод салом берди. Рауф Абдуллаевич унга бошдан-оёқ разм солиб чикди-да, жилмайди. Бурнининг усти яна тиришиб, йирик-йирик теран кўзларида Шерзодга таниш ўша мулойим, самимий ўт порлаб кетди.

- Уйингизга шошиляпсизми? - деди яқин келиб, - Ё ижод қолиб кетяптими?

Шерзод ўрнига чўзиларкан, гоҳ Доктор опага, гоҳ профессорга қараб узр оҳангида гапирди:

– Жойни бекорга банд қилгим келмаяпти. Бутунлай тузалиб кетдим.

Профессор каравот этагида ўтирганча касаллик тарихини синчиклаб кўздан кечира бошлади.

– Бунисини сиз эмас, биз аниқлаймиз, – деди у сокин оҳангда. Кейин Доктор опага бурилиб қаради. – Даволаш курси тамом бўлдимми?

Доктор опа каравот елкасини тутиб турар, чамаси, у ҳам профессорнинг кифти оша қараб, касаллик варақасини ўқиб борарди.

– Яна иккита укол қолди, – деди Шерзодга қараб.

Профессор Шерзоднинг қўлини юмшоқ кафтлари орасига олиб томир уришини санаркан, яна жилмайди.

– Ҳозир ростдан ҳам аҳволингиз яхши. Лекин юракни эҳтиёт қилинг. Юракнинг запас қисми бўлмайди. – У Шерзоднинг қўлини қўйиб юборди-да, қаддини ростлади. – Сизга битта мавзу бор, – деди ўйчанлик билан. – Агар ижод қилишга шошаётган бўлсангиз битта мавзунини ҳисобга олинг. Бу жуда катта гап. – У хўрсинди. – Одамлар табиатдан узоқлашиб кетяпти, шуни албатта ёзинг. Одамлар ўзига қулайлик яратаман деб, ўзига ўзи чоҳ қазияпти. Жисмоний ҳаракат камайган сайин касаллик кўпайиб кетяпти.

«Мен ҳам, – деб ўйлади Шерзод хаёлан жилмайиб. – Мен ҳам шунақаман. Ҳаммамиз осонига интиламиз. Нима бўлса бўлсин-у, жонимиз койимасин деймиз».

– Унақа бўлса ҳажвий ҳикояни аввал ўзимдан бошлашим керак! – деди у мийиғида кулиб.

Рауф Абдуллаевичнинг ўйчан кўзларида бирдан тагин ўша чўғ ёниб кетди.

– Мана бу – мардона гап! Ўзингиздан бошласангиз яна яхши!

Шерзод профессорнинг самимий нур порлаб турган кўзларига тикилиб ётаркан, қалбида бу одамга нисбатан

фарзандларча қайноқ, табиий бир яқинлик уйғонганини, бу яқинлик туғилганига анча бўлганини ҳозир бирдан тушунди. Тушунди-ю, ҳеч нима демади.

Боядан буён индамай ётган Сайфи Соқиевич гапга аралашди.

– Ҳозир ҳамма бекорчи бўп кетган, дўхтир! Бекорчиликдан нима қилишини билмай, бир-бирининг кетини ковлайди.

Профессор унга бир қараб қўйди-ю, индамади.

– Майли, – деди у опага юзланиб. – Бу кишига рухсат берсангиз бўлади.

Шерзод гоҳ Доктор опага, гоҳ профессорга қараб, оҳиста пичирлади:

– Раҳмат...

* * *

У ювиниб қайтиб келганида палата бўш эди. Сайфиддин ака уколга кетган бўлса керак, ўрни текислаб қўйилган, ўзининг чойшаблари аллақачон йиғиштириб олинган, кўк мовут адёл остидаги йўл-йўл тўшак аллақандай мунғайган бир алфозда кўриниб турарди.

«Шунча тез!» – деб ўйлади мийиғида кулиб. Шу ондаёқ стул суюнчиғига илиб қўйилган қора шимига кўзи тушди-ю, хайрон қолди. «Дарров кийимларимниям обкелишибди», деб ўйлади халатини ечаркан. Унинг костюми, галстуки тахт қилиб қўйилган эди. Тўшагининг бир чеккасида газета қоғозга ўралган кулранг пальто ётарди. «Қишда келиб, ёзда кетяпман». У кулимсираб қўйди. Шошилмасдан шимини кийди. Аввалига шимининг киррасини чиқариб ҳафсала билан дазмолланганини пайқамади ҳам. Касаллик варақасини солиб қўйиш учун чўнтагига қўл тикқан эди рўмолча илашиб чиқди. Бу ўзининг катак-катак рўмолчаси эди. «Шимимда қолиб кетган экан-да», деб ўйлади у рўмол қатини ёзиб. Шунда димоғига гуп этиб нафис атир ҳиди урилди-ю, бирданига тушунди. «Шоира! Ҳаммаси Шоиранинг иши!»

- Ие, куёв бола бўп кетибсиз-ку, Шерзоджон!

Шерзод Сайфи Соқиевичнинг овозини эшитиб, бури-либ қаради. Сайфи Соқиевич остонада илжайиб турар, салқи қовоқлари учиб-учиб кўярди.

- Одамга – либос, эшакка – тўқим, деб шуни айтади-да, Шерзоджон, – деди у овозини баралла қўйиб. – Шундоқ йигит балнисанинг халатида кўримсиз бўлиб юрган экансиз-да!

«Бошимни қотирмасанг-чи», деб ўйлади Шерзод ғижиниб.

- Қани, ука, қўлни беринг! – Сайфи Соқиевич қўлини чўзди. – Орамизда унча-мунча гаплар ўтган бўлса, узр. Уй томонларга ўтинг. Адресни биласиз.

Шерзод унинг жундор юмшоқ бармоқларини истамайгина кафтига олди. Кейин тез-тез юриб вестибюлга чиқди-ю, бир лаҳза тўхтаб қолди. Ҳар кўрганда ғаши келадиган ранго-ранг афишалар ҳам, муттасил анқиб турадиган дори ҳиди ҳам шу топда негадир жуда ёқимли, жуда қадрдон туюлиб, кўнглининг туб-тубида ғалати бир туйғу ҳис этди. У касалхонага тушган кунлари қаттиқ сиқилган, дори ҳидидан, диққинафаслик азобидан безиб қочиб кетгиси келган эди. Энди бўлса бу ердаги ҳамма нарса: ялтироқ линолиум пол ҳам, мажбурий тартиб-қоидалар ҳам, профессор билан Доктор опа ҳам, Шоира билан ошпаз Маша хола ҳам шунчалик юрагига яқин туюлиб кетдики, кейинги кунларда кетаман, деб тикилинч қилаверганига ўзи уялди. У нима учун шунақа бўлаётганини ўзи билмас, бу ерда хотиралари қолиб кетаётгани учун қалбида соғинч туйғуси жўш ураётганидан беҳабар эди.

Шерзод троллейбусга чиққанидан кейингина ўзини босиб олди. Троллейбус ғизиллаб борар, ойна ортидан баҳор қуёшига эркаланиб кифтини тутган шаҳар манзараси липиллаб ўтар эди. Боягина сув сепиб ўтилган асфальт йўл қуёш нурида қора тасмадек товланади. У ербу ерда йиғилиб қолган ҳалқоблар ярақлаб кўзни олади.

Кўчанинг икки четидаги цемент ариқчаларда тўлиб-тошиб сув оқади. Ариқ бўйида девордек текис ўсиб ётган бел баравар қалин буталар тўқ-яшил тусда ловиллайди. Шу топда тип-тиниқ осмон ҳам, ярақлаб ётган асфальт кўча ҳам, деразалари очиб қўйилган паст-баланд бинолар ҳам нурга чўмилаётганга ўхшайди. Қиш ғуборидан батамом қутулган, ҳали ёз ғубори қўниб улгурмаган шаҳар кўкламнинг аллаловчи қуёши остида ҳузур қилиб нафас олади.

Троллейбус Қатортол кўчасига бурилганда, Шерзод тушиб қолди. У салқин зиналардан секин-секин кўтарилиб, тўртинчи қаватга чиқди. «Уй ҳам расво бўлиб кетгандир, – деб ўйлади чўнтагини кавлаштириб калит оларкан. – Бир ой йиғиштирилмагандан кейин нима бўларди». У энди калит солмоқчи бўлиб турган эди, қулфнинг ўзи шарақ-шуруқ қилиб, эшик очилди-да, рўпарасида Абдувоҳид пайдо бўлди.

– Ассалому алайкум, хўжайин! – деди у овозини атайлаб ингичка қилиб. У майкачан бўлиб, Шерзоднинг йўл-йўл чолворини кийиб олган, чолворнинг почаси ерга тегиб турарди.

Шерзоднинг юраги қувончдан гурсиллаб уриб кетди. Дўстини маҳкам кучоқлаб, терлаб кетган юзидан ўпиб олди. Абдувоҳиддан пиёздоғ ҳиди келарди.

– Марҳамат, хўжайин! – деди Абдувоҳид ҳамон ўша ингичка овозда, – ҳозир ош тайёр бўлади, унгача мен полларни артиб чиқаман.

– Жиннилик қилма! – деди Шерзод севинчдан кўзлари ёниб. – Ўзим артаман!

– Бунақа ишларни сен эплай олмайсан. – Абдувоҳид унинг елкасига туртди. – Бор, халақит берма!

– Бугун чиқишимни қаёқдан билдинг? – деди Шерзод диван томонга ўтаркан.

– Билдим-да! – Абдувоҳид бурнини тортиб қўйди. – Телефон қилсам, бугун чиқади, дейишди. Ошни дамлаб энди бормоқчи бўлиб турувдим, ҳовлиқиб кеп қолдинг.

Шерзод диванга ўтириб, шифтга тикилди. Шифтга бир чироқли қандил осилган, шуни ҳам янги кўчиб келганида Абдувоҳид олдирган эди. Кўкиш парда тутилган деразадан қуёшнинг эркаловчи нурлари ёйилиб кирар, бурчакдаги китоб билан лиқ тўлган жавон ойнаси ярақлар эди. Нариги бурчакда суянчиқлик стул устида магнитофон турар, ёзув столининг тепасида, деворда Навойнинг Ҳирот манзараси билан омихта қилиб тасвирланган сурати илиб қўйилганди. Ерга кичкинагина гилам тўшалган, хонада шундан бўлак жиҳоз йўқ эди. Ҳамма бўйдоқлар сингари Шерзод ҳам шу турмушга кўникиб кетган, ортиқча безакларни ёқтирмасди.

Абдувоҳид полни арта-арта тисарилиб йўлакка чиқди. Зум ўтмай ваннахонада сув шовиллади. Чамаси Абдувоҳид пол латтани юварди. Жўмракдан тушаётган сув товуши дарров тинди.

- Қачон ишга тушасан? – деди у ўша ердан туриб.
- Бюллетенни яна уч кунга чўзиб беришди.
- Қишлоққа бориб келасанми?

Ҳа, Шерзод қишлоққа боришни жуда хоҳларди. Айниқса, шу кунларда Тиниқсой бўйлари яшнаб кетганини билар, ўша манзараларни қаттиқ қўмсаган эди. У охириги марта янги йилда уйига борганди. Ўшанда аяси яна тўйдан гап очган: «Ўзинг уйланмасанг, Холпошнинг тўйини тезлаштирайлик, қишлоқ жойда қиз болани узоқ сақлаш уят бўлади», деб кўзёши қилганди. Яна бир хатида Холпошни бир жойга унаштиргани, Шерзод келса, тўйни тезлаштириш ниятида эканини ёзган эди.

Шерзод ҳар гал қишлоққа борганда онаси билан синглизига совға-саломлар олиб борар, топганини улардан аямасди. Лекин тўй яқин бўлгани учун кўпроқ пул билан бориши кераклигини биларди. Нашриёт унинг янги тўп-ламани қабул қилиб олган, Шерзод шу китобнинг пулини олганидан кейин бир йўла бормоқчи эди.

- Ухлаб қолдингми, нима бало! - Абдувоҳид ваннаходан чиқиб келди. У латтани обдан кучаниб сиққан бўлса керак, юзлари қизариб кетганди.

- Қишлоққа май байрамида бормоқчиман, - деди Шерзод хотиржамлик билан. - Олдин бир-иккита ишимни битказиб олай.

- Қанақа иш? - Абдувоҳид унга норозилик билан қараб қўйди.

- Театр масаласидаги иш чала қолганди-ку!

Абдувоҳид ҳафсаласизлик билан қўл силтади.

- Қўйсанг-чи, бу - сен аралашганинг билан битадиган ишмас.

Шерзод елкасини қисди:

- Ҳеч бўлмаса театр фаолияти билан танишаман-ку!

16

Шерзод барвақт турди-да, нон дўкони олдидаги автоматдан драма театрининг бош режиссёрига телефон қилди. Уларнинг иши билан танишмоқчи эканини айтди. У режиссёр билан икки-уч марта кўришган, унинг қўйган асарларини ҳам томоша қилганди.

- Ҳозир репетиция бошлаймиз. Кеч қолсангиз, залга кираверасиз, - деди режиссёр совуқ оҳангда.

Шерзод тўртинчи қаватга қайтиб чиқди. Шошилмасдан нонушта қилди-да, автобусга ўтириб йўлга тушди.

«Одамзоднинг феъли ғалати, - деб ўйлади у, ғизиллаб кетаётган автобус деразасидан ташқарига тикилиб бораркан. - Ҳар нарсанинг оқибатини текширганда энг осон баҳона топиб қўя қолади. Айбни ўзидан эмас, бошқалардан қидиради. Театрда нега томошабин кам десангиз, телевизор чиқиб бозоримиз касод бўлди, дейишади. Томошабин бизни тушунмаяпти, деб нолишади. Одамлар сахнада ўзига ўхшаган кишиларни кўрмаса нима қилсин? Ўзининг юрагини ўртаб турган нарсаларни кўрмаса нима қилсин? Боласи ўлганида онаси тепасида

туриб ашула айтадиган музыкали драмани кўриб қойил қолсинми?!»

У театрнинг тарғил дарвозаси олдига етиб келганида соат ўндан ошганди. Шерзод бир лаҳза иккиланиб турди-да, дарвоза олдидаги қоровулхонанинг пастак эшигини очиб, ичкари кирди. Қоровулхонада ҳеч ким йўқ эди. Тахта тўсиқ орқасидаги эски газета тўшалган столнинг бир чеккасида қора телефон турар, бурчакда, тўртта ғиштга ўрнатилган электр плита устидаги кўк чойгум биқиллаб қайнар эди. Шерзод яна бир зум тўхтаб турди-да, ҳовли томонга ўтди. Текис асфальт ҳовли чиннидай қилиб супурилган, икки лабига зичлаб пишиқ ғишт ётқизилган ариқчадан шарқираб сув оқиб ётар, ариқ четида гулсафсарлар найзадор япроқларини шай тутиб саф тортиб турарди. Ариқчанинг нариги бетидagi ток эндигина очилган, қахрабо тусли зангларнинг нами ҳали қочмаган эди. Узум новдалари театр томига улаб юборилган сўриток ёғочларига тарам-тарам қилиб боғлаб қўйилганди. Ундан нарида япроқ чиқарган олчалар, сирень туплари қатор турар, дарахтлар остидаги скамейкалар бўяб қўйилган эди.

«Қандоқ одамлар ўтмаган бу ерда! – деб ўйлади Шерзод ҳовлидан секин-секин ўтиб бораркан. – Маннон оғалару Аброр Ҳидоятловлар қачонлардир шу скамейкаларда ўтиришган бўлса, ажабмас».

Отелло қиёфасида чиққанида инглизларнинг ўзини ҳайратга солган Аброр Ҳидоятловнинг изтироб тўла катта-катта кўзлари, жингалак сочлари Шерзоднинг хаёлида жонланди-ю, оҳиста хўрсиниб қўйди.

У тепасига «Бош режиссёр» деб ёзиб қўйилган эшик томонга энди юрган эди, аллақадан қизғиш бароқ думли ит пайдо бўлди-ю, вовиллаганча югуриб келди. Шерзод беихтиёр тўхтади. Уч қадамча жойга келганда ит бирданига жим бўлиб қолди. Бу одамни ҳеч эслай олмагани учун ҳайрон бўлгандек бароқ думини ликиллашиб мўлтираб қаради. Шерзод беихтиёр кулиб юборди.

Шу пайт ҳовли этагидан овоз келди.

– Тарғил, ёт!

Шерзод бурилиб қаради-да, шу томонга келаётган чолни кўрди. У эски кўк костюм кийиб олган, узун сопли супургини судраганча, оқсоқланиб келарди. Ит кескин бурилди-да, ўйноқлаб чол томонга югурди. Қоровул яқин келиши билан Шерзод салом берди.

– Артислар саҳнада, – чол супургисини ариқнинг нариги бетига ташлади. – Залга анови эшикдан кирасиз.

– Чойингиз қайнаб кетибди, ота, – деди Шерзод, чол кўрсатган эшик томон юраркан.

У ёғоч тўсиқ билан ўралган буфет олдидан ўтиб, баланд залворли эшикка рўпара келди. Оғир эшик унсиз очилди-ю, қоп-қоронғи залга нур ёпирилиб кирди. Шерзод хижолат бўлиб шоша-пиша эшикни ёпди. Атрофга яна зулмат чўкди. Шерзод ҳеч нарсани кўролмай бир зум туриб қолди. Саҳнанинг қоқ ўртасига, баркашдек жойга юқоридан нур тушиб турар, аммо ҳеч ким йўқ эди. Залнинг орқароғида икки қатор ўриндиқлар орасида ҳам бир ерда хира чироқ ёниб турарди. Шерзод синчиклаб қараб, ихчам стол устига мук тушиб ўтирган, сочлари хурпайиб кетган йигитни кўрди. У аллақандай қоғозларни кўздан кечирар, стол чироғига жуда яқин ўтиргани учун бароқ қошлари, қирра бурни аниқ кўриниб турарди. Шерзод уни таниди. Бу ўша – ҳали телефонда ўзи билан гаплашган режиссёр эди. Шерзоднинг кўзи энди қоронғига ўрганди. Ўриндиқларнинг текис қаторлари, деворларга ишланган зарҳал ўймакор нақшлар ғира-шира кўрина бошлади. Ҳар гал у театрга тушганида кўнглида тантанавор, сеҳрли бир туйғу уйғонар, томошага эмас, байрамга келгандек ясаниб олган одамларни кўриб ҳаяжонга тушарди. Ҳозир эса кимсасиз, салқин зал алланечук виқорсиз кўринди кўзига.

У ўриндиқлардан бирига ўтириш учун олдинга юрган эди, қадам товушлари кимсасиз залда акс-садо бериб жа-

ранглаб кетди. Гўё Шерзод билан бирга бир нечта одам барабар қадам ташлаётгандек эди.

– Ким у? – режиссёр бошини кўтариб жеркиди.

– Мен, Самандаровман! – деди Шерзод босиқ оҳангда.
– Кечирасиз.

– Бегона одам залда нима қилиб юрибсиз! – режиссёр баттарроқ тажанглик билан қичқирди.

Шерзодга унинг саволи эмас, силтаб гапириши оғир ботди.

– Хотирангиз ёмон экан, – деди кескин, аммо босиқ оҳангда. – Бир соат илгари қўнғироқ қилганимда, шу-нақасига келишгандик.

У энди чиқиб кетмоқчи бўлиб турган эди, режиссёр анча юмшоқ оҳангда гапирди.

– Майли, ўтириб туринг.

Шерзод энг чеккадаги ўриндикқа ўтириб, сахнага қаради.

– Внимание! Бошладик! – деди режиссёр қичқириб.

Саҳна ўртасида турган гардишсимон нур бир чеккага сурилди-да, қора атлас кўйлак кийган қизни ёритди. Қиз бошини қуйи солганича, секин-секин юриб, сахна ўртасига келди. Бир лаҳза кафтлари билан юзини тўсиб турди-да, изтиробли нола чекди.

– Нега вафо қилган одам доим жафо чекади? – деди илтижо қилиб. – Одамлар хиёнат деган разилликни қаждан ўрганишади!

Қизнинг қоп-қора сочлари елкасига ёйилиб тушди-ю, кўзларига ёш тўлиб ялтираб кетди.

– Стоп! – режиссёр кескин қарсақ чалиб, қизга қараб қичқирди: – Зухра! Тушунсангиз-чи! Севган кишингиз бошқа бировга уйланаётганини тўсатдан эшитиб қолдингиз! Ўшанда қанақа аҳволга тушасиз? Сиз қанақа йиғлаяпсиз? Худди эчкиси ҳаром ўлган кампирга ўхшаб минғиллайсиз! Бақиринг! Фарёд чекинг! Мени ғамингизга шерик қилинг, вассалом!

Қиз сахнадан бурилиб чиқиб кетаркан, эшитилар-эшитилмас сўз қотди:

– Тушундим!

Шерзод бу қизнинг фамилияси Рустамова эканини эшитган, танқидчилар актриса тўғрисида анча мақтов сўзлари ёзишганини билар эди. «Бежирим қиз экан!» – деб ўйлади у ён томондаги ўриндиқ суянчиғига қўлини ташлаб ўтираркан.

Биз оздан кейин режиссёр яна қарсак чалди:

– Внимание! Бошладик!

Нур бир чеккага сурилиб, қизни яна ёритди. Бу сафар қиз сахнага югуриб кирди. Ўртага келганда тўсатдан тўхтаб қолди-да, изтироб билан кафтларини юзига босди.

– Нега вафо қилган одам доим жафо чекади? – деди секин-секин қўлларини тушираркан. – Одамлар хиёнат деган разилликни қаёқдан ўрганишади!

Режиссёр қаттиқ қарсак чалди.

– Зухра! Сиз қийналган одамнинг ноласини қилаётганингиз йўқ. Жаҳлингиз чиққани учун менга бақиряпсиз. Жаҳлингизни пишириб енг, билдингизми?!

«Оббо, ҳаммаёқ дағдаға-ку! – деб ўйлади Шерзод режиссёрга қараб. – Бунақада ижод қилиб бўладими?!»

Режиссёр ўрнидан туриб кетган, унинг афти яхши кўринмас, чироқ ёритиб турган столни кўлидаги қалам билан асабий тақиллатар эди.

Шу пайт нурли доирада яна Зухра пайдо бўлди. У секин-секин юриб сахна ўртасига келди. Энди залга эмас, осмонга, олис-олисларга қараб илтижо қила бошлади.

– Нега вафо қилган одам...

– Бўлмайди, Зухра! Эполлмаяпсиз! – деди режиссёр асабийлик билан. – Мен айтган ҳолатга тушолмаяпсиз. Боринг, дам олинг. Мадумар қани! Тўй сахнасини қайтарамиз.

Сахна бир зумда гавжум бўлиб кетди. Кўк халат кийган хизматчилар стол, стул кўтариб кира бошладилар.

«Қийин, – деб ўйлади Шерзод юраги сиқилиб. – Тошошбин томоша кўраётганида артистлар қанчалик машаққат билан машқ қилишларини ўйламайди». У секин

ўрнидан турди-да, оёқ учида юриб, яна ўша вазмин ба-
савлат эшикни очди. Худди шуни кутиб тургандек, ич-
карига яна нур ёпирилиб кирди. Шерзод шошиб эшикни
ёпди-да, ҳовлига чиқди.

Қоронғидан чиққани учун кўзлари қамашиб, бир лаҳ-
за туриб қолди. Ҳовли янаям нурли, серфайз бўлиб кет-
ганга ўхшарди. Ариқ четидаги гулсафсарлар, саф тортиб
турган олчалар – ҳаммаси нур қўйнида чақ-чақ уриб ку-
лаётгандек эди. Шерзод режиссёрни кутишини ҳам, ке-
таверишини ҳам билмай иккиланиб турган эди, олча со-
ясидаги кулранг скамейкада ўтирган Зухрага кўзи туш-
ди. У ҳамон ўша қора атлас кўйлагига эди. Қиз бошини
бир томонга ташлаганича ердан кўз узмай ўтирар, чама-
си, ўз қахрамонининг ҳолатини тасаввур қилиб кўраёт-
ган бўлса керак, чуқур ўйга толган эди.

Шерзод беихтиёр ўша томонга бир неча қадам босди.
Вужудида мавҳум бир ҳаяжон уйғонди. Қизнинг нима-
сидир кўзига жуда иссиқ кўринди, аммо нима эканини
Шерзод билмасди. У жуда яқин келиб қолганини ўзи ҳам
пайқамай қолди.

Қиз қадам товушини эшитиб бошини кўтарди. Шунда
Шерзоднинг юраги яна гурсиллаб уриб кетди.

– Кечирасиз, – деди тўхтаб, – сиз Зухраҳонсиз-а?

Қиз афтидан бундай саволларга кўникиб қолган бўл-
са керак, индамай бош силкиди.

– Мен таҳририятдан келувдим. – Шерзод нима дейи-
шини билмай очиғига кўчиб қўя қолди. – Ҳозир репети-
циянгизни кўрдим.

Зухра жилмайди. Тиниқ, текис юзларида бирдан жо-
зибали нур ўйнади. Қоп-қора кўзларида сеҳрли ўт чақнаб
кетгандай бўлди.

– Кечирасиз! – деди у ерга қараб.

Шундагина Шерзод унинг қўлида сигарет борлигини
кўрди. Зухра тутаб турган сигаретни бир чеккага ташла-
ди-да, таклиф қилди.

- Ўтиринг, - унинг кўзларида яна ўша жозибали ўт ёнди. - Сўроғингизни бошлайсизми? Санъатга қачондан бошлаб қизиқаман? Мактаб саҳнасида қанақа роллар ўйнаганман! Энг яхши кўрган асарим қайси? Шунақами? - Зухра хушчақчақлик билан бош силкиб кулди. Қоп-қора сочлари тўлқиндай ёйилиб елкаларига тушди.

«Дилкаш қиз экан!» - ўйлади Шерзод скамейка четига ўтираркан. Кейин унинг кўзига тикилиб туриб сўради.

- Чекишни қачон ўргангансиз?

Зухра бир зум эсанкираб қолди-ю, силлиқ бежирим юзига қизиллик югурди. Шерзодга кўз қирини ташлаб жилмайди.

- Анкетангизда шунақа савол ҳам борми?

- Йўқ, бу савол матбуот учун эмас, шунчаки ўзим қизиқиб қолдим...

- Унақа бўлса, жавоб беришим мумкин. Ўрганганимга бир соат бўлди. Ҳали ўхшатиб чеколмаяпман.

Энди Шерзод эсанкираб қолди. «Нима ишинг бор? - деб ўйлади ўзини койиб. - Бировнинг чекишига хўжайинмисан?»

Энди Зухранинг кўзларига жиддият чўкди. У кафтининг орқаси билан сочларини тузатди, ингичка қошлари чимирилди. Шу туришда у яна жуда таниш, жуда яқин бир қиёфага кириб қолди-ю, Шерзоднинг юраги тагин ҳаяжон билан қаттиқ-қаттиқ ура бошлади.

- Қаҳрамоним чекиши керак эди. Шунини машқ қилиб кўраётгандим, - деди Зухра вазмин жиддият билан.

Шерзод бирдан енгил тортди. «Ҳа, саҳна учун экан», деб ўйлади ич-ичидан мамнун бўлиб.

- Қанақа ролни ўйнаяпсиз? - деди у гапни бошқа мавзуга буриш учун.

- Арзимаган роль! - Зухра секин қўл силтаб қўйди. - Ролнинг катта-кичиги бўлмайди дейишади-ю, бари бир ҳаммаям бош ролни ўйнагиси келади. Саҳна у ёқда турсин, ҳаётдаям ҳамма шунга интилади.

Шерзод мийиғида кулиб қўйди.

– Бояги ҳолатда одам фарёд чекармикин? Яхши кўрган кишисидан бирданига айрилган одам карахт бўлиб қолмайдими?

Зухра ярқ этиб, Шерзодга қаради-да, жилмайди.

– Сиз қаёқдан биласиз?

– Ҳайронман, менимча, шунақа бўлса керак, – деди Шерзод ҳам кулимсираб.

Зухра елкасини қисди:

– Эшитгандирсиз, режиссёр қичқиришни талаб қиляпти-ку!

– Агар режиссёр ноҳақ бўлса-чи? Унинг хато қилаётганини ўзига айтсангиз бўлмайдими? Сиз ижодкорсиз-ку, ахир!

– Бўлади! – Зухра жилмайди. – Фақат унда ролни бошқа одамга топширишга тўғри келади. – У бу гапни шу қадар осойишта айтдики, Шерзод бу қиз кўп бор ролни бошқаларга топширишга мажбур бўлганини тушунди.

– Ижод бор жойда ютуқ ҳам бўлиши мумкин, камчилик ҳам, – деди Шерзод ўзига гапираётгандек ўйчан бир тарзда. – Аммо тобелик бўлмаслиги керак. Тобелик бор жойда ижод ўлади.

Зухра унга қизиқсиниб қараб тураркан, кўзларига жиддият чўкди.

– Балки, режиссёр ҳақдир, – деди ўйланиб. – Унинг ҳам мақсади бордир.

– Билмадим! – Шерзод кескин қўл силтади. – Нима бўлгандаям, режиссёр актёрнинг ижод қилишига йўл очиб бериши керак, – у бир зум жим қолди-да, сўради: – Асарнинг ўзи қанақа, дурустми?

– Йўқ, – Зухра оҳиста бош чайқади. – Майда гап.

– Бош иллат – мана шунда, – деди Шерзод салмоқлаб. – Яхши асарнинг ўзи кам.

Шу пайт саҳнанинг орқа томонидаги эшик ғийқиллаб очилди-ю, остонада озғин, новча аёл кўринди.

– Зухра, саҳнага! – у шундай деб қичқирди-да, яна эшик орқасига ғойиб бўлди.

Зухра илдам ўрнидан турди.

- Режиссёр чиқиб қолармикан? – деди Шерзод ҳам туриб.

- Ҳали-вери чиқмаса керак, – Зухра тез-тез юриб бораркан, жилмайиб қўл силкиди. – Хайр!

Унинг юзи яна ёришиб, тиниқ чехрасида нур ўйнади. Шерзоднинг қалби тагин ларзага келди, боядан буён ўзини ҳаяжонга солаётган нарсани бирдан тушунди: Зухранинг аллақаери Фаридага ўхшарди. Ҳа, худди ўзи! Тиниқ чехраси ҳам, эгик киприклари, ўт чақнаб турган қоп-қора кўзлари... Ҳаммаси! Фақат Фариданинг сочлари узун эди. Зухранинг сочлари қисқароқ, елкаларида ёйилиб ётибди.

- Зухра! – Шерзод беихтиёр қичқириб юборди.

Зухра эшик тутқичини ушлаган жойида бурилиб қаради. Кўзларида ҳайрат аралаш табассум жилва қилди.

- Мен яна келсам майлими? – деди Шерзод яқинроқ келиб.

Зухра самимият билан елкасини қисди.

- Ўзингиз биласиз...

Шерзоднинг назарида у бу сўзларни аллақандай меҳр билан, эркаланиб айтгандай бўлди.

Шерзод дарвозадан чиққанида ҳам қулоғи остида майин бир садо жаранглаб турарди: «Ўзингиз биласиз...» Зухранинг тиниқ чехраси, ингичка, қайрилган қошлари, жозибали табассуми Шерзоднинг кўз ўнгидан нари кетмас, у ҳадеб пичирларди: «Қизиқ, одам ҳам бир-бирига шунақа ўхшайдими? Худди ўзи!»

Машинанинг кескин, шиддатли сигнали янгради-ю, Шерзод чўчиб тушди. Беихтиёр ўзини чеккага олди. Йўқ, унинг олдида ҳам, ёнбошида ҳам машина йўқ эди. Фақат ўн қадамча нарида, кўчанинг нариги юзидаги бетон девор остида қора «Волга» турарди. «Қилиғининг совуқлигиничи», деб ўйлади Шерзод ғижиниб. Шу он машина эшиги очилди-ю, оқ костюм кийиб олган йигит тушди. Тез-тез юриб Шерзоднинг олдига кела бошлади. «Ие, Сирожиддин-ку», деб ўйлади Шерзод беихтиёр тўхтаб.

- Юракдан ҳам Худо берган экан-ку! – деди Сирожиддин яқин келиб қўл чўзаркан.

- Ҳа, Худо ҳар кимни бир нарсадан сиқади, – деди Шерзод совуқ оҳангда. – Бировни юракдан, бировни фаросатдан.

Сирожиддин осмонга қараб қаҳ-қаҳ уриб кулди.

- Бугун бобойнинг олдига борувдим, – деди Шерзоднинг қўлини қисиб. – Сиз чиқиб кетган экансиз. Эрта-индин бобой ҳам чиқиб қолса керак. Уйда худойига тайёргарлик кўриб ётишибди.

Шерзод унинг кўкиш кўзларига, сийрак сочига қараб туриб мийиғида кулди.

- Худога поранинг нима кераги бор экан?

Сирожиддин яна қаҳ-қаҳ уриб кулди.

Шерзод унга бир лаҳза қараб турди-да, қўл чўзди.

- Кечирасиз, мен шошиб турибман.

17

«Анави йигит тўғри айтди, – деб ўйлади Зуҳра саҳнага чиқиб бораркан. – Суюкли одамидан жудо бўлганини эшитганда кишининг бақирришга ҳоли қоладими? – у парда орқасига ўтиб тўхтади. Саҳна нимқоронғи, оҳак аралаш елим ҳиди келар, бўм-бўш зал юракни сиқар эди. – Нега энди албатта бақирриши керак экан? Балки, кулар? Ичида йиғлаб туриб сиртида кулар. Кўпинча шунақа бўлади-ку, ўзи».

- Уҳлаб қолдингизми, нима бало! – режиссёрнинг тажанг қичқирриғи Зуҳранинг кулоқларига ўқдай кирди. У секин-секин юриб саҳна ўртасига чиқди. Юқоридан тушиб турган нурдан кўзлари қамашиб олисларга тикилди. Кейин бир лаҳза кўзларини юмди-да, юзига кафтини босди.

- Бўлмайди! Ёлғон! – режиссёр қарсак чалди.

Зуҳра кафтларини тушириб, бурилиб қаради. Режиссёр ўрнидан туриб кетган, ғира-шира чироқ нурида ҳадеб қўлларини асабий силкитарди.

– Хаёлингиз қаёқда, Зухра! – деди у чинқиргудек бўлиб.
– Нимага фикрингизни тўплай олмаяпсиз? Боринг, ҳушингизни йиғиб олинг! Кечқурун репетицияга келасиз!

Зухра сахнадан чиқаркан, кўнгли бўм-бўш бўлиб қолганди. «Демак, бугун ҳам дам олиш йўқ», ўйлади у сахна орқасидаги эшик томон юраркан. У эски афишалар тахлаб ташланган йўлақдан ўтиб, гримхонага кирди. Японча соябони билан сумкасини олиб, ҳовлига чиқди. Вақт чошгоҳ бўлиб қолган, баҳор қуёши илиқ, эринчоқ нурлари билан табиатни аллалар, олча тагидаги скамейка ёнида Тарғил тўрт оёғини чўзиб мудраб ётарди. Скамейкага қўзи тушиши билан Зухра яна бояги йигитни эслади. Унинг кулиб туриши, баланд, адл гавдаси кўз ўнгига келди. «Ғалати йигит экан!». Зухра сабабини ўзи ҳам тушунмай жилмайди.

У дарвоза томон юрган эди, буфет ёнидаги эшикдан режиссёр чиқиб келди. Унинг сочлари хурпайган, асабийлашганидан бўлса керак, юзлари қизариб, терлаб кетган, кулранг жакетининг тугмаларини ечиб юборган эди. Чамаси, режиссёр ҳам бирпас нафас ростлаб олиш учун ташқарига чиққанди. Уни кўриши билан Зухранинг кўнгли яна ғаш бўлди. Кўпинча у режиссёрнинг фикрига қўшилмас, бунақа пайтларда унга рўпара келишни хоҳламас, гапдан гап чиқиб баҳслашиб кетишини биларди. Ҳозир ҳам у шунақа ҳолатда эди. Бунинг устига Зухра бугун соат иккига телестудияга бориши керак эди. У телевизорда чиқишни кўп ҳам ёқтирмасди. Аммо икки йил илгари армияга кетган Ҳасан акаси эрта-индин келиб қолишини билар, гонораридан унга ўз қўли билан костюм олиб қўймоқчи эди. Шунинг учун телевизион новеллада роль ўйнашга чақиришганда Зухра рози бўлганди.

Режиссёр қовоғини солиб Зухрага қараб қўйди-да, чўнтагини титкилаб сигарет олди.

– Ёзувчи қани? – деди сигарет тутатаркан.

Зухра тушунмади.

– Ким?

- Шерзод Самандаров келувди-ку, ҳали, – режиссёр гурт чўпини улоқтириб, тутун қайтарди.

- Ҷшамиди? – Зухра бирдан тўхтаб қолди. Кўнглидаги ғашлик бир зумда тарқалди-ю, унинг ўрнини ҳайрат аралаш қувонч эгаллади.

Зухра театр-рассомлик институтида ўқиб юрганида Шерзоднинг «Қуёш барчага баравар» деган қиссасини сахналаштиришган эди. Шунда у бу ёзувчининг ниҳоят тиниқ ёзишига ҳайрон қолганди.

- Кетдими? – деди режиссёр сигарет тутатиб.

- Билмадим, – Зухра шундай деди-ю, тағин кўз ўнгига Шерзод келди. «Саҳнадаги бояги ҳолатни аниқ баҳолаб бергани бежиз эмас экан-да!». Зухра дарвозадан чиқиб бораркан, Шерзоднинг гаплари қулоғи остида бирдан жаранглади. «Тобелик бор жойда ижод ўлади». Қизиқ, нега у эътибор бермади? Кўпдан буён ўзининг кўнглида ётган гапни аниқ-равшан қилиб айтиб берган бу йигитга нега эътибор бермади? Шуни ўйларкан, кўнгли ҳаяжондан талпиниб кетди. «Мен жинни унинг олдида чекишни бемалол машқ қилиб ўтирибман». У тез-тез юриб, троллейбус бекатига борди. Одам кўп, троллейбус кўринмас эди. Зухра японча соябонининг бандини ўйнаганча, яна Шерзодни ўйлади. «Ёш экан». Нима учундир у Шерзод Самандаровни катта киши бўлса керак, деб юрарди. Йўқ келишган, ёш йигит экан.

Кўчанинг нариги бетидан машина сигнали эшитилди. Зухра аввалига эътибор бермади-ю, сигнал ҳадеб чалинаверганидан кейин бошини кўтариб қаради. Кўчанинг у юзида қоп-қора «Волга» турарди. Зухра машинани дарров таниди. «Кандидат яна кепти-да!». Бу йигит театр атрофида кўп айланишар, ҳатто бир марта Феруза деган актриса ўртоғи билан Зухрани уйига машинасида элтиб қўйганди. Ҷшанда у ўзининг исми Сирожиддин эканини, фан кандидатлигию институтда дарс беришини айтган эди. Шундан кейин машина театр дарвозаси олдида кўп келадиган бўлиб қолди. Театрда пичинглару ғийбатлар

кўп бўлади. Қизлар бу машинани кўришлари билан «ана кандидат келди» деб, Зухрага имо-ишора қилишар, бундан қизнинг ғаши келарди. Ҳозир ҳам Сирожиддиннинг машинасини кўриб энсаси қотди. «Қаёқдан пайдо бўлди бу!» – деб ўйлади тескари қараб. Аммо зум ўтмай машина қорда сирғанган чанадек силлиқ сузиб келди-да, унинг шундоқ рўпарасида тўхтади. Сирожиддин ўтирган жойидан чўзилиб, ўнг эшикни очди.

– Марҳамат! – деди қўли билан имо қилиб.

У оқ кастюм кийиб, тугуни катта галстук боғлаган, кўзига тилла бандли қора кўзойнак тақиб олган эди.

– Раҳмат! – Зухра бурилиб секин-секин юриб кетди. Машина дарров унга етиб олди. Яна эшик очилди.

– Ўтиринг! – Сирожиддин жилмайди. Қора кўзойнак ортидан кўзлари кўринмаса ҳам оппоқ тишлари ярақлаб кетди. – Троллейбус бекатида узок тўхташ мумкин эмас. Кўряпсизми, одамлар бизни томоша қилишяпти.

Бекатда турган одамлар чиндан ҳам шу томонга қизиксиниб қараб қўйишарди. Зухра ноилож машинага ўтирди.

– Мана бу – бошқа гап! – Сирожиддин кўзойнагини ечиб, орқа ўриндиққа ташлади. Кўкиш кўзларида табасум ўйнади. – Қаёққа юраммиз?

Зухра унга бир зум қараб олди. «Оқ костюмга қора ялтироқ туфли ярашмас экан!» деган фикр хаёлидан лип этиб ўтди.

– Телестудияга! – деди эшикни ёпиб.

– Телевизорда яна кўрарканмиз-да! – Сирожиддин машинани жилдирди. – Ростини айтсам, сизни биринчи марта телевизорда кўрганман. Биринчи кўришимдаёқ қотиб қолганман. – У машинани кескин чапга бурди. – Эшитяпсизми, Зухраҳон, қотиб қолганман.

Машина бир зумда Эски жўвага бориб қолди. Кўчанинг икки чети одамлар билан гавжум эди. Бозор яқин бўлгани учун қоп орқалаган, кўчат, кўк пиёз солинган саватни кўтариб олган одамлар турнақатор ўтиб турарди.

Сирожиддин машинани елдириб борар, ҳадеб гапирар эди.

- Биламан, сизнинг мухлисларингиз кўп. Машҳур актрисасиз. Мен бўлсам, нари борса бир кандидатман. - У яна кулди. - Ҳозир ким кўп, фан кандидати кўп...

- Телестудия бу ёқда эмас! - Зухра унинг гапини бўлди. - Ё йўлни билмайсизми?

Сирожиддин қаҳ-қаҳ уриб кулди.

- Шоферлар энг яхши йўл - ўзинг билган йўл, деган гапга амал қилишади. - У кўкиш кўзларини сузди. - Ойнани тушириб қўйинг, Зухраҳон! Ажойиб ҳаво бўляпти! Кеча далага чиққандим. Қозоғистоннинг даштлари миҳдай бўп кетибди. Ҳаммаёқ кўм-кўк.

Зухранинг кўнгли ноҳуш бир нарсани сезиб, хушёр тортди.

- Ҳозир ҳам ўша ёққа бормоқчимисиз?! - деди хавотирланиб.

Сирожиддин унга бурилиб қаради-да, яна кулди.

- Вой-бў! Кўзингизнинг катта-катта очилиб кетганини қаранг. Қўйинг-э, бу кўзларга фақат кулги ярашади.

- Ўша ёққа бормоқчимисиз?! - деди Зухра яна ўша оҳангда.

- Борсак нима қипти? - Сирожиддин газни янаям қаттиқроқ босди. Машина сурон солиб учиб кетди. У энди шиддат билан елиб борар, тор кўчанинг икки четида юриб кетаётган одамлар ваҳима ичида ўзларини чеккага олишарди. - Кўрқманг, далада бўри йўқ, сиз ҳам кўзичоқ эмассиз.

Зухра унинг шум ниятини энди аниқ тушунди. Вужудда ҳам кўрқув, ҳам ғазаб аралаш титроқ уйғонди.

- Мен бўридан кўрқмайман, - деди ўзини босишга уриниб. - Лекин студияга боришим керак.

- Борасиз, Зухраҳон, ҳаммасига улгурасиз. Одам нукул ишни эмас, яшашниям ўйлаши керак. Одам учун энг қимматли нарса - ҳаёт. Шундай яшаш керакки, беҳуда ўтган кунлар учун кейинчалик афсусланиб юрмайлик. Ким айтган шуни, Островскийми? - Сирожиддан бурилиб қаради. Кўзлари қувлик билан чақнаб кетди.

«Бировнинг гапини ўз қолипига солиб олганини қаранг! – деб ўйлади Зухра ғижиниб. Энди унинг вужудидаги кўрқув ўрнини ғазаб эгаллади. – Шунинг учун эканда, ҳар ҳафта театр эшигида пойлаб туриши».

– Машинани буринг! – деди у шиддат билан.

Сирожиддин ҳеч нима эшитмагандек газни баттароқ босди. «Волга» Қорақамиш жари бўйдан елиб борар, ям-яшил майсалар билан қопланган соҳилда ўтлаб юрган сигирлар, япроқ ёзган итбурунлар лип-лип этиб орқада қолиб кетарди.

– Бурасизми ё қарашиб юборайми? – Зухра шундай деди-ю, юраги гурсиллаб урганча, руль чамбарагидан маҳкам ушлади. Машина кескин ўнгга бурилди. Сирожиддин кўрқувдан кўзлари олайиб, рулни чангаллаганча тормозни босди. Машина қаттиқ чайқалиб бир томонга қийшайиб кетди. Зухранинг боши олд томондаги ойнага урилди. Аммо оғриқ сезмади. У ҳозир ағдарилиб кетишларини кутган эди. Йўқ, машина ағдарилмади. Йўлга кўндаланг туриб тўхтаб қолди. Негадир куйган резина ҳиди анқиб кетди. Чанг ёпирилиб, ҳеч нимани кўриб бўлмай қолди.

Биринчи бўлиб Сирожиддин ҳушини йиғиб олди.

– Жиннимисиз! – деди ўшқириб. Унинг ранги бўздай оқариб кетган, сийрак сочларини чанг босган, қалин лаблари кўпикланиб турар, кўзлари совуқ йилтирарди.

– Мен кечикяпман! – деди Зухра титраб кетаётганини сездирмаслик учун хотиржам гапиришга уриниб. – Теле-студияга ҳайданг.

Сирожиддин бир дафъа бақрайиб қолди. Чамаси, у иккиланар, Зухранинг айтганини қилишни ҳам, тушириб юборишни ҳам билмасди. Ниҳоят, бир қарорга келди, шекилли, калитни буради. Мотор нола чеккандек инграр, аммо ўт олмас эди. Сирожиддин тўнғиллаб сўкинди. Машинани сўкдими, Зухраними, аён эмасди.

Ниҳоят, мотор ўт олди. Сирожиддин машинани орқага қайтарди-да, яна шиддат билан ҳайдади. Қорақамиш

бўйида ўтлаб юрган сигирлар, тўп-тўп дарахтлар тагин липиллаб орқада қолиб кетди. Аммо энди Сирожиддин гапирмас, йўлдан кўз узмай борар, ҳамон юзининг қони қочиб турарди.

Чорак соатчадан кейин қора «Волга» телевидение минорасининг рўпарасидаги тўрт қаватли бино олдида тўхтади.

- Келдингиз, - деди Сирожиддин Зухра томонга қарамай, — тушинг.

- Раҳмат. - Зухра шошилмасдан сумкасини очди. Битта ғижимланиб кетган бир сўмлик, яна битта юбилей сўлкавойни олди. Японча соябонини олиб ерга тушаркан, қизил ғилоф қопланган ўриндиқ устига аввал қоғоз пулни ташлади.

- Буниси бугунги хизматингиз учун. - У ўзини мажбур қилиб кулимсиради. - Мана буниси, - у тангани ҳам ўриндиққа ташлади, - ҳов бир марта уйимизга обориб кўйганингиз учун. Раҳмат! - У шундай деди-ю, машина эшигини қарсиллатиб ёпди. Югуриб бориб мрамар зиналардан кўтарилар экан, орқада танга пулнинг асфальтга жаранглаб урилгани эшитилди. Зухра қайрилиб қарамади. Ойнаванд эшикни очди-да, ичкари кириб кетди.

18

Сирожиддин Зухра ташлаб кетган «кира пули»ни машинанинг очиқ деразасидан улоқтириб юборди-ю, лекин тинчимади. Ҳа, у ҳар хил қизларни кўрган эди. Лекин ҳеч ким бунчалик хор қилмаганди. Аксига олиб телестудия эшиги олдида беретка кийган, соқол кўйган аллақандай йигитлар туришар, Сирожиддиннинг назарида уни мазах қилиб тиржайиб кўяётганга ўхшарди. У ғазаб билан сўкинди-да, машинасини кескин бурди. Ғилдираклар чийиллаб, тўзон кўтарди.

Сирожиддин Навоий кўчасига чиққанда баттар хуноб бўлди. Машиналар тикилинч, бунинг устига ҳар қадамда

светофор учрар, тагин атайлаб Сирожиддин етиб кели-
шини кутиб тургандай қизил чироқ ёниб йўлини тўсар
эди. У кафтдай текис, кенг Беруний кўчасига чиққанидан
кейингина анча ўзини босиб олди.

«Азият чекма, қасос ол! – деб пичирлади америкача
мақолни эслаб. Шу топда у бу қиздан қандоқ қилиб қасос
олишини билмас эди, аммо бари бир кўнглида юпанчи
бор эди. – Майли, бир мавриди кеп қолар...»

У машинасини Профессорлар шаҳарчаси томон бурди.
Бу ерда яшайдиганларнинг ҳаммаси профессору олим
бўлмаса ҳам, участкалари бир-бириникидан қолишмас,
деярли ҳар бир уйнинг ёнбошида дарвозахонаси баланд,
кунгираддор шийпонлари бор эди. Сирожиддин машина-
сини тор кўчанинг энг ичкарасида, қадди баланд иморат
олдида тўхтатди. Бу – Домланинг участкаси эди. Уйнинг
баланд-баланд деразаларига гулчин темир панжаралар
тутилган, уй рўпарасидаги икки қатор олмалар аллақач-
он япроқ чиқарган, аммо ҳали гулламаган эди. Сиро-
жиддин икки чети пишиқ ғиштдан ишланган нақшин-
кор дарвоза бурчагидаги кўнғироқ тугмасини босди.

Жиринглаган овоз бу ердан эшитилмаса ҳам Сиро-
жиддин ойнаванд айвон устунидаги кўнғироқ бўғиқ
товуш чиқарганини, буни эшитган келинойи инқиллаб
ўрnidан турганини-ю, шишиб кетган оёқларини вазмин
босиб айвон зинасидан тушганини аниқ тасавур қил-
ди. У Домланинг хотинини келинойи деб чақирар, ўзи
чўпдай озғин, оёқлари салга шишиб кетадиган, доим
соғлигининг ёмонлигидан нолиб юрадиган бу аёлни ҳар
кўрганида табиати хира бўларди.

Сирожиддин кўнғироқ тугмасини қўйиб юборди-да,
уч-тўрт қадам орқага чекиниб, яна участкага разм солди.
У аспирантурага кирган йили Домла шу уйнинг пойде-
ворини қўя бошлаган эди. Мана, тўрт йил ичида уй бит-
ди. Ўзларининг уйи қурилганида Сирожиддин мактабда
ўқир эди, шунинг учун у участка қуриш машаққатини
яхши билмас экан. Бу иш осон эмаслигини домласи уй

қурганда билди. Мана шу уйнинг каттакон ертўласидан тортиб тунука томигача, олтита катта-кичик хонасидан тортиб ойнаванд айвонигача Сирожиддиннинг кўз ўнгида битди. Сирожиддиннинг ўзи битта ғишт узатишиб юбормаган бўлса ҳам, шу уйнинг қурилиб қолишига улуш қўшди. Машинасида жимжимадор нақшли ёғочлар ташиди, бозорга бориб мардикор олиб келди. Лойсувоқ, лўмбоз босиш каби оғир ишларга талабаларни тўплаб ҳашар қилди. Домла қанақа талабаларни ҳашарга солишни биларди. Имтиҳондан йиқилган, синов топширолмаган болалар, диплом ишига Домла раҳбар бўлиб қолган битирувчи талабалар ҳашарга жон-жон деб келишарди. Аммо уларни Домланинг ўзи чақирмас, Сирожиддинни ишга соларди... Ҳа, Домла бунақа ишлар қалтис эканини, гап айланса, оқибати ёмон бўлишини биларди. Буни Сирожиддин ҳам биларди-ю, аммо дами ичида эди. Ҳашарчилар кўпайиб, иш қизиган кунларда бозорни Сирожиддин қилар, Домла «Ҳисобли дўст айрилмас, мана буни олиб қўйинг», деб ўн-ўн беш сўм узатар, аммо Сирожиддин олмас, кейин суришиб кетармиз, деб қўя қоларди. Ҳозир у Домланинг уйига разм соларкан, шуларни ўйлади-ю, киноя билан кулди.

Эшик ҳадеганда очилавермаганидан кейин, Сирожиддин яқин келиб, тағин тугмачани босди. Аммо энди кутиб ўтирмай, дарвоза ёнбошига ўрнатилган эшикни думалоқ шиша тутқичидан итарди. Эшик очиқ эди. У бетон ётқизилган йўлакдан ҳовлига ўтди. Ҳовли сатҳи кенг, ўртасидаги гулзорда қизғиш япроқ чиқарган атиргуллар барқ уриб ётар, адл қоматли гилослар гуллашга шай турарди. Гилослардан бирининг соясига пастак хонтахта қўйилган, гулдор дастурхонда гардим чойнак билан пиёлалар турар, хонтахтанинг бир томонидаги тўқима кресло устида аллақандай журнал варақлари очилиб ётар эди. Гулзор четидаги водопровод жўмрагидан сув томчилар, жўмрак остидаги ялтироқ сопол билан ишлов берилган ҳовузга пахта гулли лаган, уч-тўртта коса со-

либ қўйилганди. Чамаси, келиноийи уларни чайишга олиб чиққан-у, негадир унутганди.

Пешайвон томондан Домланинг томоқ қиргани эшитилди. Айвон эшиги шарақлаб очилди-ю, йўл-йўл пижама кийиб олган Домла кўринди. У ҳозиргина уйқудан турган бўлса керак, елкасига сочиқ ташлаб олганди. Унинг қовоқлари шишиб кетган, оппоқ сочлари кўчқорнинг шохига ўхшаб икки чаккасига қайрилиб тушган, қирра бурнининг икки томонидаги чечак излари қорайиб турарди. Домла Сирожиддинни кўриб, ҳозир дегандек имо қилди. Гавдасини ғоз тутганча зиналардан тушди, бурчакдаги гилосга қоқиб қўйилган ювғич олдига борди. Қўлини ювғич жўмрагига урган эди, сув тушмади. Домланинг норозилик билан тўнғиллаб қўйганини эшитган Сирожиддин илдам бориб водопровод остидаги ҳовузча чеккасида турган пақирга яримлатиб сув қўйди.

- Қўйинг, овора бўлманг! - деди Домла турган жойида. Уйқудан энди тургани учун бўлса керак, овози бўғиқ чиқди.

- Овораси борми, Домла! - Сирожиддин яна ўша илдамлик билан сув келтириб тўлатди. Қопқоқдан тошиб чиққан сув эски тоғорага тушди.

- Раҳмат, ўғлим! - Домла шошилмасдан ювинди. Ҳафсала билан артинди. Юзлари баттар қизариб кетди.

- Қаранг, ухлаб қопман, - деди жилмайиб. Унинг ёшларга хос шўхлик билан боқувчи кўзлари қизариб кетганди. «Сочи оқ бўлсаям, дадамдан ёш кўринади», деб ўйлади Сирожиддин унга қараб. У бу гапни кўп ўйлар эди. Ҳозир ҳам негадир хаёлига шу фикр келди. «Ҳар куни беш километрга югуриши бежиз эмас».

- Сайфиддин тузукми? - деди Домла сочиқни гилос шохига иларкан. - Қачон чиқади?

- Шу ҳафта жавоб тегса керак.

- Хайрият. Энг муҳими, тани соғлик бўлсин. Чой ичасизми?

- Раҳмат, Домла... - Сирожиддин чайнаиб қолди.

Бу ерга у ҳар сафар битта илинж билан - ишини тез-

лаштириш ниятида келар, бу тўғрида институтда гаплашишни негадир икковлари ҳам хоҳлашмасди.

Кузда иши бир марта умумий муҳокамадан ўтди. Кафедрадаги домлалар ишнинг камчиликларини айтиб, аниқ йўл-йўриқлар кўрсатишди. Айниқса, Қилич Валиев кўп маслаҳатлар айтди. Қизиқ, Домла муҳокамада бир оғиз ҳам гапирмади. Фақат муҳокама тугаганидан кейин: «Ҳамкасбларим менинг фикримни айтишди, шу эътирозларга амал қилинг», деб қўя қолди. Ўшанда Сирожиддин домланинг илм бобида пачақроқ эканига яна бир бор ишонди. Аммо индамади. Индай олмасди ҳам. Негаки, бошқа домла ўзига раҳбар бўлмаслигини биларди. Энди у қандоқ қилиб бўлмасин ҳимояни тезлаштиришни ўйларди. Кафедрадаги домлалар айтган гапларни ақли етганча тузатди. Ишни яна Домлага келтириб берди. Ўшандан буён Домла уни ўқишга вақт тополмайди.

– Ҳали кафедрага борган эдим, – деди Сирожиддин бошқа гап тополмай. У ёлғон гапирганидан асло тап тортмай Домлага қараб қўйди. Негаки, у Домла бугун институтга бормаганлигини билар эди.

– Ким бор экан? – Домла гавдасини ғоз тутиб гилос тагидаги тўқима кресло олдига борди. Эски журнални олиб хонтахтага қўйди-да, креслога ўтирди.

– Ким бўларди, Қилич Валиев-да! – Сирожиддин шундай қилса Домлага ёқишини билгани учун бу гапни беписандлик билан айтди.

– Майли, ишласин, ҳайкал қўйишади! – Домла бир зум ўйланиб турди-да, ҳовли этагига имо қилди. – Баҳор чиқиб, камчиликларимиз кўриниб қолди, Сирожиддин. Қўшнимиз, деворни сувамайсизми, деб тикилинч қиляпти, бир ёқда гараж қуриш керак. Уй солиш осон эмас экан-да!

«Яна ҳашар экан-да». Сирожиддин ғаши келиб турсаям, кулди.

– Икки кун ҳашар қилсак тамом-да, Домла! – у атрофга аланглаб олди. – Келинойим кўринмайдилар?

Домла ранжиган қиёфада қўл силтади.

– Яна мазаси йўқ. Биласиз-ку, кўклам чиқди дегунча буйраги оғрийди. Поликлиникага кетди. – Домла чўзиб ҳомуза тортди. – Эрталабдан буён Трусковецкка путёвка топасиз, деб хархаша қилади. Тез бормаса бўлмасмиш.

«Оббо, бу ғалваям бор дегин, ҳали!» Сирожиддин билинтирмай уф тортиб қўйди. Бултур ҳам у дадасини ишга солиб, келинойига путёвка топиб берганди.

– Тағин бир ўзим бормайман, деганини айтмайсизми? – Домла яна эснади. – Бу йил менга отпусका қачон тегишини билмасам!..

«Бир эмас, икки путёвканинг ҳаракатини қилавер энди!» деб ўйлади Сирожиддин баттар хуноб бўлиб. Аммо Домлага қараб иложи борича самимийлик билан кулди.

– Қўйсангиз-чи, Домла, иккита путёвка нима деган гап? Шуниям ўйлаб ўтирибсизми?

– Шунақа дейсиз-у, ноқулай-да! – домла бу масалага бошқа қайтмаслик учун бўлса керак, гапни бурди. – Шундай қилиб Сайфиддин қачон чиқмоқчи?

– Жумаларда чиқиб қолса керак. – Сирожиддин бир зум иккиланиб ўтирди-да, ишини сўраш ноўринлигини билиб ўрнидан турди, бўшашиб дарвозадан чиқди.

Киши бировдан пул қарз олмоқчи бўлганида худди шунақа аҳволга тушади. Ўша одамда пул борлигини биласиз. Бор бўла туриб бермаётганини ҳам биласиз. Ичингизда ҳарчанд сўкиб турсангиз ҳам, бир нима деёлмайсиз. Негаки, пул уники. Хоҳласа беради, хоҳламаса йўқ. Сирожиддиннинг иши ҳам Домланинг қўлида. Хоҳласа ўқийди, хоҳламаса йўқ. Ҳамма иллат шундаки, ишининг ўзи пухта эмас. Бўлмаса-ку, у Домласини нима қилишини ўзи яхши биларди-я!

Сирожиддин машинасига ўтирганидан кейингина бутун аламини тўкиб солди. Газни кучи борича босиб, моторни ўт олдирди-ю, пичирлаб сўкинди.

– Падарингга лаънат, чўтир! Тағин путёвка керакмиш бунга! – Шундай деди-ю, машинасини буриб дарвоза

рўпарасидан ўтаётганида эшик олдида ғоз турган Домлага қараб мулойим бош эгиб жилмайди. Хайр дегандек, оҳиста сигнал чалиб қўйди.

19

Шерзод шаҳар марказидаги ўн етти қаватли Матбуот уйига келганида бино минорасидаги соат миллари роп-па-роса ўнни кўрсатиб турарди. Баҳор кўёши хушнуд нур сочар, рўпарадаги музейнинг панжарасимон мрамор деворлари яраклар, кўча четидаги буталарнинг пушти гуллари олов парчасидек товланар эди. Матбуот уйи остида машиналар тикилиб кетган, девор тагида Абдувоҳиднинг қизил мотоцикли ҳам бир томонга қийшайиб турарди. «Аллақачон кепти-да, – деб ўйлади Шерзод лифт томон юраркан. – Интизом масаласида Абдувоҳидга тенг келадигани йўқ». Чиндан ҳам Абдувоҳид ҳаммадан олдин келиб, ҳаммадан кеч қайтар, тиним билмай ишлар эди. Бунақа одам ҳар қайси ташкилотда бўлади. Қизиғи шундаки, бундай ходимнинг жон куйдириб ишлашига ҳеч ким парво қилмайди-ю, бир гал ишга кечикса, бир кун маҳсулот бермай қолса, камчилиги дарров кўз-кўз қилинади. Абдувоҳид ҳаммадан кўп ишлаб, ҳаммадан кўп дакки ер, айниқса, муҳаррир ўринбосари қилдан қийиқ ахтариб уни кўп койир, аммо Абдувоҳид бунга парво қилмасди.

Шерзод саккизинчи қаватга кўтарилди. У ҳеч кимга кўринмасдан ўз хонасига кириб олгиси келар, биринчи иш куниданоқ йўлакда ҳамкасбларига рўпара келиб, узоқ ҳол-аҳвол сўрашиб ўтиришга тоби йўқ эди. Шунинг учун тез-тез юриб, бурчакдаги хона эшигига келди.

Шерзод билан Абдувоҳид ҳамхона эди. Абдувоҳид фан бўлимини, Шерзод адабиёт бўлимини бошқарар, столлари ҳам рўпарама-рўпара турарди. Торгина хонада шу иккита стол, битта кресло, стуллардан бошқа нарса йўқ эди. Икковлари ҳам деворларга портретлар илиш, хонага

ортиқча нарсалар олиб киришни хоҳлашмасди. Шерзод Абдувоҳид билан фақат битта масалада келишолмасди. Абдувоҳиднинг сигаретни улаб чекадиган одати бор эди. Бинода муътадил ҳаво берадиган мослама ишлатилгани учун деразани очишга рухсат қилишмас, Абдувоҳиднинг тутундан Шерзод ҳам беихтиёр «бахраманд» бўлар, мана шу унга айниқса алам қиларди. Ҳозир ҳам Шерзод залворли эшик тутқичидан ушлаб тортаркан, шуни ўйлади. «Хонани тутунга тўлдириб ўтиргандир дарвиш». Унинг мўлжали тўғри чиқди. Абдувоҳид ўтирган столнинг бир чеккасидаги эски шиша кулдонда «Прима» қолдиқлари уюлиб ётар, яна биттаси ипдек ингичка иланг-биланг из солиб тутаб турарди. Абдувоҳид столга мук тушиб олганча аллақандай материални таҳрир қилар, ёқаси бўғиқ свитер кийиб олгани учун гавдаси янаям ихчамлашиб, ёш болага ўхшаб қолганди.

– Ўзим ҳам тутатиб ўтирган бўлсанг керак, девдим. – Шерзод кўришишга қўл чўзаркан, ярим ҳазил-ярим чин қилиб койиди. – Сен чеккан папиросларнинг юздан бирини филга ҳидлатса ўлиб қоларди.

Абдувоҳид бемалол илжайди.

– Шунинг учун ҳам фил икки юз йил яшайди, одам етмиш йил.

Шерзод ёпиқ дераза олдига келиб пастга қаради, ҳовуздек чуқурликда, нашриёт ҳовлисида одамлар куймалашиб юрар, тут соясида турган, халат кийган кабобпаз зўр бериб, қўрасидаги чўғни елпир эди. Цех дарвозасига орқа ўгириб турган юк машинасига улкан ғалтакларга ўхшаган қоғоз ўрамлари ортилган, кўк халат кийиб олган икки ишчи машина устида туриб олганча, ғалтакларни думалатиб пастга, автокран тутқичига туширишга уринишарди.

– Ишга тушдингми, энди? – деди Абдувоҳид ручкасини стол бурчагига ташлаб.

– Хатлар ҳам тиқилиб кетгандир, – Шерзод қайтиб келиб столнинг тортмасини очди. Чиндан ҳам анча хат

йиғилиб қолган, кўпчилиги шеърлар эди. У кўпдан буён ишламагани учунми, ҳозир ишни нимадан бошлашни билмай қолди.

- Бўлимларга кириб ўртоқлар билан саломлашиб чиқ, - деди Абдувоҳид унинг фикрини уқиб тургандек. - Бўл-маса бари бир болаларнинг ўзлари кўргани киришади. Менга қолса, энг аввал муҳаррир билан кўришиб чиқ.

Телефон паст, осуда товушда жиринглади. Абдувоҳид Шерзодга «ҳозир» дегандек имо қилди-ю, трубкани олди.

- Келди, - деди киприкларини пирпиратиб. - Ҳўп бўлади.

У гўшакни қўйди-да, жилмайди.

- Айтмадимми? Муҳаррир чақиряпти.

Ёши элликларга яқинлашган, оқ оралаган сочлари ўзига ярашиб турадиган, ошқозон ярасидан кўп азоб чекса ҳам доим серғайрат юрадиган муҳаррирни Шерзод ҳурмат қилар, унинг дангалчилигини айниқса ёқтирар эди. Чамаси, Шерзоднинг кескинлиги, дадиллиги ҳам муҳаррирга ёқар, шунинг учун бўлса керак, унга энг зарур топшириқларни берар эди. Шерзод кириб борганида бош муҳаррир хона ўртасидаги яшил мовут ёпилган узун стол олдида турар, столга эртага чиқадиган газетанинг хомаки саҳифалари ёйиб қўйилган эди. У Шерзодни кўриши билан қўлидаги йўғон қизил қаламни саҳифа устига ташлади. Кўзларида табассум ўйнаб, Шерзоднинг қўлини маҳкам қисди.

- Тузалиб кетдингизми? Ўтиринг. - Шерзод столнинг бериги томонидаги чарм креслога чўкди. Муҳаррир столнинг нариги томонига ўтди-да, кескин ҳаракат билан стулини суриб ўтирди. - Қайси куни профессор Абдуллаев билан кўришиб қолдик, - деди Шерзодга тик қараб. - Сизни ўша киши даволаганмиди?

Шерзод индамай бош силкиди.

- Профессор қизиқ гап айтди. - Муҳаррир кулимсиради. - Фаровонлик ошган сайин касаллик кўпайиб кетяпти, дейди. Бир қарашда одамнинг ишонгиси келмайди.

Шерзоднинг тасаввурида Рауф Абдуллаевичнинг самимият билан порлаб турган кўзлари, дилкаш табассу-ми жонланди.

- Тўғри гап! - деди ўйчанлик билан. - Фаровонлик ошган сайин ҳаракат камайиб кетяпти. Ҳаракат камайса, касаллик кўпаяди.

- Буниси рост. - Муҳаррир столининг тортмасини силтаб тортди-да, катак дафтарга зичлаб ёзилган аллақандай қоғозни олди. Қоғоз қисқич билан конвертга қистириб қўйилган эди. Бу - таҳририятга келган хатлардан эканлигини Шерзод тушунди. «Абдувоҳид айтган шикоят шу бўлса керак, - деб ўйлади кўнгли ғашланиб. - Шу пайтгача нега бошқа одамга бермади экан?»

- Келмасингиздан ғалвали иш топшироқчиман, - муҳаррир хатни узатди. - Синчиклаб текширинг. Агар шу гаплар рост бўлса, фельетон ёзиш керак.

Шерзод хатни олди-ю, ўқимади. Фақат мактуб чиройли хуснихат билан ёзилганини пайқади.

- Биласиз, мен ҳеч қачон фельетон ёзмаганман, - деди куруққина қилиб.

- Ёзмаган бўлсангиз, энди ёзасиз.

- Эндиям ёзмоқчи эмасман.

Муҳаррир ярқ этиб унга қаради.

- Нега?

- Негалигини ўзингиз биласиз, - деди Шерзод совук оҳангда.

Муҳаррир қошини чимириб, Шерзодга қаттиқ тикилди.

- Йўқ, мен билмайман! - деди жаҳл билан. - Энди билмоқчиман.

- Бўпти, эшитинг. - Шерзод ҳам унинг кўзига қаттиқ тикилди. - Илгарилари одамлар газетага тушишдан кўрқарди. Фельетон бўлган одам жазосини оларди. Ҳозир танқид қилинган одам у ёқда қолиб, танқид қилган одам балога йўлиқади. Нега деганда, ўша фельетон бўлаётган кишининг акаларию тоғалари девор бўлиб туриб олади.

– Тушунарли, – муҳаррирнинг ранги ўчиб, кўзлари жаҳлдан қисилиб кетди. – Тушунарли! – деди яна лабини тишлаб. – Демак, кўрқяпсиз.

– Кўрқаётганим йўқ, омади гапни айтдим, – деди Шерзод хотиржамлик билан.

Муҳаррир яна унинг кўзига қаттиқ тикилди.

– Нима, сизнингча, ҳамма нарса хамирдан қил суғиргандек оппа-осон ҳал бўлиши керакмиди?! Ким ўзини газетага чиқариб индамай ўтиради? Қайси аҳмоқ фельетон бўлишини кутиб қўл қовуштириб ўтиради?! Сирасини айтганда, бу ердаям худди шу нарса ёзилган! – муҳаррир бармоғини бигиз қилиб Шерзоднинг қўлидаги хатга имо қилди. – Бир одам ҳақиқатни айтгани учун балога қолганини ёзибди. Тушундингизми?

Жаҳли чиққанидан муҳаррирнинг юзлари янаям оқариб кетди. У шиддат билан тортмани тарақлатиб ёпди.

– Бўпти! – деди Шерзод хатга яна бир бор разм солиб. – Мен фактларни яхшилаб текшираман. Лекин битта шартим бор: ҳамма гап рост бўлса, фельетон чиқиши олдидан бўладиган кўнғирокларга қулоқ солмайсиз!

– Бунисини менга қўйиб беринг! – деди муҳаррир силтаб. – Бу хатни сизга олиб қўйган эканман, демак, бир нарсани билиб қилганман!

– Келишдик! – Шерзод илдам ўрнидан турди-да, хонадан чиқди.

Уларнинг хонаси бўш, Абдувоҳид ҳавони янгилаш учун бўлса керак, эшикни қия очиб кетган эди. Шерзод жойига ўтириб, энг аввал конвертга қаради. Шу онда ёқ кўзларига ишонмагандек адресни қайта ўқиб чиқди. «Фаргона вилояти, Тиниқсой қишлоқ совети, Улуғбек номидаги 20-мактаб. Азимжон Эргашев». Унинг юраги ҳаяжондан гурсиллаб уриб кетди. Бу – ўзининг ўқитувчисидан келган мактуб эди. Тиниқсойдаги ҳамма болаларнинг саводини мана шу ўқитувчи чиқарган, урушдан бир кўзи кўр бўлиб келган Азимжон ака қирқ йилчадан бери нуқул бошланғич синфларга дарс берар эди.

Чап кўзини қора боғич билан боғлаб юрадиган, қоп-қора юзларига сепкил тошган, ўзи ихчамгина бўлса ҳам овози дағал ўқитувчиси Шерзоднинг кўз ўнгига келди. Боядан буён устозининг хуснихатига эътибор бермаганига ҳайрон қолди. Ахир мана шу бир текис йирик ҳарфлар жуда яхши таниш эди-ку унга. Ўзи ҳам доскада шу ҳарфларни кўриб ёзишни ўрганган эди-ку! Шерзод шоша-пиша хатни ўқишга тушди.

«Хурматли таҳририят! – деб бошланарди мактуб. – Бултур кеч кузда рўй берган хунук бир воқеа шу хатни ёзишга ундади. 14 ноябрь куни колхоз раиси тўртинчи синф ўқувчиларини далага чиқиб, кўрак теришга мажбур қилди. Мен бундай қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини айтдим. Бу гапим раисга оғир ботди, шекилли, ўзи бош бўлиб болаларни далага олиб чиқди. Мен ҳам болаларга қўшилиб далага бордим. Раис қасдма-қасдликка олиб ўқувчиларни кечгача ишлатди. Кечқурун ўқувчилардан бири қоп кўтариб хирмонга бораётганда йиқилиб тушди. Уни ўзим туман касалхонасига олиб бордим. Қовурғаси шикастланган экан. Эртасига худди шу синфда ўқийдиган бир қизалоқ ўпкаси шамоллаб касалхонага тушди. Мен ортиқ чидаб туролмадим. Ўқувчилар олдида раисни «аблаҳ» деб сўқдим. Учинчи чоракдан бошлаб менинг дарсларимни кескин камайтиришди. Устига устак, раиснинг югурдаклари колхоздан кўчиб кетмасангиз, ишингиз чатоқ бўлади, деб ҳолижонимга қўйишмаяпти.

Эл қатори томорқам бор эди. Қишда ярмисини олиб қўйишди. Очиғини айтсам, менга томорқанинг кераги ҳам йўқ, сўққабошман. Лекин менга бошқа нарса азоб беряпти: ўқувчиларимдан ажратиб қўйишди. Мен болаларсиз яшай олмайман...»

Хатнинг давомида бетоб бўлган болаларнинг номи, уларни даволаган шифокорларнинг фамилияси келтирилган эди.

Шерзод ички бир ҳаяжон билан хатни яна қайта ўқиб чикди. Азимжон ака ўзи тўғрисида ёзмаган, фақат кекса падагоглигию яна бир йилдан кейин пенсияга чиқишини айтган эди. Уруш инвалиди эканлиги тўғрисида ҳам, шунча йиллардан буён қанчадан-қанча одамларнинг саводини чиқаргани-ю, бугун оёқости бўлаётгани ҳақида ҳам лом-мим демаган. Аммо мактуб сатрлари орасида яшириниб ётган кекса юрак изтиробларини пайқаб олиш қийин эмасди. Йўқ, Азимжон ака ёлғон гапирмайди. Жонидан ўтиб кетганидан кейин шу хатни ёзган. Шерзод шуни ўйлади-ю, йўлакдан тез-тез ўтиб, яна муҳаррирнинг эшигига борди. Хатни ҳамон қўлида ушлаб турганини энди билди. Аммо парво қилмай эшикни силтаб очди. Муҳаррир тирсаги билан стол қиррасига таянганча телефонда гаплашарди. Шерзод унинг гапига кулоқ солмаслик учун дераза олдига бориб, ташқарига қаради. Пастда, чуқур ҳовлида ҳамон одамлар уймалашар, кабобпазнинг рўпарасида хўрандалар навбат кутиб саф тортиб туришар, бояги юк машинаси кетган эди.

Ниҳоят, муҳаррир гаплашиб бўлди, трубкани шарақлатиб жойига қўйди. Шерзод бурилиб қаради. Муҳаррир нима гап дегандек, унга тикилиб турарди.

– Командировкага бугун жўнасам бўладими? – деди Шерзод стол олдига яқин келиб.

Муҳаррирнинг кўзларида табассум ўйнади.

– Самолётдами?

– Йўқ, кечки поездда. Ҳали касаллик варақасини топширишим керак.

– Бўпти, билет олиб келаверинг. Командировка ҳужжатларингизни ҳозир тўғрилаймиз...

– Тинчликми? – деди Абдувоҳид Шерзоднинг шошилиб кирганини кўриб. У машинкадан чиққан материални ўқиб ўтирар, лабида сигарета бор эди. – Муҳаррир нима деди?

– Менга қара, – деди Шерзод ўзининг столи устида ётган қоғозларни йиғиштираркан. – Вокзалга бориб келмаймизми?

– Номерга материал туширяпман. – Абдувоҳид тутундан ачиган кўзларини қисиб Шерзодга қаради. – Нимаиди?

– Бўлмаса тойчоғингни бериб тур. Ярим соатда келаман. Абдувоҳид сигаретини кулдонга ташлади.

– Праванг йўқ-ку, овсар!

Шерзод мотоциклини сўраганда Абдувоҳид ҳар гал шунақа таранг қилар, аммо бари бир берарди. Шунинг учун Шерзод бепарволик билан қўл силтади.

– Қўлга тушмасам бўлдимми?

– Нима қилмоқчисан ўзи? – деди Абдувоҳид чўнтагини кавлаб.

«Мана бу бошқа гап», деб ўйлади Шерзод мийиғида кулиб.

– Билет олиб келаман. Анави, ўзинг айтган хат юзасидан Фарғонага боришга тўғри келиб қолди.

– Қишлоққа ҳам борарсан? – деди Абдувоҳид мотоцикл калитини узатаркан.

Шерзод уйига байрамдан олдин бормоқчи эмаслигини, Холпошнинг тўйи яқинлигию ўзи ҳали нашриётдан қалам ҳақи олмаганини эслади. Бир зум иккиланиб қолди. Аммо энди масала ҳал бўлган, хаёл суриб ўтиришдан фойда йўқ эди. У кескин бурилиб эшик томон юрган эди, Абдувоҳид тўхтатди.

– Каскани киймайсанми, овсар?! – у илдам турди-да, девор ичига ўрнатилган гардероб эшигини очиб, яшил рангли каскани Шерзоднинг қўлига тутқазди.

Шерзод мотоцикл ҳайдашни мактабда ўқиётганидаёқ ўрганиб олганди. Катта кўчага чиққандан кейин «Ява»ни ғизиллатиб кетди. Ўн минут ўтмасданоқ вокзал олдидаги майдончага етиб келди. Асфальт майдоннинг бир чеккасида машиналар қаторлашиб турарди. Шерзод мотоциклини энг четдаги «Запорожец» ёнбошида тўхтатди. Энди эгардан тушиб, каскани ечган эди, ён томондан таниш овоз эшитилди:

- Шайтон арава муборак бўлсин!

Шерзод бурилиб қаради. «Запорожец»нинг нариги томонида қора «Волга» турар, енгсиз кўйлак кийиб олган Сирожиддин оёғи учида чўзилиб, машина томини артар эди. Келиннинг уйидек қилиб безатилган машина ярақлаб кетган, орқа томондаги ойнасига тутилган атлас дарпарданинг гажимлари, хурпайган қўғирчоқ мушукча аллақандай бачкана кўринарди.

«Фалокатга ўхшайди-я! – деб ўйлади Шерзод ғижиниб. – Қачон қараса оёқ остидан чиқади бу!». Сирожиддин шошилмай келди-да, кўзларида қув табассум ўйнаганча Шерзоднинг қўлини сиқди. Машинасини ҳўл латтада артгани учун бўлса керак, қўли муздек эди.

- Номериям ўзига мос экан, – деди у мотоцикл орқасига эгилиб. – Ўн учу ўн уч! Хосиятлироқ номер йўқ эканми? Киройи номер олгандан кейин ноль-нолини олмайсизми?

- Билмадим, – деди Шерзод қовоғини солиб. – Ирим-сиримни хотинлар билади.

Сирожиддин Шерзоднинг кўрс жавобидан ранжиди, шекилли, жиддий тортди.

- Бобойнинг ўртоқларини поездга чиқариб юбордим, – деди қошини чимириб.

Шерзод негадир Горторг мудирини эслади.

- Анови новча кишиними?

- Бошқа! – Сирожиддин қўл силтади. – Бобойнинг нимаси кўп – ўртоғи кўп. Буниси – директор.

«Ҳа, анави кўзиқоринга ўхшаган одам бўлса керак», деб ўйлади Шерзод семиз кишини эслаб.

- Ўзингиз нима қилиб юрибсиз? – деди Сирожиддин яна мотоциклга имо қилиб.

- Ўзлари тузукмилар? – Шерзод Сайфиддин аканинг аҳволини сўрашдан бошқа чора топмади.

- Бугун чиқишлари керак эди. Нариги ҳафтага қолди, – деди Сирожиддин бепарволик билан.

- Бўпти! – Шерзод қўл чўзди. – Вокзалда ишим бор эди.

Шерзод сершовқин купега тушиб қолди. Ўрта ёшлардаги шопмўйлов киши билан шолрўмол ўраб олган аёл тўртта катта-кичик болани етаклаб чиқишди. Болалар полкадан полкага сакраб ирғишлашар, дераза ортидаги вокзал чироқларини бир-бирига кўрсатиб, қий-чув кўтаришар эди. Ота-онаси уларни койиган бўлишар, болалар бир зум туриб яна шовқин-сурон бошлашар эди. Шерзод уларнинг шодон шўхлигини кузатиб бир зум ўтирди-да, вагон йўлагига чиқди.

Бу ерда чироқлар анча ёрқинроқ нур сочар, гилдиракларнинг тарақлаши бир қадар осуда эшитилар, ҳаво соф эди. Поезд ҳали шаҳардан чиқмаган эди. Жимир-жимир қилаётган чироқлар уфққа тутташиб кетган, шлагбаум ортида тўхтаб турган машиналар куз қисгандек дам-бадам чироғини ўчириб-ёқар, ярим кеча бўлиб қолганига қарамай, шаҳар ўзининг қайноқ ҳаёти билан яшар эди. Поезд аллақандай завод яқинидан ўтди. Завод устида қизғиш шафақ порлар, баланд қувурлардан бурқсаб тутун чиқар, осмонга оташ нафаси уфуриб турганга ўхшарди. Кейин қандайдир каттакон магазин липиллаб ўтиб кетди. Бино пештоқида қизил, яшил, пушти, яна аллақандай тусларда ёниб-ўчиб турган реклама бир кўринди-ю, орқада қолди.

Поезд қандайдир кичик бир станция биноси олди-дан ўтаётганда секинлади. Бино пештоқида қизғиш лампочка ёнар, навбатчи сариқ капғирини баланд кўтариб турарди. Станция биноси олдида олчазор бор экан. Олчалар қордек оппоқ гуллабди. «Олча гуллабди», деди у пичирлаб. Шундагина ташқари сутдек ойдин эканини пайқади. Деразага ёпишгудек бўлиб яқин келди-да, ҳаволаб кетган тўлин ойни кўрди. Ой липиллаб орқада қолаётган симёғочлар учига илина-илина поезд ортидан югурар, чор-атрофга сутдек илиқ, сутдек мулойим нурини сочар, ўзининг гўзаллигига ўзи

хайрон қолиб ийманибгина жилмаярди. Поезд энди кенг дала ўртасида елиб борар, кафтдек текис дала-лар, онда-сонда кўриниб қоладиган тутзорлар ойнанинг нурли тумани остида жимгина мудрар эди. Худди мана шу эртақ каби гўзал манзара сеҳрини янаям чуқурлаштирмоқчи бўлгандек «Наво» куйининг титроқ садоси янгради. Сато торларидан чиққан садолар қаттиқроқ тебранса юлдузларни дув тўкиб юборишдан чўчигандек оҳиста парвоз қиларди. Шерзод бу оҳанглар, бу туйғуларга қалбининг борган сайин торлик қилиб қолаётганини сезди-ю, Тиниқсойни, уйи, аяси – ҳаммасини қаттиқ соғинганини ҳис этди. Қизиқ, баъзан кишида ғалати ҳолат бўлади. Болалигингиз кечган жойлар дафъатан тушингизга кириб қолади. Тупроқ билқиллаб ётган кўчами, боғ этагидаги анҳорми, тушингизга киради-ю, тўсатдан уйғониб кетасиз. Соғинч хотиралар қуюни бирдан ёпирилиб келади. Сиз ҳузурбахш туйғудан маст бўлиб шифтга тикилиб ётганча, ўша дамларни эслаб кетасиз.

Шерзод ҳар гал қишлоққа борганда шунақа аҳволга тушарди. Ҳозир ҳам худди шу ҳолатга тушди. Илк бор жилд кўтариб мактабга боргани, дафтарига сиёҳ тўкиб йиғлагани, йўлда ёнғоқ қоқаман деб, дарсга кечиккани, Азимжон аканинг қора боғич боғлаган кўзига қарашга кўрққанлари, ҳамма-ҳаммаси ёдига тушди.

Шерзод ўқиган эски мактаб биниси қишлоқ чеккасида жойлашган эди. Қатор қилиб солинган лойсувоқ томли тўртта хона қишлоқдаги бошқа уйлардан деярли фарқ қилмас, фақат девори оқланганию деразаларининг роми бўяб қўйилгани бу бинонинг мактаб эканидан дарак берар, мактаб олдида кафтдек силлиқ майдонча бор эди. Бу майдончада эрталаб линейка ўтказишар, болалар майдон ўртасидаги устунга байроқ кўтаришар, дарсдан кейин эса бу ерда футбол ўйнашарди. Майдонча этагида жажжигина боғ бўларди. Боғда қантак ўриклар ўсар, ёз кириши билан болалар тирмашавериб ўрик шохларини

синдириб юборишарди. Боғнинг ёнбошида эски чархпалак бўларди. Чархпалакнинг кўп парраклари синган, тунука пақирчалари занглаб, пачоқ бўлиб кетган, қийшиқ гардишларига эса кўм-кўк сув ўтлари ёпишиб ётарди. Шунга қарамай, у нола чеккандек бўғиқ ғийқиллаганча секин-секин айланишини қўймас, занглаган пақирчалар Тиниқсойнинг ирмоғидан сув чиқариб боғни суғорар эди...

Қизик, кейинчалик шу чархпалак кўп бор Шерзоднинг тушига кирди. У эски мактаб ҳам, чархпалак ҳам аллақачон бузилиб кетганини билар, аммо негадир чархпалак ҳеч тушидан чиқмас, ҳар гал шунақа пайтда Шерзод мактабини, ўқитувчиларини ўйлаб кетарди. У ўқитувчиларини худди ўша чархпалакка ўхшатарди. Чархпалак қанчадан-қанча сув томчиларини кафтида кўтариб юқорига олиб чиқади. Йўлга салади. Томчилар бир оқимга тушиб олади-ю, ўз йўлидан кетади. Асло ортига қайтмайди, чархпалакни эсламайди. Аммо чархпалак ранжимайди. Бир жойда туриб олганча яна янгидан-янги томчиларни кафтидан кўтариб йўлга салаверади. Мактаб ҳам шунақа, қанчадан-қанча болаларни кафтида кўтариб йўлга солиб юборади-ю, ўзи жойида қолаверади. Болалар ўз йўлидан илгарилаб кетади. Қачондир кафтида кўтарган чархпалагини эсламайди. Аммо мактаб бунга ранжимайди. Бир жойда турганча яна янгидан-янги авлодларни йўлга салаеради.

Азимжон ака ҳам шунақа беминнат ўқитувчилардан эди. Ўша пайтларда унинг кекса онасидан бошқа ҳеч кими йўқ эди. Қишлоқ жойда гап ётмайди. Азимжон аканинг унаштириб қўйилган қизи бор экан. Унинг урушдан қайтишини беш йил кутибди. Аммо бир кўзи кўр бўлиб келганини эшитиб, бошқа одамга тегиб кетибди. Ўшанда Азимжон ака, энди ҳеч қачон уйланмайман, деб қасам ичганмиш.

У кекса онаси билан пастак бир уйда яшар, уларнинг уйи шундоққина мактаб биқинида жойлашган эди. Қаҳратон қиш кезлари синф хоналари яхши иситил-

мас, болалар чопон кийиб ўтиришар, шунда Азимжон ака пастак томига бостириб қўйган ғўзапояларини қучоқ-қучоқ қилиб олиб тушарди, эски шинелининг енгига, этакларига ёпишган қорни қоқиб ташларди-да, музлаб қолган ғўзапояни тунука печкага тикар, синфхона бирданига исиб, болаларнинг юзига қизиллик югурар эди. Шунда Азимжон аканинг якка-ю ягона кўзида аллақандай шуъла порлаб кетар, бу – қувончли табассумиди, кўз ёшими – тушуниш қийин эди.

Шерзод ойдин осмон остида елиб кетаётган поезд деразасига кифтини тираганча шуларни ўйларкан, қалби соғинч туйғулардан жунбушга келди.

...Ҳамма иш Шерзод кутгандек бўлиб чиқди. Бундан бир соатча илгари у «Тиниқсой»га қатнайдиغان автобусга ўтирганида қўлида ҳамма далиллар бор эди: у аввалига тўппа-тўғри қишлоққа келмоқчи эди-ю, ўйлаб туриб фикридан қайтди. Станция ёнидаги чойхонада қаймоқ билан нонушта қилди. Кейин туман марказига бориб, касалхонага кирди. Архивни кўтартирди. Азимжон аканинг хатида айтилган гаплар тўппа-тўғри эди. Шерзод иккала ўқувчининг касаллик варақасидан кўчирма олди. Кейин туман халқ маорифи бўлимига учрашди. Туман халқ таълими мудири аввалига ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб турди-ю, кейин тумандаги энг тажрибали ўқитувчилардан бирининг дарсини кескин камайтириш чиндан ҳам қоидага хилоф эканини, бу иш «Тиниқсой» колхозининг нишондор раисининг хоҳиши билан бўлганини тан олишга мажбур бўлди.

21

Шерзод кўча бошида автобусдан тушиб қолди. Кўчанинг икки четида баргак чиқарган толлар соя ташлаб турар, қишлоқ осуда эди. Тол бошида ғужғон ўйнаётган чумчуқлар қаттиқ-қаттиқ чирқиллар, вақт чошгоҳдан ошган, далада ишлар қизиб кетганидан бўлса керак,

кўча кимсасиз, фақат узоқда – мактаб томонда болаларнинг шодон шовқин-сурони эшитиларди.

У пахсадевор биқинидаги пастак эшик олдига келганида қалби нурли туйғуларга тўлиб, бир зум тўхтаб қолди. Тут ёғочидан қилинган қадимий ўймакор эшикнинг тахталари ёрилиб кетган, тақасимон темир ҳалқа ейлиб, юпқалашиб қолганди. У шаҳарда ўрганган одатига кўра, эшикни тақиллатиш учун ҳалқадан ушлади-ю, дарров кўйиб юборди. Кафти билан итарган эди, эшик ғийқиллаб очилди. Шерзод остона ҳатлаб ҳовлига кирди.

Эшик ёнбошида замонавий қилиб солинган шифер томли уй қуёш нурида оппоқ ярақлаб турганга ўхшар, унинг рўпарасидаги ҳовли этагидаги лойсувоқ томли, пастак уй билан айвон қорайиб кўринарди. Шерзоднинг болалиги ўша эски уй билан айвонда ўтган, янги уй эса у институтда ўқиб юрганида қурилганди. Ҳовли сатҳи текис, чинни-чиरोқ қилиб супурилган, этакдаги қатор мирзатераклар устида мўралаётган қуёш олачалпоқ нур сочар, ундан берироқда тартиб билан экилган нозик-ниҳол анорларнинг оловранг япроқлари сокин ловиллар, ҳовли бурчагида икки туп анжир тарвақайлаб ўсган эди. Шерзод ҳовли ўртасидаги кўкпиёз пушталари орасида ўтоқ қилаётган аясини дарров кўрди. У бошига яшил штапель рўмол ташлаган, оҳори тўкилган қора нимча кийиб олган, энгашиб ўтиргани учунми гавдаси янаям кичрайиб муштдеккина бўлиб қолганга ўхшар эди.

Шерзод икки-уч қадам юрди-ю, чидолмади. Қувонч аралаш ҳаяжонли бир нидо кўксидан отилиб чиқди:

– Ая!

Она қалби бу овоздаги ҳаяжонли тўлқинни дарҳол сезди. У ҳайрон бўлгандек ўтирган жойида бурилиб қаради-ю, бир зум қотиб қолди.

– Вой! – деди ўрнидан тураётиб. – Вой, ўзингмисан, болам.

У қаддини ростлаши билан этагига йиғилиб қолган икки-уч ҳовуч ўт пушталар устига тушди.

Аяси пуштадан чиққунча Шерзод югуриб борди. Аяси уни бағрига босган эди, боши Шерзоднинг елкасига ҳам етмади. Унинг рўмоли бошидан сирғаниб тушди. Шунда Шерзод аясининг сочларида оқ кўпайиб кетганини пайқади.

«Ҳозир йиғлайди, – деб ўйлади Шерзод кўнгли зириллаб. – Албатта йиғлайди». Йўқ, аяси йиғламади. Шерзод энгашганида у юзидан, бу юзидан ўпди. Шерзоднинг димоғига дилни қитиқловчи кадрдон бир ис – тупроқ ҳиди урилди.

– Кўзларинг киртайиб қопти, – деди аяси Шерзодга тик қараб. – Касал бўлдингми? Тушларим алоқ-чалоқ...

Шерзод касалхонага тушганини хабар қилмаса ҳам, она қалби бир нимани сезганини тушунди.

– Соппа-соғман! – деди жилмайиб. – Поездда келдим, ухломмадим.

– Юр, болам, юра қол, жоним!

Шерзод аясининг кетидан эргашди. Аяси захга ўтириб ўтоқ қилгани учун оёғи увушиб қолган бўлса керак, оқсоқланиб борар, рўмоли елкасига тушиб кетганини ҳамон пайқамас эди. Шерзод унинг гавдаси янаям кичрайиб қолганини, сочлари оқариб кетганини яна бир кўнглидан ўтказди-ю, ичидан зил кетди.

Уйга киришлари билан аяси тахмонни ағдарди. Кўша-қўша атлас, бахмал кўрпаларни ёзиб, дераза рўпарасидаги каравотга жой сола бошлади.

«Холпошнинг тўйига аталган кўрпалар», деб ўйлади Шерзод аясининг шоша-пиша жой солишини кузатиб. Сингисининг тўйи яқинлиги, унга ўзи бош бўлиши кераклиги яна эсига тушди.

– Холпош даладами? – деди гапни нимадан бошлашни билмай.

– Чигитни экиб бўлишди-ю, бари бир иш кўп! Раис бувани биласан-ку, болам! Бирпас тинч турган одамни кўрса, қаҳри келади. – Аяси ҳарсиллаб нафас олганча парестикни каравот бошига ташлади. Каттаю кичик баробар «Раис бува» деб атайдиган тажанг раис Шерзоднинг кўз ўнгига келди. Аясининг гапи тўғри. Раис бува – кажбахс одам.

Аяси қаравотга имо қилди:

– Бирпас дамингни ол, болам, ҳали-замон келганингни эшитиб одам ёпирилади.

Аяси чиқиб кетиши билан Шерзод қаравотда ёнбошлаганча уйни кўздан кечирди. Уй тўрида, фанер шифт остида чуст дўппи, қора костюм кийган йигит билан атлас кўйлак кийган, фарқини текислаб очган қизнинг сурати турар, сурат зарҳал рамкага солиб қўйилган эди. Бу дадаси билан аясининг келин-куёвлик пайтида тушган сурати эди. Дадаси урушдан қайтганидан кейин уларнинг тўйи ўтган, ўшанда атайлаб Фарғонага бориб шу суратни олдириб келишган экан.

Токчалардаги ялтироқ мис самоварлару баркашлар ҳам, девордаги эски гиламу қапгирли соат ҳам – ҳаммаси қадрдон эди унга. Фақат уй бурчагида янги сервант пайдо бўпти. Шифтга қўшалок чироқли нафис қандил осилибди. Шерзод жилмайиб қўйди. «Холпошнинг орзу-ҳаваси дуруст-ку!». Кейин мулойим бир сукунатда вужуди яйраб, кўзларини юмди. Ташқарида мусича кукувлади. Унинг овози сукунатни янаям чуқурлаштиргандек, бу хонадондаги беозор осудаликни яна бир бор таъкидлагандек бўлди. Шерзод дераза томонга ўгирилиб ётди-да, шоҳи дарпардани сурди.

Ҳовлининг нариги томонидаги эски уй билан айвон эгалари ўзини унутиб юборгани учун унсиз нола чекаётгандек маъюс мунғайиб турарди. Уй деразаларининг кўп кўзлари синган, ичкарида эски тоғоралар, қоплар кўринарди. Кўпдан буён сувоқ қилинмагани туфайли том юпқалашиб, қамишлари кўриниб қолган, бир чеккада ғарамлаб қўйилган ғўзапоя уюми қийшайиб турар эди. Айвоннинг вақт ўтиши билан силлиқланиб кетган устунлари қорайиб қолибди. Шерзод синчиклаб қаради-ю, устунлардан биридаги узун михда ҳамон бир боғ исирик илиғлик турганини кўрди. Шу ондаёқ хотиралар қуюни бирдан ёпирилиб келди.

Инсон нимагаки эришолмаса, ўша нарса азиз туюлади. Ўтмишни қайтариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўтган кунларингиз бебаҳо бўлиб туюлаверади сизга. Бир вақтлар тишингизни қорайтириб еган жўхори кабобингиз дунёда энг лаззатли таом бўлиб туюлади. Бир вақтлар сиз чўмилган анҳор хотирангизда энг катта дарё бўлиб қолади, бир вақтлар дўппингизда олиб ичган сувингизнинг мазаси бир умр оғзингизда қолади. Ўша дамларда қуёш ҳам ўзгачароқ нур сочгандек, осмон ҳам тиникроқ бўлгандек туюлаверади. Замонлар ўтгандан кейин ўша ўзингиз чўмилган анҳорга яна бир бор кўзингиз тушса, унинг кичрайиб қолганини кўриб ҳайрон бўласиз. Дўппингизда яна сув олиб ичсангиз, негадир елим ҳиди келаётганини пайқайсиз. Осмон ҳам унчалик тиниқ эмасга ўхшайди. Олам торайиб қолганидан ғашингиз келади. Фақат битта нарсани – болалик туйғуларингизни йўқотиб қўйганингиз туфайли шундай бўлаётганини хаёлингизга ҳам келтирмайсиз.

Ҳозир Шерзод ҳам худди шунақа ҳолатда эди. У рўпарасида мунғайиб турган мана шу қадрдон уйнинг нега кичрайиб қолганини ҳеч ақлига сиғдиролмасди. Бир замонлар бутун бир олам эди-ку, бу уй! Унинг кўпдан-кўп сирли токчаларию бурчаклари бўларди-ку. Қиш кезлари танчада ловиллайдиган ўрик чўғи, бурчакдаги сандиқ орқасида чийиллаб қувлашмачоқ ўйнайдиган сичқонлар ҳам, оқшомлари еттинчи лампани ёқиб сандал устига келтириб қўйишганида деворларда ўйнайдиган баҳайбат соялар ҳам – ҳаммаси сирли эди, ҳаммаси!

Шерзоднинг эсида бор. Оқшомлари дадаси лампани ўртага қўйиб олганча, сандалнинг тўрига чиқиб, каттакон дафтарни очарди. Дафтар аллақандай катаклару ёзувлар билан тўлиб кетар, дадаси эса «химический» қаламини лаби билан хўллаб яна ёзишга тушарди. Баъзан аясининг жаҳли чиқиб койиб берарди:

– Ҳисоб-китобингиз ҳам ўлсин! Каталакдай дўконингиз бор, ўшаниям ҳисобига етолмайсиз.

Шунда дадаси унга норози қиёфада қараб қўярди.

–Бу кўпчиликнинг ҳақи, хотин! Кўпчиликнинг ҳақи етим ҳақидан ёмон!

Сандалнинг бир четида унинг қўлтиқтаёғи турар, негадир таёқ учидаги резинка доим едирилиб, бир чек-каси тешилиб қолаверарди. Дадасининг бир почасини қайириб юрадиган шими, сарғиш кители Шерзоднинг назарида энг салобатли кийимга ўхшарди. Кителининг чап томонида, шундоққина чўнтак устида каттакон Қизил Юлдуз ярақлаб турарди. Аллақайси байрам арафаси бўлса керак, бир куни дадаси ўзига янги костюм сотиб олди. Юлдузининг буровини бўшатиб кителдан ажратиб олди-да, янги костюмини бигиз билан тешиб ўшанга тақадиган бўлди. Шунда Шерзод юлдузни кафтига олиб томоша қилди. Қизиқ, у жуда оғир экан. Кейин Шерзод учун бошқа бир оламнинг эшиги очилди. Бу –ҳовли олами, қишлоқ олами эди. Устунидаги михга исириқ илиб қўйилган айвон ҳам, эчки боғлаб қўйиладиган қоронғи бостирма ҳам, нарвон билан чиқиладиган том – булар ҳам алланечук бепоён, сирли бир олам эди. Баҳор келиши билан уларнинг томида қизғалдоғу чучмўмалар очилар, Шерзод том устига чиқиб варрак учирганда, қўшнининг эртапишар оқ ўригини ўғирлаганда бу том дунёнинг ўзидек бепоён туюларди.

Холпош туғилганидан кейин дадаси уч ойча Фарғонадаги касалхонада ётди. Аяси бир қўлида чақалоқ кўтариб, бир қўлида Шерзодни етаклаб шаҳарга кўп қатнади. Кейин дадаси уйга қайтди. Аммо энди уйдан чиқолмайдиган бўлиб қолди. Энди у шимининг иккала почасини ҳам қайтариб тикиб қўядиган бўлди. У дераза олдида ўтириб олиб, кўзига дурбин тутганча кўни-қўшнилар, ҳамқишлоқларининг соатини тузатар, шунинг учун Шерзодларнинг уйида турли-туман соатлар кўп бўларди.

Мактабга қатнай бошлагандан кейин унинг кўз ўнгида янги олам – эртақлару афсоналар, келажаклару

орзулар олами очилди. Мактабнинг ўрикзор боғи, эски чархпалак, зах ҳиди анқиб турадиган, аммо сеҳрли китобларга тўла кутубхона ҳам – ҳаммаси ақл бовар қилмас тилсимотларга тўлиқ эди.

Шерзоднинг шохсиз, ювош эчкиси бўларди. Ҳар йили бехато учтадан туғарди. Тағин болаларининг бўйнида қўшалоқ кўнғироқчаси ҳам бўларди. Шерзод елинига халта тутилган эчкисини етаклаб Тиниқсой соҳилида сичқонқулоқ ялпизлар, бинафшалар терар, ёз палласи сойда чўмилиб, илиққина қумлоқ соҳилда ётар, кузда эса ёнғоқ қоқиб қўллари қораяр эди.

Аммо Шерзоднинг бошқа болаларга ўхшамаган ғалати одатлари ҳам бор эди. Баҳор пайти ялпиз япроғига кўнган бир томчи шудринга узун мўйловини тегизиб қўяётган чумолини ҳеч ким кўрмаслиги мумкин эди-ю, Шерзод албатта кўрарди. Илиқ ёз оқшомлари қуёш ботар-ботмас кунчиқар томонида пайдо бўлган пиёзнинг пўстидек юпқагина ойни ҳеч ким пайқамаслиги мумкин эди. Аммо Шерзод ўша юпқа ойнинг рангига қизил югургунча соатлаб томоша қилиб ўтиришга тайёр эди. Кузда ишком оралаб узум хазончинак қилиб юришганида ҳамма болалар каттароқ ғужумнинг пайида бўларди. Шерзод эса оёқ остига тўкилган оловранг ток япроғини узоқ-узоқ томоша қиларди. Унинг яна бир одати бор эди: кўчада каттами-кичикми бирон киши йиғлаб турган бўлса, ҳамма болалар индамай ўтиб кетиши мумкин эди-ю, Шерзод ундай қилолмасди. Ўша кишини хафа қилган одамни ёмон кўриб кетар, таъзирини бериб қўйгиси келар эди.

Тўққизинчи синфда ўқиб юрганида дадаси тўсатдан ўлиб қолди-ю, Шерзод кўп нарсаларни бирдан тушунди. Энди дадасининг қўлтиқтаёғи ҳам, яримжон эрига содиқ қолган аясининг софлигию матонати ҳам – ҳаммаси янги гича мазмун касб этди. У кўп нарсаларни тушунди. Аммо кўнгилдаги нафосат тўла орзулар бари бир йўқолмади. У

Тиниксой бўйидаги толзорга борганида ўтлоққа ёнбошлаб олис-олисларга – тоғларга тикилиб ётишни яхши кўрар, қизиқ хаёлларни ўйлар эди. Назарида, ўша тоғлар ортида ўзича ажиб бир олам борга ўхшар, ўша томонларга учиб кетгиси келар эди. Шу орзу уни шаҳарга – Фарғонадаги авиаклубга олиб борди. У учувчи бўлмоқчи эди. Аммо биринчи тиббий кўрикдаёқ уни авиацияга нолойиқ топишди. Шерзод қаттиқ куюнди. Лекин ичидан ўтганини ҳеч кимга ошкор қилмади. Унинг энг ишончли сирдоши бор эди. Оғир пайтлари шу сирдошидан юпанч топарди. Шодон паллада ҳам қувончини шу сирдоши билан баҳам кўрарди. Бу – унинг қалами эди...

... Шерзод ҳамон ҳовлига тикилиб ётар, хотиралар соҳилга кетма-кет урилган денгиз тўлқинлари сингари куюлиб келар, соҳилда шовқин бир зум тинмагандек унинг мияси ҳам ғувиллаб борар эди. Ниҳоят, хаёлида поезд ғилдираклари бир маромда тарақлаётгандек, ўзи ҳам силкиниб-силкиниб бораётгандек бўлди-ю, кўзлари юмилди.

Қизиқ, анави ким? Қора атлас кўйлакли, сочлари елкасига ёйилган: кўзлари кулиб турибди... Ким? Зухрами? Зухра-ку! Шерзод беихтиёр жилмайди. Қалби фараҳли тўлқинларга тўлиб пичирлади: «Зухра...» У ўзининг пичирлаётганини, лаби қимирлаётганини билиб кўзини очди. Қизиқ, нима бу? Тушми? Ухламаган эди, шекилли? Қизиқ-а? Иккинчи марта шунақа бўлаяпти. Анави куниям ҳали ўйкуга кетмасдан туриб Зухрани туш кўрганди. Кечаси поездда келаётганида ҳам қайта-қайта хаёлида жонланди... Қизиқ...

У яна киприкларини чирт юмди. Аммо энди кўз олди-га ҳеч нима келмади. Ҳовли томондан аясининг аллаким билан гангур-гунгур гаплашаётгани эшитилди-ю, ўрнидан турди.

Сайфи Соқиевичнинг касалхонадан чиқиши каттакон байрамга айланиб кетди.

Қора «Волга» рангли бўёқлар билан жило берилган дарвоза олдида тўхтади-ю, у эшикдан Сирожиддин, бу эшикдан Сайфиддин ака тушиб келди. Дарвоза олдида турган универмагнинг бўлим мудирлари, экспедиторлар тавозе билан бирма-бир келиб қўл қисишди. Ҳаманинг чехрасида беқиёс меҳр, беқиёс ҳурмат мужассам эди. Аммо Сайфи Соқиевич бу садоқат остида яшириниб ётган нарсани яхши билар, эртага омади юришмай қолса, бу одамларнинг ҳеч бўлмаганда ярмиси ўзидан юз ўгириб кетишига ақли етар эди. У ўзини кутиб олганлар билан бирма-бир қўл бериб кўришаркан, булар ҳаммаси ўзига тобе югурдаклар эканини, «керакли» одамлар ҳали келмаганини билди. Шунинг учун кўп илтифот қилиб ўтирмай ичкари кирди.

Йўлакка кириши билан хотинига дуч келди. У янги чиққан тангадек ялтираб кетган, бошига ялтироқ зар рўмол ўраган, эгнига ҳам шунақа матодан тикилган кўйлак кийган, ҳатто оёғидаги араби шиппагига ҳам тилларанг ҳал берилган эди.

- Эсон-омон келдингизми? - деди у тилла тишларидан чўғ сачратиб.

Шу ондаёқ Сирожиддиннинг ўғилчаси югуриб келиб бобосининг бўйнига осилди. Сайфиддин ака чўғдек ясашиб олган болани даст кўтариб юзидан ўпди. Нарироқда қаҳваранг кофта кийиб олган келини турарди. Элмира кўксига кафтини босиб енгил эгилганча қайнотаси билан саломлашди.

- Тузукмисан, қизим? - Сайфи Соқиевич унинг ёнидан ўтаркан, пешонасини силаб қўйди.

Ҳовли жаннатга айланиб кетганди. Темир арматурадан қилинган сўритокларга осилган узум занглари ёш боланинг кафтидек йилтироқ япроқ ёзган, президент

гуллари ғунчалай бошлаган эди. Гулзор четидаги хонаки бинафшалар мунис кўзларини кўкка тикиб қуёшга талпинади. Ундан нарида эса, Сайфиддин ака Ботаника боғидан махсус топтириб келган қора лолалар ловиллайди. Ҳовли этагига томон чўзилиб кетган асфальт йўлканинг икки чеккасида боғдорчилик институтидан келтириб ўтқазилган сарв дарахтлари саф тортган, этакдаги гараж олдида икки туп эртапишар олма гуллаган. Уларнинг нопармон тусли гуллари бутун ҳовлига нимпушти шафақ сочиб турганга ўхшайди. Бурчакда каттакон кўчма ўчоқ, кабоб кўраси турарди.

Сайфиддин ака энди зинага етган эди, эгнига кўк халат кийиб олган йигит йўлини тўсгудай бўлиб чиқиб, кўшқўллаб сўрашди. Сайфиддин ака таниди. Бу – универмаг ошхонасининг ошпази эди. «Ёрдамга кепти, дуруст», деб ўйлади йигит билан сўрашаркан.

– Бир фотиҳа бериб юборинг, Хўжайин, – деди йигит кўзларини йилтиратиб.

Сайфи Сақиевич аланглаб қаради-да бир чеккадаги нокка боғлаб қўйилган семиз кўчқорни кўрди.

– Қассобликниям биласанми?! – деди меҳри ийиб.

– Сиз буюрсангиз, ҳаммасини эплайверамиз! – йигит яна кўзини йилтиратди.

Сайфи Соқиевич турган жойида фотиҳага қўл очди. Унинг ёнида турган хотини, нарироқда тўхтаган уч-тўрт «ҳассакаш» юзларига фотиҳа тортишди. Кўк халатли йигит чаққонлик билан қўйнинг арқонини ечди-да, бурчакка судраб кетди. Невараси ўша томонга югурган эди, Сайфиддин ака уришиб берди:

– Борма, кўрқасан!

Сайфи Соқиевич айвондан ўтаётганида бир чеккада стол устида турган каттакон ялтироқ манти қасқонга кўзи тушди. «Шуни яхши ўйлашибди», деб хаёлидан ўтказди мамнун бўлиб. У хамир овқатни яхши кўрарди. Шунинг учун бундан бир неча йил илгари эски шаҳардаги бозорда ўтириб олиб: «Манто бор, ман-

то-о-о!» – деб қичқирганча манти сотадиган уйғур хотинни илтимос қилиб уйига олиб келган, ўз хунарини «қўли нўноқ» хотинига ўргатишни сўраган эди. Ушандан кейин хотини хамир таомлар пиширишни бинойидек ўрганиб олганди.

Эр-хотин бошлашиб ётоққа киришди.

– Янги костюм кийиб олинг! – деди хотини румин гардеробининг эшигини очиб.

Ҳали Сирожиддин дадасини касалхонадан олиб келиш учун борганида ҳам янги костюм оборганди. Сайфиддин аканинг эгнидаги сарғиш костюми ўша эди.

– Бу-чи, эскимми? – деди у жеркиб.

– Ўлар! – хотини кўзини ола-кула қилди. – Эшикда қанча одам кўрди. Энди оҳорлигини кийиб чиқмасангиз бўларканми, касалдан янги турган одамсиз.

Сайфиддин ака хотинининг ирим-сиримларга бино кўйишини билгани учун индамай қўя қолди. Қолаверса, бир кунда иккита-учта костюм кийса арзимабдими? Кимнинг нима иши бор? У янги қора костюмини кийди. Оқ гардиш тушиб қолган бошидан дўпписини олиб ташлаб, бошқа дўппи кийиб олди-да, меҳмонхонага ўтди. Кенг залда йигирма кишига мўлжаллаб стол безатиб кўйилган эди. Сайфиддин ака чироқни ёққан эди, биллур қандилдан тўкилган осойишта нур дастурхон хуснини янаям очиб юборди. Вазмин стол атрофига қадди баланд дуб креслолар терилган. Ҳар бир креслонинг елкасига биттадан жажжи сочиқ илиб кўйилган эди. Сайфи Соқиевич дастурхонга разм солди. Арман коньягидан тортиб Тошкент сувигача, тиқини сўргичланган Рига бальзамидан тортиб нарзангача – ҳаммаси тартиб билан кўйилган, қази қайнатилган сувга қориб ёпилган нонлар, олма-анорлар, янги помидордан тайёрланган салатлар, қовурилган ўрдагу қазилар – ҳаммаси жой-жойида эди. Сайфиддин ака бу келиннинг иши эканини билди. Стол безатишда Элмиранинг олдига тушадигани кам эди. Келиннинг индамаслиги, аллақандай бегонасираб, сиқи-

либ юриши Сайфи Соқиевичга ёқмаса ҳам мана шуниси-га тан берар эди.

Ҳозир ҳам у мамнун бўлиб айвонга чиқди. Дошқозонга олов ёқилган, кабобпаз сихларини кўрага терган, боғи қассоб бола аллақачон қўйни тинчитган эди. Унинг назарида ҳовли янаям файзли бўлиб кетгандек туюлди. Шийпонга кўзи тушди-ю, хаёлига ғалати фикр келди.

– Ҳой, ким бор? – деди бақириб.

Бир ёқдан хотини, бир ёқдан икки югурдак етиб келди.

– Жойни шийпонга олинглар, дарров! – деди Сайфи Соқиевич шошириб.

– Вой кўрвоссиз-ку, ҳаво булут бўп турибди, – деди хотини осмонга имо қилиб. – Дув этиб ёмғир ёғса нима қилувуз?!

— Ваҳима қилма! – Сайфи Соқиевич асфальт йўлқадан ўтиб шийпон олдига борди. Зиналардан чиқаркан, шийпон шифтидаги товус тасвири туширилган бўёқнинг бир чеккаси кўчиб тушганини, ёнбош томондаги мрамар ҳовузча ҳам яхши тозаланмаганини кўриб кўнгли ғаш бўлди. «Ўзи йўқнинг кўзи йўқ, деб шуни айтади-да», деб ўйлади ранжиб. Аммо энди сўзидан қайтмади.

– Ҳовузга сув қуйинглар! – деди бақириб. – Полни артинглар.

Югурдаклардан бири ҳўл латтани кўтариб зинадан чиқиб келаётган эди, Сайфиддин ака жеркиб берди.

– Молнинг кетида ўсганмисан, ука! Паркет полниям ҳўл латтада ювадимиз ҳеч замонда!

Бирпасда югур-югур бўлиб кетди. Оғир деб столни ҳай-ҳайлашиб кўтариб чиқишди. Биров стул, биров ваза ташишга тушиб кетди.

– Сен нега анқайиб турибсан! – деди Сайфи Соқиевич водопровод олдида чимирилиб турган Сирожиддинни койиб. – Домлангни обкемайсанми? «Шеф»дан ҳам дарак йўқ-ку!

Ярим соатда шийпондаги жой шай бўлди. Энди ҳам-ма нарса Сайфиддин аканинг кўнглидагидек эди. Фақат

ҳавонинг булутлиги-ю, «керакли» меҳмонлар кечикаётганлиги уни ташвишга соларди. Ниҳоят, дарвоза томондан таниш овоз эшитилди, Сайфиддин ака енгил тортиди. У дарвоза олдида ўтирганлар билан саломлашаётган «фабрикант»нинг янгроқ овозини дарров таниди. Чиноздаги атторчилик буюмлари фабрикасининг директорини у «фабрикант» деб атар, икковлари қил ўтмас ўртоқ эдилар. Касалхонада ётганида ҳам «фабрикант» уни кўриш учун тез-тез келиб турарди.

Ҳозир ҳам «фабрикант» эшикдан кулиб кириб келди. У лапанглаб қадам ташлар, гардиши кенг шляпа кийиб олган, ўзи хўппасемиз, бўйни йўқ даражада калта бўлгани учун юриш-туриши жуда ғалати эди. Эски-туски латталар тиқиштирилган қоп устига пақир тўнтариб қўйилганида қанақа кўринса, «фабрикант»нинг қадди-қомати ҳам нотаниш одамга шунақа кўринарди. Аммо Сайфиддин акага «фабрикант»нинг нуқсонлари кўринмас, бу одам унинг учун бир қоп латта эмас, бир қоп олтин эди!

Улар қучоқлашиб кўришдилар.

– Кўрган касалинг шу бўлсин, ўртоқ! – деди «фабрикант» гавдасига мос келмайдиган жарангдор овозда. – Иккинчи сен ҳам банниса бетини кўрмагин, биз ҳам баннисага қатнамайлик, омин! – шундай деди-ю, ташқарига қараб бақирди. – Қани, обкелмайсанми, ҳой!

Шу ондаёқ от кишнагани, тўёқларнинг асфальтга тарақлаб урилгани эшитилди. Чапдаст бир йигит кўзлари юлдуздек чақнаб турган оппоқ от жиловидан маҳкам тутиб, дарвозадан олиб кирди. От нотаниш жойга келиб қолгани учун асабийлашар, атрофга олазарак қарар эди.

Сайфиддин ака қотиб қолди. У қишда қора жийрондан айралиб қолганида боласи ўлгандек қайғурган эди. Ҳозир мана шу оппоқ отни кўрди-ю, унинг асил зот тулпорлардан эканини, бўйни ингичка, илиги тўқлигини дарров пайқади. Ҳа, у отни севар эди, отни қадрлашни ҳам биларди. Бу тулпорнинг баҳоси камида ўттиз минг

туришини дарҳол чамалади. Агар ҳозир ҳеч ким бўлмаганида у дўстини бағрига босган, кўзидан ёш чиқиб кетган бўларди. Аммо атрофдаги одамлар ўзига қараб тургани учун ундай қилмади. Дўстига қараб пичирлади:

- Раҳмат. Мен ҳам яхши кунларингда хизмат қилай!

«Фабрикант» ичида қойил қилдимми, деб турса ҳам сиртида бепарволик билан қўл силтади.

- Исми Оқтош! - деди яна жарангдор овозда. - Ўзимизнинг қўлбола!..

Сайфиддин ака «фабрикант»нинг ҳеч қачон от боқмаганлигини, отга қизиқмаслигини билар эди. Шундай бўлса ҳам дўстининг шаштини қайтармаслик учун индамади. Яна бир бор энтикиб «рахмат», деб қўйди-да, секин бориб отнинг жиловидан тутди. От унга кўзини олайтириб қаради, безовталаниб қулоқларини чимирди.

- Тек, жонивор, тек! - Сайфи Соқиевич меҳр билан унинг бўйнига оҳиста шапатилаб, оппоқ ёлини силади. Жиловдан оҳиста тортиб икки четида сарв дарахтлари саф тортган асфальт йўлқадан ҳовли этагига - гараж биқинидаги отхонага етаклаб кирди. Кўпдан буён бўшаб ётган отхонага яна файз кирди. Аллақаяқдан бир боғ пичан пайдо бўлди. Сайфиддин аканинг димоғини қитқловчи от ҳиди анқиди.

У ташқари чикди-ю, шодон қиёфада қўлларини ёзиб, қичқирди.

- Қани, меҳмонлар, ялписига дастурхонга!

Ўтиришга «фабрикант»нинг ўзи косагуллик қила бошлади. Қадахлар тўлатилиб, «фабрикант» энди сўз бошлаган эди, машина сигнали эшитилди. Сайфиддин ака унга қараб «кечирасан» дегандек имо қилди.

Йўлакда аввал Сирожиддин, кетидан Домласи, унинг кетидан новча Горторг мудирини кўриди. Сайфи Соқиевич шийпон зиналаридан югургилаб тушди. Домла билан ҳам, «шеф» билан ҳам қучоқлашиб кўришди. У мезбон эди, бунинг устига касалдан турган одам бўлгани учун ҳар қанча эркалик қилса ҳақи бор эди.

Дўмбоқ кўлига биллур қадаҳ кўтариб олган «фабрикант» ҳам шуни гапирди. Сайфиддин аканинг кўпдан-кўп фазилатларини санаб бўлиб, тилагини айтди.

- Келинлар, азиз меҳмонлар, - деди шийпонни жаранглади. - Шу дўстимизнинг омадини бераверсин! Ҳаммамизнинг ҳам ишимиз бароридан келаверсин! Олайлигу олдирмайлик!

Қадаҳлар жаранглади. Зум ўтмай юзлар қизариб, қулфи диллар очилди. Кимдир шийпоннинг бир чеккасига магнитофон келтириб қўйди. Шу даврадагиларнинг кўпига маъқул бўлиб қолган хонанда бу дунёда биров-бировага яхшилик қилиб қолиши кераклигини айтиб «насихат» кўшиғини бошлади.

- Яқинда заслуженный бўлди, - деди «шеф» чех пивосини кўпиртириб бокалга қуяркан, - аммо зап овози борда ўзиям!

- Нимаси яхши? - «фабрикант» ўтирган жойида шанғиллади. - Хотинчалиш овози борда!

- Билмадим, менга жуда ёқади! - деди «шеф» қовоғини уйиб.

Даврадагиларнинг кўпчилиги ўз «шеф»ларининг гапини маъқуллаб, артистни мақтаб кетишди. Сайфи Соқиевич мушкул аҳволда қолди. Ҳаммага кўшилиб артистни мақтай деса, «фабрикант» хафа бўлади. Ёмонласа «шеф»идан кўрқади. У нима дейишини билмай турган эди, «шеф» чўнтагини кавлаб аллақандай кўк қоғоз чиқарди.

- Бугун эстрада театрида шу артистнинг концерти бор экан, - деди қоғоз қатини очиб. - Билет обқўювдим, - у чап кўлини баланд кўтариб тилла соатига қаради. - Бир соат қопти. Боролмайман-да, энди!

- Ҳақиқий дўст шунақа бўлади! - деди Сайфи Соқиевич мамнун жилмайиб. - Шу даврани хурмат қилиб, бошқа ишларингизни ташлаб кепсиз, катта раҳмат сизга!

- Концертни шу ерда қилсак бўлмайдими?

Даврадагилар шанғиллаб гапирган «фабрикант»га ўгирилиб қарашди. Унинг юзи қизариб кетган, кўли-

даги рўмолчаси билан елкасига ёпишган бўйнини ҳадеб артарди.

– Йўғ-э! – деди Сирожиддин билан ёнма-ён ўтирган Домла унинг ниятини фаҳмлагандек, кўзларини сузиб.

– Ишонмайсизми? – «фабрикант» бир имо қилган эди, пастроқда ўтирган, бояги от етаклаб келган чапдаст йигит югуриб унинг олдига келди. «Фабрикант» унинг қулоғига бир нимани шивирлаган эди, йигит зинадан югуриб тушиб кетди.

– Сўз илм йўлида заҳмат чеккан Домламиз, ҳурматли профессорга! – деди «фабрикант» тантанали оҳангда.

«Профессор» деган таъриф Домлага ёқиб кетди, шекилли, гавдасини ғоз тутиб ўрнидан турди. Ичкилик таъсириданми, мақтовданми, унинг юзлари қизариб кетган, чечак излари аниқ кўриниб турарди. У томоқ қириб олди-да, қадаҳга тикилганча сўз бошлади. У тижорат аҳлининг азалдан инсоният тараққиётига хизмат қилганини, Осиёни Европа билан боғловчи машҳур «Ипак йўли»да кўп савдогарлар азият чеккани, ниҳоят, Сайфиддин ака билан болалиқдан бирга ўсганини айтди.

– Дўстим Сайфиддиннинг илмга ихлос қўйганини айниқса қадрлайман, – деди атрофдагиларга бирма-бир қараб чиқиб. – Мана, дўстимнинг зурриёти менинг шогирдим. Қобилиятли йигит. Яқинда олим бўлади. Келинглар, шу йигитнинг кандидатлик диссертациясини тезроқ ёқлаб олиши учун ичайлик!

...Кабоб тарқатилаётганда меҳмонлар анча пишиб қолганди. Косагулнинг сўзи у ёқда қолиб, бошни бошга уриб сирлашадиган пайт яқинлашиб қолган бир вақтда дарвоза томондан «келинг-келинг», деган товушлар эшитилди. Ҳамма беихтиёр ўша томонга қаради. Бояги таърифи келтирилган артист филофга солинган рубобини кўтарганча илжайиб кириб келар, ҳалиги чапдаст йигит унга йўл кўрсатиб турарди.

Хонанда шийпон зинасидан кўтарилиб қўлини кўксига қўйганча ялписига салом берди-да, Сайфиддин ака-

нинг ёнбошига келиб ўтирди. Сайфи Соқиевич бу ашулани телевизорда кўриб юрар, аммо бунчалик яқин ўтирмаган эди. Ҳозир унинг нимасидир ёқмади. Анча совуқ, бурни узун, қоп-қора йигит экан. У қора костюм кийган, ҳалқа-ҳалқа гулли галстук таққан, бошида чуст дўпписи бор эди. Чамаси, у концертга тайёрланиб театрга борган-у, чаптаст йигит йўлини қилиб, концерт бошланиши олдидан бу ёққа етаклаб келган эди.

- Қайсинисидан бўлсин, оқиданми, қизилиданми?

«Фабрикант» артистга қараб атайлаб беписандлик билан қичқирди.

Чамаси, у ҳар қанча пул кетса ҳам бу артистни «сотиб олгани», унча-мунча яллагани истаган пайтида хоҳлаган кўйига солишга қудрати етишини кўрсатиб қўйгани учун жуда шод эди.

- Бизга бўлмайди! – деди артист мулойим жилмайиб.

- Олифтагарчилик қилманг! – «фабрикант» баттар қичқирди. – Ўлиб қолсангиз мен жавоб бераман.

Унинг шунчалик баланд кетиши артистдан кўра кўпроқ «шеф»нинг ҳамиятига тегди, шекилли, хонандадан сўради:

- Концертингиз нима бўлди?

- Концерт шу ерда бўлади дедим-ку! – «фабрикант» қиқиллаб кулди. – Боғини суриштириб нима қиласиз!

Кўшиқчи унинг гапини тасдиқлагандек қадаҳини бўшатиб узатди.

Аммо «концерт» қизимади. Ўтириш айна авжига чиққанида тўсатдан шамол кучайиб кетди. Икки тул олманинг гуллари дув тўкилиб бутун ҳовлини тутди, бурчақда турган кабоб кўраси ағдарилиб ҳаммаёққа чўғ сачраб кетди. Ҳали ўзини яхши тутиб олмаган сарв дарахтлари бир томонга таппа ёнбошлади. Бирдан момақалди роқ гумбурлади-ю, кетидан шиддат билан жала қуя бошлади. Шийпоннинг атрофи очик бўлгани учун ҳаммаёқ шалаббо бўлди. Ликопчалардаги норинлар сувга бўқди. Ичкилиги яримлаб қолган қадаҳлар ёмғир суви

билан тўлди. Туфлиси, шимининг почаси ҳўл бўлган меҳмонлар мастона қийқиришар, завқланиб шовқин-сурон солишар эди. Кимдир ўрнидан тураётганида дастурхонни тортиб юборди, шекилли, биллур қадаҳлар жаранглаб паркет полга тушди. Сайфи Соқиевич айвон томондан хотинининг қичқирганини эшитди.

- Вой ўлси-и-ин! Ҳали нима девдим? Эсиз, сервизларим! Ҳаммасини синдириб адо қилишди-ку, булар!

23

Табиатнинг ғалати қоидалари бор. Баъзан тоғдан қор кўчиб, аллақанча жойни босиб қолишига арзиманган нарса сабаб бўлади. Кимнингдир қаттиқроқ йўталганими, муштдек муз бўлаги думалаб кетганими баҳона бўлади-ю, ботмон-ботмон қор уюми сурон солиб пастга отилиб кетади. Бир қарашда бунга кишининг ақли бовар қилмайди. Аслини олганда эса, бунинг ҳеч қанақа сирли жойи йўқ. Кўпдан буён уюлиб ётган қатламнинг бирдан ҳаракатга келиши учун худди ўша ожизгина товуш тўлқини, муштдеккина музнинг думалаши етмай турган бўлади.

Бугун Элмира ҳам шунақа аҳволга тушди. Арзиманган нарса баҳона бўлди-ю, шунча йилдан буён кўнглида йиғилиб ётган зардоб бирдан юзага отилиб чиқди. Меҳмонлар тарқалганидан кейин қайнана-келин шийпонни йиғиштиришга тушди. Шийпон лой бўлиб кетган, ёмғир ёнламаси уриб бергани учун бўлса керак, крахмалланган дастурхонлар жиққа сув эди. Дастурхон усти шунчалик остин-устун бўлиб кетибдики, қараган кишининг раҳми келади. Кимдир тақсимчадаги норинга сигаретини босиб ўчирибди. Анор пўчоғи косадаги шўрвага аралашиб ётибди. Ҳали шамол кўтарилганида синган биллур қадаҳларнинг парчалари оёқ остида қисирлайди.

Бир неча кундан буён Элмиранинг мазаси йўқ эди. Ҳозир ҳам сихлардаги шамдек қотган кабобларни, ош

қолдиқларини ҳар кўрганда кўнгли гум-гум кетар, аммо қайнонасининг қовоқ-тумшуғи осилиб кетгани, «чўчкадан баттар бефаросат» меҳмонларни қарғаб-қарғаб биллур қадаҳ синиқларини йиғиштириб олаётганини кўриб тургани учун индамас, идиш-товоқларни йиғиштиришда кўмаклашар эди.

Элмира бу оилага келин бўлиб тушганига етти йилдан ошди. Ҳамма қизлар ҳам турмушга чиқиш олдидан сирли, хаёлий бир бахтни орзу қилади. Ҳар бир қиз назарида ҳаммадан кўра ширинроқ бахтга эришаётгандек бўлади. Аммо бу бахт қанақа бўлишини ўзиям яхши билмайди. Орадан ой ўтади, йил ўтади. Келинлик арафасида осмону фалакда учиб юрган орзулар эртами-кечми ерга тушади. Келин энди ҳамма қатори кундалик ташвишлар билан яшай бошлайди. Оила ташвиши, эр ташвиши бошига тушади. Бу орада бола туғилади. Ташвишлар янаям кўпаяди. Шундоқ қилиб умр деган дарё ўзанидан шитоб билан оқиб кетаверади...

Элмиранинг бахти ҳам шунақа бўлди.

Биринчи курсда ўқиб юрганида Элмира гулдай қиз эди. Ҳеч кимни писанд қилмасди. Сирожиддинни ҳам биринчи кўришдаёқ ёқтирмаган эди. Аммо Сирожиддин уни ўз ҳолига қўймади. Гуруҳда ўзига энг кўп ишонган йигит шу эди. Ҳеч кимда йўқ нарсалар Сирожиддинда бўларди. Дарсларга машинада келиб, машинада кетадиган, энг замонавий эстрада ансамблларининг концертига йўқ ердан билет топадиган, ўзига қуйиб қўйгандек қимматбаҳо кийимлар кийиб юрадиган талаба кўп бўлавермайди. Сирожиддинда бўлса шу нарсаларнинг ҳаммаси бор эди.

Шунга қарамай, Элмирага унинг нимасидир ёқмас, тўғрироғи, у Сирожиддиннинг нимасидандир чўчир эди. Ким билсин, балки нимасидир ёққани учун ундан чўчигандир. Қизиқ, Элмира ундан ўзини қанча олиб қочса, Сирожиддин шунча кўпроқ ёпишарди.

Бир сафар Саккизинчи март байрами арафасида Элмира маърузадан чиқиб, яна Сирожиддинга дуч келди. Сирожиддин машинасида уни кузатиб қўймоқчи бўлган эди, Элмира одатдагидек рад этди. «Бўпти, – деди Сирожиддин синиқ оҳангда. – Кузатмай қўя қолай. Ҳеч бўлмаса байрам билан табриклашга ҳаққим бордир». Шундай деди-ю, уятчан табассум билан унинг қўлига жажжигина қутича тутқазди. Элмира унинг бунақа жилмайганини ҳеч қачон кўрмаган эди. «Кўнглингизга келмасин, – деди Сирожиддин яна ўша маъюс оҳангда. – Арзимаган нарса. Бир замон бувимлар ойимларга совға қилган эканлар. Энди сизники бўлиши керак».

Элмира хушини тўплаб олгунча Сирожиддин зиналарни қарсиллатиб тушди-ю, кетиб қолди.

Элмира боши айланиб кетгудек бўлиб институт ҳовлисига тушди. Бир бурчакдаги скамейкага бориб ўтирди. Сирли қутича ичида нима борлигини жудаям билгиси келар эди. Қутичани очиши билан юзлари ловиллаб кетганини ўзи ҳам сезди. Нимага, нимага энди Сирожиддин унга бунақа қимматбаҳо совға ҳадя қилиши керак экан? Қутичада бахмал ёстиқча устида икки дона бриллиант сирға ярақлаб турарди. Элмира худди биров кўриб қоладигандек атрофга аланглаганча қутичани шоша-пиша сумкасига солди. Хаёлида ҳадеб бир фикр айланар, уятдан юзлари ёниб кетган эди. Сирожиддин кими бўптики, унга бунақа совға қилади? «Бувим ойимларга берганди, энди сизники бўлади» дедими? Бу нима дегани?

Унга ҳали ҳеч ким бунақа нарса совға қилган эмасди. Эсида, биринчи синфга борганида унинг қулоғини тешишди. Ойиси унга ялтироқ зирак тақиб қўйди. Элмира «тилла» зирагини ўртоқларига мақтанаётган эди, ўқитувчи опа бунақа сирға тақсанг, қулоғинг йиринглаб кетади, деб койиди. Элмира уйига келиб роса йиғлади. Ойиси бўлса уни юпатди. «Катта бўлсанг қимматбаҳо тилла зиракни куёв бола обереди», деб кулди.

Онаси айтган сирға шу бўлмасин тағин?

Ўша баҳор оқшомида Элмира кўнглида минг хил ҳаёллар билан кўчаларда узоқ кезиб юрди. Аммо байрам ўтганидан кейин Сирожиддиннинг совғасини қайтариб берди. «Шу зирак бари бир сизники бўлади, – деди Сирожиддин ишонч билан. – Ойимлар келинимга деб атаб қўйганлар». Чиндан ҳам шундай бўлди.

Қиз боланинг қалби тошдан қаттиқ, гулдан нозик бўлади. Сирожиддин Элмиранинг юрагидаги ўша нозик жойини топди. Иккинчи курсда ўқиётганларида уларнинг тўйи бўлди. Сирожиддиннинг ота-онаси тўйни асъаса-дабдаба билан ўтказишди.

Элмира орзу қилган ширин, бахтиёр кунлар бошланди. Сирожиддин уни авайлар, Элмира қайнатасию қайнанаси совға қилган тилла тақинчоқларга безаниб дарсга қатнар эди. Лекин тез ёнган, бот совийди, деган гап рост экан. Кўп ўтмай Сирожиддин ундан совий бошлади. Хотин киши эридаги қилча ўзгаришнинг дарров сезади. Элмира эрининг ўзгариб қолганини сезар, аммо нима қилишини билмасди. Бунинг устига оилада майда-чуйда гаплар кўпайди. Қайнонаси келин қилиб роҳатини кўрмаганини, келинпошшанинг хизматга нўноқлигию китоб ўқишдан бошқа дарди йўқлигини кўп айтадиган бўлиб қолди. Бир куни Элмира дарсдан келиб, қайнонаси қўшни хотинга ҳасрат қилаётганининг устидан чиқиб қолди.

– Кўрмаганнинг кўргани курсин, ўргилай! Бирданига кўзини ёғ босди-ю, босар-тусарини билмай қолди бу! Ҳар куни ясан-тусан қилиб ликиллаб ўқишга югуришни билади, буларнинг ҳаммаси қаёқдан келиб, қаёққа кетаётгани билан иши йўқ. Келин бўлиб мундоғ жони ачишиб рўзғорга қайишмаса! Бу ёқда ўғлимни айтмайсизми? Қоплаб қайнотасиникига ташийди. От топади, эшак ейди дегани шу-да!

Элмира эсанкираб қолди. Сирожиддин қайси бир байрамда уларникига бир қоп картошка, бир яшик олма обороиб ташлаган эди. Элмира шуни эслади-ю, уятдан ловиллаб ёниб кетди. Секингина уйга кирди-да, бармоғидаги

узукларини, қулоғидаги зиракларни ечиб, трюмонинг тортмасига ташлаб қўйди. Бу нарсалар ўзиники эмаслигини, ўзиники бўлмаслигини тушунди, эридан яшириб тўйиб-туйиб йиғлаб олди.

Кейин келинпошшанинг оёқ-қўли чаққон эмаслиги, латта-путтага ўчлиги, кир ювганда тескари сиқиши, хуллас, нимаики айби бўлса, ҳаммаси дoston бўлди. Элмира ҳасратини кимга айтишни билмасди. Ота-онасига гапирса, ўзинг пиширган ошни ўзинг ич, дейиши турган гап. Устига-устак, унинг бўйида бўлиб қолди. Элмира аламини ичига ютди: энди у тақинчоқларга ҳам, кийим-кечакка ҳам қизиқмас, эсон-омон қутулиб олишни ўйлар эди.

Қизалоқ туғилганидан кейин Элмиранинг ўқиши ўз-ўзидан қолиб кетди. У Сирожиддинга ҳасрат қилган эди, «ўқишни битирганингдан кейин ишлаб топадиган ойлигингни ўзимдан олиб қўя қоласан», деб кулди.

Элмира бутун меҳрини қизалоғига берди. Энди ора-чора театрларга бориш ҳам, Сирожиддиннинг машинасида сайр қилишлар ҳам барҳам топди. Элмира эрининг ўзидан бутунлай совиб кетгани, саёқ юраётганини ҳис қиларди. Бу борада Сирожиддиннинг қобилиятларини имкониятлари катталигини ҳам биларди. Шунини ҳис қилганидан кейин асабий бўлиб қолди. Энди у шу оилада яшар эди-ю, бари бир бегона эди бу хонадонга. Элмира бу ерда пул ҳукми ҳамма нарсадан кучли эканини яхши биларди. Иложи борича оддийроқ кийинишга, атрофини ўраб олган, аммо ўзига бегона бўлган нарсаларга иложи борича камроқ қўл тегизишга ҳаракат қиларди.

Иккинчи боласи – ўғилчаси туғилганидан кейин Элмира фарзандлари ҳурмати кўп аламларни ичига ютди. Унинг қалбида фақат оналардагина бўладиган собит бир куч – фарзанди учун кўп нарсаларни кечириб юборишдек қудратли бир куч пайдо бўлганди. Шунга қарамай доимий бегоналик ҳисси ғашини келтирар, асабини қақшатар эди.

... Кўпчилик бўлиб шийпондаги дастурхонни йиғиштиргунча ярим кечадан ошди. Ёмғир аллақачон тин-

ган, аммо ҳаво салқин эди. Элмиранинг оёғидан зах ўтиб кетди. Бунинг устига кеча кечаси пишириш-куйдириш билан банд бўлиб деярли ухламаган эди. Ҳозир у қаттиқ толиқди. Боши лўқиллаб, оёқ-қўллари қақшаб оғрий бошлади. Энг охирги бир даста косани ювишга мадори қолмади. Уларни ошхонадаги столга қўйиб уйга кирди. Чироқ лопиллаб ёниб ётар, қизи каравотда ўғилчаси эса бурчакдаги кўрпачада ухлаб қолган эди. Элмира ичкари уйга – ётоққа ўтди. Сирожжиддин аллақачон чироқни ўчирган, майкачан бўлиб ётиб олган эди. Элмира яна болалар хонасига қайтиб чиқди-да, ўғилчасини кўтариб каравотга ётқизди. Энди устини адел билан ўраб қўяётган эди, айвон томондан қайнонасининг шанғиллаган товуши келди:

– Қаёққа даф бўлдингиз, ҳой!

Элмира оёқларини судрагудек бўлиб, айвондан ўтди-да, ошхонага кирди. Қайнонаси узун стол устига дасталаб қўйилган идишларни санаб турарди.

– Қолгани эртага ювилар, ойи, – деди Элмира ҳорғин товушда.

– Ман идиш ювишни этвотганим йўқ. Ўзим ювиб оламан. Қўлим синганмас, – деди қайнонаси шанғиллаб. – Бошқа нарсани сўраотман: тилла чой қошиқлар қани?

Элмира елкасини қисди.

– Яхшилаб қаранг, тургандир.

– Тўртта тилла қошиқ йўқ-ку! Икра емай захар егурлар! Қаёққа ғойиб бўлади? – қайнонаси Элмирага шубҳаланиб қараб қўйди. – Элдор қачон кетувди ўзи?

Элмира сесканиб кетди. Ҳали унинг ўнинчи синфда ўқийдиган укаси келиб кетган, Элмира майда-чуйда гап чиқмаслиги учун уни изига қайтариб юборган эди. Ҳозир шуни ўйлади-ю, бирдан миясига қон гупиллаб урилди.

– Ҳали менинг укамни ўғри гумон қиляпсизми? – деди таҳдидли пичирлаб. Кейинги дақиқада кўксини тўлдирган фарёд вулқондек отилиб чиқди. – Ўзларинг ўғрисан! Ўзларинг ҳаромсан! – У стол устидаги бир даста косани

олиб ерга улоқтирди. – Ўзларинг ифлоссан! Ҳамманг, ҳамманг бир гўрсан!

Элмира эсдан оғиб қолганга ўхшарди. Неча йиллардан бери дилида йиғилиб ётган аламлар кетма-кет келар, қўлга илинган нарсани дуч келган томонга улоқтирар эди.

Қайнонаси дод устига дод солди. Бир уйдан Сайфиддин ака, нариги уйдан майкачан Сирожиддин югуриб чиқди. У чошиб келиб Элмиранинг қўлидан тутди.

– Нима, урмоқчимисан? – деди Элмира унга ўгирилиб. – Ур, номард! Сенларнинг ҳаромингга шерик бўлгандан ўлган яхши! Жавобимни бер! Бер жавобимни, номард!

Сирожиддиннинг кўк кўзлари қисилиб кетди. У энди орқага тисарилиб, мушт тугаётган эди Сайфиддин ака елкасидан итариб юборди. Сирожиддин ёнбоши билан деворга урилди. Чил-чил бўлган косаларни босиб нари кетди.

– Хотин кишига қўл кўтармоқчимисан, бадбахт! – Сайфиддин ака Сирожиддинга ўқрайиб қараб қўйди. Кейин қовоқлари пир-пир учиб, хотинига ўгирилди. – Ҳамма иғво сен шаллақидан чиқади. – Шундай деди-ю, хотинини тарсакилаб юборди.

Элмира қайнонаси юзини чангаллаб қолганини, тилла тишлари орасидан кўпик сачратиб қарғаётганини кўрди. Аммо у ҳеч нимани эшитмас, эшитолмас эди.

Анчадан кейин Сайфиддин ака унинг елкасидан тутиб уйга олиб кирди.

– Ўзингни бос, қизим, – деди юпатиб. – Қариб мияси айниб қолган хотин билан олишиб ўтирасанми? – у бир зум жим қолди-да, қўшиб қўйди. – Аммо бояги гапни бир гапирдинг, иккинчи оғзингга олмагин, болам. «Жавобимни бер», дейсан. Яхшими шу гап? Ҳеч бўлмаса но-расталарни ўйламайсанми, қизим!

Элмира кўзларидан ёш тирқираб тескари қараб олди.

Анчадан кейин қайнотаси чиқиб кетди. Зум ўтмай айвондан пишқириб шивирлагани эшитилди:

– Ёшинг элликка чиқибди-ю, товуқча ақлинг йўқ. Хотин кишисан-да, нима қилсаям! Хўп, борди-ю, ажрашиб

кетсин. Хуш, кейин нима бўлади? Икки дунёда тинч қўяр-миди? Бутун сиримизни ипидан-игнасигача билади-ку! Нега буёғини ўйламайсан, товукмия!

24

«Тиниқсой» колхозининг бутун туманга донғи кетган боғи бор. Бирон жойдан нозикроқ меҳмон келиб қолса, шу боққа бир қўниб ўтмай иложи йўқ. Раис бува лавозимга янги кўтарилган пайтида сой бўйидан йигирма гектар майдонни ажратиб, боғ қилди. Баҳор келиши билан қуюқ дарахтзор орасида антиқа шовқин авжига чиқади. Гул атридан маст бўлган асаларилар гулкосалар ичига шўнғиб сархуш кўшиғини бошлайди. Уларнинг шодон ашуласи ҳайқириб оқаётган Тиниқсойнинг шўх-шўх оҳангларига қўшилиб кетади. Боғ устида ёз бўйи анвойи мевалар ҳиди гуркирайди. Боғнинг қоқ ўртасида икки қаватли кўркам бино қад кўтарган. Ҳамма уни шийпон деб атайди. Аммо бу бинода фақат шийпон эмас, ошхона, бильярдхона, йигирма кишига мўлжалланган меҳмонхона бор. Бинонинг иккинчи қавати очиқ шийпон. Унда бир йўла эллик кишига дастурхон тузаш мумкин. Раис бува ишнинг кўзини биладиган одам. Шийпонда тез-тез меҳмондорчилик бўлиб туради. Пастда эса, шундоқ шийпон рўпарасида чуқур ҳовуз бор. Атрофини ўраган, қулоч етмайдиган чинорларнинг қуюқ соясида ҳовуз суви аллақандай ўйчан, қорайиб кўринади. Азиз меҳмон келганда ҳовуз атрофидаги сўриларга патгиламлар ёзилади, атлас-адрас кўрпачалар тўшалади. Аммо шийпон яқинига келишга бирон колхозчининг ҳадди сиғмайди. Негадир кўпинча улар боққа киришганда ҳам ҳадиксираб, шийпонни четлаб ўтадилар.

Шерзод Раис бувани шу ердан топди. Кечаси қаттиқ ёмғир ёққани учун боғ салқин, оёқ остида олма, олча гуллари сочилиб ётар, йўлкалардан зах нафаси уфуриб турарди. У шийпон олдига келганида ошхонадан жиз-

биз эшитилар, тепада – иккинчи қаватда уч-тўрт киши дастурхон тузатиш билан овора эди. Меҳмонхона ёнбошидаги бильярдхонадан тарақ-туруқ овоз эшитилиб турарди. Шерзод ўша томонга юрди. Зинадан кўтарилиб ичкари кириши билан Раис бувага кўзи тушди. Раис бильярд таёғини ушлаб турар, бўр суртилган бармоқлари оқариб қолган эди. Юзлари қип-қизил барваста киши эса, столнинг нариги бурчагида энгашиб соққани уришга мўлжалларди. Шийпоннинг бир чеккасида, эски стул устида бир шиша коньяк билан пиёла, чала тишланган иккита олма турарди. Ниҳоят, барваста киши соққани урди. Мўлжални нотўғри олган экан, шекилли, сарғиш соққа стол устидан отилиб кетди-да, думалаб Шерзоднинг оёғи остига келди.

– Штраф! – деди Раис бува баланд товушда.

Шерзод энгашиб соққани олди. Салом берди. Раис бува аллақандай тарғил тусга мойил кўзларини қисиб, «бу бола қаёқдан кеп қолди», дегандек ижирғаниб қараб қўйди-ю, кейин бирдан юзи ёришди.

– Ие, ўзимизнинг шоир бола-ку! – деди қувониб.

У Шерзоднинг кафтини чайир, қадоқли қўли билан маҳкам қисди. «Ўзгармабди, – деб ўйлади Шерзод ундан кўз узмай. – Қаримабди».

Раис чиндан ҳам ўзгармаган эди. Эски ўчоқдан чиққан косовдай узун, чайир гавдасини ғоз тутиб турар, қора костюм кийиб, боғичи резинкали галстук тақиб олганди.

– Танишинглар! – деди Раис бува хамроҳига имо қилиб. – Вилоятдан келган меҳмон. Бу бола, – у Шерзоднинг қўлини ҳамон қўйиб юбормай кўзига қадалиб қаради, – ҳозир катта ёзувчи бўп кетган. Жумҳурият газетасида ишлайди. Аммо ўзимизнинг местний кадрлардан. Телевизордаям тез-тез чиқиб туради.

«Маҳаллий кадрга бало борми!» деб ўйлади Шерзод ғижиниб. Вилоятдан келган вакилга қараб совуққина бош силкиб қўйди.

– Келганингиз яхши бўлди! – деди Раис бува баланд товушда. У коньяк ичиб олгани учунми, кайфияти яхши эди. Тарғил тусга мойил кўзлари сузилиб турарди. – Озарбайжондан меҳмонлар келишмоқчи. Чиройли қилиб ёзасиз-да, ишларимизни! – деди яна Шерзодга тикилиб.

Шерзод Раис буванинг мақтовга жуда ўч эканини биларди. Шунинг учун унинг кўзига жиддият билан тикилиб индамай тураверди. Раис ўзида Шерзоднинг иши борлигини тушунди.

– Мен ҳозир... – деди вакилга қараб.

Икковлари ташқарига чиқдилар. Ҳовуз бўйидаги сўрига ўтиришлари билан шопмўйлов бир киши чой келтириб қўйди. Раис деҳқончасига чордана қуриб ўтирганча чойнакка қўл чўзган эди, Шерзод қўймади.

– Ўзим... – деди чойни қайтариб.

– Чигитни туманда биринчи бўлиб эдик! – деди раис кўзларини мамнуният билан қисиб. – Бу йил ерда нам етарли. Эрта-индини минг гектар чигит манаман деб ниш уриб чиқса борми, қарабсизки, яна марра бизники. Бултур гектаридан қирқ икки центнердан хирмон кўтардик. Туманда биринчи бўлиб режани дўндирдик, ўқигандирсиз?

– Хабарим бор... – деди Шерзод ҳовуздан кўз узмай...

Ҳовуз юзи жимирлаб турар, бир бурчакда сув чиқиб кетадиган қувурча олдида олма гуллари тўпланиб қолганди.

– Аммо-лекин Холпошингиз дуруст, – деди раис ҳамон ўша кўтаринки оҳангда, – бултур икки юз тонна терди. Шуларни ёзсангиз бўлмайдимиз, ким айтади сизни местний кадр деб?

– Раис бува, мен «местний кадр» деган гапни ёмон кўраман! Ўзувчи ўз маҳалласини эмас, бир йўла ҳамманинг кадри бўлиши керак, – деди Шерзод иложи борича юмшоқ қилиб. Аммо овозидаги ижирғаниш бари бир сезилиб қолди.

Раиснинг қовоғи тушди. У ўзига гап қайтарган одамни хуш кўрмас, атрофидагилар нима деса кўнишига ўрганиб қолган эди.

- Нега энди?

- Бир латифа бор... - Шерзод мийиғида кулиб қўйди.
- Бир куни хўроз, туя, эшак - учовини суд қилишибди. Хўроз хотинбоз экан, туя танбал экан, эшак аҳмоқ экан. Текшириб-текшириб хўрозни бегуноҳ, деб топишибди. Нега деганда, хўроз хотинбоз бўлгани билан бу ишни товуқларнинг ўзи хоҳларкан. Текшириб-текшириб туяни ҳам бегуноҳ топишибди. Танбал бўлгани билан ташналикка чидаркан. Шунча текширсаям, эшакни оқлашга сабаб топишолмабди. Аҳмоқлиги кўриниб турганмиш. Охири унга мурувват қилишибди. Аҳмоқ бўлсаям, маҳаллий кадр-ку, юриверсин, деб қўйиб юборишибди.

Раис тиззасига шапатилаб урганча қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади. Тарғил кўзларидан тирқираб ёш чиқиб, юзи кизариб кетди.

- Оббо, сиз-эй! - деди кулгидан энтикиб. - Нима қилсаям шоирлар гап ўғриси бўлади-да, а! Оббо местний кадр бўлмай ўлгур-эй!

Шерзод унинг кулиб бўлишини кутиб индамай ўтираверди. Ниҳоят, Раис бува кўз ёшларини артиб чой хўплади.

- Бари бир сиз бизнинг ишларни бир ёзинг. Очерк дейсизми, нимайди, ана ўшанақа қилиб ёзинг! Яхши ишларимиз кўп.

- Биламан, - Шерзод секин хўрсинди. - Яхши ишларингиз кўп. - Бир сония ўйлаб, қўшиб қўйди. - Ўша яхши ишларниям ёзаман... Аммо бу сафар мен бошқа, жанжалли нарсени ёзмоқчиман.

Шерзоднинг назарида Раис буванинг ранги хиёл ўчгандек бўлди. Унинг қовоқлари уюлиб, кўз қирралари тиришди.

- Масалан? - деди бўғиқ овозда.

- Азимжон акани бекорга хафа қилибсиз! - деди Шерзод эҳтиёткор оҳангда.

- Анави иғвогар домлами? - Раис бува Шерзодга ўқрайиб қаради. - Нима деб сасиди тағин? Куздаги гапни айтгандир-да.

Шерзод Азимжон акага атайлаб учрашмаган, кўлидаги далиллар шусиз ҳам етарли эди.

Ҳозир уни бошқа нарса ҳайрон қолдирди. Раиснинг шу қадар беписандлик билан дангалига кўчганига ажабланди. Демак, у Шерзодни бир пақирга олмайди. Ёки бўлмаса ўзига қаттиқ ишонади. Бошқа гап бўлиши мумкинмас, Шерзод шуни ўйлаб, ғаши келди.

– Мен домлани кўрганим йўқ, – деди қошини чимириб.

– Падар лаънати кўр-эй! – Раис бува лаби титраб сўкинди. – Ҳалиям колхоздан кўчириб юбормаганимга шукур қилсин кўр қори!

– Яхшимас, – деди Шерзод ўзини босишга уриниб. – Ҳамма болаларингизнинг саводини шу одам чиқарган. Кўзи кўрлиги домланинг айби эмас. Қолаверса... – Шерзод аввалгидан ҳам хотиржамроқ қилиб қўшиб қўйди, – домлани колхоздан кўчириб юборишга ҳаққингиз йўқ. Кесиб олинган томорқасини ҳам қайтариб берсангиз тузук бўларди, Раис бува.

Раис кескин бош кўтарди-ю, анчагача ўзига келолмагандек, Шерзодга тикилиб қолди. Унинг лаби учиб турар, тарғил кўзларида, тажанг юзида ҳам ҳайрат, ҳам ғазаб ифодаси бор эди. Чамаси, у кечагина «ўзининг» колхозида мол боқиб юрган бир боланинг бугун ўзи билан шундай тап тортмай олишаётганига ишонмас, айтилганда унинг марказдан шикоят текширишга келган вакил эканини ҳам тушунар, шунинг учун амаллаб тилини тийиб турарди. Ниҳоят, у тилга кирди:

– Ҳўш, нима демоқчисиз? – деди заҳарханда билан кўзларини қисиб. – Бизнинг айбимиз нима экан, ўртоқ шоир?

Шерзод Раис буванинг пиёла тутган қўли асабий титраётганини кўрди. Йўқ, у раиснинг кўрққанидан эмас, ғазабдан титраётганини тушуниб турарди. Шунинг учун янаям хотиржамроқ гапирди.

– Ҳали суяги қотмаган болаларни далага ҳайдаб чиқишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, – деди яна чой қуя туриб.

- Тўртинчи синф ўқувчилари ҳали она сути оғзидан кетмаган болалар... Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз.

- Ёза қолинг! - деди раис шартта унинг гапини кесиб.
- Сиз шоирлар гапга уста бўласизлар. Консерватор раис техникани ишлатмай, қўл меҳнатига зўр беряпти, денг. Режани бажариш учун болаларниям аямаяпти, денг. Оғзингизга келганини ёзаверинг!

«Гапни буриб кетишини қара, - ўйлади Шерзод унинг ғолибона киноясидан ижирғаниб. - Ҳушёр бўлмасанг, шилт этиб қўлингдан чиқиб кетади!»

- Мен унақа деб ёзмайман, Раис бува, - деди Шерзод совуққонлик билан. - Сиз консерватор раис эмассиз. Олий маълумотли мутахассиссиз. Техниканинг қадриниям ҳаммадан яхши биласиз. Режани бажаришниям қойил қиласиз. Бунинг усуллари қўп.

- Бўлмаса, нима қил дейсан, ука! - раис жеркиб қаддини ростлади. У Шерзодни «ука», деб ўзига яқин тутгани йўқ. Шерзод ҳам буни тушунди.

- Маҳаллий кадр деган гапни шунинг учун ёмон кўраман, - деди пинагини бузмай. - Кўрдингизми, мени маҳаллий кадр ҳисоблаганингиз учун дағдағага ўтяпсиз. Ўрнимдан бегона одам бўлганида бунақа гаплашмасдингиз. Маҳаллий кадр қўли синса, енгининг ичига яшириб кетаверади. Шунинг учун баъзилар шунақа кадрларни яхши кўришади.

Раис Шерзоднинг куч-қудратини чамалаб кўрмоқчи бўлгандек, зимдан унга бошдан-оёқ қараб чиқди.

- Шаҳарга бориб сояпарвар бўп қопсиз, - деди овози хириллаб, - қишлоқ боласи меҳнатга бўйин эгиши керак. Мен сояпарварларни ёмон кўраман.

- Ноинсофлик қилманг, Раис бува! - деди Шерзод ўйчан бир тарзда. - Қишлоқ боласи сизга нима қилиб берсин тағин?! Баҳор чиқиши билан пиллага қарашса, ёзда ўтоқ қилса, яғана қилса, уч ой куз умри пахта териш билан ўтса! Тағин нима ҳаққингиз қолди?

- Ишласин! – деди раис шиддат билан. – Меҳнат қилган билан одам ўлиб қолмайди. У ёғини сўрасангиз, ўша тўртинчи синф болаларининг орасида менинг ҳам ўғлим бор эди. Ўша куни мен унга ҳаммадан кўпроқ кўрак тердирдим. Термасин-чи, ичагини суғуриб оламан! Ўша иккита бола қатори менинг ўғлим касалхонага тушсаям ачинмасдим.

- Ишонаман! – Шерзод хўрсинди. – Ишонаман. Лекин боланинг биринчи галдаги вазифаси – ўқиш. Тўртинчи синф боласини қор остидан кўрак тердиришга ҳаққингиз йўқ. Боринги, ўз болангиз бўлган тақдирдаям!

Раис бува шамани сепиб ташлади, пиёлани улоқтириб юборди. Пиёла ғилдираб бориб сўри четидаги кўрпача қиррасига урилди-да, тўнкарилиб қолди.

- Менга қара, ука! – деди лаблари пирпираб, – Менга оқбилак, текинхўрлар эмас, меҳнатсевар кадрлар керак, вассалом! Бу гапни қанақа тушунсанг, тушунавер. Мен бу ишни эл-юртни ўйлаб қиялпман! Эндиям шундоқ қилавераман, чидасанг шу, чидамасанг катта кўча!

Шерзоднинг юраги гупиллаб ура бошлади... «Мунча керилади бу одам!». У ўзининг ранги ўчиб кетганини, яна юрак хуружи тутай деб турганини сезиб ўтирарди. Аммо бир амаллаб ўзини босди.

- Бўлиши мумкин... – У елкасини қисиб қўйди. – Лекин сиз фақат эл-юрт манфаатини ўйлаётганингиз йўқ-да, ўзингизниям ўйлаяпсиз-да! Иложи борича режани тезроқ бажарсангиз-у, мақтов эшитсангиз. Мажлисларнинг тўрида ўтирсангиз! Ваъз айтсангиз! Орден олсангиз! Бўлмаса, қор остида қолиб кетган кўракни болаларга тердирасан, деб ҳеч ким топшириқ берганмас-ку, сизга. Тўғрими?

Раис бир ҳатлаб сўридан тушди.

- Ўх-ў, тилинг бурро-ку жуда! – У таҳдид билан Шерзоднинг рўпарасига келди. – Шуларнинг ҳаммасини чиндан ёзмоқчимисан?!

Шерзод кўлидаги пиёлани бир чеккага қўйди-да, сўридан тушди.

– Начора, – деди тағин елкасини қисиб. – Мен сиз айтган маҳаллий кадр эмасман. – У Раис буванинг кўзига тик қараб, қўшиб қўйди. – Хайр.

– Агар шу нарса газетангда чиқса, отимни бошқа қўяман! – деди раис унинг кетидан бақириб.

– «Газетанг» деманг. Газета меники эмас! – Шерзод кескин бурилди-да, олма гуллари ёпишиб ётган йўлқадан тез-тез юриб кетди.

25

Шерзод самолётдан тушди-ю, такси ёллаб, Самарқанд дарвоза даҳасига йўл олди. Эрталаб уйдан чиқаётганда аяси ўз кўли билан кўк сомса пиширган, «тўппа-тўғри ойингга обориб берасан», деб тайинлаган эди. Шерзод Абдувоҳиднинг онасини ойи деб атар, иккала кампир болалари туфайли опа-сингил тутинишган, ҳамиша бир-бирларидан хабардор бўлиб туришар эди.

Шерзод чойхона олдида таксидан тушди-ю, вужудини осуда бир кайфият эгаллаганини ҳис қилди. Шаҳарнинг қоқ маркази бўлишига қарамай, бу ерда теран бир сукунат ҳукм сураб, самолёт товуши ҳам, аэропортнинг ғовур-ғувури ҳам, трамвай кўнғироқларининг асабий жаранги ҳам олис-олисларда қолиб кетганга ўхшарди. Эски шолча тўшалган сўрилар, тол шохидаги тўрқовокни қаттиқ-қаттиқ силкитаётган бедана, чойхўрларнинг хотиржам суҳбати – ҳаммаси шаҳар шиддатидан кўра кўпроқ қишлоқ манзарасига ўхшайди. Тор кўчаларда қизалоқлар черта ўйнайди. Пастак, эгри-бугри деворлар орқасидан дарахтлар мўралайди. Аллаким оқ ёғ эритаётган бўлса керак, димоққа ўткир, хушбўй ис урилади. Зилзиладан кейин бутунлай ўзгариб кетган Тошкент нафаси ҳали бу ерларга келиб улгурмаган, болохонадор уйлар

ҳам, ёзда салқин, қишда илиқ бўладиган дарвозахоналар ҳам ўзига яраша файз билан боқади кишига.

Шерзод жинкўчанинг охиридаги икки табақали эшик олдига борди. Эшик ёнбошидаги силлиқланиб кетган эски скамейкада қизил кофтача кийиб олган уч ёшлардаги қизалоқ сариёғ суркалган нон еб ўтирар, жажжи юзи, лаблари йилтираб кетганди. Унинг калта, сарғиш сочлари иккита қилиб ўрилган, бир ўримида қизил бантик боғлоғлик турар, иккинчиси аллақерда тушиб қолгани учун сочи диккайиб кетганди. Қизалоқ ҳар нон тишлаганида кўзларини юмиб олар, калишча кийган оёғини ликиллатиб-ликиллатиб қўярди. Бу – Абдувоҳиднинг қизи эди. Унинг хотини кетма-кет учта қиз туққан, учинчи галда ҳам хотини «хижолат қилиб қўйгани» учун Абдувоҳид анчагача қовоқ-тумшуғини осилтириб юрган эди. Ҳозир Шерзод беихтиёр шунини эслади-ю, мийиғида кулиб қўйди.

– Аданг қани, Муҳайё? – деди у қизчанинг ёғ тегиб ялтираб қолган юзидан ўпиб.

Қизча кўзларида кулги билан бош чайқади.

– Ман Муҳаймасман, Муҳай боғчада.

Шерзод қизчаларнинг отини доим адаштириб юрарди. Ҳозир ҳам шундай бўлганини ўйлаб кулимсиради.

— Э, бўлди, сен Сурайёсан-а?

Қизча яна бош чайқади.

– Сурай опасини эмвотти, – деди муҳим янгиликни хабар қилгандай киприқларини пирпиратиб. – Сурай жинни, а?

Шерзод кулиб юборди.

– Сен кимсан бўлмаса?

– Ман Зулайман.

– Э, сен Зулайҳосан-а! – Шерзод унинг кўлидан ушлаб скамейкадан туширди. – Юр, – деди қўшқанотли дарвоза томонга етаклаб. – Мен сенга миннама обкелдим.

Зулайҳо икки қадамча юрмасиданоқ кўлини тортиб олди.

– Калишим тушиб қолди, – деди йиғламсираб.

Олдинма-кейин ҳовлига киришди. Бир қарашда шаҳар жойда шундай ҳовлининг борлигига кишининг ишонги-

си келмасди. Ҳовли саҳни кенг, озода эди. Қоқ ўртасидан кесиб ўтган каттакон ариқ шарқираб оқиб ётар, бурчакдаги бир туп азамат ёнғоқ атрофга қуюқ соя ташлаган, кунгай қилиб солинган уйлар, айвонлар эскириб кетган бўлса-да, ҳали ҳуснини йўқотмаган эди. Ёнғоқ остида баланд супа ҳам бор эди. Супанинг устидаги ўтлар қириб тозаланган, четлари уваланиб кетмаслиги учун пишиқ ғишт уриб текислаб қўйилганди. Талабалик йиллари Шерзод Абдувоҳид билан бу сўрида кўп тунаган. Икки ўртоқ серюлдуз осмонга тикилиб кўп хаёллар суришган.

Этак томондаги ошхонадан Абдувоҳиднинг онаси чиқиб келди. У бир қўлида хокандоз, бир қўлида супурги кўтариб олганди. Шерзод бу аёлни кўп жиҳатдан ўз аясига ўхшатар, ойи деб аташи бежиз эмасди. Аясидан фарқи шуки, Абдувоҳиднинг онаси тўладан келган, оппоқ, думалоқ юзли хотин эди. Шерзод Абдувоҳиднинг отаси ёшлигидаёқ уларни ташлаб кетганини эшитган, аммо суриштириб ўтиришнинг ўзи бемаънилик бўлишини билгани учун бу воқеалар тафсилотини сўрамаган эди. Фақат бир нарсани яхши биларди: Абдувоҳиднинг онаси битта ўғли учун умрини фидо қилган, ўттиз йил каштачилик фабрикасида ишлаган, ҳалол, жафокаш аёл эди.

Ҳозир ҳам Шерзод уни узоқдан кўди-ю, ариқ устидаги тахта кўприкчадан югуриб ўтди. Аяси бериб юборган сомса тўла тўрхалтани ерга қўйди-да, кўришишга қучоқ очган ойисининг бағрига кирди.

– Бормисан, қочқоқ болам! – деди ойиси унинг пешонасидан ўпиб. – Қишлоққа кетаётганингда нега учрашмадинг, кўпайгур!

– Шошиб турувдим, – деди Шерзод қизариб. «Эплломасанг ёлғон гапириб нима қиласан, овсар!» деган фикр лип этиб хаёлидан ўтди. У қишлоққа кетиш олдидан келса бу аёл аясига албатта совға-салом бериб юборишини билар, шунинг учун атайлаб кирмаган эди.

– Аям сизга салом айтдилар! – деди у жилмайиб.

- Нима опкелдиз? – деди Зулайҳо Шерзоднинг қўлидан тортқилаб.

Шерзод қоғозга ўроғлиқ кўк сомсани оларкан, ойнаванд пешайвон эшиги очилиб, Абдувоҳиднинг хотини зиналардан тушиб келди.

- Уялмайсанми, Зулайҳо! – деди у қизчани койиб, – амакингни нега овора қиласан?

У яқин келиб, Шерзод билан бош силкиб саломлашди. Гулдор халат кийиб, пешонабоғ танғиб олган бу жувон Абдувоҳидга иккита келар, забардаст, дуркун аёл эди. Шерзод бу дилкаш, содда жувонни худди ўз синглисидек яхши кўрарди.

Қайнона-келин дарров айвонга жой ҳозирлаб чой келтиришди.

- Абдувоҳид қани, ойи? – деди Шерзод чой хўпларкан.

- Биласан-ку, феълини! Эрталаб пат-патини миниб чиқиб кетганча ҳали дараги йўқ, ҳеч бўлмаса отдих кунлари уйда ўтирса-чи!

- Кеп қолар, – деди Шерзод уни юпатган бўлиб. Очик эшикдан қўшни хонага разм солди-ю, Абдувоҳиднинг хотини хонтахта ёнига ўтириб олиб, сабзи арча бошлаганини кўрди.

- Мен тураман, ойи! – деди ўрнидан кўзғалиб. – Ҳали уйга борганим йўқ.

У қайнона-келиннинг ҳар қанча ҳай-ҳайлашига қарамай, илдам юриб кўчага чиқди.

26

Йўқ, Шерзод уйга бормоқчи эмасди. Бир хоналик уйициясда китоблардан бошқа уни кутадиган ҳамсуҳбати йўқ эди. У театрга боришга шошиларди. Зухрани кўриши кераклигини, кўрмаслиги мумкин эмаслигини ҳис қилар, шуни ўйлаган сайин баттар юраги ховлиқар эди.

Шерзод бировни ёмон кўрса, қаттиқ ёмон кўрар, яхши кўрса бутун вужуди билан яхши кўриб қоларди. Бу сафар

хам шундай бўлди. У Зухрани яхши билмасди, унга ихлос ҳам кўйган эмасди-ю, аммо кўргиси келарди, вассалом!

Одатда, баҳорнинг бошланиши шунақа бўлади. Кечагина эриб битган қорнинг захи ҳали кетмасдан туриб, ариқнинг кунгай қирғоғида олтин тугмачадай ловиллаб очилган қоқигулни кўриб ҳайрон қоласиз. Шу куниёқ уни совуқ уриб кетади, деб ўйлайсиз. Лекин эртасига қарасангиз, унинг ёнида яна битта қоқигул очилади. Индинига сал нарироқда қорамтир-жигарранг ялпиз униб чиқади. Кейин тўсатдан бодом гуллайди. Кетидан ўрик новдалари гулга кўмилади. Шундай қилиб, яйраб-яйраб баҳор келади. Энди гул фаслини ҳеч қандай куч тўхтатаиб қололмайди.

Шерзоднинг кўнглидаги истак ҳам худди шунақа, арзимаган нарсадан бошланди. Зухра – Фаридага ўхшаркан: бошқа ҳеч гап йўқ. Аммо вақт-соати етгандан кейин баҳор тўсатдан ёпирилиб келгандек, Шерзоднинг вужудидаги талпиниш ҳам унинг бутун оламини алғовдалғов қилиб юборди...

У Хадра бекатида автобусдан тушди. Апрельнинг ўрталаридан бошлаб кун қизийверади. Ҳозир ҳам чошгоҳ куёши ловиллаб нур сочар, кун тўсатдан исиб кетган, ҳар эҳтимолга қарши плашини билагига ташлаб олган одамлар терлаб-пишиб газ сув автомати олдида навбат кутишарди. Узун, тўртбурчак ҳовуз шаклида ишланган фаввора биллур томчиларни осмонга отар, «ҳовуз» четидаги мрамор тўсиққа ўрнатилган қатор фонтанчалардан ҳам сув отилиб, ишкомга ўхшаш манзара касб этган эди. Унга қараб турган киши беихтиёр ечиниб, сув ишкоми орасига шўнғиб кетгиси келарди.

«Биллур гулга ўхшайди», деб ўйлади Шерзод фавворадан кўз узмай. У театрнинг жигарранг дарвозаси олдида борганида юраги қаттиқ-қаттиқ ураётганини ҳис этиб, бир зум тўхтаб қолди. Кейин шахд билан юриб борди-да, қоровулхона эшигини очиб, ичкари кирди. Тахта тўсиқ орқасида ўтирган ёш, забардаст йигит дарров ўрнидан

турди. Эски стул унинг залварли гавдасини аранг тутиб турган экан, шекилли, енгил тортгандек оҳиста ғийқиллаб қўйди. Шерзод салом берди. Йигит истар-истамас алик олиб, қовоғини солди.

- Йўл бўлсин?

- Отахон қанилар? – деди Шерзод унга жавоб бериб ўтиргиси келмай.

- Бугун ман исминдаман! – деди йигит зардали товушда. Унинг баркашдек соғлом юзи биров бехосдан тегиб кетса, қон отилиб кетадиган даражада қип-қизил, бутун вужудидан куч ёғилиб турарди.

«Исминда бўлсанг, гавдангга хўп муносиб иш топган экансан», деб ўйлади Шерзод унга қаттиқ тикилиб. У чўнтагини кавлаб, хужжатини узатди, аммо гапирмади.

Қоровул йигит хужжатни синчиклаб текширди-да, қайтиб берди.

- Ҳозир испиктакл кўриги бошланди, – деди расмий оҳангда. – Залга кириш мумкинмас.

- Мен ҳовлида кутиб тураман.

Шерзод дарвозахонадан ҳовлига ўтиши билан олча тагида ётган Тарғил югуриб келди. Атрофида гир-гир айланиб думини ликиллатди-да, нари кетди.

Чамаси, чиндан ҳам янги асар кўриги бошланган, репродуктордан артистларнинг гап-сўзлари эшитилиб турарди. Театр томига чиқариб юборилган занглардаги ток япроқлари сийрак соя ташлаган, ариқ бўйидаги гулсафсарлар очилай-очилай деб турар, нарида саф тортган сиренлар узум шодасидай шиғил кўкимтир қизғиш ғунча туккан эди. Шерзод секин-секин бориб, олча тагидаги скамейкага ўтирди. Бу ўша харрак эди. Ўшанда унинг бериги чеккасида ўзи, нариги чеккасида Зухра ўтирган эди. Ўшанда Зухранинг кулиб турган кўзларида ғалати ўт бор эди. Кейин... кейин Шерзод: «Яна келсам майлими?» деди. Зухра, «майлингиз», деб жилмайди... «Хўш, шу билан нима бўпти?» ўйлади Шерзод скамейканинг силлиқ тахтасини кафти билан чангаллаб. Хўп, Зухра ре-

петициясини тугатиб чиқди, дейлик. Сен у билан саломлашдинг. «Мен келдим», деб илжайиб қўйдинг... Кейин у нима дейди? «Келган бўлсангиз барака топинг, яна нима дардингиз бор?» дейди. Шу билан тамом, вассалом! Кимсан ўзинг? Нимага билар-билмас бировга осиласан?

У яна анча ўтирди. Репродуктордан ҳамон сахнадаги артистларнинг овози эшитилар, улар бақриб-чақришар, йиғлашар, аммо Шерзод ҳеч нимани англай олмас эди. Ниҳоят, ўрнидан турди-да, ҳовлидан ўтиб яна дарвозахонага келди.

Қоровул унга қараб илжайиб қўйди-да, совиб қолган чойини ҳўплади.

Шерзод дўппига ўхшаш куббадор циркнинг мармар биниси олдидан ўтиб, тагин фаввора рўпарасига бориб қолди. Фаввора ҳамон шошилиб отилар, сув «ишкоми» салқин нафас уфуриб турар эди. Шерзод кўча четида тўхтаганча ўша томонга ўтмоқчи бўлиб пойлаб турар, аммо йўлдан мутгасил ғизиллаб ўтаётган машиналар оқими бир зум ҳам тинмасди. «Шуям фаввора бўлди-ю, – деб ўйлади ғижиниб. – Дам оладиган жойни машина йўлининг ўртасига жойлаштириб қўядими аҳмоқ бўлмаса! Одамлар ҳордик чиқарганидаям жон ҳовучлаб ўтириши керакми?»

Машиналар оқими бир зум сийраклашган эди, у юғриб ўша томонга ўтиб кетди. Гулзор четидаги камалакранг скамейкага бориб ўтирди. Шу ондаёқ сувнинг салқин нафаси юзига урилди. Фаввора атрофини ўраган пастак мармар деворча ҳўл бўлиб кетган, жажжи болакайлар чопқиллаб ўйнашар, сув зарраларига кафтини тутиб қийқиришар эди. Негадир Шерзодга фаввора аввалгидек чиройли кўринмади. «Доим шунақа бўлади, – деб ўйлади у қовоғини солиб. – Ҳамма нарса узоқдан чиройли кўринади... Ким билсин, балки Зуҳраям... Овсар-эй, ўзинг кимсан?»

Шу пайт у скамейканинг нариги бошида ўтирган хотин ўзига тикилиб қараётганини сезди-ю, беихтиёр бошини бурди. У қора костюм-юбка кийган аёлни дафъа-

тан таний олмади. Кейин бирдан ўрнидан туриб кетди.
Бу – Доктор опа эди.

– Сизмисиз, опа? – деди Шерзод салом бериб. – Кечирасиз, доим халат кийиб юришингизга ўрганиб қолган эканман, танимабман.

– Менам аввалига танимадим сизни. – Доктор опа Шерзодга бошдан-оёқ қараб чиқди-да, майин жилмайди.
– Умрингиз узоқ бўларкан. Тузукмисиз энди?

– Раҳмат! – Шерзод миннатдор бош силкиди. – Рауф Абдуллаевич яхши юрибдиларми?

– Яқинда Канадага бориб келдилар. Юрак касалликлари бўйича сессия бўлувди... Профессорнинг қизик одатлари бор. Қаерга борсалар энг аввал гүристонни зиёрат қиладилар, у ердаям шундай қилибдилар. Ҳамма жойдаям юрак хасталиги кўп экан, дейдилар.

– Начора, ҳаёт мураккаб, – деди Шерзод ўйланиб, – чигаллик бор жойда асабийлик бор.

– Ҳаёт мураккабмас, одамларнинг ўзи уни чигаллаштириб юборишади, ўғлим. – Доктор опа оппоқ сочларини кафти билан текислаб уф тортиб қўйди. – Ўзимизда айб кўп. Бир-биримизни қадрлашни билмаймиз.

Шерзоднинг кўз ўнгида Рауф Абдуллаевичнинг самимият тўла чеҳраси жонланди.

Кейин қишлоғини, тажанг, қўрс Раис бувани эслади. Унинг кетидан Сайфи Соқиевич ёдига тушди. «Нопоклик бор жойда асабийлик бўлмай иложи йўқ», деб ўйлади қалбида оғир бир юк ҳис этиб... Кейин кеча кечаси қишлоқдаги уйида ўтириб ёзган фелъетонини эслади. Бу нарса чиқса кетидан яна анча дилсиёҳликлар ёпирилиб келишини ўйлади. Устига-устак, атайлаб излаб келиб Зухрани тополмаганини ўйлаб, баттар асабийлашди.

«Начора, ҳаммаси бир-бирига боғлиқ», ўйлади фаро-муш бир тарзда.

Шунақа пайтларда доим кулиб турадиган Шоира эсига тушди-ю, сўради:

– Шоирахон яхшимилар?

– Юрибди, ҳаммани куйдириб, – деди опа жилмайиб. – Шоира курмагур тузук. Ўзини хурсанд қилишни билади.

Негадир ҳозир Шерзоднинг кўз ўнгида Шоиранинг кулиб тургани эмас, сочлари паришон тўзиганча бир нуқтага тикилиб ўтирган маъюс қиёфаси жонланди.

– Салом айтинг, – деди опага юзланиб.

– Айтаман. Раҳмат. – Доктор опа фаввора атрофида югуриб юрган болакайлар томонга қараб қичқирди. – Алишер! Бу ёққа кел, ҳамма ёғингни ҳўл қипсан.

Қисқа англи йўл-йўл кўйлак, калта иштонча кийиб олган малласоч болакай тап-туп қадам ташлаганча шу томонга югуриб кела бошлади. Доктор опа скамейкадан туриб уч-тўрт қадам юрди. Энгашиб қучоғини очди. Болакай югуриб келиб уни «ачом» қилиб олди. Унинг малла сочлари Доктор опанинг оппоқ сочлари билан айқашиб кетди. Шунда Шерзод бу болакайни қаерда кўрганини бирдан эслади. Саккизинчи март куни Доктор опани қутлаш учун хонасига кирганида бу бола энди атай-чечак қилаётган эди.

– Қалай, неварам чопқиллаб юрадиган бўп қоптими? – деди Доктор опа болани кўтариб скамейкага қайтар экан. Унинг юзлари қизариб кетганди. Болакайнинг мовий кўзларида эса фақат гўдаклардагина бўладиган тиниқ бир ўт порларди.

Шерзод дафъатан ҳайрон бўлиб қолди.

– Неварангиз... – деди болага қараб.

– Дадасига ўхшайди-да, – Доктор опа Шерзоднинг фикрини уқиб жилмайди. – Дадаси эстон-да! Тўғрими, Алишер, дадангга ўхшайсан-а? – деди болани эркалаб.

Ўша куни Шерзод Доктор опанинг хонасида турган баланд бўйли, жингалаксоч йигитни эслади.

– Дадасиям кичкиналигида шунга ўхшарди. – Доктор опанинг кўзига жиддият чўкди. – Фақат жуда озғин эди, касалманд эди. Ленинград блокадасидан олиб келинган етимлар ҳаммаси шунақайди. Болам ўлиб қолади, деб жуда кўрққандим. Йўқ, мана, ўзидан кўпайди, – Доктор

опа ерга тушмоқчи бўлиб типирчилаётган болакайга бармоғи билан пўписа қилди. – Бўлди энди, уйга борамиз. Овқатланадиган пайт бўлди.

Шерзод Доктор опага гарангсиб қараб тураркан, бирдан ҳаммасига тушунди. Демак, ўшанда ўзи кўрган жингалаксоч йигит опанинг ўғли. Опа Ленинград қамалидан омон чиққан болани асраб олиб ўстирган. Бу – невараси.

Доктор опа неварасини кўтариб икки-уч қадам юрганидан кейингина Шерзод хаёлини йиғиб олди. Сакраб ўрнидан турди-ю, қўлини чўзди.

– Менга беринг, опа, кўчадан ўтказиб қўяман.

Шерзод Алишерни қўлига олиши билан бола унинг қулоғидан тортқилаб, кула бошлади. Чамаси, у «беминнат» кулоқ топиб олганига қувониб ҳадеб ғижимлар, сийрак тишларини кўрсатиб қиқир-қиқир кулар, бундан Шерзоднинг ўзи ҳам завқланиб жилмаяр эди.

Кўчанинг нариги бетига ўтганидан кейин Шерзод болани ерга қўйди.

– Уйимиз яқин, – деди Доктор опа жилмайиб. – Буёғига ўзимиз кетамиз. Раҳмат, амакиси...

У неварасини етаклаганча секин-секин юриб кетди. Шерзод шошқин оқим орасида оппоқ сочлари лип-лип этиб кўриниб қолаётган Доктор опанинг кетидан қараб тураркан, қалбида қандайдир илиқ, меҳрли бир туйғу уйғонди. Доктор опани шунча пайтдан буён таниб туриб, қўлида шифо топиб туриб, бу аёлни билмаганига ўзи хайрон қолди. «Қизик, – ўйлади паришон бир тарзда. – Баъзан асарга мавзу қидирамиз-у, уни ўзимиз кўролмайд қоламиз. Нўноқ ёзувчилар!»

27

Ярим соатдан кейин у тагин театр олдига қайтиб келди. Боядан буён хаёлида айланиб юрган фикр қатъий қарорга айланди. Нега энди шу ерга келганда Зухрани кўрмай қайтиб кетиши керак экан!

У юраги аввалгидан ҳам безовтароқ гурсиллай бошлаганини ҳис қилди-ю, югургудек бўлиб дарвозахона олдига келди. Қоровул йигит қаёққадир кетиб қолган, тўсиқ орқасидаги столда турган телефон муттасил жиринглар эди. Шерзод ҳовлига ўтди-ю, тўхтаб қолди. Чамаси, кўрик тугаган, артистлар чекка-чеккада тўптўп бўлиб туришар, баъзилари осмонга қараб кулишарди. Шерзод бир чеккада турган Зуҳрани дарров кўрди. У беқасам нимча билан чарм юбка кийиб олган, қўлида қизил сумкача бор эди. Ёнидаги дугонаси унга ниманидир тушунтирар, Зуҳра диққат билан қулоқ солиб бош силкиб қўяр, сочлари силкиниб-силкиниб кетарди.

Шерзоднинг юраги отилиб кетгудек гурсиллай бошлади. Томоғи қақраб кетди. У қизни чақиришини ҳам, индамай тураверишини ҳам билмас, ўзининг ниҳоятда кулгили, аҳмоқона аҳволга тушиб қолганини сезиб турарди.

Худди шу пайт Зуҳра тасодифан шу томонга қаради-ю, бирдан юзи ёришиб кетгандай бўлди. Кўзларида ўт порлаб, оҳиста бош силкиб қўйди. Шерзод эсанкираб қолди. Тез-тез бош силкиб жилмайди. Зуҳранинг дугонаси шу томонга қараб, нимадир деди. Зуҳра қошини чимирди. Шерзоднинг назарида унинг юзи тўсатдан қизариб кетгандек бўлди. «Сенга аталган гап бўлди», деб ўйлади кўнгли ғаш тортиб. У энди яна ҳам қийин аҳволда қолган эди. Ҳозир чиқиб кетса, шубҳали иш қилган бўлади. Кетмаса, яқин бориб, кимгадир, ниманидир гапириши керак.

Бу сафар ҳам Зуҳранинг ўзи уни мушкул аҳволдан қутқазди. У дугонаси билан тезгина хайрлашди-да, шу томонга юрди.

– Яхшимисиз? – деди Шерзод у яқин келиши билан. – Мен сизнинг олдингизга келгандим.

Зуҳра индамай жилмайиб қўйди. Шунда унинг тиниқ чеҳрасида, қоп-қора кўзларида яна ўша жозибали ўт порлаб кетди. Икковлари дарвозахонадан чиқишди.

– Кўрик яхши ўтдими? – деди Шерзод бояги гапни давом эттириб.

- Қишлоққа яхши бориб келдингизми? - Зухра ёнла-маси унга қараб қўйди.

Шерзоднинг ичида лоп этиб чиरोқ ёниб кетгандай бўлди. У ҳали ҳамма нарсани чуқурроқ идрок этолмаса ҳам бир нимани тушунди. Демак, бу қиз унинг қаёқда-лигини суриштирган. Демак... У қувончдан энтикиб кет-ди-ю, тўхтаб қолди.

Зухра келишган силлиқ оёқларидаги тўмтоқ пошна-ли туфлисини асфальт йўлга тез-тез босганча юриб бо-рар, Шерзод эса турган жойида тўхтаб қолганди. Зухра бурилиб қаради.

- Нима қилди? - деди жилмайиб. Унинг овозида му-лойим бир яқинлик бор эди.

Шерзод югуриб унга етиб олди.

- Мен ишхонангизга телефон қилган эдим, - деди Зухра жиддий оҳангда. - Янги спектакль кўригига таклиф қилмоқчийдим.

- Етиб келолмадим, - деди Шерзод ҳамон эсанкираб. - Ростини айтсам, сизнинг қўнғироқ қилганингизниям энди эшитяпман. Ҳали ишхонага борганим йўқ. - У бир зум ўйлаб турди-да, қўшиб қўйди. - Раҳмат сизга.

Зухра ҳайрон бўлгандек елкасини қисди.

- Нима учун? - унинг кўзларида яна сеҳрли учкун чақ-нади. Шерзод унинг фақат спектакль кўриш учун таклиф қилмаганлигини тушунди. Тушунди-ю, вужудида ажиб бир енгиллик ҳис этди.

- Ҳаммаси учун, - деди у билан ёнма-ён юриб борар-кан, беихтиёр хўрсиниб.

Зухра индамади. Икковлари фаввора олдидан ўтиша-ётганида сувнинг салқин нафаси урилди. Шерзод кўкси-ни тўлдириб чуқур нафас олди. «Мунча чиройли, - деб ўйлади «сув ишкомига» қараб. - Нурдан ясалган афсона-вий дарахтга ўхшайди...»

Каттакон шаҳар одатдагидек бепарво, беписанд кўри-нар, одамлар оқими йўлкани тўлдириб борар, уларнинг ҳар бири ўз қувончию ўз ташвиши билан яшар, шу оқим

ичида бораётган икки вужудда рўй бераётган сеҳрли ғалаёнларга ҳеч ким парво қилмасди.

Трамвай бекатида одам қалин, бетон супача устида оёқ қўйишга жой қолмаганди. Энг чеккада атлас қўйлак кийган икки қиз гаплашиб турар, ҳар қайсисининг қўлида катта-катта қилиб дасталанган лолалар бор эди. Лолалар шу қадар йирик, шу қадар ёрқин ловиллаб турардики, бекатдагиларнинг ҳаммаси беихтиёр ўша томонга қараб қўйишар, гўё кенг далаларда кезган баҳор нафасини ҳар ким ўзича ҳис қилиб юрагида эрка туйғулар мавж ураётганга ўхшарди.

- Лолага чиқмаймизми? - деди Шерзод тўсатдан. Бу гапни жуда бемаврид, кўполдан-кўпол қилиб айтганини кейин тушуниб қолди. Аммо энди бўлар иш бўлган эди. - Бултур ҳам Қозоғистон томонга лолага боргандик, - деди у яна ўша оҳангда. - Тўғри, машина масаласи чатоқ. Ўртоғимнинг мотоциклида боргандим.

Зухра қошини чимириб Шерзодга бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Чамаси, у бу ёзувчи йигитнинг шу қадар тўпорилик билан таклиф қилишини кутмаган эди. «Тамом, - деб ўйлади Шерзод ўзини сўкиб, - тузукроқ гап топсанг ўлармидинг?»

- Билмадим, - деди Зухра елкасини қисиб. - Акам эрта-индин армиядан келиши керак. Шунга уйда иш кўп.

- Бу гап ўзидан-ўзи миямга келиб қолди. - Шерзод очиғига кўчиб қўя қолди. - Агар хоҳламасангиз, чиқмаймиз.

Зухра жилмайди.

- Кўрармиз. Мен ўзим хабар қиламан. - У Шерзодга қўлини чўзди. - Менинг трамвайим келяпти, илтимос, кузатманг.

- Трамвайингиз тез келаркан. - Шерзод унинг нозик қўлини оҳиста сиқди. - Начора, хайр.

- Хайр! - Зухра эгик киприкларини туташтириб оҳиста бош силкиди. У тиқилинч трамвайнинг орқа майдончасига чиқиб олгандан кейин қўлини баланд кўтариб шодон силкитди.

Шерзод узоқлашиб кетаётган трамвайга қараб тураркан, енгил энтикиб қўйди. Бугун унинг ҳаётидаги энг хушнуд кун эди.

28

«Нимага кузатманг дедим?». Зухра трамвайнинг орқа деразасидан қараб, бекатда қолган Шерзодни излади. Аммо энди дераза олдини одамлар тўсиб олган, ҳадеб мўралайвериш ноқулай эди. Тамвай тиқилинч, тер ҳиди анқирди. «Нега йўқ дедим, – деб ўйларди Зухра яна ўзини койиб. – Бари бир кейинги бекатда тушаман-ку. Пиёда келаверсак бўлмасмиди».

...Эркаклар кўпинча аёллардан нолийдилар. Аёл кишининг қалбини тушуниш қийин деб, ҳасрат қиладилар. Начора, пинҳон нарсани тушуниш ҳамиша мушкул бўлади. Сирли нарсани билиш ҳамиша машаққатли бўлади. Бунинг учун аёл киши айбдор эмас. Қиз бола сирларини пинҳон сақламай нима қилсин? Аслини олганда, ҳамма нарсанинг пинҳони ошкорасидан кўра кучлироқ бўлади. Балки, шунинг учун ҳам қиз муҳаббати йигит муҳаббатидан кучлироқ бўлса ажаб эмас.

Зухра шу топда Шерзод билан ёнма-ён кетишни жуда хоҳларди! Аммо дилидагиларни сездириб қўйишдан чўчиди. Ўзининг авайлаб юрган пинҳон сирларини очиб қўйишдан қўрқди. Ҳали дарвоза олдида турган Шерзодни кўргандаёқ юраги бир қалқиб тушган, Шерзод билан тузукроқ гаплашишга жасорати етмаган эди. Шунини яшириш учун ўзини трамвайга ура қолди...

Зухра бундан икки ҳафта илгари – Шерзодни биринчи марта театр ҳовлисида кўрганида ҳам шунақа, ғалати аҳволга тушганди. У оилада ҳам, мактабда ҳам эркин ўсган, унча-мунча йигитларни писанд қилмас, анави кандидатга ўхшаган ўзига бино қўйган мухлисларни бир пақирга олмасди. Шунинг учун бўлса керак, театрдаги энг «юлдуз» артистлар ҳам у билан эҳтиёт бўлиб гапла-

шишарди. Лекин Шерзодни кўрди-ю, негадир уни кўп эслайдиган бўлиб қолди. Қизиқ, бу йигит бир келди-ю, аллақанақа беш минут ичида Зухра кўп йиллардан буён ўйлаб юрган муаммоларни лўнда қилиб тушунтириб бера қолди. Зухра ижро этаётган ҳолатнинг моҳиятини ҳам, актёр ҳар доим бировнинг кўрсатмаси билан иш таверса, ўзининг ижодкорлиги йўқолиб кетишини ҳам аниқ-таниқ айтиб берди. Зухра ўшандан буён ўзининг ишига ўзи қандайдир танқидий кўз билан қарайдиган бўлиб қолди. Оқшом чоғлари хонасининг деразасидан кўчага тикилиб ўтирганида, тўсатдан кўз ўнгига ўша йигит келади. Уйда, ўз хонасида ўтириб, фортепьяно чалаётганда оҳанглар тўлқинида шу йигит қиёфаси қалқиб чиқади. Шиддатли чеҳрасида майин жилмайиш уйғониб, унга тикилиб қараб турганга ўхшайди. Шунда Зухра дадасининг кутубхонасини титкилаб, Шерзоднинг ҳикоялар тўпламини топади. Ўқиган сайин бу йигитнинг қандайдир жўшқин, жиловсиз туйғуларини ҳис этгандай бўлади. Репетиция пайтида ҳам рўпарасида Шерзод турганга ўхшайди.

Охири бўлмади. Ўтган чоршанба куни Зухра Шерзод ишлайдиган таҳририятга кўнғироқ қилди. У Шерзодга шунчаки расмий оҳангда гапирмоқчи, янги спектакль кўриги бўлишини хабар қилиб қўймоқчи эди. Шерзод йўқ экан. У билан ишлайдиган аллақандай йигит Шерзоднинг қишлоққа хизмат сафарига кетганини айтди.

Бугун мана, Шерзоднинг ўзи келиб қолди. Аввалига Зухра уни асар кўригига келган, деб ўйлаган эди. Шерзод тўғридан-тўғри сизни кўргани келдим, деб қўя қолди. Буни эшитиб Зухра энтикиб кетди. Демак, томошага эмас, унинг олдига келган.

«Ғалати йигит! – деб ўйлади Зухра ғизиллаб бораётган трамвай деразасидан ташқарига тикилиб. – Томдан тараша тушгандай лолага таклиф қилганини-чи?». Трамвай аллақандай панжарали кўприк устидан тарақлаб

ўтди. Зухра синчиклаб қаради-ю, бирдан ҳуши ўзига келди. Ие, икки бекат нарига ўтиб кетибди-ку!

Трамвай тўхташи билан у шоша-пиша тушди. Бахтига рўпарадан бошқа трамвай келаётган экан. У икки бекат орқага қайтди-да, бозорга кирди. Бугун шанба бўлгани учун бозор гавжум, расталарда янги узилган кўкатлар иси анқир, сув солинган пақирларга тўлдириб қўйилган лолалар узоқдан оловдай ёниб турар эди. Зухра резавор растасидан шовул, кўк пиёз, барра саримсоқ сотиб олди. Чўққисоқол бир чол ялпиз билан исмалоқ сотиб ўтирарди. «Бозорга чиқариб сотилмаган нарсаям қолмади ўзи, – деб ўйлади Зухра мийиғида кулиб. – Ялпизгача пул...». У мева растасига ўтиб олма, анор харид қилди. Гўшт бозоридан янги гўшт олди. Бозордан чиққанида кеча олган маошининг ярми тамом бўлган эди.

Улар Беруний кўчасидаги кўп қаватли уйда яшар эдилар. Зухра иккинчи қаватга кўтарилди. Қўлидаги иккита оғир-оғир қоғоз қопчани ошхонага олиб кириб қўйди-да, халатини кийиб, аввал ошнинг сабзи-пиёзини бостирди. Кейин гарнитурларни, пианино, китоб шкафларини яхшилаб артди. Гидамларнинг чеккасини қайириб пол ювишга киришди.

Зухра уч кундан бери уйда ёлғиз. Дадаси халқ назоратида ишлагани учун хизмат сафаридан бўшамасди. Сулаймон Рустамович уч кун илгари чигит экишнинг нега кечикиб кетганини текшириш учун Қорақалпоғистонга кетган. Опалари бошқа шаҳарда туришарди. Аммо Зухра дадасининг шу бугун – 14 апрель куни албатта уйга етиб келишини биларди. Ҳар йили шу куни бу хонадонда оилавий тантана бўлади, унга биронта чет киши таклиф этилмайди. Бу тадбир ҳар йили бехато ўтказилади. Бугун – Зухранинг онаси туғилган кун. У бундан тўрт йил илгари вафот этди. Агар ҳаёт бўлганда бугун эллик учга чиққан бўларди. Ана, меҳмонхонанинг тўрида унинг каттакон сурати илиғлик турибди.

Зухра полни ярақлатиб артар экан, қотиб қолган белини ўнглаш учун қаддини ростлади-ю, онасининг суратига яна бир бор қараб қўйди. Онаси атлас кўйлак кийган, бош яланг, сочини чамбарак қилиб олган эди. Урушдан кейинги йилларда шунақа – сочни чамбарак қилиш расм бўлган экан. У бежирим лабларини қимтиб жилмайиб турар, гўё ҳозир бир нима деб гапирмоқчидай, қизини эркаламоқчи бўлаётгандай эди.

Зухра онасининг қаттиқ гапирганини, койиганини ҳеч эслолмайди. Ҳозир бола-чақали бўлиб кетган иккита опаси ҳам, Ҳасан акаси билан ўзи ҳам оналарининг хийла маъюс, сокин муомаласига ўрганиб қолган эдилар. Чамаси, бу аёлнинг мана шундай оғир-босиқ бўлишида дадасининг ҳам ҳиссаси бор эди. Сулаймон Рустамович икковлари мактабда бир синфда ўқишган экан. Икковлари турмуш қуришлари билан уруш бошланган, Сулаймон Рустамович фронтга жўнаган. Икки йилдан кейин оғир яраланиб қайтиб келган. Хотини ёш бола билан ўралашиб қолган. Сулаймон Рустамович аввал райком котиби бўлиб ишлаган, кейин обкомга кўтаришган. Болалар кўпайган сайин оилавий ташвишлар ҳам кўпаяверган.

Зухра онасининг баъзан ярим ҳазил-ярим чин қилиб дадасига айтган гапларини эшитиб қоларди. «Ўзингиз раҳбар ходим бўла туриб мени ўқитмадингиз. Дипломим йўқ», дерди у қулиб. Сулаймон Рустамович тамомила жиддий қиёфада бош чайқаб қўярди. «Унақа деманг... Жамиятга яхши инсон етказиб беришнинг ўзи энг аъло диплом! Мана шу тўртта бола халққа фойда ўтказса, шунинг ўзиям катта бахт...»

Кўпинча «катта» одамларнинг боласи тантиқ бўлади, деб ўйлашади. Аммо бу оиладаги болалар ёшлигиданок меҳнатга бўйин эгиб ўсди. Қизлар чеварликни ҳам, пазандаликни ҳам ўрнига қўядиган бўлишди. Зухранинг катта опаси ТошМИни битирди. Хоразмга йўлланма олиб ўша ерга ишга борди. Ўша ерда ўз курсдоши билан

турмуш курди. Кичик опаси – архитектор. Самарқандда яшайди. Зухра Театр рассомлик институтини битирди. Фақат Ҳасаннинг иши юришмади. У геология факультетига имтиҳон топшириб ўтолмади. Икки йил разведка гуруҳи билан Бойсун тоғларида ишлаб келди. Яна имтиҳон топшириб, яна йиқилди.

Ўша ташвишли кунларни Зухра яхши эслайди. Бу пайтда онасининг рак эканлиги аён бўлган, у тўшаққа ёпишиб қолган эди.

- Шу болага ёрдам берсангиз бўлмайми, тилаб-ти-
лаб олган битта ўғлингиз-ку, – деди бир куни Сулаймон
Рустамовични койиб. – бир оғиз айтсангиз, йўқ дейиш-
майди-ку.

Ўшанда Сулаймон Рустамович изтироб билан бош
чайқаган эди.

- Илтимос қиламан, нима десангиз денг. Шу масалага
мени аралаштирманг. Мен бировнинг ўрнига ўзимнинг
ўғлимни тикиштиришни истамайман.

...Бу – онанинг энг охирги илтимоси эди. Бир ҳафтадан
кейин у узилди. Балки Сулаймон Рустамович кейинчалик
бу нарсани ўйлаб кўп изтироб чеккандир. Аммо сездир-
мади. Бу орада Ҳасан армияга кетди. Бунга Ҳасаннинг
ўзи ҳам қувонди. Негаки, у ҳам отасининг феълени яхши
билар, Сулаймон Рустамович фарзандларидан биронта-
си бирон жойда «фалончининг боласи» эканини айтиб
фойдаланишини асло истамас, бунга йўл ҳам қўймасди...

Зухра қирғичдан чиққан турлни тарелкага ёйиб сол-
ди. Кейин анорни ёрди-да, йирик-йирик доналарини те-
кислаб турп устига сочди. Бунақа салатни Зухранинг ўзи
ўйлаб топган, онаси унга «Лолазор» деб ном қўйганди.
Ҳозир Зухра онаси энг яхши кўрадиган таомларни тай-
ёрлар эди. Ошга атайлаб беҳи солди. Буниям онаси яхши
кўрарди. «Лолазор» салатини столнинг ўнг ёнбошига –
доим онаси ўтирадиган жойга қўйди. Дастурхонни энди
тузатиб бўлган эди, эшик кўнғироғи жиринглади.

«Дадам!». Зухра югуриб бориб эшикни очди-ю, салом берди. Сулаймон Рустамовичнинг тўла юзлари терлаб кетган, зинапоядан тез кўтарилган бўлса керак, ҳарсиллаб нафас оларди. У қўлидаги тўрхалталарни Зухрага тутаркан, қизининг пешонасидан ўпиб қўйди.

- Яхши ўтирибсанми, қизим? - деди овози хириллаб.

Тўйиб дам олмагани учун бўлса керак, унинг кўзлари қизариб кетган, қора костюмининг елкалари чанг эди.

«Тўғри даладан келяптилар, - деб ўйлади Зухра унга жимгина тикилиб. - Дадам бечорага оғир...».

Сулаймон Рустамович йўлакдаги табуреткага ўтирди-да, энгашиб қўнжли ботинкасининг боғичини ечди. Кейин оқсоқлана-оқсоқлана ваннахонага кирди. Зум ўтмай сувнинг шовиллагани эшитилди. Зухра ётоқхонага илдам кириб гардеробни очди, дадасининг фиштранг янги костюмини олиб каравот устига ташлаб қўйди. Кейин дадаси олиб келган тўрхалтадан қоқланган балиқ олиб, чиройли бўлаклади-да, дастурхонга жойлади.

Бир оздан кейин сочлари хурпайиб кетган Сулаймон Рустамович чикди, индамай ётоқхонага кирди. Зум ўтмай янги костюмини кийиб чикди.

- Опаларинг келмадими? - деди ўз ўрнига - стол тўрига ўтираркан.

Ҳар йили шу куни оила жамулжам бўлиши шарт эди. Аммо бугун негадир улардан дарак йўқ. Шунинг учун Зухранинг ҳам кўнгли чўкиб турарди.

- Кеп қолишар, - деди у чой қуя туриб. - Узоқ жой, бошқа шаҳар. - Шундай деди-ю, хаёлидан бошқа бир ўй ўтди. «Дадам бошқа шаҳардан етиб келдилар-ку».

- Майли... - Сулаймон Рустамович чой хўплаб, пиёла-ни бир чеккага қўйди-да, «Кагор» виносининг пўкаги-ни суғурди. Аввал биллур қадаҳга ўзига тўлдириб, сўнг Зухрага бир қултум қўйди.

- Ол қизим! - деди қадаҳни ушлаб. - Онангнинг хоти-расини пок сақлаш учун.

Бу гапни ич-ичидан тошиб келаётган титроқни бо-
сиш учун паст, осуда товушда айтди. Зуҳра шуни сезди-ю
томоғига бир нима тиқилиб, хиппа бўғилиб қолди. Она-
си билан отаси қанчалик оддий, қанчалик тўғри одамлар
бўлса, уларнинг ўртасида шунчалик буюк бир куч бўлган-
нини тўсатдан тушунди. Секин ўрнидан турди. Кўзида
йилтиллаган ёшни сездирмаслик учун девор томонга
бурилиб олди. Сервантнинг эшигини атайлаб тарақла-
тиб очди-да, нафис олча гулларининг тасвири туширил-
ган японча сервиз орасидан лаган олди.

– Ошни сузаверайми? – деди дадасига қарамай.

– Сузавер, қизим... – Сулаймон Рустамовичнинг овози
хириллаб чиқди.

Зуҳра қозон қопғоғини очиши билан беҳи ҳиди ди-
моғига урилди. Шунда онасининг рангсиз, аммо кўркем
чеҳраси кўз ўнгига келиб, тағин кўнгли бузилди. Дадаси
икковларининг бир-бирига қанчалик суяниб қолишган-
нини ўйлади. Бирдан кўз ўнгига Шерзод келди. «Қизиқ,
ҳамма одамлар бир-бирига шунақа яқин бўлармикин?»

У лаганни дастурхонга қўйганда ҳам шу фикр хаёли-
дан нари кетмасди.

– Нимани ўйлаяпсан, Зуҳра?

Зуҳра чўчиб бошини кўтарди. Дадасининг ўзига синч-
ковлик билан тиқилиб ўтирганини кўриб эсанкираб қол-
ди. Юзлари дув қизарганини ҳис қилиб кўзини олиб қочди.

– Ҳеч нима, – деди ерга қараб. У дадасидан кўп нар-
сани яширмас, болалигидан шунга ўрганган эди. Аммо
ҳозир хаёлига келган фикрдан ўзи уялди.

Сулаймон Рустамович ош устида турган беҳини чу-
ст пичоғининг учига илиб, тахтача устига қўйди-да, чаққон-
лик билан бўлаклади.

– Ол, қизим, – деди беҳиларни ош устига босиб. Энди у
аввалгидай вазмин, ўйчан бўлиб қолганди. – Эртага бар-
вақт мазор бошига бориш керак, – деб қўйди у ўша оҳангда.

Четдан қараган кишига касалхона осойишта жойга ўхшаб кўринади. Аммо унинг ҳам ўзига яраша тошу тарозуси бор. Буни касалхонада ишлаган одам билади. Айниқса, беморларни қабул қилиб оладиган бўлимнинг ғалваси кўп бўлади. Бировни «Тез ёрдам» машинасида олиб келишади, биров кўлида ордери билан жой бўшадини кутади.

Шоира кечаси шу бўлимда навбатчилик қилди. Кеча нотинч ўтди. Кўричак бўлиб қолган бир аёлни олиб келишди. Уни хирургия бўлимига жойлаб энди тинчиганда, яна икки кишини келтириб қолишди. Бир ўтиришда жанжал чиқиб, иккови ҳам яраланибди... Шоира эрталаб туриб, сумкачасидан жажжи кўзгусини олиб қаради-ю, ранги сўлғин бўлиб қолганини кўриб, кўнгли чўкди. Унинг кўз ости салқиган, пешонасидаги чизик чуқурлашгандай эди. «Ўттизга чиқмасдан қариб қоляпман, – деб ўйлади билинтирмай уф тортиб. – Иш ҳам ўлсин, ташвишлари ҳам...»

У икки четида теракзор шовиллаб турган йўлакдан ўтиб бораётганида қуёш ёйилиб кетган, касалхона ҳовлиси гавжум бўлиб қолган эди. Иш куни бошланишига оз вақт қолгани учун врачлар шоша-пиша корпусларга кириб боришарди. Шоира рўпарасидан келаётган Доктор опани узоқдан кўрди. Опа яшил кофта кийиб, бош яланг бўлиб олган, оппоқ сочлари тонг қуёшида ловиллаб кўринаётганга ўхшарди. У яқин келиши билан Шоира салом берди.

– Навбатчимидингиз? – деди Доктор опа тўхтаб.

Шоира жилмайди.

– Ҳа, приёмный покойда эдим.

– Яхши дам олинг! – Доктор опа бурилиб йўлида давом этди. Шоира яна уч қадамча босган эди, орқадан опанинг товуши эшитилди: – Айтгандай, Шоирахон...

Шоира бурилиб қаради.

- Анави йигит салом айтувди сизга, - деди опа кулим-сираб. - Самандаров-чи! Ўшани кўрувдим.

Шоиранинг юраги бир қалқиб кетди. У негадир ўша кундан буён Шерзодни тез-тез эслаб турарди.

- Раҳмат, - деди у одатдагидай кулиб. - Саломат бўлсин.

Доктор опа оҳиста қўл силкиб қўйди-да, теракзор хиёбондан тез-тез юриб кетди. Шоира қоровулхонадан ўтиб бораркан, негадир кўнгли ғаш бўлди. Шерзоднинг салом айтиши билан ўзининг қариб қолаётгани ўртасида қандайдир беўхшов алоқа борга ўхшар, шу нарсани ўйлаган сайин нохушлик сезарди кўнглида. Умуман, унинг ҳаётида нохушликлар кўп бўлди. Ҳатто энг қувончли дамларда ҳам катта-кичик кўнгилсизликлар шодлигига заҳар қўшиб турди. Шоира бу нарсаларнинг кўпчилигида онаси - ўзининг туққан онаси айбдор эканини анча кейин тушунди. У отасини эс-эс танирди. Отаси кўп ичар, уйларида кўп уриш-жанжал бўларди. Онаси ресторанда ишлар, доим ишдан кеч қайтарди. У келгунча отаси ичиб маст бўлиб олар, кейин жанжал авжига чиқарди. Кейин отаси қаёққадир ғойиб бўлди. Уйлари тинчиб қолди. Қизиқ, шундай бўлса ҳам Шоира отасини қўмсайдиган, хархаша қиладиган одат чиқарди. Бир куни дадам қанилар, деб йиғлади.

- Даданг ўлган! - деди ойиси ғазабдан кўзлари қислиб. - Ўли-и-б қолган. Билдингми? Яна сўрайдиган бўлсанг, тилингни суғур-иб оламан!

Шоира дадасини бошқа суриштирмади. Аммо дадасининг «ўли-и-иб» қолмаганини тушунди. Онаси ишдан ҳамон кеч қайтар, қизалоқ қоронғи уйга қамалиб, кўрқа-писа онасининг келишини кутиб ўтирарди. Онаси эса доим ярим кечада қайтар, баъзан уни аллақандай «амакилар» кузатиб келишар эди.

Шоира эсини таниди. Мактабга борди. Шунда дадаси бекорга кўп ароқ ичмаганини, уйларида бекорга жанжал-тўполон бўлмаганини, дадаси бекорга уларни ташлаб кетмаганини тушунди. Шоиранинг онаси ёш

эди. Унинг олдига келишган бир йигит келиб турарди. У Шоирани синглим, деб чақирар, кўп меҳрибонликлар қиларди. Шоира ўнинчи синфни битирай деб турганда, шу йигит силаб-сийпаб туриб бир чанг солди-да, Шоирани бахти қаро қилиб қўйди. Шоиранинг бахти бодом гулидай бемаврид очилди-ю, совуқ урган чечакдек қовжиради қолди. Онаси бундан хабар топиб, сочини юлди. Йигит нозикроқ жойда ишларкан. «Ишхонангга хабар қилиб, уруғингни ўйнатиб юбораман», деб пўписа қилди. Аммо йигит бу очофат аёлнинг оғзини қалин қилиб мойлади, шекилли, она тинчиб қолди. Фақат энди унинг ўз қизидан тили қисик жойи бор эди. У Шоиранинг олдида ўзини айбдор санар, топган-тутганини қизига ёпиштиришдан ўзга чораси қолмаганди. Энди Шоира ҳам онасининг тили қисик жойини тушуниб қолди. Ўзига алоҳида эътибор талаб қиладиган бўлди. Тиббиёт техникумида энг чиройли, энг қимматбаҳо кийимни Шоира кияр, энг асил тақинчоқларни Шоира тақар эди. Онаси бўлса қизининг номини «оқлаб олиш» тараддудига тушиб қолган, «танжони носоғроқ» қизини амаллаб «эгасига топшириш»ни мўлжалларди.

Шоира тиббиёт техникумида ўқиб юрганда шунақа одам топилди. Курилишда монтажчи бўлиб ишлайдиган бир йигит унга ошиғу беқарор бўлиб қолди. Шоира уни кўпам яхши кўрмасди. Аммо бўлғуси куёв онасига маъқул тушди. Интернатда катта бўлган етимгина бола экан. Йигит Шоирани сидқидилдан севар, бу қиз учун ҳар нарсага тайёр эди.

Тўй-томоша бўлди. Онасининг таъбири билан айтганда «ҳамма иш ҳамирдан қил суғургандай ўтди-кетди». Ичкуёв бўлган бола меҳнатсевар, ҳалол йигит экан. Онаси ҳадеб битта гапни қайтарарди. «Хотин киши эрининг тиззасига ўтирса бас. Кейин елкасига миниб олиши ҳеч гапмас. Эрингни қўлга ол, қизим! Эрингни қўлга ол!». Шоира эрининг елкасига миниб ўтирмади. Тўғридан-тўғри бошига чиқиб қўя қолди. Негаки, у эрини ёмон кўрарди.

Нимага ёмон кўришини, нимасини ёмон кўришини билмасди-ю, севмас эди, вассалом! Эри бўлса унинг чизган чизиғидан чиқмас, чиройли, суюкли хотинининг ҳар бир сўзини бажо келтирарди. Бунга сайин Шоира уни ҳурмат қилиш ўрнига ёмон кўрарди. Нега шунақа бўлаётганини Шоира анча кечикиб тушунди. Кейин билса у одамларга ишончини йўқотган экан. Эрта хазон бўлган баҳори ҳаққи, алданган умидлари ҳаққи ҳаётдан қасос олаётган экан.

Бунақа пайтда одам ҳадди сиққан кишисидан аламини олади. Шоира аламини кимдан олсин? Онасиданми? Нима фойдаси бор энди? Нима ўзгаради бу билан? У аламини эридан олди. Шоира қанча ситамкор бўлса, эри шунча итоаткор бўлиб борар, бунга сайин унинг ғаши келарди.

Бу орада Шоира қизча кўрди. Эрининг оилага меҳри янаям ошди. Шу билан баробар Шоиранинг талаблари ҳам ошиб борди. У яхши кийинишни, ўйнаб-кулишни хоҳларди. Эрининг маоши кўлига тегмасдан қимматбаҳо кийим-кечаклар олиб кўяр, маош жонивор юлдуз кўрмай жон берарди. Эри қурилишда ишлагани учун унга икки хонали уй беришди. Янги уйга янги жиҳозлар олиш керак. Бу пайтда Шоира техникумни битириб, касалхонага ишга кирган, лекин олган маоши ўзидан ортмасди. Эрининг оладиган юз эллик сўм ойлиги ҳам қумга сингган сув томчисидай изсиз йўқолар эди. Бу ёқда онаси ғиш-ғиша қилади. «Эркак одам ҳам юз эллик сўм учун ишлайдими», деб тўнғиллайди. «Уйингда обстановканг йўқ», деб жаврайди. Охири онасининг ўзи куёвга минг сўм қарз бериб гарнитур олдирди.

Энди икки гапнинг бирида қарзи масаласи кўндаланг турадиган бўлиб қолди. Онаси бу билан ҳам тинчимадди. Шоиранинг қулоғига бир гапни қайта-қайта қуйди. «Тилла йиғ, болам, тилла йиғ. Оғир кунингда жонингга тилла ора киради».

Шоира эрига зулмини оширди. Бора-бора эри икки сменада ишлайдиган, отпусказида бировларнинг участкасида ғишт терадиган бўлди. Оилада пул хийла кўпай-

ди. Аммо иштаҳа деган нарса ҳам ўпқонга ўхшайди. Кенгайган сайин кенгайиб кетаверди. Шоира эрининг озиб-тўзиб кетганини, эски-туски кийимларга ўралиб юришини кўрар, кўрган сайин ғаши келарди.

Худди шундай кунлардан бирида Шоира ўзи орзу қилган йигитни учратиб қолди. Техникумда бирга ўқиган дугонасининг тўйига борди-ю, косагуллик қилган йигит кўзига чўғдек кўринди. Шоира келин томондан вакил бўлиб ўйнади. Косагул йигит унга кўп хушомад қилди. Тўйдан кейин машинасида кузатиб қўйишни айтди. Чиндан ҳам ярим кечада бу йигитнинг «Жигули»си Шоираларнинг уйи олдида тўхтади. Йигит кинорежиссёр экан. Яқинда янги фильмни суратга олаётганини, бош қаҳрамон ролига Шоира жуда мос келишини айтди. Йўқ, уни кинога олишгани йўқ. Аммо Шоира билан режиссёр ўртасида ажиб бир яқинлик пайдо бўлди. Ўз эридан тополмай юрган дадилликни, киборликни, қолаверса, машинани шу йигитдан топди. Шоира эрининг кун сайин чўкиб бораётганини кўрарди-ю, ўзи учун, фақат ўзи учун шунақа бўлаётганини тушунмас, тушунишни истамасди. Режиссёр хотинини ёмон кўришини, ажрашмоқчи эканини айтди. Шоира эрини баттар ёмон кўриб қолди. Энди унинг овқат пишириб ўтириши ҳам, Шоирадан олдинроқ бориб қизчасини боғчадан олиши ҳам хунук кўринарди кўзига. Хиёнатнинг ботқоғи тез чуқурлашади. Режиссёрнинг «Жигули»си Шоираларнинг уйи олди-га ҳеч ҳайиқмай келадиган бўлиб қолди.

Хунук гапнинг думи узун бўлади. Эри бу ҳангомалардан дарак топди. Бир куни Шоира очилиб-сочилиб «Жигули»дан тушаётганида, устига келиб қолди. Йигитнинг пиджаги Шоиранинг елкасида эди. Эр ҳаммасини тушунди, шекилли, Шоиранинг юзига тарсаки тортиб юборди. Алам билан қорнига тепди. «Жигули» ғириллаб бурилди-ю, жуфтакни ростлаб қолди. Бу орада учинчи қаватдан Шоиранинг онаси югуриб тушди. «Золим» кувёви-

нинг дастидан дод устига дод солди. Аллақаёқдан етиб келган маст ўткинчилар «беғуноҳ» хотин кишига қўл кўтарган «номард»ни ерга ётқизиб ўласи қилиб тепкилашди. Шоира думини қисибгина уйга кириб кетди. Анчадан кейин тупроққа беланган, калтак зарбидан лаблари ёрилиб кетган эри уйга кирди. Шоира унинг жанжал кўтаришини кутиб турган эди. Йўқ, эри жанжал кўтармади. Каравотда ухлаб ётган қизчасини устига борди-да, энгашиб у юзидан-бу юзидан ўпди. Шунда икки томчи ёш кўзидан сизиб чиқди, эрта ажин туша бошлаган юзида қотиб қолди. У Шоирага, қайнонасига бир-бир қараб, индамай чиқиб кетди. Шу бўйи қайтиб келмади. Шоира эрининг қизчасини жонидан ҳам яхши кўришини билар, бари бир қайтиб келади деб ўйларди. Йўқ, эри қайтмади. Бир куни суддан чақириқ қоғози келди.

Одатдагидек, суд «муштипар она»га – Шоирага ён босди. Эри икки хоналик секциясини индамай топширди. Фақат бир оғиз гапирди. «Кўрсатган хунарларингизнинг жавобини бир кун оларсиз, ахир», деди-ю, этагини қоқиб чиқиб кетди. Шоира эридан қутулганига, эркин бўлганига шукур қилди. У бу хабарни айтиб режиссёрни суюн-тирмоқчи эди. Қизиқ, режиссёр суюнмади. «Чатоқ қилибсиз» деди-ю, иши кун сайин кўпайиб кетаётганини, яқинда янги фильм олиш учун узоқ муддат билан бир ерга жўнаётганини айтди. «Томга чиқаман деб ўрага тушиб қолдим», деган гап бор. Шоира шунақа аҳволга тушиб қолди. Шундагина, биринчи марта, «ёмон» бўлсаям эри борлигида дуруст яшаганини ўйлади. Яна бир куни қизиқ воқеа бўлди. Шоира қизини олиш учун боғчага борган эди. Қизи қум сепилган майдонда болалар билан ўйнар, бир болага қараб лабини чўччайтириб гапирарди:

– Адамла кесинла, этиб бераман. Битта урадила сани!

Шоиранинг юраги шунда яна бир зил кетди. Беихтиёр ўзининг болалигини эслади. Дадасини сўраб йиғлаганида онаси айтган гап қулоғи остида тагин жаранглаб кетди: «Даданг ўли-иб қолган, билдингми?»

Йўқ, у ўз боласига бу гапни айтолмасди. У қизчасини кучоқлаб ўлди. Шунда хато қилганини, ўз қисматини боласига ҳам раво кўрганини ўйлаб сесканиб кетди. Эридан алиментни «қуртдек» олиб турган бўлсаям, ҳеч қанақа нафақа ота меҳрининг ўрнини босолмаслигини тушунди.

Киш кунларининг бирида онаси тўсатдан фалаж бўлиб қолди. Бир оёқ, бир қўли ишламай саккиз ой шифтга қараб ётди. Қизиқ, онаси айтган олтин оғир кунда жонига ора кирмади. Унинг жонига одам ора кирди, Шоира ора кирди. Ким билсин, эрининг охи фалакка етдими ё адолат деган тарозу ўз ҳукмини кўрсатдими, хуллас, бу ёқда она азоб чекди, бу ёқда Шоиранинг тинчи йўқолди... Қизчасини ҳафтали боғчага берди. Уйдан кўнгли совиди. Шундай кунлардан бирида у эри билан тасолифан учрашиб қолди. Ўша оқшом Шоира ишдан эртароқ чиқди: қизчасининг туғилган куни эди. У боғчанинг пастак дарвозасидан кирди-ю, айвончада қий-чув қилиб ўйнаётган болалар олдига борди. Улар орасида қизчаси йўқ эди. Шоира у ёқ-бу ёққа аланглади. Боғча чеккасида, шафтоли дарахлари остидаги скамейкада ўтирган қизчасини кўрди. Қизча дадасининг тиззасида ўтирар, қийқириб-қийқириб кулар эди. Аввалига Шоиранинг ғаши келди. Аммо зум ўтмай, кўнглида илинжга ўхшаш нарса уйғонди. У ҳали ҳам бўлса эрини гаҳ деса қўлига кўндиришга ишонарди. Секин-секин юриб яқин борди. Борди-ю, эрининг юзида аллақандай бегона бир ифодани – хотиржамликни пайқади. Илгари у доим куйиб-пишиб юрарди. Энди чехрасида қандайдир сокинлик пайдо бўпти. Гуё у изтироб оловида ёна-ёна тобланган, тоблана-тоблана совиган эди. Шоира гапни узоқдан бошлади. Эри бу ерга келгани яхши бўлганини, қизчасининг ақли кириб қолгани, отасини сўроқлаётганини айтди, ёшликда ҳар хил гаплар ўтишини қистириб қўйди. Эрининг бир туки ҳам ўзгармади. Фақат бир оғиз сўз айтди:

– Ўсибсиз!

Шоира тушунмаган эди, тушунтириб берди:

- Янаям сурбетлашибсиз.

Шоира ичига олов тушгандай ловиллаб кетди. «Эркак зотининг уруғига қирон келсин», деб ўзича ҳукм чиқарди. Начора, бу билан унинг ҳаёти яхшиланиб қолмади. Шоиранинг уйга келишга юраги йўқ эди. Бола боғчада, уйда ҳеч ким йўқ. У кечалари уйғониб кетса, ўзининг ёлғизлигини ўйлаб эзилади. Тез қариб қолишдан даҳшатга тушади. Шунинг учун у ишдан юпанч ахтаради. Кун ора навбатчилик қилиб ўзини овутади. Ҳали Доктор опа Шерзоднинг саломини етказганда Шоира негадир яна ўтмишини ўйлади.

Иш куни бошланган, троллейбус бўшаб қолган эди. Шоира ўртадаги ўриндикда ўтириб бораркан, тағин кўз унгига Шерзод келди. Ўша – бундан бир ярим ой илгари бўлган воқеадан кейин у негадир бу йигитни кўп эслади.

Шоира бу йигитнинг нимасини ёқтириб қолганини ўзи билмасди. Фақат шуни билардики, Шерзод йўлида учраган бошқа одамларга ўхшаб Шоирага шилқимларча осилмади. Шоира унинг юриш-туришида, ўзига муомаласида қандайдир покизаликни пайқади. У ҳамма бир-бирини алдайди, эркак зотига ишониб бўлмайди, деб ўйларди. Шерзод Шоирани ҳам, ўзини ҳам алдамади.

Шоира бир имо қилсам, ҳар қандай йигит оёғим остига йиқилади, деб юрарди. Кейин билса, ўзини-ўзи оёқ ости қилиб юрган экан. Ўша – ўзи ишонган, ўзи ихлос қўйган режиссёр ҳам уни оёқости қилган экан. Шерзод бўлса уни ўзига танитди. Одатда киши ўзгаларнинг нуқсонини дарров кўради-ю, ўз айбини ҳадеганда пайқай қолмайди. Вақт-соати етиб бирон нарса баҳона бўлса-ю, ўзига-ўзи бегона назар билан, четдан қарасагина нуқсонларини кўриб ҳайрон қолади. Шерзод билан учрашув ҳам Шоиранинг ўзини таниши учун баҳона бўлди. Ўшанда Шоира ўзининг бу йигитга муносиб эмаслигини билиб, уни ёмон кўриб кетди, аммо кўнглининг бир чеккасида унинг тўғри иш қилганини ҳис этди. Бу йигит ўзи билибми, билмайми, Шоирага бир нарсани эслатиб

қўйгандек бўлди. Бу аҳволда яшаб бўлмас экан. Шоира ҳаётда бахтини тополмаганлиги учун бировлардан қасос оляпман, деб ўйларкану ўзини-ўзи жазолаётган экан. Ўзгаларни ўйинчоқ қиляпман, деркан-у, ўзини ўзи ўйинчоқ қилаётган экан. Ҳаётда бунақа яшаб бўлмас экан. Эртанги кун олдида ҳисоб бермасдан яшаш энг азобли нарса экан. Шоира буни ҳис этди-ю, ёш боладек самимий, аммо мағрур бу йигитга ҳурмати ошди.

...Шоира троллейбус бутунлай бўшаб қолганини кўриб, атрофга аланглади. Шундагина охирги бекатга келиб қолганини пайқади. Сумкасини кўтариб, шоша-пиша пастга тушди. Шундоқ бекат рўпарасида икки қаватли универмаг ойнаванд эшикларини очган, харидорлар чумолидай ғимирлашиб, кириб-чиқиб, туришар эди.

Шоира беихтиёр ўша томонга қаради. У байрам яқинлиги, бунақа пайтда ноёб моллар сотилиши мумкинлигини билади. «Жуда бўлмаса атир оларман», деб ўйлади ойнаванд эшикдан кириб бораркан. У французча атирларни яхши кўрарди, аммо уни топиш анча машаққат эди. Шоира ичкари кирди-ю, газлама бўлимида навбат кутиб турган хотин-халажнинг ҳаяжонли шовқинини эшитиб, ўша томонга юрди. У адашмаган экан: газлама секциясида хонатлас берилаётганининг устидан чиқиб қолди. Дарров навбатга турди. Одам кўп эмас, нари борса ўттиз-қирқ киши турарди. Кўк ласдан халат кийиб олган тилла тишли сотувчи қиз чаққонлик билан газчўпни ўйнатар, навбат кутаётганлар эса бунақа ноёб нарса пештахтага камдан-кам чиқишини ўйлаб ҳаяжонланиб типирчилашар эди.

– Кўп берманг! Ҳаммага етсин! – деди кимдир қичқириб. Бошқалар ҳам шовқин солишди.

– Шундоқ қилинг, синглим!

– Биз ҳам бенасиб қолмайлик.

Сотувчи қиз уларнинг маслаҳатисиз ҳам ишини билиб қилар, ҳар кишига икки кийимликдан ортиқ атлас

бермасди. Навбат кутаётганлар буни кўриб анча тинчиб қолишди. Лекин атлас олиш бари бир уларга насиб қилмади. Шоиранинг навбати етишига беш-олти киши қолганида сотувчи қиз тилла тишини ярақлатиб, ниҳоятда мулойимлик билан огоҳлантирди:

- Очередга турманглар, атлас тамом бўлди.

Харидорлар шовқин-сурон кўтариб юборишди. Сотувчи қиз икки кафти билан қулоғини беркитиб олган, тилла тишини ялтиратиб ҳадеб жилмаяр эди.

Ниҳоят, ичкаридан худди қизникига ўхшаш кўк халат кийган йигит чиқиб келди.

- Нима гап? - деди мулойимлик билан. - Мен завсекцияман.

Харидорлар яна шовқин кўтаришди:

- Нега тамом бўлади. Энди икки тўп сотдинглар-ку!

- Атлас тамом бўлди, - деди бўлим мудури осойишта оҳангда. - Эрта-индин яна келиб қолади.

Харидорлар кўнишмади. Яна тўс-тўполон бўлиб кетди. Биров шикоят дафтарини сўради. Биров арзнома ёзамиз, деди.

- Таҳририятга ёзиш керак! - деди кўринишидан ўқитувчиларга ўхшаган аёл аччиқланиб. - Жуда ҳадиддан ошиб кетди булар!

Шоиранинг кўз ўнгига ярқ этиб Шерзод келди.

- Бўпти! - деди. - Ҳаммамиз кўл кўямиз!

У универмагдан чиққанида терлаб кетган, асабийлашганидан бўлса керак, қулоқлари шанғиллар, оёқларида мадор қолмаган эди.

Шоира қизишиб кетиб, харидорларнинг шикоят хатини таҳририятга обориб беришни зиммасига олгани учун энди афсусланди. «Қандоқ бораман, - деб ўйлади шикоятни буклаб сумкасига соларкан. - Нима деб кираман?»

Аммо у ваъда қилиб қўйган, энди бормаса бўлмас эди. У таҳририятга эртага боришга қарор қилди.

Кеча Шерзод нашриёт билан тузган шартномага биноан янги тўпламининг қалам ҳақини олди. Кассада чикибоқ Марказий телеграфга кирди. Байрамни ўтказиш учун ўзига юз сўм олиб қолди-да, қолган пулнинг ҳаммасини қишлоққа – синглицининг номига жўнатди. Аяси қанчалик қувонишини, қанчалик дуо қилишини кўз ўнгига келтириб, ўзиям суюниб кетди. Бугун бўлса фельетон босилиб чиқди. Шерзод иш шунчалик тезлашиб кетишини кутмаган эди. Кеча у фельетонини топшириши билан муҳаррир ўқиб чиқди-ю, навбатдаги сонда босишга топшириқ берди. У аллақандай кенгашга кетаётган экан. Муҳаррир фельетонни ўзи борида ҳал қилиб кетишни истаганини Шерзод тушунди. Бунақа ишлар «зам»га қолса мужмаллашиб кетишини, чамаси, муҳаррирнинг ўзи ҳам билар эди.

Шерзод эрталаб барвақт турди-да, гастроном олдидаги дўкончадан газета сотиб олди. «Мактабнинг хўжайини ким?» деган фельетон тўртинчи саҳифада босилган эди. Шерзод автобусда кетаркан, уни яна синчиклаб ўқиб чиқди. Раиснинг кўп йиллардан бери мўл ҳосил етиштиришга уриниб келаётгани, ишнинг кўзини билладиган одам эканлиги таъкидлаб ўтилган, аммо ўзига ортиқча бино қўйиб юборгани, одамларга зуғум ўтказётгани танқид қилинган эди. Шерзод ўзининг беғараз ёзгани, ҳеч кимга ортиқча бўёқ суркамаганига яна бир бор ишонч ҳосил қилиб, қувонди.

Аммо қувончи узоққа бормади. У саккизинчи қаватга чиқиши билан котибага рўпара келди.

– «Зам»нинг олдига киринг, дарров! – деди котиба Шерзоднинг йўлини тўсгудек бўлиб.

Шерзод хаёлан кулимсираб қўйди. Муҳаррир ўринбосари ёши олтмишларга борган, ўзи ҳам, феъли ҳам ғилдиракка ўхшаган дум-думалоқ киши эди. У бошини шифт-

га, оёғини ерга тегизмай юришга ўрганиб қолган, ўзини соясидан ўзи кўрқарди. Муҳаррир борлигида «зам»нинг бор-йўқлиги асло билинмас, аммо муҳаррир бирон ерга кетиб, иш «зам»нинг зиммасига тушса, ҳар куни мажлисбозликлар бошланарди. «Зам» бу билан бир томондан ўз ҳукмини кўрсатиб қўйишга, иккинчи томондан ҳар эҳтимолга қарши юкни ходимларга ортиб, ўзи бир чеккага чиқиб олишга уринар эди. Шерзод бунинг сабабини яхши билади. «Зам» хато қилиб қўйишдан кўрқар, ҳамиша ҳамма иш сип-силлиқ бўлишини хоҳларди. Ҳозир ҳам у шуни ўйлади-ю, жилмайиб сўради:

– Мажлисми?

– Йўқ! – котиба кескин бош чайқади. – Битта ўзингизни чақиряптилар. Боядан бери уч марта сўрадилар.

«Фельетон масаласида чақирган». Шерзоднинг хаёлига лоп этиб шу фикр келди-ю, ҳамон қўлида турган газетани буклаб, пиджагининг чўнтагига солди. «Муҳаррир келиб-келиб шу пайтда сафарга кетганини қаранг, ҳамма нарса шунақа, аксига олади ўзи!».

«Зам»нинг кабинети ўзига хос қилиб безатилган эди. Ерга гилам пойандоз тўшалган, стол устида қадимий мрамор сиёҳдон, чойнак-пиёла турарди. Чарм креслога оқ ғилоф қопланган, креслонинг ўтирғичи юмшоқ бўлишига қарамай, «зам» уйдан махсус гардишсимон ёстиқча тиктириб келган, шу ёстиқчани тагига қўйиб ўтирарди. Ҳозир ҳам у кресло суянчиғига елкасини ташлаганча, газета ўқир, қабариқ кўзойнак ортида кўзлари ғайритабиий даражада катта-катта кўринарди. У юм-юмалоқ юзига ғоят жиддий тус бериб, тўртинчи саҳифани кўздан кечирарди. Шерзод бир қарашдаёқ унинг фельетонга тикилиб ўтирганини пайқади. Секин салом берди. Муҳаррир ўринбосари кўзойнагини йилтиратиб, бош силкитиб қўйди-да, «буёққа ўтиринг», дегандек имо қилди. Шерзод дераза ёнидаги стулга келиб ўтирди. «Зам» яна диққат билан фельетонни кўздан кечиришга тушди.

У ҳеч нима ўқимас, чамаси, Шерзодни бошлаб сўкишга шайланар, аммо гапни нимадан бошлашни билмас эди.

– Чақирган экансиз! – деди Шерзод, ниҳоят, тоқати тоқ бўлиб.

«Зам» кескин бош кўтарди. Кўзойнагини олди-да, қарс этиб столга ташлади.

– Сиз нима қилиб юрибсиз ўзи? – деди жеркиб. – Сизни деб қачонгача гап эшитамиз бизлар?

«Оббо, – деб ўйлади Шерзод ундан кўз узмай. – Анча қовуради шекилли!»

– Йўқ, бунақа ишларни атайлаб қиласиз, шекилли, сиз!

У «сиз» сўзини ғижиниб, кесатиқ билан таъкидлади.

– Дежур бўлганингизда хато ўтказиб юборасиз! Саҳифа ўқиётганда аллақандай асарларингизнинг сюжетини ўйлаб ўтирасиз!

Шерзод касалхонага тушиш олдидан ўтказиб юборган хатосини «зам» ҳали унутмаган экан. Яна шуни эслайтиши Шерзоднинг ғашини келтирди.

– Бу гапни аввалги мажлисда айтгансиз! – деди у «зам»нинг сўзини бўлиб.

«Зам»нинг лаблари титраб, сип-силлиқ, лўппи юзига қон урди.

– Манави-чи! – деди фельетон босилган саҳифани кафтининг орқаси билан шапатилаб. – Ҳамма ишни расво қилиб қўйибсиз-ку. Ким жавоб беради бунга!

– Нима бўпти? – деди Шерзод хотиржам гапиришга уриниб.

– Яна нима бўпти дейди-я! – азбаройи тутатқанидан «зам»нинг юзи баттар қизариб кетди. – Кимга осилаётганингизни биласизми? Ким билан олишаётганингизни биласизми, ўзи?! Арзимаган бир гапни баҳона қилиб, бутун жумҳуриятга таниқли одамни фельетон қилиш шартмиди!

«Раис бува ишга киришибди, – деб ўйлади Шерзод «зам»дан кўз узмай. – Питиллаб қопти! Гап таъсир қилибди, яхши!»

«Зам» ҳамон қўлларини асабий силкитганча, шанғиллаб гапирар, раиснинг машҳур одам эканлиги, шундоқ одамни фельетон қилиш мутлақо нотўғрилиги, мабодо, муҳаррир буюрган тақдирдаям, бу ишни қилмаслиги кераклигини гапирар эди. «Раиснинг таги бақувват, шундан қўрқяпман, деб қўя қолмайдими бу! Нима қилади гапни чўзиб?» – деб ўйлади Шерзод, дераза томонга қараб.

Ҳаво булут эди. Нашриёт ҳовлисидаги тут дарахтининг шохлари асабий силкинар, дарахт остида турган кабоб кўрасидан тутун буруқсаб ҳавога таралар эди. Шамол борган сайин кучайиб, яхлит деразанинг аллақадеридан ғуриллаб кирар, шифтдан ергача осилиб турган қия очиқ дарпарда оҳиста силкиниб қўяр эди. Шерзод деразанинг ташқари томонида, силлиқ алюмин соябон бурчагида ҳурпайиб ўтирган мусичани энди кўрди. Мусича бир бурчакка қисилиб олган, шамол кучайган сари момик патларининг ораси очилиб кулранг тусга кирар, жажжи оёқлари билан соябон қиррасига ёпишганча, мункиб-мункиб кетар, мунчоқдек кўзини жавдиратиб атрофга қараб қўяр эди. Шамол эса кучайгандан кучайиб борар, мусича сирғалиб-сирғалиб кетар, алюмин соябон қиррасига янаям маҳкамроқ ёпишарди.

– Мен билмайман! – деди «зам» столни кафти билан шапатилаб. – Ўртоқ Самандаровнинг хатоси учун мен жавоб беришни истамайман, тушундингизми? Яқинда махсус комиссия бу масалани обкомда муҳокама қилади. Бюро мажлисига ўзингиз борасиз. Ана ундан кейин обрўли одамларни фельетон қилиш қанақа бўлишини билиб қўясиз. Бу сизга ошиқ-маъшукларнинг ўпишишини тасвирлаб роман ёзиш эмас!

Унинг охирги гапи Шерзоднинг ҳамиятига тегди. «Зам» негадир бадий асар ёзишни енгил-елпи иш деб ўйлар, ёзувчиликни хийла майна қилиб гапирарди. Авваллари Шерзод бунини сезса ҳам эътибор бермаганди. Ҳозир жим турулмади.

- Бўпти, - деди ўрнидан туриб. - Бюрога албатта қатнашаман. Мен фельетонни билар-билмас ёзган эмасман. - У «зам»нинг юмшоқ креслосига имо қилди. - Бу жойни ҳеч ким сиздан тортиб олмайди. Қўрқманг! Пенсияга чиққунингизча шу жой сизники! - У «зам»нинг юмалоқ юзи бир томонга қийшайиб, ғайритабий чўзилиб кетганини кўрди-да, янаям хотиржамроқ овозда қўшиб қўйди. - Ёзувчилик масаласига келсак, сиз унга тил тегизманг. Илтимос.

Шерзод эшик олдига борди-ю, «зам»нинг илон чаққандек сапчиб ўрнидан туриб кетганини кўрди. Аммо тўхтамади. Йўлакка чиқиб, эшикни қарсиллатиб ёпди.

31

Шерзод биринчи рейсга билет олганди. Аксига олиб, самолёт кечикиб учди. «Як-40» Фарғона аэропортига қўнганида соат тўққиздан ошган эди. Шерзод такси топиб, обкомга етиб келгунча яна бир соатча ўтди. Обком биноси олдидаги гулзорда чечаклар тонг куёшининг нурида ловиллаб порлар, асфальт майдонча чиннидай қилиб супурилган, қатор-қатор енгил машиналар ярақлаб турарди. «Чатоқ бўлди, - деб ўйлади Шерзод зиналардан шоша-пиша чиқиб бораркан. - Кечикдим. Асли поездда келаверсам бўларкан».

Кеча кечқурун «зам» уни чақиртириб, шошилини Фарғонага боришни буюрди. Фельетон юзасидан текшириш ўтказган комиссия эрталаб обком мажлисига йиғилишини айтди. «Эҳтиёт бўлинг, - деб қайта-қайта тайинлади. - Бу - жуда нозик масала. Тағин қовун тушириб, бизни маломатга қолдирманг».

Шерзод алланечук сукунат чўккан йўлакдан ўтиб бораркан, тағин ўзини койиди. «Жуда хунук иш бўлди. Сендан бошқа ташвиши йўқми бу одамларнинг!».

У обком секретари ўтирадиган қабулхона эшигини очди-ю, энг аввал Раис бувага кўзи тушди. Раис шундоқ

эшик рўпарасида - дераза олдида тик турар, қора костюм кийиб, ҳамма орденларини тақиб олган эди. Шерзод бир лаҳза тўхтади-ю, енгил нафас олди. «Ҳали бошланмабди». Раиснинг рўпарасида тарашадек озгин бир киши турар, афтидан, икковлари қизгин суҳбатлашаётганларида Шерзод кириб, гапнинг белига тепганди.

Раис бува Шерзодни кўриши билан ранги ўчди.

- Ана, келди! — у ияги билан имо қилиб Шерзодни кўрсатди. Шерзод унинг беписандлик билан гапирганини билиб ғаши келди-ю, аммо индамади. Раиснинг суҳбатдоши худди жиноятчига қарагандек Шерзодга кўзини олайтириб қараб қўйди.

- Қийинчилик йилларида озмунча ёрдам бердимми буларга! - деди раис овозини баландлатиб. - Тўйғизганининг қорнига тепиш, деб шуни айтади-да!

Шерзод ижирғаниб юзини ўгирди. У бурчакда ўтирган аёлни энди кўрди. Сочларига оқ оралаган аёл столни оҳиста тақиллатди-да, дашном берди.

- Ўртоқлар, ичкарида мажлис кетяпти!

Раис, лаблари пир-пир учганча Шерзодга еб юборгудек қараб қўйди-да, нари кетди. Унинг вазоҳати ёмон эди. Ора-чора Шерзодга имо қилиб, суҳбатдошига алланималарни тушунтирар, суҳбатдоши ҳам бош силкиб, унинг гапини маъқуллар эди. Мана шу вазмин сукунат, раиснинг ўзини тутиши таъсир қилди-ю, Шерзоднинг елкасидан аллақандай юк боса бошлади. «Шунча одамни ташвишга солдинг, - деб ўйлади ўзини қойиб. - Шунча одамнинг вақтини олиб ўтирибсан». Кечадан бери унинг ўзи тан олишни истамай хаёлидан куваётган шубҳалар яна ёпирилиб келди. «Балки «зам» тўғри айтаётгандир. Балки Раис буванинг камчиликларини ошириб ёзгандирсан. Нима бўлгандаям бу одам колхозни оёққа турғазгани рост-ку! Шунча шон-шуҳратга бекорга эга бўлмагандир? Нимаики қилса, колхоз учун, пахта учун қияпти-ку! Бу ердагилар биринчи галда унинг мана шу хизматларини ҳисобга олишмайдим, ахир!».

Вақт имиллаб ўтар, девордаги соат чиқиллаб, фурсат ўтишини баттар секинлаштираётгандек бўлар, бундан Шерзоднинг гаши келар эди.

Ниҳоят, эшик очилиб, ичкаридан уч-тўрт киши чиқди. Котиба раисга имо қилди.

– Кираверинглар.

Аввал Раис бува билан бояги суҳбатдоши, уларнинг кетидан Шерзод ичкари кирди. Хонада ўн-ўн икки киши ўтирар, кабинет жиҳозлари оддий эди. Деворга вилоят харитаси илиб қўйилган, бурчакда кўчма қизил байроқ турарди. Шерзод стол тўрида ўтирган обком котибини дарров таниди. Кулча юзларида деҳқонча содда бир ифода акс этиб турган, доим дўппи кийиб юрадиган бу йигитни у илгари ҳам уч-тўрт бор кўрган, аммо гаплашмаган эди.

Обком котиби гапни лўнда бошлади:

– Жумҳурият газетасида «Мактабнинг хўжайини ким?» деган фельетон босилган эди. Шу фельетон юзасидан обком комиссияси текшириш ўтказган. Комиссия ҳисоботини эшитсак...

Энг аввал қисқа энгли катак-катак кўйлак кийган семиз бир киши сўз олди. Шерзод аввалига эътибор бермаган экан. Ўрnidан турганидан кейин уни таниди. Шерзод бу одамни колхоз шийпонида Раис бува билан бирга кўрганди. Хона салқин бўлишига қарамай, бу киши қизариб-бўзариб кетган, каттакон рўмолчаси билан ҳадеб юзларини, йўғон бўйнини ишқалаб-ишқалаб кўярди.

– Ўртоқлар! – деди у қандайдир тантанавор оҳангда. – «Тиниқсой» деганда биз энг илғор колхозни тушунамиз. Бу колхоз фақат туманда эмас, бутун вилоятда режани доим биринчи бўлиб бажаради. Мана, энг свежий мисол: бу гал ҳам колхоз посевнойни биринчи бўлиб бажарди. Шундоқ одамни бутун республикага дўмбира қилиш яхшимас.

Шерзод мажлиснинг бунақа оҳангда бошланишини кутмаган эди. Қизиқ, бу одамнинг далиллари чўчитиш

ўрнига қайсарлигини кўзгаб юборди. «Яна ўша гап, яна ўша қалқон! – деб ўйлади бояги кишидан кўз узмай ўтираркан. – Обкомда шунчалик суянчиғи бўлганидан кейин Раис бува керилмай ким керилсин?». Шерзод шуни ўйлади-ю, кўнглини кемириб турган шубҳалар бирдан тарқалди. «Йўқ, сен тўғри иш қилгансан. Ҳақ гапни айтгансан. Қачонгача одамлар фақат бугунни ўйлаши керак. Нега энди эртанги кунни ўйламаслик керак!». Унинг томоғига яна ўша ғашни келтирадиган илиқ бир нарса тиқилди. Кулоқлари шанғиллаб, юраги ура бошлади. Энди у семиз кишининг гапларини эшитмас, эшитишни истамас эди.

Навбатдаги сўз бояги тарашадек озғин кишига берилди. Бу одам вилоят ижроия комитетида ишлашини Шерзод энди билди.

– Фактларни текширганда, ўртоқ Самандаров, – у Шерзодга имо қилиб қўйди, – бизга бир оғиз маслаҳат солсангиз бўларди. «Тиниқсой»нинг раиси вилоятда энг тажрибали раҳбарлардан. Ишнинг кўзини билади. Илми, тажрибали ходим, техникадан аъло даражада фойдаланади. – У ўтирганларга бир-бир қараб чиқди-да, овозини баландлатди. – Бунинг устига «Тиниқсой» колхозида кейинги пайтларда мисли кўрилмаган ишлар қилинди. Хонадонлар газлаштирилди. Ҳар уйда телевизор бор. Янги мактаб қурилди. Колхоз мактабга доим кўмак бериб туради. Шундай экан, мактаб ҳам колхозга ёрдам бериши керак-да! Анави ўқитувчидаям айб қўп. Раис билан жанжаллашиб қолган экан, шуни таҳририятга ёзиб дoston қилиб ўтириши шартмиди? Андиша деган нарса бўлиши керак одамда!

Шу ерга келганда Раис бува чидолмади, шекилли, ўтирган жойида гап ташлади:

– Ифвогар-да, кўр қори! Ўзи ҳемирининг ишини қилмайди, ишни дўндириб қўйганни кўролмайди.

Обком котиби қўлидаги ручка билан столни тақиллатди.

– Яна гапингиз борми? – деди ижроком вакилига қараб. Унинг қошлари чимирилиб кетган, афтидан, Раис буванинг муомаласи ғашини келтирган эди.

Ижроком вакили секин бош чайқади.

– Бўлди. Гапим шу...

– Гапингиз шу бўлса, нимани гапирдингиз ўзи? – Обком котиби ўрnidан туриб кетди. – Айтинг, ахир, фельдтондаги фактлар тўғрими, нотўғрими?

Вакил эсанкираб қолди. Қўлларини ёзиб мингиллади:

– Умуман олганда, шунақа иш бўлган, болалар кўрак терган. Лекин раис бу ишни колхоз манфаатини кўзлаб...

– Ўтиринг! – Обком котиби ўтирганларга разм солди, – тагин ким гапиради? – деди осуда товушда, – марҳамат, ўртоқ Мирражабова.

Дераза тагидаги стулда ўтирган, сочлари текис қилиб турмакланган кўҳлик аёл ўрnidан турди. Шерзод бу аёлинг котиблардан бири эканини билар эди.

– Бизда ёмон бир одат бор! – деди у оҳиста хўрсиниб. – Бировни бир кўтар-кўтар қилсак, оёғини ерга тегизмай қўямиз. Бошимизга чиқариб оламиз-да, қандоқ қилиб туширишни билмай юрамиз. Бу кишининг муомаласига қаранг. – У раис томонга жаҳл билан қараб қўйди. — Сизнинг масалангиз муҳокама қилиняпти. Сиз бўлсангиз, қирқ йил педагоглик қилган одамни «ифвогар» дейсиз, «кўр қори» дейсиз. Ўша ўқитувчини мен жуда яхши билман. Биров билан муштлашиб сўқир бўлган эмас. Ватан учун жанг қилиб айрилган кўзидан...

Шерзод Раис бувага қараб қўйди. У аввалига нажот кутгандек атрофга аланглади-ю, кейин секин бўйнини ичига тортди. Афтидан, у бу ерда ҳадеб ирғишлаш яхшиликка олиб бормаслигини тушуниб қолган эди.

– Ўртоқ Самандаров, сизда қўшимча гаплар борми?

Шерзод обком котибининг ўзига сўз беришини кутмаган эди. Беихтиёр ўрnidан қалқиди-ю, юраги гупиллаб урганча, гапни нимадан бошлашни билмай туриб қолди.

- Ростини айтсам, - деди овози хириллаб. - Бу ерга, мажлисга кириш олдидан фельетон ёзганим учун ўзим иккиланиб қолгандим. Шундоқ тажрибали одамни танқид қилиб хато қилдиммикин, деган шубҳага борган эдим. - У Раис бувага қараб қўйди-да, хўрсинди. - Йўқ, хато қилмаган эканман. Мен Тиниқсойда туғилиб ўсганман, Раис бува яхши пахтакорлигини мен ҳам биламан. Лекин, - у бир зум тўхтади-да, ижроком вакили билан семиз кишига қаттиқ тикилди, - лекин режани ошириб адо этиш - кўнгилга келган номаъқулчиликни қилиш деган гап эмас. Бу масалани мен шунақа тушунаман. - Шерзод энди обком котибига қараб гапира бошлади. - Бу ерда ҳамма гапни рўйирост айтиш зарур, деб биламан. Шунинг учун фельетонда айтилмаган бир-иккита гапни қўшиб қўймоқчиман.

Раис, «тагин нима демоқчи бу», дегандек кўзлари қисилиб унга қараб қўйди. Аммо Шерзод парво қилмади. Энди унинг вужудини қудратли, вазмин бир туйғу эгаллаган эди. Киши кўпдан буён ўйлаб юрган ҳақиқатни айтганида худди шу ҳолатни бошидан кечиради.

- Тўғри, Раис бува колхозни оёққа турғиздилар. Ҳосилдорликни оширдилар. Аммо бу киши колхозчиларга ҳар тарафлама ҳукм қилишга ўрганиб қолганлар. Ўзларига шунчалик бино қўйганларки, кабинетларида, бурчакдаги сейфнинг устида ўзларининг рамкага солинган сурати туради. - Шерзод семиз кишига кескин ўгирилди. - Ўша суратни сиз ҳам кўрган бўлсангиз керак. «Тиниқсой»га боргансиз-ку, ахир.

Семиз киши қизариб-бўзариб, рўмолчаси билан юзини сийпалади.

- Колхозга автобус Раис буванинг рухсати билан қатнайди. - Шерзод раисга ўгирилди. - Тўғрими?

Раис индамай юзини бурди.

- Раис бува одамлар туман марказига борса, иш қолиб кетади деб, хоҳлаган пайтда автобусни тўхтатиб қўя-

дилар. Қишлоққа театр келса, бу киши одамларнинг вақтини олмасин деб, ҳайдаб юборгудек бўлади. Ким қачон тўй қилишини Раис бува белгилайди. Кузда тўй қиладиганлар учун ўн кун вақт ажратилади. Шу пайтда улгурган одам улгуради, қолгани янаги йилга қолиб кетади. Мабодо бирон одам ўзича тўй қилса, айтиб базм қизиган пайтда чироқ ўчириб қўйилади. Одамлар тўйда ўтирса, эртасига ишнинг мазаси бўлмасмиш. – Шерзод ҳарчанд ўзини босишга уринса ҳам, овозида ғазаб оҳанги жаранглаб кетди. – Агар йигит билан қиз бир-бирига талпиниб турган бўлса-чи! Нима ҳаққингиз бор уларга тўғаноқ бўлишга? Айтинг бўлмаса, Раис бува, одамлар бир-бирини яхши кўриш учун ҳам сиздан рухсат олсин! – Шерзод чуқур хўрсиниб атрофга разм солди. – Ўзбек пахта деб жонини жабборга бераётганини яхши биламиз. Балки, раис ҳам пахтага меҳри туфайли шундоқ қилар. Лекин бунақа қилиқлар одамларнинг жонига тегади. Одамлар пахта деса безиллайдиган бўлиб қолади. Шунақа бўлаяптими... Менинг гапим шу. Қизишиб кетган бўлсам, узр.

Шерзод жойига ўтириши билан хонага жимлик чўкди. Семиз киши каттакон рўмолчаси билан ҳадеб бўйнини артар, ижроком вакили узун бўйнини чўзиб, анча нарида, стол тўрида ётган газетага кўз югуртирган бўлар, Раис бува лабларини қимтиганча тек ўтирар эди. Ниҳоят, обком котиби ўрнидан турди.

– Ҳаммамиз иш билан банд одамлармиз, – деди у босиқ овозда. – Ҳаммамиз тиним билмаймиз. Давр талабининг ўзи шу. Ким қачон қайси ишни қилишини билиши керак. Аммо энг асосий нарсани – одамларни унутиб қўядиган ўртоқлар бор. Мана шу – энг ёмон иллат. Аслини олганда бунақа қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, – у негадир бошқаларга эмас, Шерзодга қараб гапира бошлади, – пайт келиб йиғим-терим машиналар зиммасига тушади. Бунақа ақлли машиналарни

яратадиган авлод бугунги ўқувчилар. – У раис томонга кескин бурилди. – Ўша, сизнинг колхозингиздаги мактабда ўқиётган болалар яратади бу машиналарни! Биз сизнинг кўп йиллардан буён раислик қилишингизниям, урушдан кейинги машаққатли йилларда колхозни оёққа турғазганингизниям биламиз. Ютуғингиздан қувонамиз. Лекин хато қилсангиз, хаспўшлаб кетмаймиз. Ҳозир баъзи ўртоқлар сизнинг колхозингиз кўп даромад олишини айтишди. Ҳаммаси тўғри. Аммо бугун одамлар ўзига тўғри муносабатда бўлишни талаб қилишяпти. Бу ҳам бизнинг ютуғимиз. Нега деганда, бу одамлар ўз қадриниям, фидойиликниям ўрнига қўяди. Бунақа одамларни қадрламаслик нонкўрликдан бошқа нарса эмас!

Шерзод Раис бувага қараб қўйди. Раис бир нуқтага тикилиб ўтирар, аввалгидек бўйнини чўзмас, офтобда тобланган чайир юзида қандайдир сокин ифода бор эди. Гуё обком котиби Раис буванинг рўпарасига тиниқ бир кўзгу келтириб қўйган-у, ҳар гапи билан шу кўзгуга қайта-қайта қарашга мажбур қиларди уни.

– Сиз колхознинг отаси бўласиз, – деди котиб ҳамон ўша босинқи, лекин куюнчак оҳангда. – Ота деган ўз болаларига меҳрибон бўлиши керак. Колхозчининг боласи – сизнинг ҳам болангиз. Унинг биринчи галдаги вазифаси – ўқиш. Ҳозир ўртоқ Самандаров айтган гапларга келсак, булар жуда жиддий масалалар. Колхозчининг тўйи, деҳқоннинг маъракаси деган тушунча тагида катта гап ётибди. Инсон қадр-қиммати деган гап ётибди! Тушундингизми?! Агар сиз колхозчининг пахтадан бўлак дарди йўқ десангиз, хато қиласиз.

Шерзод қалбида хушнуд бир енгиллик сезиб обком котибига тикилиб ўтирарди. Котиб унинг кўнглидаги гапларни қандайдир деҳқонча бир самимият билан, куйиб-ёниб гапирарди.

Киши ўз онасини нима учун яхши кўришини билмайди. Ўз онаси бўлгани учун яхши кўради. Киши ўз онасида рўй бераётган ўзгаришларни ҳам яхши пайқамайди. Эътибор бермайди бунга. Ўзингиз яшаб турган шаҳар ҳам шунақа. Сиз уни нима учун яхши кўришингизни билмайсиз, аммо қаттиқ яхши кўрасиз. Унинг қиёфасида бўлаётган ўзгаришларга кўпдан диққат қилавермайсиз. Негаки, улар ҳар куни сизнинг кўз ўнгингизда рўй беради. Сиз уларни кўравериб кўникиб кетасиз. Аммо вақти келиб бир баҳона билан тўсатдан диққат билан назар ташлайсиз-у, қанчадан-қанча ўзгаришлар бўлиб ўтганини, сиз бўлсангиз шунча пайтдан буён уларни сезмай юрганингизни ўйлаб, ҳайрон қоласиз.

Шерзод автобус деразасидан қараб бораркан, ҳозир тўсатдан шуни ҳис қилди. Май байрамига тараддуд ҳозирданоқ қизиб кетганди. Кўтарма машиналарнинг нарвонли майдончаси устига чиқиб олган, ҳалат кийган кишилар бинолар деворини оқлайди. Ҳашарга чиққан ўқувчи болалар йўлкалар атрофини тозалайди, фаррош хотинлар кўча четидаги қатор-қатор чинорлар танасига оҳак суркайди. «Байрамга ҳали ўн кун бор-ку, – деб ўйлади Шерзод, ҳамон ташқарини кузатиб бораркан. – Майли, бир жиҳатдан шуюм яхши. Баҳонада шаҳар чиройли бўлиб қолади». Автобус шаҳар марказига етиб келганида, Шерзод Тошкент қанчалик латофатли бўлиб кетганини яна бир чуқур ҳис қилди. Музейнинг мармар қасрига осилган шода-шода чироқлар маржони унинг ҳуснини янаям очиб юборгандек эди. Ранго-ранг лампочкалар ҳали ёқилмаган, аммо кечаси улар ёнса нақадар жозибали манзара кашф этишини тасаввур қилиш қийин эмасди. Шу ондаёқ кўнглида қувонч аралаш ғурурга ўхшаш илиқ осуда бир туйғу уйғонди. У ўз хонасига кириб борганида руҳи баланд, кайфияти соз эди. Эшикни очиши

билан одатдагидек хонани тутатиб ўтирган Абдувоҳидга кўзи тушди. У телефон трубкасини чангаллаганча аллаким билан гаплашарди. Шерзодга кўзи тушди-ю, қувончдан қичқириб юборди.

- Ие, мана, ўзлари кеп қолдилар! – деди трубкага бақириб.

Шерзод портфелини стол чеккасига қўйиб телефонга қўл чўзаркан, Абдувоҳидга шубҳаланиб қараб қўйди. Абдувоҳиднинг телефонда ҳазил қилиб, лақиллатадиган одати бор эди.

- Ким? – деди Шерзод трубкага имо қилиб.

Абдувоҳид телефон мембранасини кафти билан ёпиб, илжайди:

- Жонон! Сени яхши кўриб қолганмиш. Икки кундан буён қидиради.

«Зухра!». Шерзоднинг хаёлига шу фикр яшиндек ёрқин, яшиндек бир куч билан урилди-ю, дарров трубкани олди. Аммо жавоб қилишдан олдин Абдувоҳидга таҳдид қилди.

- Майнавозчилик қилсанг, абжағингни чиқараман!

Абдувоҳид яна илжайди. Митти кўзлари қисилиб, чўғ порлади.

- Биров сени яхши кўрса ёмонми, овсар!

- Лаббай, – деди Шерзод ҳаяжонини босиш учун атай-лаб совуқ оҳангда.

- Сиз Самандаровмисиз? – деди кўнғироқдай овоз.

Шерзод илгари Зухра билан телефонда гаплашмагани учун овозини танимасди.

- Ҳа, Шерзодман, – деди босиқ оҳангда.

- Сизни топиб бўладими ўзи?

- Кечирасиз, – Шерзод жилмайди, – яна Фарғонага бо-ришга тўғри кеп қолди. Эрталаб келдим.

- Мен, Шоираман.

Шерзод эсанкираб қолди.

- Ким? – деди у беихтиёр чўзиб.

Телефондаги овоз кулди:

- Шо-ира! – деди таъкидлаб. – Хотирангиз шунақа ёмонми?

Шерзод нима бўлганда ҳам Шоиранинг кўнғироқ қилишини ҳеч кутмаган эди.

– Ие, сизмисиз, Шоирахон! – деди у ўзининг кулгили аҳволидан ўзи мулзам бўлиб. – Қаердан гапиряпсиз?

– Яқиндан! – Шоира яна ўша жарангдор овозда гапирди. – Олдингизга кирмоқчи эдим. Шу билан учинчи келишим.

«Нима юмуши бор экан?» деб ўйлади Шерзод норозилик билан. Балки бошқа пайт бўлганида у бундай аҳволга тушмасди. Аммо ҳозир Зухра эмас Шоира кўнғироқ қилгани учунми, ҳафсаласи пир бўлди. Шунга қарамай иложи борича юмшоқроқ қилиб гапирди.

– Бўпти. Ҳозир рухсатнома ёзиб беришади. Саккизинчи қаватдаман.

У трубкани қўйиши билан Абдувоҳид иягини қоқиб имо қилди.

– Ким?

– Ҳозир кўрасан! – деди Шерзод қовоғини солиб. – Жудаям хоҳлаётган бўлсанг таништириб қўяман.

Абдувоҳиднинг қовоғи осилиб кетди. Индамай, чўнтагидан «Прима» чиқариб, лабига қистирди.

– Мен сенга таништириб қўй дедимми?! Уни-буни қўй, муҳокама қанақа ўтди?

Шерзод дўстининг елкасига қоқиб жилмайди.

– Ҳаммаси яхши бўлди. Тинчликми бу ерда?

– Мухаррир келди, – деди Абдувоҳид сигаретининг учини эзғиларкан.

Бир оздан кейин эшик очилди-ю, қисқа энгли гулдор кремплин қўйлак кийиб олган Шоира кириб келди. Шу ондаёқ хонани нафис атир иси тўлдириб юборди. Шоира янаям очилиб кетган, гавдасига мослаб тикилган қўйлаги баданига чиппа ёпишган, бўлиқ кўкракларидан кўксидан отилиб чиқиб кетгудек тирсиллаб турар, кўзларида ҳамон ўша – одамнинг бошини айланттириб юборадиган ўтли табассум бор эди. Шерзод беихтиёр касалхонада бўлган ўша воқеани эслади; кўнглида бир чеккаси эҳтиросга, бир чеккаси ийманишга ўхшаш ал-

лақандай мавҳум туйғу уйғонди. Кейин касалхонадан чиқиб кетаётганида Шоира унинг рўмолчасини ювиб, шимини дазмоллаб қўйганини эслади-да, самимий оҳангда таклиф қилди:

- Ўтиринг, - деди дераза олдида турган стулга имо қилиб. Чамаси, худди шунга ўхшаш хотиралар Шоиранинг ҳам хаёлидан кечди, шекилли, чиройли лўппи юзлари дув қизариб кетди.

Абдувоҳид қўлида сигарета тутган қўйи Шоирага қараб анграйиб қолган, шу туришда киприк қоқишга ҳам мадори қолмагандек эди. Шерзод дўстининг мўлтираб турган кўзларига, қошиқдеккина юзи, сийрак соқол ўсган ингичка иягига қараб кулиб юборай деди.

- Танишинглар, - деди жилмайиб. - Бу киши Шоирахон. Бу - Абдувоҳид, менинг дўстим...

Шоира икки стол орасидан дераза томонга ўтиб бораркан, бош силкиб Абдувоҳидга салом берди. Шундагина Абдувоҳид бир марта оғир киприк қоқди. Чала очилган оғзини юмди-да, энтикиб, «салом», деб қўйди. Кейин тўсатдан бир иш эсига тушгандек, сакраб ўрнидан туриб кетди.

- Мен ҳозир... - деди эшик томонга зипиллаб.

- Ўтиравер, - деди Шерзод кулимсираб.

- Машинакадан материал олишим керак.

Абдувоҳид эшикни ёпиши билан Шерзод Шоирага қаради. У энди қизармас, қисқа этаги остида кўриниб турган оппоқ сонларини чалиштириб ўтирарди.

- Тузалиб қопсиз, - деди у жилмайиб.

- Бунинг учун сизларга раҳмат.

- Сизгаям раҳмат! - деди Шоира тўсатдан.

Шерзод ярқ этиб унга қаради.

- Нега?

- Ўзим... - Шоира елкасини қисиб, яна жилмайди.

Шерзод ҳеч нима тушунмади, стол устидаги қоғозларни титкилай бошлади.

Шоира унинг тараддулланиб қолганини кўриб, қора ялтироқ сумкасини очди-да, икки варақ қоғоз олди.

- Мен сизга шикоят обкелдим, - деди одатдагидек жилмайиб. - Ёрдам берасизми?

- Кўлимдан келса, бемалол! - Шерзод қоғозни олди.

- Ёрдамингиз керакмас-у, бир текшириб кўрсанглар, инсофга келиб қолишармиди...

- Нима бўлди ўзи? - Шерзод қоғозни бир чеккага кўйиб Шоирага савол назари билан қаради.

- Чайқовчиликни қачон тўхтатишади булар? - Шоира қошини чимирди. Шерзод унинг доим кулиб туришига кўникиб қолгани учунми ҳозирги ҳолати жуда эриш туюлди. - Бир кийим атлас магазинда нари борса ўттиз сўм туради, - деди Шоира куюниб. - Бозордан юз эллик сўмга оласиз. Сешанба куни универмагга атлас келган экан. Навбат билан борсам, икки тўп сотар-сотмас тамом бўлди, деб қутулди-қўйди, ноинсофлар! Ўзимиз кўриб турдик. Ҳар кишига икки кийимликдан ортиқ бермади. Ярим соатда юзта одам олгандаям бутун бошли универмагга бор-йўғли икки юз кийимлик атлас келмагандир, ахир. Ўзи-ку, байрам баҳона озиб-ёзиб бир прилавка юзини кўриб қолган бу савил. Шуниям ёлчитиб сотишмайди.

Шоира тез-тез гапирар, жаҳли чиққанидан кўзлари пирпираб оппоқ дўндик юзи қизариб кетганди.

«Тўғри, - деб ўйлади Шерзод ундан кўз узмай. - Бу одам нари борса саксон сўм маош олса. Битта кўйлакнинг ўзини юз эликка олиб кийса. Киймаса тагин бўлмаса. Замон талаби ошиб бораётган бўлса. Чайқовчиликни йўқотамиз деймиз-у, бошқа томонини ўйламаймиз. Чайқовчи матоҳини фабрикадан ўғирлаб чиқмас, ахир. Магазинга келган молни ўзига ўхшаган ўғридан икки баробарига олиб, уч баҳосига сотади. Вассалом!»

- Қайси универмаг экан? - деди у қоғозга қараб.

- Ёзилган, ўша ерда! - Шоира бармоғини бигиз қилиб кўрсатди. - Навбатда турган одамларнинг ҳаммаси кўл кўймоқчи эди, қоғоз етмади.

Шерзод қоғозга синчиклаб қаради. Чиндан ҳам унга қирққа яқин одам имзо чеккан, кўпчилиги ишчилар, хизматчилар эди. Шерзод универмаг номерини кўрди-ю, ялт этиб Шоирга қаради.

- Ие, Сайфиддин аканинг дўкони-ку, бу! Ўзингиз даволаган Сайфи Соқиевич бор-ку, ўша!

- Шунақами? – Шоира киприкларини пирпиратиб ўрнидан туриб кетди. Гўё бу янгиликдан қувонгандай жилмайиб кўйди. Аммо зум ўтмай ўрнига ўтирди-ю, тагин қошини чимирди. – Бари бир! – деди кескин оҳангда. – Авлиё бўлсаям нафсини тийиб юрсин. – У бирдан жимиб қолди-да, Шерзодга синчиклаб тикилди. – Ё бу одамни ёзишни хоҳламайсизми?

«Сен билган нарсаларни мен билмайманми? – деб ўйлади Шерзод Шоирадан кўз узмай. – На иложки, булар икки кунда ҳал бўлиб кетадиган масалалар эмас».

- Менга қаранг, Шоирахон! – деди у ярим ҳазил, ярим чин оҳангда. – Сайфи Соқиевич тугул, ундан каттаси бўлсаям ёзаман! Хотиржам бўлинг!

Шоира икковлари йўлакка чиқишлари билан Абдувоҳидга дуч келишди. У машинкаланган қоғозларни кўтариб, нимқоронғи, салқин йўлакдан секин-секин юриб келарди. Шерзод Шоира билан шу ернинг ўзида хайрлашиб қўя қолди.

Шоира йўлак бошида кўздан ғойиб бўлиши билан Абдувоҳид Шерзодга қараб илжайди.

- Зўр-ку, вей, қаёқдан топдинг?

- Таништириб қўяман десам, ўзинг қочиб кетдинг-ку, дарвиш? – Шерзод кулди. – Бир жиҳатдан тўғри қилдинг. Эри биринчи разрядли боксчи...

Абдувоҳид янаям ёйилиб илжайди:

- Менга деса жаҳон чемпиони бўлмайдими! Зўрни зўр, дейди-да.

Шерзод қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Абдувоҳиднинг елкасига гурсиллатиб мушт туширди-да, муҳаррирнинг хонасига йўл олди.

Эшик қия очик турар, муҳаррир стол олдида тик турганча бутилкадан пиёлага минерал сув қуяр эди. Шерзод кириши билан муҳаррир қаддини ростлаб, сув ичди. «Яна ошқозони оғриётганга ўхшайди», ўйлади Шерзод унинг ранги ўчиб кетганини кўриб. Муҳаррир ўзининг аҳволини сездирмаслик учун бўлса керак, кескин ҳаракат билан стул суриб ўтирди.

– Қалай, бюро яхши ўтдимми? Раис бувангиз кўп тўполон қилмадимми?

– Ҳамма фактлар тасдиқланди, – деди Шерзод креслога ўтираркан. – Менимча, раиснинг ўзиям анча энгил тортди. Ора-чора одам ўзининг камчилигини кўриб энгиллашиб турса ёмон бўлмаса керак. – У қўлидаги қоғозни муҳаррирга узатди. – Яна битта ғалвани бошлаб келдим.

– Қани? – Муҳаррир қоғозни олиб синчиклаб ўқий бошлади. Шерзод столнинг бериги томонидаги креслода унга тикилиб ўтираркан, бу одамнинг чаккаларидаги сочлари эрта оқариб кетгани, ранги сарғайиб, кўзлари киртайиб қолгани – ҳаммаси газетачиликнинг оғир, беҳаловат меҳнатидан эканини чуқур ҳис этди. Бу одамнинг ўзини ҳамиша дадил тутиши ҳам, тезкорлиги ҳам газетачилик туфайли пайдо бўлган одатлар эди. «Қийин, – деб ўйлади у муҳаррирдан кўз узмай. – Кеча-кундуз тиним билмаса, доим эртанинг ташвиши билан югуриб юрса. Қийин бу одамга...».

– Шундан бир иш чиқишига ишонасизми? – деди муҳаррир кескин бош кўтариб. – Магазинчи тутқич берармикин сизга?

– Уриниб кўрай-чи, – деди Шерзод ўйланиб. – ОБХССдан одам чақирсакмикин...

– Бўпти, ишга киришаверинг, – муҳаррир хатни Шерзодга қайтарар экан, яна жилмайишга уринди. – Дуруст-сиз-ку! Фельетон ёзмайман, деб юрардингиз. Мана, биттаси чиқувди, ўзингиз қизиқиб қолдингиз.

– Бунисини мен азбаройи фельетон ёзишга қизиққанним учун танлаганим йўқ, – деди Шерзод хотиржам

оҳангда. – Бир нарсани кўпдан буён ўйлаб юрибман ўзим. Нима учун амаллаб техникумни битирган сотувчи ўзининг машинасида катайса қилади-ю, йигирма йил ўқиган инженер автобусга осилиб юради, деган савол анчадан бери тинчлик бермайди менга.

Муҳаррир мийиғида кулди.

– Ёзувчисиз-да! Фалсафий умумлашмалар чиқаришга устасиз. – У бирдан жиддий тортиб таъкидлади. – Бу масалада хулоса чиқаришга шошилманг. Ҳаммага баравар бўёқ чаплаш керакмас.

– Биламан! – Шерзод ўрнидан турди. – Мен бўёқчи эмасман, биласиз-ку.

33

Газетачиликнинг битта ёмон томони бор: ишда тартиб бўлмайди. Баъзан мўлжаллаб қўйган ишингизни бир чеккага йиғиштириб, бошқа, шошиличроқ топшириқни бажаришга тўғри келиб қолади. Бу гал ҳам шунақа бўлди. Эрталабки мажлисда Шерзодга метро қурилиши ҳақида зудлик билан репортаж ёзиб келишини топширишди.

Шерзод метрочилар билан кўп учрашган, кейинчалик бу хотиралар керак бўлишини билгани учун метро қурилишига кўп қатнар эди. У «Пахтакор» станцияси қад кўтариши керак бўлган чуқур ҳавза олдига етиб борганида, вақт чошгоҳга яқинлашиб қолган, «ҳовуз» ичида машина излари, пўлат арматуралар кўриниб турарди.

«Тушликка кетиб қолишмасайди», ўйлади у тик темир зиналардан пастга тушиб бораркан. Ҳавза тубида ер тагига кириб кетган иккита «ғор»нинг оғзи қорайиб кўринар, «ғор»лар бошланадиган жойда тахта уйча қад кўтарган эди. Шерзод бу уйчада смена инженери ўтиришини биларди. У омонат эшикни очиб ичкари кирди-ю, бурчакдаги стол олдида тик турган, мовий кўзлари қоп-қора сочларига аллақандай мутаносиблик билан

ярашиб тушган ихчам гавдали кишини кўрди. Шерзод бу инженерни танир, унинг фамилияси ғалати – Кац бўлгани учунми, яхши эслаб қолганди. Смена инженери ҳам Шерзодни эслаб қолган экан.

– Ҳа, пресса! – деди у Шерзоднинг қўлини қисиб. – Яна материалми?

Шерзод индамай бош силкиди.

– Кузатиб борайми? – деди инженер.

– Раҳмат! – Шерзод бош чайқади. – Каска берсангиз бўлди. Ўзим топиб оламан.

Инженер кулди.

– Топмай нима қилардингиз? Метронинг адашадиган кўчаси йўқ. – У тахта девордаги миҳда илиғлик турган сарғиш каскани олиб узатди.

«Худди Абдувоҳидникига ўхшайди», ўйлади Шерзод каскани кия туриб. Чиндан ҳам метрочиларнинг каскаси мотоцикл минганда кийиладиган каскага жуда ўхшар, фақат сал саёзроқ, айвончаси бор эди.

У каска тасмасини томоғидан ўтказа туриб сўради:

– Бугун қайси смена ишляпти?

– Омадингиз келди! – инженер нягини чўзиб қия очик эшик томонга имо қилди. – Валихоновни қилдириб юрган эдингиз. Бугун шу ерда.

«Мана бу иш зўр бўлди!» ўйлади Шерзод омонат эшикчадан чиқар экан. У Валихонов деган моҳир лаҳимчи тўғрисида кўп эшитган, бир сафар бу одамнинг тупроқ тагида қолиб кетганини айтиб беришган эди.

Шерзод бетон ҳалқалар билан мустаҳкамланган метро «Ғор» ичига кириб борар экан, худди узундан-узоқ қувур ичига тушиб қолгандай бўлди. «Ғор» деворларида, у ербу ерда лампочкалар ёниб турар, қувур деворига осилган симлар, ҳавони янгилайдиган вентиляция ичаклари кўзга ташланар эди. «Ғор» ичкарасига кириб кетган бир жуфт темир йўл излари оёқ остида хира ялтирайди. Йўқ булар ҳали метро поездининг изи эмас. Улар қўпорилган тупроқни кичкина вагончаларда ташқарига чиқа-

риб ташлаш учун вақтинча ётқизилган. Шерзод ичкари кирган сайин ҳаво алланечук зах, оғир бўлиб борарди. Орқада, станция ҳавзасида қолган қуёш нури бир парча ёруғ доғга ўхшаб қолди. Туннел ичи жимжит. Фақат олисда – олд тарафда кучсиз шовқин қулоққа чалинади. «Лаҳимчилар ишлапти», деб ўйлади Шерзод из четидан секин-секин юриб бораркан.

Анчадан кейин ичкари томондан қизғиш нур кўринди. Гулдуросли шовқин садоси эшитилди. Зум ўтмай қизил чироқ ҳам, шовқин ҳам шитоб билан яқинлашиб кела бошлади.

«Вагонеткалар келяпти», ўйлади Шерзод ўзини четга олиб. У бетон деворга ёпишганча кутиб турди. Кичик-кичик вагончаларни судраб келаётган жажжи электровоз ингичка, асабий товушда чинқирганча сурон солиб ўтиб кетди. Тупроқ ортилган вагончалар лип-лип этиб ўтди-ю, станция ҳавзаси томонга йўл олди. Яна сукунат чўкди. Шерзод уч-тўрт қадам босди-да, темир изларнинг икки четида вагончалардан тўкилиб қолган тупроққа кўзи тушди. Беихтиёр энгашиб, бир ҳовуч тупроқни кафтига олди. Тупроқ ундек майин, қизғиш тусда эди. Ер юзида юрган одам тупроқни кафтига олиб томоша қилганида бунақа аҳволга тушмайди. Аммо ер тагида – метро «Ғор»нинг хира чироқлари остида бу тупроқ қанақадир бошқача – ғайритабиий даражада қизил, ҳозиргина инсон томиридан оқиб чиққан қондек илиқ эди. Шерзод тупроқни қисимлаб тураркан, ғалати ўйларга борди. Қадимий китобларда ёзилишича, одамзоднинг хоки етти қават ернинг тагигача қоплаб ётармиш. Ким билсин, балки чиндан ҳам шунақадир? Икки минг йилдан буён озмунча жангу жадалларни кўрдими бу кўҳна Тошкент тупроғи! Ўз халифаларининг бир-бирига қилган хуружи етмагандек, ўзгалар бошига от солган араблар босқини, ҳали ўзи нон ёпиш нималигини билмай туриб, ўзгаларнинг қошоналарини вайрон қилган мўғуллар қирғини, жоҳил хонлар хунрезлиги, Россия босқини озмунча қон

билан суғордим бу тупроқни. Кимнинг қони бўлдийкин бу? Ўзга юртни забт этиш васвасаси билан от сурган келгинди жангчиникими ё ўз ватани учун жон фидо қилган аскарникими? Дунёни забт этиш учун қилич ўйнатган бефаҳм шохникими ё инсон боласи осойишта яшасин, деб китоб варақлаган зукко олимникими? Дунё қизик экан. Яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан қабоҳат ёнма-ён юрганидек, яхши одамлар билан қабиҳ кимсаларнинг хоки ҳам ёнма-ён ётаркан.

Шерзод хира йилтиллаб ётган из четидан секин-секин юриб бораркан, шуларни ўйлади.

Ниҳоят, у ғорнинг энг ичкарасига, сурон солиб ишлаётган махсус машина олдиға яқин борди. Машина катта-кичик лампочкалар ёруғида аллақандай афсонавий девға ўхшаб кўринар, тупроқ ҳиди чучмал мой исига араллашиб кетганди. Шерзод лаҳимчиларнинг ишини аввал ҳам бир неча бор кузатган эди. Улар кончиларнинг болғасига ўхшаган компрессорли ўйғичлар билан тупроқ ўйиб туширади. Тепадан туйнук очиб олингандан кейин тахта тиргак ўрнатилади-да, пастдан янги туйнук очилади. Кейин тупроқ кўпориб ташланади. Машина остида йиғилиб қолган тупроқ вагончаларда ташқарига чиқариб ташланади. Машина эса ярим ёй шаклидаги эгик бетон плиталарни деворға ёпиштиради. Шундай плиталарнинг еттитаси бир-бириға уланса, доира пайдо бўлади. Кейин лаҳимчилар ҳам, машина ҳам яна илгари силжийди.

Шерзод энди машина зинасига чиқмоқчи бўлиб турганди, сарғиш каска, комбинезон кийган шопмўйлов киши тушиб келди. «Валихонов шу бўлса керак», ўйлади Шерзод унга қўл узатар экан. Мўйловли киши машина шовқинидан ҳеч нима эшитмаётганини имо қилди. Икковлари нарироққа – бетон девордаги лампочка тагига бориб тўхташди. Шерзод адашмаган экан. Валихонов унинг ниятини билди-ю, ҳайрон қолгандек елкасини қисди.

- Бизнинг нимамизни ёзасан, жиян! - деди шанғиллаб. - Ишлаб ётибмиз-да, Худо деб.

Шерзод кулди.

- Энг яхши смена, деб мақташяпти-ку!

Валихонов кафтининг орқаси билан юзининг чангини артди. Куюқ мўйловини силаб қўйди.

- Яхши ишлайдиганларнинг шох-бутоғи бўлмайди. Ғайрат қилса ҳаммаям яхши ишлайверади.

- Буниси майли-ку, тупроқ тагидан қандоқ омон чиқдингиз?

Валихонов ялт этиб Шерзодга қаради. Норозилик билан қошини чимирди.

- Энди шуни ёзиб дoston қилмоқчимисан, жиян?

- Йўқ, - Шерзод сидқидилдан бош чайқади. - Шунчаки, ўзим сўраяпман.

- Бунга анча бўп кетди. Эсданам чиқиб кетди. Тошкентнинг тупроғи ғалати ўзи. Мана ҳозир тупроқ куп-куруқ. Бир метрдан кейин қарасанг, тўсатдан сизот сув чиқиб қолади. Ўшандаям... - У бирдан жимиб қолди. - Ке, жиян, мастернинг ўзи гапириб бера қолсин.

Шерзод машина зинасидан тушиб келаётган барваста гавдали йигитни энди кўрди. У ҳам Валихоновга ўхшаш комбинезон, каска кийиб олган, уст-боши чанг эди. «Смена мастери шу йигит экан-да», ўйлади Шерзод унга қараб.

- Тешабоев! - новча йигит Шерзоднинг қўлини қисаркан, ўзини таништирди.

- Бу йигит қандоқ қилиб обвал бўлганини сўраяпти. - Валихонов Шерзодга имо қилди. - Ўзингиз айтиб беринг.

«Тушунтиришни ҳам боплади-ку!» деб ўйлади Шерзод хаёлан кулимсираб.

- Мен буни газетага ёзиш учун сўраганим йўқ, - деди у Тешабоевга юзланиб.

- Нима қипти, ёзсангиз ҳам бўлаверади! - Тешабоев жилмайиб Валихонов томонига имо қилди. - Икковимиз тупроқ тагида кўмилиб қолдик. Ўз айбимиз билан.

Тупроқнинг намлигига мос тиргович қўйиш керак эди. Бизлар бўлсак шошиб турувдик. Тўқсон еттинчи пикетда рўпарадан келаётган отряд билан тўқнашимиз керак эди. Шунга ишни тезлаштирмоқчи эдик.

– Кейин нима бўлди?

– Нима бўларди? – Тешабоев кулди. – Лаҳимчилар иккаламизни гўрнинг ичидан тортиб олгандек, тупроқ тагидан суғуриб чиқаришди. Кейин касалхонада ётдик. Ундан кейин бошқармада боплаб таъзиримизни беришди.

– Мана энди юрибмиз Гўрўғлига ўхшаб! — деди Валихонов шанғиллаб. Шерзод кулиб юборди.

– Яхши, умрингиз узоқ бўларкан.

– Албатта! Аммо-лекин, жиян, агар ёзадиган бўлсанг, бизнинг мастеримизни яхшилаб мақтагин. – Валихонов каттакон кафти билан Тешабоевнинг елкасига шапатилади. – Инженерман, деб қўл қовуштириб ўтирмайди. Ўйгични олиб лаҳимчиларга қарашиб кетаверади.

Тешабоев хижолат бўлгандек, Шерзод томонга бурилди.

– Сиз журналистикани битирганмисиз?

Шерзод индамай бош силкиди.

– Қайси йили?

Шерзод айтди.

Тешабоевнинг юзи бирдан ёришиб кетди.

– Ие, бизнинг хоним билан бирга ўқиган экансизларда. Фазлиддинова Фарида билан!

Шерзод бирдан қалқиб кетгандай бўлди. Бир зумда илиқ ёз оқшомидаги нурга тўлиқ тўйхона, тантана садолари, тўрда, Фариданинг ёнида ўтирган новча йигит кўз олдига келди. Кейин Фарида касалхонага борганида «эрим ернинг тагида» деганини эслади-ю, ҳаммасини тушунди. Унинг рўпарасида худди ўша Жўравой турар эди. У ҳадеб алланималарни гапирар, юзлари шодликдан ёришиб кетган, негадир ҳадеб кулар эди. Аммо Шерзод ҳеч нимани тушунмас, ҳеч нимани эшитмасди. Ниҳоят, у бир амаллаб ўзини босиб олди.

- Үзиям зерикди энди, - Жўравой мулойим жилмайиб қўйди. - Ишга кирмасам бўлмайди, деяпти.

- Албатта! - деди Шерзод минғирлаб. У ўзининг бе-маъни аҳволга тушиб қолганидан ғаши келар, аммо нима қилишини билмасди. Шерзод бир вақтлар ўзи учун азиз бўлган бир одамни юлиб олган бу йигит олдида илжайиб туриш қўлидан келмаслигини билар, бу ердан тезроқ кетишга ошиқар эди. Ниҳоят, у жўялироқ баҳона топгандай бўлди.

- Кечирасиз, - деди иложи борица совуққон гапиришга уриниб. - Таҳририятга эртароқ боришим керак эди.

Жўравой унинг қўлини самимият билан қисаркан, кўзига тикилиб туриб, таклиф қилди:

- Уйга ўтинг, бир ўтиришамиз.

Шерзод беихтиёр кўзини олиб қочди.

- Раҳмат, - деди оҳиста. - Мавриди кеп қолар. - У нарироқда турган Валихонов билан шошилиб хайрлашди-да, тез-тез юриб кетди. Қизиқ, касалхонада Фаридани кўрганида кўнглида уйғонган бегоналик ҳисси ҳозир, унинг эрини кўрганда қандайдир қатъий қарорга айланди-ю, Фарида билан ўрталарида бўлиб ўтган гаплар узоқ ўтмишга ўхшаб кетди. У анча нарига боргандан кейин бурилиб қаради. Валихонов кўринмас, чамаси, машина ичига кириб кетганди. Жўравой эса, баланд гавдасини ғоз тутиб, чироқ остида турарди. У Шерзоднинг бурилиб қараганини кўрди-ю, қўл силтаб қўйди. Шунда Шерзод бу содда, дилкаш йигитни ёмон кўриши мумкин эмаслигини, ёмон кўришга ҳаққи йўқлигини бирдан ҳис этди. Ҳис этди-ю, негадир енгил тортгандек бўлди.

34

Шерзод Тешабоев сменаси тўғрисидаги лавҳани топширганидан кейин ички ишлар бошқармасига кўнғироқ қилди. Лекин ОБХСС вакилини уч кунгача юбориша

олмасликларини эшитди-ю, ўйлаб қолди. «Начора, айб ўзингда, – деди шикоят хатини чўнтагига солиб йўлга тушаркан. – Кеча вакил келганда ўзинг йўқ эдинг». У трамвайга чиққанида қатъий қарорга келди. «Битта шикоятни эплаб текширолмаманми».

Ярим соат ўтмасиданоқ у Сайфи Соқиевич директорлик қиладиган универмагга етиб борди.

Директорнинг кабинети биринчи қаватда, тор йўлакнинг охирида экан. Қабулхона кенг, девор тагига пастак суянчиқли қатор-қатор стуллар терилган, чап томондаги чарм қопланган эшик олдида қош-кўзига қуюқ бўёқ чаплаган, олхўридек балдоқ таққан малласоч котиба ўтирарди. «Ўх-хў, бутун бошли делегацияни қабул қилса бўлади-ку, бу ерда, – деб ўйлади Шерзод мийиғида кулиб. – Сайфи Соқиевичнинг димоғидан қурт ёғилганича бор экан».

Котиба уни кўрди-ю, «безовта қилмаган сен қолувдинг энди», дегандек қошини чимирди.

– Директор занят! – деди Шерзод билан саломлашмасданоқ.

– Олдиларида ким бор? – деди Шерзод қошини чимириб.
– Ҳеч ким! Но занят!

Шерзод индамай борди-да, чарм қопланган эшикни силтаб тортди. Котиба ўрнидан туриб ҳай-ҳайлаб етиб келгунча у ичкари кириб кетди.

Сайфи Соқиевич тўрдаги стол рўпарасида қандайдир қоғозларни титкилиб ўтирарди. Шерзод бир лаҳза хонага кўз ташлади. Ерга гилам тўшалган, иккита катта деразага оловранг дарпардалар тутилган, пойгакдаги бурчакда «ЗИЛ» холодильникни. Стол устида қўша-қўша кнопкали телефон турар, шифтда каттакон вентилятор парраги вазмин айланар эди.

Сайфи Соқиевич бирдан бошини кўтарди-ю, ўрнидан туриб кетди.

– Ие, Шерзоджон! – деди унинг истиқболига юриб. – Кўришадиган кунимиз бор экан-ку, ука! Қалай, опоқ бўп

кетдингизми? – У Шерзоднинг қўлини дўмбоқ кафти орасига олиб қисди.

– Раҳмат! – деди Шерзод унинг кўзига тик қараб. – Мана, бир йўқлаб келдим сизни!

Сайфи Соқиевич кулранг костюм, мошранг бахмал дўппи кийиб олган, юзларига қон югуриб, ранги кириб қолган, кўзининг остида салқиб ётган халтачалар ҳам йўқолгандек эди.

«Дуруст, тузалиб қопти», ўйлади Шерзод чин кўнгилдан қувониб.

Сайфи Соқиевич ўз ўрнига эмас, девор тагида турган креслолардан бирига ўтирди.

– Марҳамат! – деди жажжи столнинг бериги томонидаги креслога имо қилиб. – Ўтиринг, ука! Минг раҳмат, бошим осмонга етди.

Шерзод яшил ғилоfli юмшоқ креслога ўтирди.

– Чой! – деди Сайфиддин ака эшик томонга қараб.

Шерзод бурилиб қаради-ю, эшик олдида турган малласоч котибани кўрди. Чамаси, у бу «сурбет» харидордан шикоят қилиш учун кирган-у, директорнинг Шерзод билан қилаётган муомаласини кўриб тўхтаб қолганди. Лаҳза ўтмай у устига сочиқча ёпилган чойнак, пиёла-лар солинган бежирим кумуш патнис кўтариб кирди-ю, столга қўйиб чиқиб кетди. Шерзод тавозени йиғиштириб қўйиб, гапни бошлаб қўя қолди:

– Бир шикоят юзасидан келувдим, Сайфиддин ака! – деди чўнтагини кавлаб хатни оларкан.

– Раҳмат! – Сайфи Соқиевич гўё гап шикоят устида эмас, мақтов ҳақида бораётгандай жилмайди. – Бош устига, – деди ихчам пиёлада кўк чой узатаркан. – Сиз бизнинг камчилигимизни кўрсатамиз, ёрдам берамиз дейсиз-у, биз қувонмаймизми?

Шерзод пиёлани столнинг бир чеккасига қўйди-да, Сайфи Соқиевичнинг кўзига қаттиқ тикилиб сўради:

– Хатни ўқиб берайми ё мазмунини айтиб қўя қолайми?

Сайфиддин аканинг кўзларидаги табассум бир сония ҳам йўқолмади.

– Ўқинг-да, Шерзоджон, айбдор кимлигини билайлик, айбини бўйнига қўйиб жазосини берайлик... – деди эркаловчи оҳангда.

Шерзод таҳририятга келган шикоятни ўқиб эшиттириш мутлақо шарт эмаслигини билса ҳам, хатни атайлаб ўқиб берди.

– Хатга ўттиз уч киши қўл қўйган.

– Баракалла! – Сайфи Соқиевич кўзларида ҳамон ўша табассум билан ўрнидан турди. – Ҳозир аниқлаймизда! – деди ўзининг столи томон юраркан. У оқ кнопкалардан бирини босиб, трубкани кўтарди.

– Ҳожи! – деди кескин овозда. – Менинг кабинетимга кир. Дарров.

У қайтиб келди-да, бўшаган пиёлага яна чой қўйиб узатди.

– Хатдаги гаплар тўғри! – деди ҳамон кўзлари йилтираб. – Ўша куни газмол бўлимида атлас сотдик... Бунақа молни олиш осонмас. Базага шахсан ўзим бордим. Икки минг метр хонатлас олдик. Анави ерда, – у Шерзоднинг қўлидаги хатга имо қилди. – Тўғри ёзишибди. Ўша куни очирид қилиб сотдик. Аммо-лекин ярим соатда тамом бўлди, дегани тухмат. Икки кийимдан сотди, деганиям нотўғри. Ҳозирги харидор анойими? Керак бўлса ўн кийимлик, юз кийимлик олаверади. Дефицит мол... Абедгача талаб кетишди. Аммо-лекин ярим соатда эмас.

Эшик очилди-да, ялтироқ кўк халат кийган, кўзлари зағчаникидек чақчайган йигит бош суқди.

– Чақирдингизми, Сайфиддин ака?

– Торготделдан қайси кунги атласнинг накладнойларини обке, ука! Дарров, – деди Сайфи Соқиевич ўтирган жойида бўйнини чўзиб. Йигит чиқиб кетиши билан у яна Шерзодга ўгирилди: – ҳозир харидорлар ёмон бўб кетган! – деди бош чайқаб. Йўқни йўндирасан деб, тихирлик қилиб туриб олади. Кунда бир хил атлас кийсам, дейди. Қўша-қўша гилам олгиси келади.

- Нима қилсин? – Шерзод елкасини учирди. – Ҳалол меҳнат қилиб пул топганидан кейин яхши еб-ичгиси, яхши кийингиси келади-да! Турмуш фаровон бўлиб боряпти.

- Биз ҳам шунга суюнамиз-да! – Сайфи Соқиевич тағин жилмайди. – Чой ичинг! – деди Шерзодга пиёла-ни узатиб. – Харидорнинг чўнтаги қанча қаппайса, бизнинг оборот шунча кўпаяди. Аммо-лекин кўпчиликнинг кўнглини баравар овлаб бўлмайди, ука. Мингтасини хурсанд қилсангиз-у, биттасининг кўнгли жойига тушмай қолса, бўлди, ким ёмон – биз ёмон. Бунақа ношукур одамларга хизмат қилгандан кўра... – Сайфи Соқиевич норозилик билан қўл силтади. – Аммо иложимиз қанча, вазифамиз шу!

Эшик очилиб, яна бояги кўзлари чақчайган сотувчи кўринди. У яқин келди-да, бир даста қоғозни Сайфи Соқиевичга узатди.

- Иккинчи шунақа ғалвага рўпара қилманг, жон ака! – деди у ёлвориб. – Атласни киядиган бошқалар-у, жабрини тортадиган биз! Уша куниям қанча бошимни қотиришди. Нима, йўқ атласни катта холаманкидан оламанми?

- Кўп вайсама! – Сайфи Соқиевич уни жеркиб берди. - Мана, – деди қоғозларни Шерзодга узатиб. Уч минг метр олинган, саккиз сўм олтмиш тийиндан, уша куниеқ сотилган.

Шерзод минг урингани билан бунақа ҳисоб-китобларни тушунмаслигини сезди-ю, мутахассис вакилни олиб келмагани учун энди афсуслана бошлади. «Ҳар қанча текширгандаям ҳисобини тўғрилаб қўйгани аниқ».

- Уша куни бўлимингиз неча сўмлик савдо қилганини эслайсизми? – деди сотувчига қаттиқ тикилиб.

- Аниқ эсимда йўқ, – деди сотувчи хотиржамлик билан, – аммо уша куни катта савдо бўлди. Йигирма мингдан ортиқ. – У уйланиб туриб кўшиб қўйди. – Буни кассадан аниқласа бўлади.

- Уша куннинг чекларини обкелсинми? – деди Сайфи Соқиевич ўрнидан туриб.

Сотувчи йигит бир зум талмовсираб турди-да, илдам чиқиб кетди.

– Бутунлай соғайиб кетдингизми энди, Шерзоджон? – Сайфи Соқиевич унинг ёнига келиб ўтирди. Елкасини суянчиққа ташлаганча жилмайди. – Оббо, сиз-эй, яхшиям мана шунақа майда-чуйда ғалвалар чиқиб, кепқобсиз. Бўлмаса, бир йўқлай ҳам демайсиз, ука.

«Қизик, – деб ўйлади Шерзод хуноб бўлиб. – Наҳотки, бу одам ўзининг ҳақ эканига шунчалик ишонса? Наҳотки, мениям шунга ишонади, деб ўйласа! Шунча харидор ноҳақ-у, битта сотувчи ҳақ бўлиши мумкин эмас-ку». У Сайфи Соқиевичга яна синчиклаб разм солди. Сайфиддин ака оёқларини чалиштириб бамайлихотир ўтирар, худди пианино чалаётган музикачидек, ялтироқ туфлиси билан ерга тўшалган гиламни тепкилаб қўяр, кўзларида аллақандай олов бор эди. Шундагина Шерзод бу одам ўзини эрмак қилаётганини тушуниб қолди. Текширишни бутунлай нотўғри бошлаганини, Сайфи Соқиевич ўзи билан мушук-сичқон ўйнаётганини, бу ўйинда ўзининг ютқазиб қўйганини бирдан пайқади-ю, вужуди ёниб кетгандай бўлди. «Хато қилдинг! Бутунлай хато қилдинг! – деди ўзидан-ўзи ғижиниб. – Борингки, биладиган одамни олиб келиб, кассани текширтирдинг ҳам. Ўша куниёқ ҳамма атлас сотилган, деб чек уриб қўйишмаганмикин булар! Борингки, омборниям текширишсин. Бир парча атласни сақлаб қўярмиди булар. Хато, ҳаммасини хато бошладинг, галварс!»

– Менимча ГТИ дан одам обкелиб, бўлимни ревизия қилдирганимиз яхши, – Сайфи Соқиевич кўзларини йилтиратиб маслаҳат берди. – Байрам арафасида оборотимизга сал зиён етади-ю, шундоқ бўлсаям майли, бемалол. – У дўмбоқ кафтини ёйиб яна кулди. – Бизнинг ишимизга ёрдам берасиз-у, биз йўқ деймизми?

– Демак, харидор иғво қилиб ёлғон гапларни ёзган экан-да! – Шерзод ўрнидан турди. – Тухмат қилган, шунақами? – деди у Сайфи Соқиевичга тик қараб.

Сайфи Соқиевич калтабақай қўлларини икки ёнга ёзиб, яна жилмайди.

- Айтдим-ку, кўпчиликнинг кўнглини овлаш қийин. Очиридда туриб-туриб етолмаганидан кейин алам қилса, қилгандир-да!

Шерзод Сайфиддин аканинг кўзига тикилиб туриб қўл чўзди.

- Хайр! - деди заҳархандалик билан. - Тўғри айтдингиз, кўпчиликда гап кўп. Бир лукмадан берса тўйдиради, бир муштдан урса ўлдиради. Ҳар қалай, эҳтиёт бўлинг.

- Шошманг, ука! Дунёнинг иши битганмас! - Сайфи Соқиевич ошкора майнавозчилик билан унинг қўлидан ушлаб холодильникка имо қилди. - Яхши бальзамим бор. Дардингизга малҳам бўлади. Хизмат юзасидан келган бўлсангиз, юмушингиз битди. Энди одамгарчилик юзасидан улфатчилик қиламиз.

- Раҳмат! - Шерзод мийиғида кулди. - Менинг битмаган ишларим кўпайиб кетяпти. Битирмагунча тинчимайдиган одатим бор.

Шерзод совуқ бош силкиб қўйди-да, тор йўлакка, ундан савдо залига ўтди.

* * *

Байрам яқинлашиб келаётгани учун бўлса керак, зал тиқилинч, харидорлар кўп эди. Ғовур-ғувур бир зум тинмайди. Ҳўллаб артилган мрамор полдан намиққан салқин нафас урилади. Баланд шифтдаги неон лампалар кўкиш, осойишта нур сочади. Каттакон парракли вентиляторлар тинимсиз айланади. Эрталаб ёмғир ёғиб ўтганди. Ҳозир бўлса кун бирдан исиб кетди. Шунинг учун расталар олдида тўдалашган одамлар орасида плаш кийганларни ҳам, кўйлакчан кишиларни ҳам учратиш мумкин. Шерзод ойнаванд айланма пештахта олдидан ўтаётганида чироқ нурида ялтираб ётган катта-кичик соатларга қараб қўйди. Қўл соатларининг ёнига турли-туман тасмалар териб қўйилганди. Кейинги бўлим газмоллар

растаси экан. Шерзод ўтиб кета туриб, тўп-тўп газмолларга разм солди. Бояги кўзлари чақчайган йигит уни кўрди-ю, намоишкорона истехзо билан юзини ўгирди. Нарироқда турган тилла тишли кўҳлик қизга бир нима деган эди, қиз ҳиринглаб кулди. Шерзод индамай нари кетди. Бу ерда аёллар пайпоғи билан савдо қилишар, ёнбош томонда эса тағин атторлик моллари қатор тизиб қўйилганди. Шерзоднинг кўзлари яна ҳар хил тасмалар, мойупа, калитбанд сингари икир-чикирларга тушди. «Мунча кўп бўлмаса бунақа майда-чуйдалар!» ўйлади у тикилинчдан нафаси қайтгудек бўлиб эшик томон юраркан. Шу пайт залнинг юқори томонида, эркаклар костюми сотиладиган ерда қаттиқ шовқин-сурон эшитилди. Шерзод беихтиёр тўхтаб қолди. «Нима бало, яна бирон дефицит нарса беряптими?». Шерзод азбаройи нима гаплигига қизиққани учун эмас, ҳамма ўша томонга қараб оққани учун беихтиёр яқин бориб қолди. Шу ондаёқ бу ерда нохуш гап-сўзлар бўлаётганини тушунди. Костюм бўлимига кираверишда қисқа энгли оппоқ қўйлак кийган бир киши турар, унинг ранги бўздай оқариб кетган, лабларидан кўпик сачраб, ҳадеб битта сўзни қайтарарди:

– Тарбиясиз! Тарбиясиз!

Шерзод одамлар орасини ёриб ўтиб яқин келди. Шундагина бу одамнинг бир қўли йўқлигини кўрди. У харид қилган нарсаларини чап қўли билан бағрига босиб олган, мрамар тошдан йўниб ишланган бургутча, муқовасига яшил бахмал қопланган фотоальбом, қизғалдоқ чучмўма аралаш жажжигина гулдаста – ҳаммаси ноқулай тарзда билагида қийшайиб турарди. Унг қўлининг тирсагидан пасти йўқ, ёш боланикидек ингичка, тўмтоқ билаги қўйлагининг қисқа энгидан чиқиб, қизариб турарди. Шерзод унинг оппоқ қўйлагига қадалган орден колодкасини кўриб қолди. «Фронтвик экан!» деган хаёл лип этиб фикридан ўтди-ю, атрофда тўпланиб турган одамлардан сўради:

- Нима гап?

- Тарбиясиз! – деди бояги киши яна асабийлик билан. – Бир парча қоғоз нима деган гап?! Тарбиясиз! – У хар қичқирганида лаблари пирпирар, ягона қўли қаттиқ титрар, азбаройи асабийлашганидан бўлса керак, оппоқ сийрак сочининг орасигача қизариб бошидан тер чиқиб кетганди. – Бир парча қоғоз кимни ўлдирибди, уятсиз!

- Ўзингизни босинг. – Шерзод унинг чап қўлидаги мрамар бургутча билан альбомни оҳиста олди, гулдаста ёғимланиб кетган экан – қизғалдоқлар дув этиб ерга тўкилди. – Нима қилди?

Унинг вазмин муомаласи таъсир қилди, шекилли, кекса харидор ўзини анча босиб олди.

- Манови ерда мактаб бор экан, – деди якка қўли билан кўча томонга имо қилиб. – Уруш ветеранларини учрашувга чақиришувди. Болалар шу совғаларни беришди. – У Шерзоднинг қўлидаги мрамар бургутча билан альбомга имо қилди. – Аҳволни кўриб турибсиз. – Бирдан унинг лаблари пирпираб кетди. – Шунини ўраб ола қолай деб, бир парча қоғоз сўрасам, олдига солиб ҳайдаяпти, манови тарбиясиз!

Шерзод бурилиб қаради-ю, қатор-қатор костюмлар осилган узун ялтироқ вешалканинг бериги бошида ёзув машинкасига ўхшаган электр касса олдида ўтирган, халат кийган, чумчуқдек ихчам йигитни кўрди. У бўлаётган гап-сўзларни мутлақо эшитмаётгандек оёқ чалиштириб ўтирар, аммо ранги ўчиб кетганди.

- Қоғозим йўқ, деб тўғрима-тўғри айтиб қўя қолсаям майли эди, – деди бир қўлли киши яна овози титраб. – Ҳалимхона у ёқда, зикирхона бу ёқдами, бу матаҳларни кимдан олган бўлсанг, қоғозниям ўшандан сўра, – дейди.

Шерзод титраб-қақшаб турган бу одамнинг ҳолатини бирдан чуқур ҳис этди-ю, ўзи ҳам титраб кетди. Бу одамни собиқ жангчи деб, қаҳрамон деб, иззат-икром билан учрашувга чақиришган. У ҳаяжондан кўзлари ёниб ўтирган болаларга уруш хотираларини гапириб берган. Бо-

лалар унга гулдаста беришган, совға-саломлар тақдим этишган. У ўша қувонч завқи билан, ўша ҳаяжон тафти билан бу ерга кирган-у, бир парча қоғоз сўраган. Анови аблаҳ бўлса бир сўз билан илондек чақиб, қариянинг кўнглини чилпарчин қилган.

Шерзод ранги гезариб ўтирган сотувчи болага ғазаб билан қаради. Шу топда у чиндан ҳам сувилонга ўхшаб кетди. Вужудини қақшатган ғазаб юзига отилиб чиқди.

– Бир парча қоғоз берсанг Асаканг кетадими, – деди сенсираб. – Ё пул чиқмайдиган иш қилсанг, ўлиб қоласанми?

Ихчам сотувчи ўтирган жойида секин бошини бурдида, пашша кўригандек чап кўлини силтади.

– Э, ўт-э! Даллоллик қилган онангни...

Шерзоднинг миясига гупиллаб қон қуюлди. Кўлидаги альбом билан мрамар бургутчани ташлаб юбордими, эгасига бердими, ўзи ҳам билмай қолди. Отилиб ичкари кирди-ю, сотувчининг ёқасидан олиб даст кўтарди.

Шу ондаёқ ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Сотувчилар турган жойида қотиб қолишган, бири харидорни, бири сотувчини айблаб шовқин солаётган «томошабин»ларнинг нафаси ичига тушиб кетганди.

Кейинги дақиқада Шерзод яна шовқин-сурон бошланганини ғира-шира илғади-да, сотувчини судраб ўртага олиб чиқди. Мушук болани кўтаргандек, оёғини ерга тегизмай судраганча зал ўртасидан олиб ўта бошлади. Одамлар ўз-ўзидан уларга йўл бўшатишар, икки томонда «жонли йўлак» пайдо бўлган эди.

Қабулхонада ўтирган котиба кўзлари олайиб ўрнидан туриб кетди. Шерзод ҳарсиллаб нафас олганча Сайфи Соқиевичнинг чарм қопланган эшигини очди. Сайфиддин ака телефонда гаплашиб ўтирарди. Шерзод йигитчани судраб бориб боя ўзи ўтирган креслога итқитди.

– Манавингизнинг оғзини боғлаб кўйинг! – деди ҳансираб.

Сайфиддин ака югуриб уларнинг ёнига келди. Шу ондаёқ эшик очилиб, икки-уч сотувчи, беш-олти харидор ёпи-

рилиб киришди. Сотувчилар Шерзодни ўласи қилиб уришга шайланиб туришар, кўзлари ғазабдан чақнар эди.

– Милиция чақир! – деди кимдир кичқириб. – Ким у, хизмат вазифасини бажараётган одамга қўл кўтарган?

– Ажаб қилди! Ўлдирса арзийди.

Бир зумда шовқин-сурон бўлиб кетди. Ҳар ким ҳар хил таклиф айтар, биров зўравонни жазолаш керак деса, бошқаси сотувчини ишдан ҳайдаш керак, дерди. Аммо Шерзод бу гапларга парво қилмас, юраги гурсиллаб урар, қулоғи шанғиллар эди.

– Нима бўлди? – Сайфи Соқиевич креслода ўтирган сотувчининг тепасига келди. Чумчуқбош йигитчанинг ранги янаям оқариб кетган, оғзини каппа-каппа очиб нафас олар, чамаси, Шерзод ёқасини қаттиқроқ сиқиб юборган, шекилли, ора-чора бўйнини силаб қўярди. Эшик олдида турган одамлар ҳамон шовқин солишар, бояги бир қўлли киши хона ўртасида туриб қолганди. У ҳайратланиб ҳар ёққа аланглар, ягона қўли билан кўксига босиб олган гулдастаси юлқиниб яккам-дуккам бўлиб қолган, альбоми билан бургутчаси йўқ эди.

– Тушунтириб гапирсанг-чи! – Сайфи Соқиевич кичқириб юборди. Асабийлашганидан қовоқлари уча бошлади. Эшик олдида турганлар жимиб қолишди. Ҳали Сайфиддин акага ҳужжатларни олиб кирган зағчакуз йигит олдинга чикди.

– Мен ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим, – деди энтикиб. – Оқилхон туппа-тузук савдо қилиб турувди. – У боши билан имо қилиб ҳамон бўйнини силаб ўтирган ихчам йигитчани кўрсатди. – Манави зўравон, – деди Шерзодга қўлини бигиз қилиб, – ҳе йўқ, бе йўқ, бола бечоранинг қулоқ чаккасига солиб юборди! Ерга ётқизиб бўғди. Анави чўлоқ айтиб турди, буниси урди. Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, урди. Мана, ҳамма гувоҳ!

– Шунақами? – Сайфи Соқиевич креслода ўтирган сотувчига қараган эди, у йиғламсираб бош силкиди.

– Нимага ҳаддингиздан ошяпсиз, ўртоқ Самандаров!
– Сайфиддин ака Шерзоднинг рўпарасига бостириб кела бошлади. – Нима ҳаққингиз бор ўз вазифасини адо этаётган одамга қўл кўтаришга! – у ҳар гал гапирганда қўлини пахса қилиб силкитар, ғазабдан юзлари кўкариб кетганди. Унинг боягина мулойим йилтираган кўзларида энди совуқ ғазаб олови ёнар, боягина ипакдек майин товланган овози энди темирдек жаранглаб чиқарди. Қиш уйқусида ётган айиқ ноходдан уйғотиб юборилса, қутуриб кетади, дейишади. Сайфиддин ака ҳам бирдан қутуриб кетди. – Айтинг! – деди Шерзоднинг юзига тупук сачратиб. – Оғзи тегдими, тили тегдими? Ё ҳақингизга хиёнат қилдими, айтинг!

У Шерзоднинг жавобини қутмасданоқ зағчақўзли сотувчига юзланди:

– Ўтир! Акт ёз...

Зағчақўз йигит зипиллаб бориб, стол ёнбошига ўтирди. Стол бурчагида ётган қоғозни олдига тортди. Халатининг кўкрак чўнтагидан ручка чиқариб тез-тез ёзишга киришди.

Шундагина Шерзод яна бир хатога йўл қўйганини, енгилтаклик қилганини тушунди. «Чатоқ бўлди, – ўйлади афсусланиб. – Бу одам баҳона тополмай турганди-ку, ўзи! Қандок қилиб илинтиришни билмай турганди-ку! Нима қилиб қўйдинг!».

Шерзод ҳамон креслода ўтирганча «минг машаққат билан» нафас олаётган чумчуқбош йигитга қайрилиб қаради. Шунда унинг атайлаб шундай қилаётганини, жўрттага бўйнини силаётганини, беқиёс азоб чекаётгандек афтини буриштираётганини тушунди. Тушунди-ю, жирканиб кетди. «Гап таъсир қилармиди бу нокасга! Гап билан одам бўлармиди бу!».

Сайфи Соқиевич Шерзоднинг тепасига қандай шиддат билан бостириб келган бўлса, худди шундай шиддат билан стол олдига борди.

- Хизмат бурчини ўтаб турган одамга мушт кўтарса! Тагига босиб бўлса! Қаерда яшаяпмиз ўзи. Ким ўзи бу зўравон! - У қўллари асабий титраганча телефон қулоғини бурай бошлади.

- Милициями? - деди овози жаранглаб. - Сизни...

Сайфи Соқиевич гапни тугатолмай қолди. Кейинги воқеа шу қадар тез бўлиб ўтдики, Шерзод кўз ўнгида рўй берган нарсаларни яхши англаб ҳам ололмади. Боядан бери хона ўртасида турган инвалид отилиб Сайфиддин аканинг столи олдига борди. Ягона қўли билан тарақлатиб телефон тугмасини босди. Эзилган чучмўмалар стол устига сочилиб тушди.

Сайфи Соқиевич кўзларини пирпиратиб ногиронга тикилди.

- Нега халақит берасиз? - деди ўшқириб.

- Милиция чақирмоқчимисиз? - деди ногирон жарангдор оҳангда. Энди унинг лаблари титрамас, алланечук қатъият бор эди овозида. - Қўйинг жойига!

Бу гапни у шунчалик кескин қилиб айтдики, Сайфиддин ака беихтиёр трубкани жойига ташлади.

- Дағдаға қилишга уста экансиз! - у Сайфиддин акага бошдан-оёқ қараб чиқди. - Билиб қўйинг, мен немиснинг дағдағасидан ҳам қўрққан эмасман. Ўпкангизни босиб олинг. Аввал гапни эшитинг. Кейин милицияга биргаллашиб қўнғироқ қиламиз.

Сайфи Соқиевич кўзларини пирпиратиб ўрнига ўтириб қолди. Ветеран бўлган воқеани тушунтира бошлади. Шерзод ҳамон бир чеккада жим турганича Сайфиддин акани кузатарди. Ветеран воқеани айтган сайин Сайфи Соқиевич ўзгариб борар, чехрасидаги ғазаб ўрнини гоҳ хавотир ифодаси, гоҳ мулойим табассум эгалларди. Шерзод бу ўзгаришнинг маъносини тушунди. Йўқ, Сайфиддин ака азбаройи адолат тарафида тургани учун эмас, уруш ветерани билан олишиш яхшилиқка олиб бормаслигини билганидан мулойимлашиб борарди. У

гап орасида бир имо қилган эди, акт ёзаётган зағчақўз сотувчи оҳиста ўрнидан турди-ю, илондек сирғалиб чиқиб кетди. Эшик олди ҳам аллақачон бўшаб қолганини Шерзод энди пайқади. Креслода эса ҳамон ўша заҳил юзли йигитча ўтирар, аммо энди у энтикиб нафас олмас, Сайфи Соқиевич томонга хавотирланиб қараб қўяр эди.

Ниҳоят, ветеран ҳамма воқеани айтиб бўлди. Сайфи Соқиевич кескин бурилиб, креслода ўтирган сотувчига қаради.

– Тур ўрнингдан, аҳмоқ! – деди қичқириб. – Отанг тенги одамга шунақа муомала қиласанми, эшак! Қоғозинг йўқ бўлса шуни жўнгина айтсанг, ўласанми? Йўқол кўзимдан!

Сотувчи инқиллаб ўрнидан турди. Эшикдан чиқиб бораркан, Шерзодга тикилиб қаради. Тишлари ғижирлаб кетди.

– Гап бу ёқда, демайсизларми? – деди Сайфиддин ака бир қўлли харидорга қараб. – Ёш-да, муомалани билмайди бу. – У бир зум жим қолди-да, Шерзодга юзланди:

– Бари бир сиз ҳам яхши иш қилмабсиз. Шунчаликка боришингиз керак эмасди. Нима қилсаям, бировга қоғоз топиб бериш унинг вазифасига кирмайди-да! Устига-устак, биров ёқасидан олса, индамай кетадиганлардан эмас бу бола. Таги бақувватроқ нарсаси.

– Хизмат вазифасидан ташқари одамлик вазифаси деган тушунчаси бор! – деди Шерзод совуқ оҳангда. – Ё сизларда бунақа гаплар йўқми!

Сайфи Соқиевич хижолат чеккандек кулди.

– Ўзингиздан қолар гап йўқ, ука, ҳозир одамлар ҳуқуқини яхши биладиган бўп кетган. Айтяпман-ку, илдизи бақувватроқ бола.

– Менга худди ўша илдизи керак. Бунақаларни кутуртираётган илдизни қидириб юрибман ўзи! – Шерзод Сайфиддин акадан юз ўгириб, ветеранга қаради. Ўзининг иш жойини, ўтирадиган хонасини айтди-да, босик оҳангда қўшиб қўйди: – Сиз билан бир учрашсак. Ғала-

ба байрами олдидан газетада хотираларингизни босиб чиқарардик.

- Яхши бўларди! – қариянинг юзлари бирдан ёришди. Ёш боладек қувониб тез-тез бош силкиди. – Раҳмат, ука!

35

Табиатнинг нотантилигини қарангки, кўпинча гўзал нарсанинг умри қисқа бўлади. Ким билсин, балки бизга шунақа туюлар. Ўзимиз гўзалликка ташна бўлганимиз учун, унинг ҳуснига ҳадеганда қонавермаганимиз учун шунақа кўринар. Ҳар нима бўлганда ҳам, баҳор тез ўтади. Биз гуллар рангига, чечаклар атрига, кўклам меҳрига ҳар сафар қонолмай қоламиз.

Шерзод яна бир ҳафта кечикса, лола фасли ўтиб кетишидан хавотирда эди. Қолаверса, Зухрани жуда кўргиси келарди. Шунинг учун кеча театрга телефон қилди. «Эртага лолага чиқсак», деб таклиф этди. У Зухранинг йўқ дейишини кутган эди. Аммо Зухра рози бўлди.

Шерзод Абдувоҳиднинг мотоциклини тариллатиб Охунбобоев майдонига етиб келганида кун ёйилиб кетганди. У мотоциклини гулзор майдонча этагида тўхтатди-ю, Зухрани узоқдан кўрди. Зухра хонаки бинафшалар очилиб ётган гулзор четидаги скамейка олдида тик турганча қандайдир журнални варақларди. У бошига қизил дуррача ўраган, эгнига яшил блузка, тўқ-ҳаворанг шим кийиб олган эди. Дуррачаси ҳам, шими ҳам Зухрага шундай ёпишиб тушган, шу қадар ярашган эдики, Шерзод беихтиёр жилмайди. Кўнглида қувонч аралаш соғинч бир туйғу уйғониб яқин борди. Шунда скамейка устидаги қоғоз пакетни кўрди. Халта оғзидан думалоқ редиска, кўк пиёз, яна алланималар кўриниб турарди. «Ўҳ-ў, бозор катта-ку!» ўйлади Шерзод Зухранинг ишбилармонлигига мийиғида кулиб. Беш-олти қадам қолганда Зухра бурилиб қаради-ю, Шерзодни кўриб жилмайди. Тиниқ,

чиройли чехрасида тонг қуёши жилва қилгандек яшнаб кетди.

– Уйқучи экансиз! – деди кулиб. – Кеч қолдингиз.

– Йўқ, бугун эрта турувдим. – Шерзод унинг кафтини оҳиста қисди. – Ўртоғимнинг «пат-пат»ини олгунча кечкиб кетдим. Кўркмайсизми?

Зухра Шерзод узатган каскани оларкан, яна жилмайди.

– Ҳечам!

У дуррачасини ечиб, бошига каска кийди.

– Ярашаркан! – деди Шерзод завқланиб. – Худди астронавтларга ўхшаб кетдингиз...

...Эски шаҳарнинг тор кўчаларида самолётдан бошқа ҳамма нарса юради. Юк машинаси ҳам, енгил машина ҳам, эшак арава ҳам... Шерзод мотоциклни кўча чеккасига тақаб ҳайдаб борар, шовқин-сурон, машиналар сигнали, аравакашларнинг бақириқ-чақириғи бир зум тинмас эди. Орқадан келаётган машина қаттиқ сигнал берди. Шерзод мотоциклни янаям четроққа, қоп-қора оқава сув айқириб ётган цемент ариқча қирғоғига олди. Аммо машина сигнали ҳамон тинмас, асабни эговлайдиган даражада тўхтовсиз шовқин соларди. Шерзод мотоциклни яна бурса, ариқча тушиб кетиши аниқ эди. У жаҳл билан чап томонга бурилиб қаради-ю, ўзига шундоққина тақалиб келаётган қора «Волга»ни, руль чамбарагини ушлаганча илжайиб ўтирган Сирожиддинни кўрди. Сирожиддин унинг ғашига тегиш учун атайлаб шундай қилаётганини сизди. Негадир кеча Сайфи Соқиевич билан ўрталарида бўлиб ўтган кўнгилсиз гаплар эсига тушди. Шерзод ёлғиз ўзи бўлганида мотоциклни «Волга»нинг йўлига шартга кўндаланг қилиб, машинани тўхтатган бўларди-ю, аммо ҳозир ноилож эди: орқасида Зухра ўтирарди. У ҳам «Волга» томонга бурилиб қарар, жаҳди чиққанидан бўлса керак, қоши чимирилиб кетган эди.

«Волга» яна узундан-узоқ сигнал берди-да, мотоциклга ёнбошини уриб олгудай бўлиб, шиддат билан ўтиб

кетди. Нарироққа бориб, аллақандай оқ «Запорожец»ни кувиб ўтди-да, машиналар орасида кўздан ғойиб бўлди. «Қаёқдан учради бу? – ўйлади Шерзод кўнгли ғашланиб. – Жосусга ўхшаб доим кетимдан юради, шекилли». Унинг бояги шодон кайфияти бирдан хиралашди.

Келесдан ўтганларидан кейин ям-яшил далалар бошланди. Йўлнинг икки четида қатор-қатор тут дарахтлари саф тортган, уфққача туташиб кетган далаларда эртанги карамлар, пиёзлар, лавлагилар, гоҳ оч-кулранг, гоҳ тўқ-қизил тусда товланар, осмон булутли бўлса ҳам ҳаво мусаффо эди. Шерзод орқада ўтирган Зухранинг нафаси ўзининг елкасига урилаётганини ҳис этиб турар, мана шу яқинлик аллақандай руҳий тетиклик бахш этган эди унга. Бир маҳал Зухра унинг елкасига оҳиста туртди. Шерзод бурилиб қаради. Зухра алланима деди-ю, Шерзод мотоцикл шовқинидан ҳеч нима эшитмади. Бунинг устига у касканинг тасмасини боғлаб олганди. Зухра қўли билан осмонни, кунчиқар томонни кўрсатди. Шерзод бурилиб қаради-да, яхлит бир бўлак булут қуёш юзини тўсиб олганини кўрди. Булутнинг қирралари худди тилларанг ҳал берилгандай ярқираб турар, бир четида эса елпиғичга ўхшаш нур тарам-тарам бўлиб сачраб кетганди. Шерзод Зухрага бурилиб қаради-да, «чиройли!» дегандек бош силкиди. Кўнглидаги бояги ғашлик бирдан тарқалиб енгил тортди.

...Ярим соатчадан кейин паст-баланд қирлар бошланди. Бир қарич бўлиб қолган буғдойлар шамолда оҳиста елпинар, булутлар орқасидан тушган қуёшнинг нурли дарчалари гоҳ у, гоҳ бу ерда ярақлаб кўринарди. Шерзод бултур Абдувоҳид билан келганида қўй боқиш учун ажратилган, буғдой сепилмаган қирларни кўрган эди. Ҳозир ҳам заранг бўлиб кетган тупроқ йўлдан мотоциклни ўша ёққа бурди. Икки чақиримча юрмасданоқ ям-яшил ўтлар орасида ёқутдек товланаётган лолалар кўрина бошлади. Зухра ҳар гал уларни кўрганида Шерзоднинг елкасига

туртар, кўзларида ўт ёниб, ўтирган жойида ёш болалар-дек ирғишлар, лолаларга имо қилар эди. Яна бир чақиримча юргандан кейин лолалар чаман-чаман очилиб ётган текис майдончага чиқиб қолишди. Майдоннинг бир чеккаси ясси қирга туташиб кетган, баланд-баланд ўтлар орасида пиёладек бўлиб очилган лолалар ловиллаб ёнар, фируза чучмўмалар ерга мунис бош эгиб турарди. Шерзод лолалар аллақачон тамом бўлган, деб хавотир қилганди. Бу йил ёғингарчилик кўп бўлгани учун ҳали улар қуриб қолмаган экан. У мотоциклини тўхтатиши билан Зухра эгардан сакраб тушди-ю, шимининг почаларини шимариб олганча ўтлоқ майдончадан югуриб кетди. У шоша-пиша гоҳ у, гоҳ бу лолани узар, шодон қаҳ-қаҳ уриб кулар, шу туришда гулдан гулга енгилгина парвоз қилаётган чиройли капалакка ўхшаб кетган эди.

– Шошманг! – деди Шерзод кулиб. – Бандини қисқа узяпсиз-ку! Мана бундай узинг, – Шерзод каттакон бир лолага эгилган эди, гулкоса ичидан сарғиш асалари ўрмалаб чиқди-да, ёнламаси учиб унинг юзига келиб урилди. Шерзод беихтиёр чўчиб тушди. Зухра кўлидаги лолаларни силкитганча қотиб-қотиб кула бошлади. Унинг қувноқ, жарангдор овози теран сукунат чўккан қир-адирларни уйғотишга қасд қилгандай тўлқинланиб, олис-олисларга таралиб кетди. Шерзод унга қараб жилмайиб қўйди-да, лолаларнинг бандидан, ерга туташган жойидан тутди. – Мана бу еридан ушлаб секин тортасиз, – деди Зухрага кўрсатиб. – Шунда банди синмайди, пиёзи ҳам жойида қолади. Янаги йилга тагин кўкариб чиқади.

Зухра яна лола теришга тушиб кетди. Шерзод эса ўт устига газета тўшаб ёнбошлади. Чуқур тин олди... Осмонда нишолдадек кўпирган тўда-тўда булутлар эринчочлик билан сузади. Шу қадар осуда, шу қадар чуқур бир сукунат чўкканки, киши қаттиқроқ нафас олишга ҳам ийманади. Фақат асаларилар, тиллақўнғизлар, яна аллақандай эрка мавжудотлар бир маромда гувиллайди. Аллақаерда куйиб-ёниб сўфитўрғай нола қилади. Аммо

бу овозлар чексиз-адоқсиз қир-адирлар сукунати буз-майди. Аксинча, янаям чуқурлаштиради, бу сукунатга собит бир куч бахш этганга ўхшайди. Нариги адирдан бошланадиган буғдойзор шамолда оҳиста тўлқинланади. Ҳар гал шабада елиб ўтганда буғдойзор оҳиста тўлқинланади. Ҳар гал шабада елиб ўтганда буғдой поя-лари бир томонга ёнбошлайди-ю, алланечук оч-кулранг тусга кириб товланади.

Шерзод уфққа туташиб кетган мана шу ям-яшил оламга, покиза булутлар вазмин сузиб юрган осмонга тикилиб ётаркан, ўзининг қалби ҳам бирдан кенгайиб кетгандек, вужудида қудратли бир куч уйғонгандек бўлди. Мана шу кенгликларни худди ўзидек кенг, ўзидек ти-ниқ қилиб тасвирлаш истаги туғилди...

Зухра бирпасда оламжаҳон лола, чуммўма, яна ал-лақандай тўқ-зангори чўл чечакларидан териб келди.

– Сиз-чи? – деди Шерзоднинг тепасига келиб. – Нега термаяпсиз?

Шерзод ўзини ларзага солган хаёл оламидан ҳали чиқмаган эди. Зухрага ҳайрон қараб қолди.

– Эринчоқ экансиз, манг! – Зухра унинг қўлига бир даста чучмўма узатди. У ҳарсиллаб нафас олар, юзлари қизариб кетган, қоп-қора сочлари елкасида ёйилиб ётарди. Шерзод қаддини илдам ростлади-да, чучмўма аралаш Зухранинг қўлидан маҳкам ушлаб олди. Қизнинг қўлларига тупроқ теккан, лола гулкосасининг чанги юкқан бармоқлари сарғайиб қолган эди. Зухра Шерзодга бир зум ҳайратлангандек қараб турди-да, секин пичирлади:

– Қўйинг... Яхшиси, лола теринг...

– Зухра! – деди Шерзод ҳаяжонли товушда. – Мен сиз-ни тез-тез кўриб туришим керак. Кўрмасам бўлмайди...

– Ҳўп, – Зухра секин бош силкиди. Шерзод унинг қўли-ни қўйиб юборган эди, Зухра ширин жилмайди. – Мана энди ақлли бола бўлдингиз. – У бир зум жим қолди-да, узун киприklarини пирпиратиб Шерзодга қаради. – Ҳо-зир нимани ўйлаб ўтиргандингиз, айтиб берайми?

Шерзод жилмайди.

- Қани?

Зухра кучоғидаги лолаларни газета устига ташлади-да, ерга ўтирди.

- Сиз мана шуларнинг ҳаммасини, - у гул чанги теккан бармоғи билан уфқни кўрсатди, - ҳаммасини тасвирлашни орзу қилиб ўтирувдингиз. Тўғрими?

Шерзод унинг табассум порлаб турган кўзларига тикилиб, хаёлан таҳсин ўқиди.

- Қаёқдан билдингиз?

- Бунақа манзарани ҳаммаям тасвирлагиси келади. Фақат маҳорати етмаслигидан кўрқиши мумкин.

Шерзод жилмайди.

- Тўғри-ку, лекин одам ўзининг маҳоратини кўрсатиш учун ижод қилмайди-да.

Зухра киприкларини пирпиратди. Кўзларига жиддият чўкиб сўради.

- Нега?

Шерзод ўйланиб қолди. Бундан бир неча йил илгари, талабалик пайтида қизиқ бир воқеа бўлган эди. Ёзги таътилда у қишлоққа борди. Бир кеча ҳовлида, анжир ёнидаги чорпояда ётган эди, уйғониб кетди. Шу пайт узоқдан қўшиқ овози эшитилди. Аллақандай ўткинчи йўловчи ўзича ашула айтиб борарди. Унинг овози бўғиқ, хириллаб чиқар, қўшиқ сўзлариниям бузиб-бузиб айтар эди. Аммо бу шу қадар сеҳрли, шу қадар ёқимли қўшиқ эдики, Шерзоднинг эти жимирлашиб кетди. Ўткинчи узоқлашиб кетгунча, шу қўшиқнинг сеҳрига маст бўлиб ётди. Қизиқ, кузда у ўқишга келганида концертга тушди-ю, яна худди ўша қўшиқни эшитди. Бу сафар ашулани машхур бир хонанда айтди. Лекин бу гал Шерзод маза қилмади. Шерзод кейинчалик нега шунақа бўлганини кўп ўйлаб юрар эди. Ҳозир ҳам Зухрага шуни гапириб берди.

Зухра газета устида сочилиб ётган лолалардан кўз узмай ўтирар, жимгина тинглар эди.

- Нега шунақа бўлганини анчадан кейин тушундим, - деди Шерзод ҳам лолаларга кўз тикиб. - Ўткинчи йўловчи кўнглидаги ҳисларни кўшиққа солиб айтган. Унинг мақсади ашула айтишмас. У кўнглида борини беихтиёр кўшиқ қилиб айтиб юборган. Хонанда бўлса одамлар олдада ўзининг маҳоратини кўрсатгиси келган. Ялтироқ кийим кийиб чиққан, овози борича кучанган. Шунинг учун ғашим келган экан. Тўғрими?

- Тўғриям, нотўғриям, - деди Зухра ўйчан товушда. - Тўғрилиги шундаки, асар у ёқда қолиб, ўзини кўрсатишга уринадиган санъаткорлар ростдан ҳам бор. У ёғини сўрасангиз, шунақа актёрлар борки, фақат ўзининг ролини ёдлаб олади-да, шуни қойил қилсам бўлди, деб ўйлайди. Ўзининг роли битиши билан жўнаб қолади. Ўша спектаклни тасодифан радиодан эшитиб қолса, «мендан кейин бунақа гаплар бўларкан-да», деб ҳайрон қолади. - Зухра шунақа актёрлар борлигидан аччиқлангандек, асабий қўл силтаб қўйди.

- Энди эътирозингизни айтинг, - деди Шерзод жилмайиб.

- Нотўғрилиги шундаки, - энди Зухра ҳам жилмайди, - сиз қишлоқда ўша кўшиқни эшитганингизда табиат кўйнида бўлгансиз. Юлдузларга тикилиб ётгансиз. Ўткинчининг ашуласи ўша ҳолатга мос бўлган. Концертга тушганда бўлса, саҳнадаги чироқни, атрофдаги одамларни кўриб тургансиз. Шартлилиқ деб шуни айтишади.

Зухра жимиб қолди. Чўккалаб ўтириб олди-да, чучмўма, лола, бўтақўзларни аралаштирганча, ингичка бармоқларини соч ўргангандек чаққон қимирлатиб, алланима тўқий бошлади. «Гулчамбар тўқияпти», ўйлади Шерзод ундан кўз узмай. Зухра бармоқларини чаққон-чаққон қимирлатар, диққат билан ишлаётгани учун бир нуқтадан кўз узмас, эгик, узун киприклари капалак қанотидек силкиниб-силкиниб қўяди.

«Пухта далил, - ўйлади Шерзод ундан кўз узмай. - Мунча бийрон бўлмаса бу...»

- Унақа тикилманг! - деди Зухра унга қарамай.

Шерзод кўзини олиб қочди.

– Раҳмат, – деди Зухра тўқилаётган гулчамбаридан кўз узмай. Кейин бир зум ишини тўхтатди-да, жилмайган кўйи чуқур хўрсиниб қўйди. – Биласизми, даланинг нимаси яхши?

Шерзод елкасини қисди.

– Масалан менга кенглиги ёқади.

– Далада одам бирданига бойиб кетади. – Зухра яна гулчамбарини тўқишга тутинди. – Далада ҳамма нарса ўзиники бўлиб қолади. Гуллару қирлар ҳам, осмону қуёш ҳам... Ҳаммаси! Табиатнинг одамга ёқиши шундан. Шаҳарда бўлса ўзинг ўтирган скамейкангниям биров билан бўлишасан. Шунақамасми?

Шерзод ўзининг кўнглидан кечаётган туйғуларни шунчалик аниқ айтиб бергани учун Зухрага хаёлан яна бир бор қойил қолди-ю, жилмайиб қўйди.

– Мен сал қизғанчикроқман. Ўзимнинг улушимни бошқалар билан бўлишишни ёмон кўраман!

– Худбин бўлманг! – деди Зухра ҳам жилмайиб. – Одам яхши кўрган нарсасини яқин кишиси билан баҳам кўриши керак. – У Шерзодга зимдан қараб қўйди. – Болалигимда ҳамма нарсани Ҳасан билан бўлишардик. Офтоб уники бўлса, булут меники бўларди. Осмон меники бўлса, тоғ уники бўларди. – Зухра секин хўрсиниб қўйди. – Соғиндим.

– Қачон келади акангиз?

– Байрамдан кейин бораман, деб ёзибди.

– Армияга кетмасдан олдин нима иш қиларди? – деди Шерзод Зухранинг ҳамон чаққон-чаққон ҳаракат қилаётган бармоқларидан кўз узмай.

– Разведка гуруҳида ишларди. Геолог бўлмоқчи, – Зухра қошини чимирди. – Кўрасиз, бу йил яна геология факультетига ўзини уради. – У бир зум жимиб қолди-да, қўшиб қўйди: – Ростини айтганда, Ҳасан акам аллақачон имтиҳондан ўтиб кетиши керак эди. Билими яхши, шу соҳага жонини беришга рози. Лекин ўтолмаяпти...

- Шуниси ёмон-да, – деди Шерзод куюниб. – Баъзан институтга жон-дилдан яхши кўрган одам у ёқда қолиб, дадасининг этагига осилиб олган аллақандай чаласавод кириб олади. Бунақа одам ўқиганда нима қилиб беради? Нар и борса, чаламулла мутахассис бўлиб етишади. Ўзи ишни қойил қилолмагандан кейин, ишни ўрнига қўяётган бошқа ҳамкасбларигаям халақит беради. – У узок жим қолди-да, секин кўшиб кўйди. — Бу жуда катта масала... Жамият тараққиётини белгилайдиган масала.

- Ҳозир бу ишга қаттиқ киришишяпти-ку, – деди Зухра гулчамбарни бир чеккага кўйиб. Унинг кўзларида чуқур жиддият бор эди. – Бу соҳада таниш-билишликка чек қўйилса, ажаб эмас.

- Менга қолса, таниш-билишлик, ошна-оғайнигарчилик деган тушунчани жазолаш учун алоҳида қонун чиқариб кўйган бўлардим. – Шерзод жаҳл билан қўл силтади. - Ҳар қанақа таниш-билишлик тагида ҳаром ният ётади. «Мен сенинг фалон ишингни битираман, сен менинг пистон юмушимни қилиб берасан». Бу тушунча заминиди одамгарчилик эмас, ўз манфаатини кўзлаш, деган нарса ётади, вассалом!

Шерзод ижирғаниб тез-тез гапирар, Зухра кўзларини катта-катта очганча унга тикилиб қолганди.

- Бир одам бор эди, – деди Шерзод ҳамон ўша баджаҳл оҳангда. – Бу дунёда ё заринг бўлсин, ё зўринг... деган гапни шиор қилиб олганди. Зўрни ишга солиб, зар топади, зарни ишга солиб зўр топади... Кеча шу одам билан яна тўқнашиб қолдик.

Шерзод Сайфи Соқиевич билан ўрталарида бўлиб ўтган воқеани ҳеч кимга айтмоқчи эмас эди. Ҳозир гап айланиб шунга тақалганидан кейин беихтиёр оғзидан чиқиб кетди.

- Энди нима қилмоқчисиз? – деди Зухра ўйчан тарзда. Унинг тўқиётган гулчамбари чала қолган, ҳали бу ерга келиб тушганларида кўзларида ёнган шодлик олови сўниб, ўзи аллақандай хомуш бўлиб қолган эди. «Бекор

қилдинг! – деди Шерзод ўзини койиб. – Бу қиз далага дам олиш учун, кундалик ташвишлардан сал бўлсаям халос бўлиш учун чиққан-ку! Театрдаги ҳар кунги гаплардан, ярим кечагача чўзиладиган репетициялардан толиққан-ку! Нима қиласан икир-чикир ғалваларингни тўкиб солиб?! Сенинг ҳасратингдан бошқа ташвиши йўқми унинг?»

– Ҳозирча нима қилишимни билмайман-ку, – деди у ҳушчақчақ гапиришга уриниб. – Лекин албатта нимадир қиламан. Менинг жинни одатим бор, бир ишга киришдимми, охиригача етказмай қўймайман!

– Бу одам сиз ўйлаганчалик анойига ўхшамайди, – деди Зухра ўйчанлик билан. Кейин узоқ муддат бир нуқтага кўз тикиб ўтирди-да, аниқ қарорга келди шекилли, ярқ этиб қаради. – Дадамлар билан бир гаплашмайсизми?

Шерзод умуман бировнинг кўмагидан фойдаланишга тоқати йўқ эди. Айни шу масалада бўлса бировга ҳасрат қилишни ҳечам хоҳламасди. Шунинг учун ҳазил билан қутулмоқчи бўлди.

– Ҳозиргина таниш-билишликни қоралаб турувдик, – деди кулиб. – Энди ўзимиз унинг пинжига тиқиламизми?

– Бу ишни ўзингиз учун қиялпсизми? – деди Зухра лаблари билинар-билинмас пирпираб. Шерзод ўзининг гапи унинг ҳамиятига текканини сезиб ноқулай аҳволга тушиб қолди.

– Хотиржам бўлинг, – деди Зухра кескин оҳангда. – Дадам ҳам сиз ўйлаган маънодаги таниш-билишликни ёмон кўрадилар. Бўлмаса, Ҳасан акам ҳозир институтни битираётган бўларди.

Шерзод Зухранинг лола чанги тегиб, сарғайиб қолган ингичка бармоқларидан кўз узмай жим қолди-да, сўради.

– Қаерда ишлайдилар?

– Халқ назоратида, – деди Зухра энди анча сокин оҳангда. – Бунақа ишларни текшириш шу ташкилотнинг вазифаси.

Шерзод беихтиёр бошини кўтариб, Зухранинг кўзига тикилди. «Сулаймон Рустамович... Рост-а, Зухранинг фамилияси Рустамова-ку!» деб ўйлади бирдан енгил тортиб. – Кеча ўзи ҳам бир кўнгли халқ назоратига учрашмоқчи бўлганини эслади. «Демак, Сулаймон Рустамович Зухранинг дадаси экан-да».

Зухра ҳамон ўйчан ўтирар, бир чеккада ўт устида ётган гулчамбарга тикилиб қолган эди.

Шерзод Сулаймон Рустамович билан уч-тўрт марта кўришганди. Бултур баҳорда Олий Кенгашга сайлов бўлаётганда Шерзод сайлов участкасида раис ўринбосари бўлган, Сулаймон Рустамович шу участкадан сайланган эди. Шерзод бу одамнинг сайловчилар билан учрашувдаги нутқини эшитган, ишбилармон, кескин киши эканлигини сезган эди.

– Мен дадангизни танийман, – деди у хотиржам оҳангда.

– Унда янаям яхши! – Зухра енгил тортгандай жилмайди-да, ўрнидан турди. – Фақат битта нарса ёмон бўляпти. Ҳозир ёмғир ёғади, қаранг.

Шерзод осмонга қаради-ю, шитоб билан сузиб ўтаётган пастак булутлар қорайиб кетганини кўрди. Зум ўтмай шамол шиддат солиб увиллай бошлади. Осмонда қоқигул укпарлари, лолаларнинг гулчамбарлари пирпираб учди. Нариги қирдаги буғдой поялари бир ёққа таппа ёнбошлаб, бутун майдон кулранг тусга кириб қолгандай бўлди.

– Ёмғир ёғса, мотоциклингиз ботиб қолади! – деди Зухра хавотирланиб. Унинг қоп-қора сочлари шамолда тўзиб, чиройли силкинар, у каскани киймоқчи бўлар, аммо сочларини ҳеч йиғиб ололмасди.

– Нима қипти, – деди Шерзод. – Жала ёғса, қолиб кетаверамиз-да!

Зухра кулимсираб бош чайқади.

– Соат олтида спектакль бор. Етиб боришим керак.

Шерзод Зухранинг лолаларини, гулчамбарларини йиғиштиришга кўмаклашди. Бу пайт осмон бутунлай қоронғилашиб кетган, шамол янаям кучайган эди. Уларнинг шундоққина боши устида чакмоқ ярақлади-ю, момақалди роқ асабий сурон солди. Унинг садолари чексиз чўл бағрида оғир-оғир тарқалиб қайта-қайта янграб кетгандай бўлди. «Чўлда момақалди роқ ваҳимали бўларкан», – деб ўйлади Шерзод Зухрага қараб. Зухранинг қоп-қора кўзлари каска остидан жавдираб турарди.

– Қўрқманг! – деди Шерзод жилмайиб. – Ҳозир катта йўлга чиқсак... – Боягидан ҳам қаттикроқ момақалди роқ гумбирлади-ю, унинг овозини босиб кетди.

Шерзод шошилиб мотоциклни ўт олди рди. Зухра бир қўлида лолалар дастасини ушлаганча мингашди. Шерзод заранг бўлиб кетган тупроқ йўлга тушиб мотоциклни физиллатганча ҳайдаб кетди. Рўпарадан эсаётган шиддатли шамол нафасни қайтарар, осмон гумбур-гумбурга тўлиб кетган эди. Тўсатдан заранг йўлга йирик-йирик томчилар туша бошлади. Ўша заҳоти қиялатиб жала қуйиб берди. Намиққан тупроқ иси, чўл чечакларининг ҳиди еру кўкни тутиб кетди.

– Маҳкамроқ ушланг! – деди Шерзод орқасига қараб. Зухра унинг гапини эшитмаса ҳам тушунди, шекилли, елкасига маҳкам ёпишиб олди.

Шерзод бирпасда шалаббо бўлиб кетди. «Шамоллаб қолади, – деб ўйлади Зухрага ачиниб. – Тўхташ керак».

Яна юз қадамча юрганларидан кейин мотоцикл ғилдираклари сирпана бошлади. Мотор ҳадеб вағиллар, мотоцикл бир вақтлар машина ўтган йўлнинг гоҳ у, гоҳ бу чаккасига сурилиб бориб келар, аммо олға жилолмасди. Охири бўлмади. Шерзод мотоциклни баланд қир этагида тўхтатди. Шерзод тушиши билан Зухрага қаради. Зухранинг ҳаворанг шими га лой сачраган, блузкаси кўксига ёпишиб, елкалари жиққа сув бўлиб кетган, лолаларни ҳамон бағрига босиб турар эди. Шерзод беихтиёр унга яқин борди.

- Шамоллаб қоласиз! - деди Зухранинг қўлидан тутиб. Зухра жилмайишга ҳаракат қилар, аммо боядан бери рўпарадан урган шамол таъсир қилган бўлса керак, ияги билинар-билинемас титрар эди. Шерзод осмонга қаради. Ҳамон момақалди роқ гумбурлар, ора-чора чақмоқ чаққанида қиялатиб ураётган йирик-йирик томчилар тилла тангалардай ёришиб кетарди.

- Сизни иситолмайман-у, пана қилишим мумкин... — деди Шерзод Зухранинг елкасидан тутиб. Зухра индамай итоат қилди-да, бежирим жуссаси Шерзодга яқин келди. Шерзод унинг елкасидан тутиб тутаркан, димоғига ёмғир ҳиди аралаш атир бўйи, балоғатга етган қизлардагина бўладиган яна аллақандай сеҳрли, кишини маст қилиб қўядиган навқирон ис урилди-ю, беихтиёр эгилди. Зухранинг каскасидан муттасил ёмғир сувлари оқиб тушар, қопқора қошларида, эгик киприкларида марварид томчилар илиниб қолган, негадир юзлари қизариб, тез-тез нафас оларди. Шерзод вужудига оташ солган бахтиёрлик туйғусидан маст бўлиб, Зухрани қаттиқ бағрига босди-да, унинг юмшоқ, ёмғирдан намхуш бўлиб қолган лабларидан узоқ ўпди.

- Қўйинг... - деди Зухра пичирлаб. - Яхшимас...

Улар чўлнинг қоқ ўртасида турганча шиддат билан ёғаётган жала остида бахтдан энтикиб нафас олишар, табиат эса ҳамон тантана қилар, осмон фариштаси оғзидан олов сочиб, қаҳқаҳа урар, шу икки жонсарақ вужуд бошидан илиқ севинч ёшларини сочар эди.

...Кечаси Шерзод негадир Фаридани эслади. Эслади-ю, ғалати бир ҳақиқатни англади. Қизик, ўйлаб қараса, у Фаридани худди шунақа фаслда, апрель оқшомида илк бор бағрига босган экан. Ушанда ҳам жала ёққанди. Бугун ҳам шунақа бўлди. Қизик. Зухранинг ўзи ҳам Фаридага ўхшаб кетади. Фақат ундан кўра бошқачароқ мукамалроқ... Спиралсимон тараққиёт деганлари шу бўлса керак-да. Дунёда ҳамма нарса такрорланади. Аммо

такомиллашиб қайтарилади. «Ким билсин, – ўйлади Шерзод кўзларини юмаркан, – балки ўзинг ҳам қадим замонларда яшаган биронта одамнинг такроридирсан. Дунё қизиқ... – У фикри чувалашиб кетаётганини сезиб хаёлан ўзига ўзи қўл силтади. – Қўй, оғайни, бугун дунёнинг чигалликларини ўйлайдиган кунмас. – Ҳаяжондан юзлари қизарган Зухранинг тиниқ чеҳраси унинг кўз ўнгига келди, лабларида унинг илиқ, майин лабларининг тафтини ҳис қилди-ю, жилмайди. – Бугун сен бахтиёр одамсан, тағин нима керак сенга, инсон!»

36

Сулаймон Рустамовичнинг қабулхонасида ҳеч ким йўқ эди. Девор тагидаги қатор стуллар бўш турар, бурчакдаги котиба ўтирадиган стул суянчиғига гулдор ҳарир рўмол буклаб ташлаб қўйилганди. «Тушликка чиқиб кетишибди», ўйлади Шерзод хона ўртасида тўхтаб. У энди бурилиб чиқиб кетмоқчи бўлиб турганди, ичкаридан музика товуши эшитилди. Шерзод беихтиёр ўша томонга юрди. Тепасига «Комитет раиси» деган зарҳал ёзув илиб қўйилган эшик қия очиқ турар, ўша томондан вазмин, айна пайтда этни жимирлатиб юборадиган тантанавор куй садоси қуюлиб чиқар эди. Шерзод бир лаҳза ўйлаб турдида, эслади. Бу Огинскийнинг «Полонези» эди.

Шерзод эшикни тортган эди, товушсиз очилди. Хона узун, остонадан тўргача гилам пойандоз тўшалган эди. Чап томондаги яхлит деразаларга парда тutilмаган, аммо ҳаво янгилагич қурилмага қопланган ёғоч панжара устига қатор-қатор гултуваклар қўйилган, оч-қизғиш рангдаги митти гуллар қийғос очилиб, деразанинг ярмигача тўсиб қўйган, хонага алланечук сокин бир кайфият бахш этиб турар эди. Бир бурчакда пўлат сейф, бошқасида пастак магнитола турар, куй садолари мулойим қанот қоқар, стол орқасида Сулаймон Рустамович ўтирар эди.

У қора костюм кийган, тирсагини столга тираганча, каф-
тини чаккасига босиб ўтирар, оқ оралаган сочлари бар-
моқлари орасида қуюлиб тушиб турар, кўзларини юмиб
олганди. Шу туришда у бемалол мизғиётганга ўхшарди.
«Дам олаётган экан», деб ўйлади Шерзод эшик тутқичи-
дан ушлаганча остонада тўхтаб. У нима қилишини бил-
май қолди. Бу одамнинг вақти ниҳоятда тигиз эканини,
шунинг учун атайлаб тушлик пайтидан фурсат ажратиб
ўзини чақирганини ўйлади-ю, кутиб туришга аҳд қилди.

Ниҳоят, куй тўхтади. Сулаймон Рустамович кўзини
очди, Шерзодни кўрди-ю, дарров қаддини ростлади.

– Ие, узр, – деди ҳижолатомуз жилмайиб.

Шерзод илдам бориб сўрашаркан, ўзи ҳам сезмаган
ҳолда бу кишидан Зухрага ўхшаш белгиларни ахтарди.
Ўшанда, сайлов пайтида эътибор бермаган экан. Сулай-
мон Рустамовичнинг кўзлари, қандайдир сокин боқув-
чи, аммо ич-ичидан ўт порлаб турган қоп-қора кўзлари
Зухраникига жуда ўхшаркан. Сулаймон Рустамович жил-
майганида Шерзод шу ўхшашликни, айниқса, аниқ сезд.

– Ўтиринг! – деди Сулаймон Рустамович рўпарадаги
креслога имо қилиб. Кафтини тираб ўтиргани учун бўл-
са керак, унинг чап юзи қизариб кетганди.

Шерзод бу одамнинг фурсати озлигини яна бир бор хаё-
лидан ўтказди-ю, бор гапни лўнда қилиб айтиб берди.

– Менинг Сайфи Соқиевич билан талашадиган нарсам
йўқ, – деди ҳамма гапни айтиб бўлгандан кейин. – Эрта-
га комиссия юбориб, универмагни текшириши керак,
дейишга асосим ҳам йўқ. Менга бошқа нарса кўпроқ таъ-
сир қилади. Рост, ҳалол одамлар, эл-юртга сидқидилдан
хизмат қилаётган савдо ходимлари кўп. Лекин шунақа-
лариям борки, ҳар кўрганда кишининг ғаши келади.
Шунақалари борки, ўзи тўқсон сўм маош оладида, ҳафта
сайин минг сўм созуриб улфатчилик қилади. Эллик минг
сўмлик шоҳона қаср куради. Кечгача исқирт халат кийиб
кабоб елпийди-да, кечкурун ярақлаб турган шахсий ма-

шинасини ҳайдаб дачасига боради. Эрталабгача маишат қилади. Уй солишга, машина олишга ҳаммининг ҳаққи бор. Аммо айтинг-чи, тўқсон сўм маош билан қандоқ қилиб эллик минг сўмлик қаср қуриб бўлади? Етмиш беш сўм маош билан ҳам бола-чақа боқиш, ҳам бебилиска базми-жамшидлар қилиш, устига-устак «Волга» сотиб олиш ақлга сиғадиган гапми?

Шерзод Сулаймон Рустамовичга қараб қўйди. Сулаймон Рустамович стол қиррасига тикилиб, бир нуқтадан кўз узмай ўтирар, қошлари чимирилган, кўзидаги бояги ёрқин, нурли ифода йўқолиб, чеҳраси аллақандай шиддатли тус олган эди.

– Бунақа одамлар бирни ўнга пуллаб, халқнинг чўнтагига чанг соладими ё кўзбўямачилик қилиб давлатнинг ҳамёнини ўмарадими, фарқи йўқ, – деди Шерзод. – Энг даҳшатлиси шундаки, бу одамлар ҳаммани боплаб аҳмоқ қиляпман, деб қувонади. Бу дунёга келганидан кейин яшаб қолиш керак, дейди. Қайси йўл билан бўлмасин қандингни ур, дейди. Булар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма нарсани: илмниям, амалниям, муҳаббатниям, борингки виждоннинг ўзиниям сотиб олса бўлади, деб ишонади... Ундан ҳам даҳшатлиси шуки, ёмон касал юкумли бўлади. Фалончи ишнинг кўзини билгани учун қаллоблик қилиб бўлсаям ҳаммадан яхши кун кўряпти, мен ҳам шундоқ қилсам бўлмасмикин, деб иккиланиб қоладиган одамлар йўқ дейсизми? – Шерзод ҳамон бир нуқтадан кўз узмай ўтирган Сулаймон Рустамовичга тагин қараб қўйди. – Кўрдингизми, бу одамлар ўзининг ҳаром фалсафаси билан бошқаларни ботқоқликка тортади... – Шерзод узоқ жимиб қолди. Сулаймон Рустамович бармоқлари билан сигарет учини эзғилаганича ҳамон бир нуқтага кўз тикиб ўтирар, аммо индамасди. Шерзод яна ўша шиддат билан гапира бошлади:

– Инсоният ақлини танибдики, эътиқод билан яшаган. Эришиб бўладими, эришиб бўлмайдими, бари бир

эзгуликка интилган. Булар-чи?! Эътиқодли одамни кўрса, масхара қилади. Ўзининг беномуслиги билан фахрланади. — Шерзод ғазаб билан қўл силтади. — Сен билганингни қилавер, мен ўзим учун яшайман, қани кўрамиз, ким тўғри қиларкан, дейди. Мабодо, шуни, айтмасаям, кўнглидан албатта ўтказди. Афтингизга тикилиб туриб худбинларча кулиб қўяди.

Сулаймон Рустамович ўрнидан туриб кетди. Оқсоқлана-оқсоқлана дераза олдига борди. Ҳовли томонга тикилганча сигарет тутатди. Шунда Шерзод сайлов олдидан унинг биографиясини ўқиганини эслади. Унда Сулаймон Рустамовичнинг Курск остонасида оғир яраланганлиги айтилган эди.

«Оёғидан яраланган экан-да», деб ўйлади Шерзод ундан кўз узмай. Шу ондаёқ дераза олдида ўтириб соат ковлаштираётган отасининг почаси шимарилган шими, учига резинка қопланган қўлтиқтаёғи кўз олдига келди. Кейин қайси куни универмагда анави заҳил юзли сотувчи хафа қилган уруш ветеранини эслади. Ҳаммаси йиғилиб келиб, бўғзига ғазаб бўлиб тикилди-ю, тағин ўша оҳангда давом этди.

— Биров қатағонга учради. Биров немис билан жанг қилди... Ҳаммаси нурли кун учун, нурли ҳаёт учун жон олиб, жон берди. Агар ўша кун бугунги кун бўлса, бунақа соялар қаёқдан пайдо бўляпти, Сулаймон Рустамович? Наҳотки, ота-боболаримиз шулар семириб юрсин, бировнинг қонини сўрсин деб жанг қилган бўлса? Сизлар шунинг учун жанг қилганмидинглар?

Шерзод юраги гурсиллаб ураётганини, юзлари ловиллаб кетганини, томоғи қақраб қолганини ҳис қилиб жимиб қолди.

Сулаймон Рустамович оҳиста бурилиб унга қаради. Оғзидан паға-паға тутун чиқариб, оқсоқланганча тепасига келди. Энди унинг кўзлари яна боягидек сокин, собит бир ишонч билан боқар эди. У Шерзоднинг елкасига кафтини қўйди.

– Соатингиз неча бўлди?

Шерзод эсанкираб қолди.

– Бирдан йигирма беш минут ўтди, – деди тезгина соатига қараб. – Вақтингизни олдимми? Узр...

Сулаймон Рустамович хотиржам бош чайқади.

– Йўқ, бемалол. – У негадир жилмайди. – Эслай олмай-сизми, шу соатни неча сўмга олгансиз?

«Нима қизиғи бор экан?» – Шерзод ҳайрон бўлиб қўл соатига яна бир бор қаради. Бу соатни у тўртинчи курсда хашарга чиққанида пахта териб йиққан пулига олган. Шунинг учун нархини аниқ эслар эди.

– Қирқ уч сўм! – деди Сулаймон Рустамовичга қараб.

– Тасмаси-чи?

– Аниқ эсимда йўқ. Бир сўм бўлса керак.

– Бир сўм эмас, бир сўм уч тийин. – Сулаймон Рустамович яна жилмайди. – Айтинг-чи, – деди сигарет тутатиб, – битта қопга шунақа тасмадан қанча кетади?

Шерзод гап бутунлай бошқа ёққа айланиб кетганидан ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

– Мингта сиғар.

– Менам шунақа деб ўйлагандим. – Сулаймон Рустамович Шерзоднинг елкасига тагин кафтини қўйди. – Яхшилаб жойласа қирқ мингта сиғаркан... Бир қоп тасма фабрикадан обчиқиб универмагда пулланса, қирқ минг сўм нақд пул! Ўзи назарга илинмайди-ю, катта пул, тўғрими? – Сулаймон Рустамович Шерзоднинг ёнидаги креслога ўтирди-да, оёқларини чалиштирди. Шундагина Шерзод унинг ҳамон кўнжли ботинка кийиб юрганини пайқади. – Сиз айтган Соқиев шунақа туллак одамки, уни қармоқ билан илинтиролмайсиз. Йўғон-йўғон суянчиқлари бор. Бунақа наҳанглари тўп отиб овлаш керак... Зиёни йўқ. Ҳозирча питиллаверсин. Аллақачон тўрга тушган. Каттакон тўрга тушган. – Сулаймон Рустамович Сайфиддин аканинг қанақа тўрга тушиб қолганини тасвирламоқчи бўлгандек, икки қўлини доира қилиб кўрсатди. Шунда

унинг кўзларида тагин ўша тиниқ нур порлаб кетди.
- Яна бир-икки ҳафта сабр қилинг, – деди у жилмайиб.
- Сизга ҳамма материалларни берамиз. Шунақа қилиб ёзингки, боя ўзингиз айтган имонсиз одамлар кимга сиғинишини билмай қолсин. На зардану на зўрдан мадад тополсин!

Шерзод бу одамнинг жилмайиб турган кўзларига қараркан, унинг вужудидаги собит, қудратли ишонч туйғуси беихтиёр ўзига ҳам кўчди-ю, руҳида битмас-туганмас куч пайдо бўлди. Демак, кўп нарсадан хабардор экан бу одам. Хабардоргина эмас, Шерзод билмаган яна кўп нарсаларни биларкан. Фақат унга ўхшаб шовқин солаётгани йўқ. Ёш болалардек бақириб-чақираётгани йўқ. Хотиржам, совуққон кураш олиб борапти...

- Тушундим, – деди Шерзод беихтиёр овозини пасайтириб. – Ҳаммасини тушундим. – У ўрнидан турган эди, Сулаймон Рустамович ҳам қаддини ростлади.

- Мен сизга кўнғироқ қиламан, – деди унинг қўлини маҳкам қисиб. – Сиз нурли кунларимизда соялар қаёқдан пайдо бўляпти дедингиз. – У Шерзоднинг қўлини ҳамон кафтида ушлаб тураркан, оҳиста кўшиб қўйди. – Гап бундоқ, ўғлим, бунақа соялар ҳар доим бўлган. Ҳозир ҳам бор. Кейин ҳам бўлади. Аммо улар борган сайин кўзга хунук кўриняптими, билингки нур кўпайиб борапти. Лекин у ўзидан-ўзи йўқолмайди. Нима дедингиз?

Шерзод каттакон ҳақиқатни оддийгина қилиб кўз ўнгига келтириб қўйган Сулаймон Рустамовичга яна бир бор қаради-да, худди ўқитувчисидан сабоқ олаётган мактаб боласидек секин бош силкиди:

- Тушунарли. Ҳаммаси аён.

У ҳовлига, камалак рангида товланиб ётган гулзор олдига чиққанида, вужудида ёрқин бир енгиллик сезди, кўксини тўлдириб чуқур нафас олди.

«Одамнинг боши – Оллонинг тоши» деганлари тўғри. Яхши-ёмон кун ҳар бир кишининг бошида бор. Лекин инсон бу дунёга келганига пушаймон ейдиган кун камдан-кам бўлади. Шу бугун Сайфи Соқиевич онадан туғилганига минг-минг пушаймон еди. Бугун у ўша Горторг мудирини – «шеф»нинг олдида борди. Бир ҳафтадан буён универмагнини савдо инспекцияси билан халқ назорати текшираётгани, бу сафарги тинтув аввалгиларга ўхшамаслигини айтиб маслаҳат сўрамоқчи эди. «Шеф» уни роса икки соатча куттирди. Сайфиддин ака иш куни охирига қолганда, ниҳоят, унинг ҳузурига кирди. «Шеф» креслога ёнбошлаб бемалол чой ичиб ўтирган экан. Авваллари Сайфи Соқиевични кўрса, қўш қўллаб кўришадиган одам бу сафар малол келгандек қўлининг учини узатди.

Сайфиддин ака бериқоқдаги стулга омонатгина ўтирди.

– Оборотнинг мазаси йўқ-ку! – деди «шеф» қовоғини солиб.

Сайфиддин ака амаллаб илжайди.

– Битмаган иш борми, шеф! – деди мулойимлик билан. – Буюриш сиздан, бажариш биздан-да.

– Илжайишни ким қўйибди сизга! – «шеф» сурнайга ўхшаш қийқиллаган овози билан жеркиб берди. – Бачканалик қилгандан кўра, режани ўйланг!

Сайфи Соқиевич «шеф»нинг совуқ йилтираб турган кўзларига, узун бўйнидаги учбурчак бақбақасига қараб ўтираркан, ўзи жарга қулаб кетгудек бўлса, бу одам бир чеккага чиқиб олиб бемалол томоша қилиши аниқлигини тушунди. Йўқ, «шеф» унинг жарга йиқилишини шунчаки томоша қилиб қолмайди. Ўзининг ҳам оёғидан тортмаслиги учун орқасидан тепиб юборади. «Падарингга минг лаънат! Найнов! – ўйлади Сайфи Соқиевич қабулхонадан чиқиб бораркан. – Ҳали мени индамай кетади, деб ўйлаяпсанми? Менга бир нима бўлсин, еган-ичганингни бурнингдан булоқ қилиб ситиб оларман!»

У кўчага чиққанида бутунлай бўшашиб қолди. Мана, суянган яна битта устунни қулаб тушди... Сайфи Соқиевич шу хаёл билан бекатга бориб, автобусга ўтирди. Қизиқ, мунча кўп бу одамлар! Мунча кулади бу одамлар! Ташвиши йўқмикан ҳеч?

У ҳар куни битта югурдагининг машинасида уйга қайтар, жуда бўлмаса такси ёллар эди. Йўл шу қадар узоқлигини, автобус шунақа тикилинч бўлишини энди билди. Кун исиб кетган, нафас олиш қийин, тер ҳиди, бензин иси аралашиб, кишининг дамани қайтарар эди. Кимдир унинг лоҳас бўлаётганини пайқади, шекилли, жой берди. Сайфи Соқиевич чарми ёрилиб кетган қаттиқ ўриндиққа ўтираркан, талмовсираб «раҳмат», деб қўйди.

Автобус имиллаб боради, ҳар чақиримда тўхтайтиди, биров тушиб, биров чиқади. Қулоқни қоматга келтирадиган шовқин бир зум тинмайди. Бунга сайин Сайфи Соқиевичнинг мияси ғувиллайди.

- Ўзинг паноҳингда асра, Худо! - деб пичирлади у деразадан ташқарига тикилиб бораркан.

Одамлар қизиқ. Иши юришиб турган кунлари Худони бир карра эсламайди-ю, бошига оғир савдо тушганида унинг марҳаматидан паноҳ излаб қолади. Сайфи Соқиевич ҳам кейинги пайтларда кечалари Худога нола қилиб чиқадиган бўлиб қолди. У «фабрикант»нинг камалиб қолганини эшитганида, аввалига унчалик ваҳимага тушмаган эди. Ўшанда ҳатто дўстининг уйига бориб, хотинини юпатди. Бу савдолар хусумат туфайли бўлганини, шундоқ дўстини қаматиб қўйиб, индамай турмаслигини айтди. Уни эрта-индин чиқариб оладиган бели бақувват одамлар борлигини айтиб, кўнглини кўтарди. Аммо иш бошқачасига айланиб кетди. Байрам арафасида универмаг секцияларини жуда катта комиссия текшира бошлади. Сайфиддин ака бу галги текширувлар унча-мунчага кўнадиган одамлар эмаслигини, унинг илдиз-илдизига-ча зил кеткизадиган ишлар бошланай деб турганини, шу иш бошланса, зарлару зўрлар жонига ора киролмасли-

гини ҳис қилди. Бу «ғалва»ларни энг аввало Шерзоддан кўрди. Ўша бола келиб-кетди-ю, шу савдолар бошланди. У ишни пухта қиларди. Савдодаги кирим-чиқимни доим тўғрилаб қўяр, универмагдаги ўзига яқин «болалар»га ҳам шуни ўргатган эди. Лекин комиссия ҳам анойи эмасди. Қайси мол қаёқдан қайси йўл билан келгани-ю, қаёққа кетаётганини битта-битталаб текшира бошлади. Бунинг устига тарози посонгисининг бир палласида турган «фабрикант» зилзамбил темир қафасда ўтирибди. Посонгининг бир палласи қимирлагандан кейин, иккинчиси ҳам ликилламай иложи йўқ. Ана унда...

Сайфи Соқиевич у ёғини ўйлагиси келмасди. У кечалари секин-секин нола чекарди.

– Ўзинг паноҳингда асра, Худойим!

Байрам ҳам азадек ўтди. Ҳар гал байрамда улфатлар йиғилишиб, Бўстонликдаги махсус олиб қўйилган ишратхонага боришар, қўй сўйиб, қимизхўрлик қилишар, пул учун ҳар нарсага тайёр турадиган дўндик жувонлар билан базми жамшид қуришар эди. Бу сафар Сайфиддин ака ҳеч ёққа бормади. Биров одаммисан, деб эшигидан кириб ҳам келмади. Шунда у қизиқ бир нарсани ўйлади: Сайфиддин ака болалигида боғларининг этагидан ўтадиган анҳорда кўл чўмилар, қумлоқ соҳилда офтобда тобланиб ётишни яхши кўрарди. У ҳўл қумни бир ерга тўплаб ўзига турли «қасрлар» қуради. Тасаввурда бу «қасрлар»да подшолар яшар эди. Аммо кун қизиб, қуёш тиккага келиши билан қум қуриб қолар, афсонавий «қасрлар» ўзидан-ўзи ўпирилиб тушар эди. Энди ўйласа, унинг атрофидаги одамлар ҳам ҳўллаб ёпиштирилган дўстлар экан. Қуёш тиккага келиб бир қиздирган эди, ҳаммаси уваланди-ю, ҳар ёққа сочилиб кетди. Мана бугун яна бир суянчиғидан айрилди. Найнов ўзини қуруққа олиб қочди... Бир ёқда уйида ҳаловат йўқ.

Сайфи Соқиевич бир ҳафтадан бери «ортиқча» нарсаларни енгиллатишга киришган эди. Энг аввал «фабрикант» совға қилган оқ тулпорни йўқотди. Кейин ўттиз

тўртта катта-кичик гиламни узоқ-яқин қариндошлариникига тарқатди. Шунда яна нима учун «ЗИЛ» холодильникинигини бир эмас, учта олганига, рангли телевизир бўлса, Сирожиддиннинг уйидагиси билан қўшилиб бир эмас, тўртта бўлиб кетганига, ҳеч ким чалмайдиган роялнинг нима кераги борлигига ўзи ҳам ҳайрон қолди. Хотин киши тиллага ўч бўлади. Сайфи Соқиевич бошига тушай деб турган ташвишни айтиши билан хотини ваҳима ичида тилла тақинчоқларини, ялтироқ кийим-кечакларини, бурчак-бурчакка тиқиб ташлаган кийимлик матоларини яширишга тушди.

Сайфи Соқиевич автобусдан тушганида қуёш ботиб борар, гузардаги чойхона олдида ўсган азамат толлар учида шафақ ўйнар, сўриларда одам гавжум эди. Аллакимлар унга салом берди, шекилли... Сайфиддин ака анграйиб қараганча бош силкиб алик олган бўлди. Кейин тез-тез юриб ўз кўчасига кирди. У тезроқ уйига боришни, одамлар кўзидан тезроқ яширинишни хоҳларди.

Кунгурадор қуббалардан нақш қилиб сирли бўёқ берилган дарвоза илгари ҳар кўрганида бир олам қувонч бағишларди. Бу дарвозани у Тошкентнинг манаман деган усталарига буюриб, нақшинкор қилиб ишлатганди.

«Ўзгартириш керак, – деб ўйлади у бир зум тўхтаб. – Ичиқора нокаслар шуниям гап қилади ҳали». У бир неча қадам орқага чекинди-да, қасрдек салобат тўкиб турган уйига разм солди. Бу сафар четдан, бегона назар билан қаради. Ўзининг уйи ҳам, Сирожиддинники ҳам кўзига жуда ваҳимали кўриниб кетди. Гулдор жило бериб ишланган баланд карниз, яхлит деразаларга тутилган нақшли панжаралар ўтган-кетганнинг эътиборини беихтиёр тортар эди. Шунда у яна бир нарсани ўйлаб, эти сесканиб кетди. Борингки, уйини шипшийдан қилиб қўйди ҳам. Аммо бир эмас, иккита қасрдек участкасининг деворига ёпиштирилган мрамар «шуба»ни кўчириб ташлаб бўлмайдими-ку! Ҳар қандай овсар ҳам шу «шуба»нинг ўзи неча минг туришини билади-ку!

- Худонинг ўзи асрасин! - деди у пичирлаб.

Салқин дарвозахонадан ўтиб, ҳовлига кирди. «Президент» гуллар қийғос очилган, гўё ҳозиргина ботган қуёш шафағининг бир бўлаги шу ҳовлига тушиб қолгандек, гулзорда оч-пушти нур таралиб турганга ўхшар, этак томонга кетган асфальт йўлканинг икки чеккасида сарв дарахтлари саф тортиб турар, ундан нарида қора лолалар товланиб кўзни олар эди. Бўм-бўш отхонанинг эшиги ланг очик турар, гараж олдидаги цемент майдонча бўш эди. «Сирож ҳали келмабди, - деб ўйлади Сайфи Соқиевич беихтиёр этак томонга юраркан. Одатда, Сирожиддин кечқурун келганида машинасини шу майдончада юварди. - Машина Сирожнинг номида, биров тегиб кўрсинчи». У гулзор четидан ўтди-да, шийпон олдига бориб қолди. Шифтига товус тасвири туширилган, паркет поллари ярақлаб турган мана шу шийпон унинг кўпдан-кўп қувончли дамларига гувоҳ бўлганди. Мана шу шийпонда унинг номига олам-олам мақтов гаплари айтилганди. Ҳозир шийпон ҳам кўзига жуда хунук кўришиб кетди. «Қани энди ўша номардлар! - деб пичирлади у ғижиниб. - Қаёққа қочиб кетди ҳаммаси? - Шийпон остидаги мрамар ҳовузчада сузиб юрган хонбалиқлар унинг ғашини келтирди. - Кўмиб ташлаш керак!»

У вазмин оёқларини аранг судраб, айвон олдига келди. Зиналардан кўтариларкан, айвон остидаги ертўлада, тахта пол тагида турган пулларини эслади. Майли, буни-ку амаллаб яширар, аммо қўша-қўша кассалардаги пулларини нима қилади?! Текширадиган одамлар хоҳласа бир кунда ҳаммасини аниқлаб олмайдими?

Сайфи Соқиевич гарангсиб ётоққа кирди. Хона бўш, ўртада битта эски шолча ётар, бурчакда темир каравот турар эди. Уй ёруғ бўлса ҳам Сайфиддин ака юраги қислиб включателни босди. Шифтдаги хира лампочка ёнди. Аввал мана шу шифтда тилла суви югуртирилган чет элдан келтирилган қандил минг бир хил рангда товланар эди. Энди қирқ вольтли олмадеккина лампочкага куни

қолди. Шунга қарамай «ҳовуз» қилиб ишланган, сирли жило берилган шифт ярақлаб кўзини оляпти.

«Қаёққа даф бўлди бу!» Сайфи Соқиевич хотинини излаб яна айвонга чиқди. Сирожиддиннинг уйи томондан хотинининг товуши келаётганини эшитиб, ўша ёққа юрди. У кириб борганида хотини тахмондаги атлас, бахмал кўрпачаларни йиқитар, келини эса уй ўртасида индамай қаққайиб турар эди. Элмира уни кўриб салом берди. Сайфиддин ака алик олмай, бош силкиб кўйди: «Калтакесакка ўхшаб сумраймай ўл!»

У кейинги пайтда келинидан ҳадискирайдиган бўлиб қолганди. Охирги жанжалга сабаб бўлган тилла қошиқлар эртасига топилди. Шийпон зинасига тушиб қолган экан. Шундан кейин Элмира отасиникига кетиб қолмоқчи бўлган, аммо Сайфиддин ака гап-сўзни кўпайтирмаслик учун амаллаб тўхтатиб қолганди. Бошига мана бу ишлар тушганида Элмирадани ҳам гумон қилди. Келини ўша кеча «хаммаларинг ўғриси», деб бақиргани унинг эсидан чиқмаган эди. Ҳозир ҳам шуни ўйлади-ю, Элмирадани юз ўгириб хотинига қаради. Хотини ҳеч қанақа тақинчоқ тақмаган, ҳалпираган штапель кўйлак кийиб олган эди. Илгарилари оғзини иложи борича катта очиб кулишга ҳаракат қиладиган бу хотин энди тишининг оқини, тўғрироғи, тишининг сариғини кўрсатишга кўрқадиган бўлиб қолганди. «Хотин киши одамми? – ўйлади Сайфиддин ака ундан кўз узмай. – Тилла балдоқларингни яширганинг билан нақд ўттиз иккита тилла тишингни суғуриб ололмайсан-ку, хумгазак!»

– Нима қиялсан? – деди у жеркиб.

– Беш-ўнта кўрпани йўқотиб турайлик. Ҳарна бегона кўздан нари турсин!

– Олаверинг, ойи, олаверинг, – деди ҳамон уй ўртасида қаққайиб турган Элмира пинагини бузмай. – Биттасиниям ишлатган эмасман.

Сайфиддин ака ярқ этиб келинига қаради. Ўшандан бери қайнона-келин араз, бир-бири билан гаплашмас

эди. Ҳозир Элмира бу гапни жуда хотиржам айтди. У осойишталик билан қайнонасининг ҳаракатларини кузатар эди. Умуман, бу оилада бўлаётган югур-югурларга Элмира бепарқ қараётгани кўриниб турар, у гўё кўпдан кутиб юрилган иш бўлаётгандек беписанд эди.

«Мунча совуқ бу, – деб ўйлади Сайфи Соқиевич ғижиниб. – Мунча заҳар! Илонга ўхшайди, газанда».

Келинининг гапи қайнонага оғир ботди шекилли, бобиллаб берди:

– Яхши кунлардан аяб, ёмон кунга асраб қўйган экансиз-да!

– Мен умуман ишлатмоқчи эмасдим! – деди Элмира яна ўша осойишталик билан.

Унинг мана шу гапи – «умуман ишлатмоқчи эмаслиги», Сайфиддин аканинг шубҳасини янаям оширди. «Сув ўзимизнинг уйдан лойқаланган бўлмасин тагин», деб ўйлади тез-тез юриб чиқиб кетаркан. Ҳозир у ҳаммадан шубҳаланарди. Аммо энг катта шубҳаси Шерзоддан, ўша қитмир ёзувчидан эди. «Ҳамма ғалвани ўша бошлади! – деб ўйлади у зинадан тушиб бораркан. – Баннисада ётганимдаёқ кўнглимдан ўтувди-я! Бунақалар бориб турган пес бўлади. На ўзи ейди, на бошқаларга едиради. Бор бўлсанг, кўролмайдди, йўқ бўлсанг беролмайдди. Ўшанда ишхонага келганда очиқдан-очиқ айтди-ку, ҳали яна гаплашиб қўямиз, деб. Падарингга лаънат-эй! Асли ўшанда тинчитиб юборсам бўларкан. Ўзи қўлга тушиб турувди-я! Бировни урганга уч йил статья бор ахир...»

У асфальт йўлка олдига энди етган эди, машина сигнали эшитилди. Қора «Волга» дарвозадан оҳиста кириб келди-да, ҳовли этагига – гараж олдига ўтди. Сирожиддин машинадан тушиши билан Сайфиддин ака яқин борди.

Сирожиддин эшикни қарсиллатиб ёпиб, салом берди.

У ҳар вақтдагидек чаққон, кўзлари ўйнаб турар эди.

«Ёш-да, бари бир ёш, – деб ўйлади Сайфиддин ака ўғлига бошдан-оёқ қараб. – Мўйчинак тишламаган ҳали. Ҳеч нимани ўйламайдди!»

- Менга қара, ўғлим, – деди у Сирожиддинни машина панасига тортиб. – Гап бор.

Сирожиддин яқин келиб қулоқ тутди. Шунда Сайфиддин ака унинг оғзидан коньяк ҳиди келаётганини пайкаб, кўнгли тагин ғаш тортди.

- Хотин киши дўст бўлмайди, – деди у пичирлаб. – Хотинингга эҳтиёт бўл.

Сирожиддин унга ярқ этиб қаради. Ранги ўчиб, мушти тугилди.

- Секин, – деди Сайфиддин ака янаям пастроқ товушда. – Айниқса, ҳозир эҳтиёт бўлиш керак. Кейин, – у пичирлаб гапиришга тушди, – анави ёзувчи бола бор-ку, бу ғалваларни бошлаган ўша бўлади! Билиб қўй, менинг пайимни қирқишга тушган бу бола. Худо кўрсатмасин, газит-пазитга уриб чиқса борми, иш бутунлай чувалашиб кетади. Тушундингми?

Сирожиддин кўкиш кўзлари ғазабдан қисилиб кетди.

- Шунақами? – деди тишларини ғижирлатиб. – Газетага ёзмоқчимилар ҳали?

- Ўзингни бос! – Сайфиддин ака унинг елкасига туртди. – Ҳалиям бўлса, бало-қазонинг олдини олиш керак. Оғзига сиққанини олсин-у, тинч қўйсин одамни бу ҳароми!

Сирожиддин дадасининг кўзига тикилганча узоқ жим қолди. Сайфи Соқиевич унинг хаёлидан нималар ўтаётганини билмас, аммо бир режа тузаётганини тушуниб турарди.

Ҳа, Сирожиддин режа тузарди. Шерзод тўғрисидаги гап унинг учун кутилмаган янгилик бўлди. Тўғри, у Шерзоднинг Зухрани мотоциклга мингаштириб кетаётганини кўрганда бир ғаш келган, аммо аллақандай бир артистка учун у билан олишиб ўтиришни ўзига эп кўрмаганди. Бир куни бу йигит билан тўқнаш келишини ўйлаган эмасди.

Рост, Шерзод Самандаров – катта ёзувчи. Сирожиддин унинг баъзи нарсаларини ўқиган, Шерзод билан институтда учрашув бўлиб қолса талабалар учун байрам бўлиб

кетишини билади. Лекин ким бўлсаям, Сирожиддиндан четроқ юрсин. Сирожиддин йўлига тўғаноқ бўлганларни босиб-янчиб ўтишга кучи етади. Аввал ҳам йўлини тўсганлар бўлган. Сирожиддин пул биланми, бошқа биланми, ишқилиб, жиғини эзиб қўйган уларни! Бу сафар ҳам индамай турмайди. Нега деганда, Шерзод унинг дадасига эмас, Сирожиддинга чоҳ қазияпти. Унинг режаларини чалкаштириб юборяпти. Дадаси тўғри айтади. Ёзувчи бирон ғалвани бошласа, гап чувалашиб кетади.

У дадасининг бели бақувватлигига, таниш-билишлари кўплигига ишонарди. Ундан кўпам хавотир олмасди. Дадаси анойимас. Қаёқдан бўлмасин, суянчиқ топади. Лекин Шерзоднинг хавfli томони бошқа ёқда. Агар у фельетон-мельетон ёзадиган бўлса, шабадаси дадасидан кўра кўпроқ ўзига тегади. Сирожиддин шуни ўйлаб хавотирга тушиб қолди. Биринчи бўлиб Домла чеккага чиқиб олади. Ўзи кафедрада Домланинг обрўси ҳаминқадар. Бунинг устига «фельетон» бўлиб урилган ўртоғининг боласини диссертация ёқлатиш учун уриниб ётибди, деган таънадан ўлгудек қўрқиши турган гап. Бу фикр бошқаларнинг хаёлига келмаса ҳам, Домла ўзидан қўрққанидан шу баҳонани ўйлаб топади. Устига-устак, факультетда Сирожиддинни жинидан ёмон кўрадиган, Домланинг этагига осилиб юрганини сезиб, энсаси қотаётган одамлар сон мингта! Қилич Валиевга ўхшаганлар бўлса, Сирожиддинни Домласи билан бир сихга тортиб кабоб қилиб юборишга тайёр. Балки, унинг кўнглида бунақа ният йўқдир. Лекин Сирожиддин бу одамни ҳар кўрганда шуни ўйлайди. Назарида Қилич Валиев ҳар сафар унга тешиб юборгудек текилиб қараётганга, «қорнингда нима борлигини билмайман-у, аммо бошингда илм йўқлигини аниқ биламан», деяётганга ўшайди. Шуни ўйлайди-ю, ҳар гал уни кўрганда Сирожиддиннинг ғаши келади. Лекин ғаши келсаям илжайиб қўяди. Нима қилсаям кафедра мудирини, ахир. Катта олим... Шундай одам

Сирожиддинни бир туртиб қўйса, кейин нима бўлади? Сирожиддин шунча елиб-югургани бекор кетадими? Домласига ўхшаган арзимаган одамларнинг оёғига шунча йиқилиб, индамай кетаверадими? Йўқ, бу балонинг олдини олиш керак. Дадаси пишиқ, дадаси йўлини топиб кетаверади. У энг аввал ўзининг ишини ўйлаши керак. Нима бўлса бўлсин, ўзининг тагига сув кетмасин!

Ниҳоят, у бир қарорга келди, шекилли, ҳамон рўпара-сида туриб жавоб кутаётган дадасига қараб, захарханда билан кулиб қўйди.

- Қўяверинг, дада! Ўзим гаплашиб қўяман ўша мир-закуруқ ёзувчи билан. Пул бўлса - чангалда шўрва!

- Баракалла ўғлим, бир иложини қил! - деди Сайфиддин ака илтижо қилгудек бўлиб. - Қанча олса олсин-у, тилини тийиб юрса бўлди!

Сирожиддин дадасининг кўзлари киртайиб қолганини, шу бир неча кун ичида қопдек шалвираб тушганини энди пайқади.

38

Шерзод рассомларнинг кўргазма залида Ўрол Тансиқбоев асарлари намоиш қилинаётганини эшитиб қолди. У бу рассом асарларини жуда яхши кўрар, ҳар бир полотнога соатлаб тикилиб қолар, ҳар гал уларни кўрганда қалбида алланечук виқорли, осойишта туйғулар уйғонарди. Бугун Шерзод кўргазмани Зухра билан бориб кўрмоқчи бўлди.

У театр олдига етиб келганида, кун пешиндан оққан, ҳаво иссиқ эди. Театрнинг тарғил дарвозаси одатдагидек ёпиқ турар, асфальт йўл товадек қизиқ кетган, кўнгилни оздирадиган чучмал мум ҳиди анқир эди. Шерзод берироқда бекат яқинидаги заранг дарахти тагида туриб анча кутди. Репетиция чўзилиб кетди, шекилли, Зухра ҳадеганда чиқавермади. Шерзод зерикиб бекатда тур-

ган одамларни томоша қила бошлади. Ҳамма қаёққадир шошилади, бетоқат бўлиб йўлга қарайди. Ора-чора гувиллаганча троллейбус келиб тўхтади. Эшиклари тарақлаб очилиши билан иссиқдан бўғилган йўловчилар отилиб пастга тушишади. Бекатдаги одамлар эса ичкари кириб олса, иссиқдан қутуладигандек ўзини троллейбусга уради. «Қийин, – ўйлади Шерзод улардан кўз узмай, – серқуёш ўлкада яшаймиз деб қувонамиз-у, шу қуёшнинг ўзи баъзан қийнаб юборади одамни».

Кимдир унинг елкасига қўлини қўйди. Шерзод бурилиб қаради-ю, рўпарасида турган Сирожиддинни кўрди. Сирожиддин калта энгли йўл-йўл кўйлак кийиб олган, тилла гардишли қора кўзойнагининг бандидан ушлаб пирпиратиб ўйнаганича жилмайиб турар эди. У Шерзод билан кўришаркан, театр дарвозаси томонга имо қилди. Кўзларида истеҳзоли табассум ёнди.

– Шу ёққа ишга ўтганмисиз, қоровул бўлиб?

– Шунақа бўлган, – деди Шерзод кулиб. – Яна битта штат бор экан, келмайсизми сиз ҳам?

– Аввал қанақа ишлигини билайлик, – Сирожиддин яна жилмайди. – Келсак келаверамиз-да!

– Жосус ролига муносиб одам топилмаётганмиш.

Сирожиддин қаҳ-қаҳ уриб кулди. Шерзодни кўлтиқлаганча четга, девор томонга бошлади.

– Ҳалиям шайтон арава миняпсизми? – деди йўл-йўлаккай атрофга аланглаб.

Улар бекатдан анча узоқда, аллақандай қурилиш майдончасининг атрофини ўраб турган бетон девор тагида тўхтадилар. Девор панаси соя бўлса ҳам нафасни қайтарадиган даражада дим, қўланса мум ҳиди димоқни ёрарди. Шерзод бу ис қаёқдан келаётганини энди билди. Қурилиш майдонида қорамой эритишаётган экан. Девор ортидан қоп-қора тутун буруқсир, қуюндек ўрлаб ҳавога кўтарилар эди.

– Сизга мотоцикл ярашмайди, машина олинг! – деди Сирожиддин сояга ўтаркан.

Бу гапни у шу қадар самимий айтдики, Шерзод ҳайрон қолди. У чиндан ҳам машина сотиб олишни орзу қилар, лекин ҳар сафар тўпламларига пул олганда каттароқ улушини аясига жўнатар, қолганини ўртоқлари билан ўтиришларга сарфлаб юборар эди. Ҳозир Сирожиддиннинг сидқидилдан айтган маслаҳати эски орзусини яна эсига солди.

- Кўрармиз, - деди ўйланиб, - машина олиш қочмас.

- Сиз ижоддан ташқари мақола-пақолаям ёзиб тура-сиз-а! - деди Сирожиддин қандайдир бепарво оҳангда.

Шерзод ярқ этиб унга қаради-ю, гапни қаёққа бураётганини тушунди. «Ҳа, гап буюқда экан-да, - у ғижиниб Сирожиддинга қараб қўйди. - Дадаси элчи қилиб юборибди-да!». Сулаймон Рустамович ҳали Шерзодни йўқламаган, шунинг учун Шерзод Сайфи Соқиевичларнинг иши нима бўлганидан беҳабар эди. «Дўппи тор келиб қопти-да», деб ўйлади у Сирожиддинга қаттиқ тикилиб.

- Ҳа, мақола-пақолаям ёзиб тураман! - деди совуққина қилиб.

- Ўшангаям гонорар оласизми?

Шерзод кулимсиради.

- Албатта.

Сирожиддин яна кўзойнагининг бандидан ушлаб айлантира бошлади.

- Қанча оласиз?

- Билмадим, - деди Шерзод елкасини қисиб. - Бу қанақа материаллигига боғлиқ. - У Сирожиддиннинг кўзига тешиб юборгудек тикилди-да, қўшиб қўйди. - Масалан, оддий мақолага камроқ, фельетонга кўпроқ...

Сирожиддин кўзойнагини борган сайин тезроқ парпирата бошлади. «Асабийлашма, биродар! - деб ўйлади Шерзод кулимсираб. - Айтавер дардингни!»

Сирожиддин кўзойнагини ўйнашдан тўхтади.

- Менга қаранг! - деди алланечук чапанича шиддат билан. - Сиз билан эркакчасига гаплашса бўладими?!

- Бўлади! - Шерзод ундан баттарроқ шиддат билан яқин келди. - Айтинг!

Сирожиддин шошилмади. Шерзодга бошдан-оёқ синчковлик билан назар солиб чиқди-да, шимининг чўнтагини узоқ ковлаштириб, сигарет олди. Яна ўшандай имиллаб гугурт чизди.

- Айтинг, - деди Шерзод ўзининг ранги ўчиб кетгани, юраги қаттиқ ура бошлаганидан ғаши келиб.

- Гап бундоқ, - Сирожиддин оғзидан паға-паға тутун чиқарди. - Гап бундоқ, сиз дадам тўғрисида ёзмоқчи бўлиб юрибсиз, тўғрими? - У Шерзоднинг кўзига алланечук хотиржам қараб қўйди.

Мана шу хотиржамлик Шерзодга айниқса оғир ботди.

- Тўғри, - деди ўзи ҳам иложи бориचा осойишта гапириб. - Ёзмоқчиман.

- Ёзмайсиз...

Сирожиддин бу гапни уч яшар ўғилчасига «шўхлик қилма», дегандек ярим дашном, ярим эркалаш оҳангида айтди. Унинг кўзларида ташвиш эмас, ўз куч-қудратига ишонч, ҳатто истехзоли қулги бор эди.

- Ёзсам-чи? - деди Шерзод лабларини қимтиб.

Сирожиддин яна сигаретини сўриб тортди.

- Шунинг учун эркакчасига гаплашамиз, деяпманда! - У Шерзодга яна бошдан-оёқ қараб чиқди. - Сиз ёзганингиз билан дадамга ҳеч нима қилмайди. Дадамнинг илдизи бақувват. Бу ишга аралашмаганингиз маъқул. Ўзингизга жабр қилманг! Тушундингизми?

«Хўш, давомини айт!» - ўйлади Шерзод лабларини тишлаб. Энди унинг юраги ғазабдан гупиллар, вужуди ўт бўлиб ёниб кетаётгандай бўларди.

- Йўқ, - деди у хириллаб, - тушунмадим...

- Гап шу! - Сирожиддин сигаретни ерга ташлади-да, ялтироқ туфлисининг товони билан узоқ эзғилади. - Сиз ўша нарсани ёзмайсиз. Фельетон ёзиш-ёзмаслик ҳар кимнинг шахсий иши. Бунинг учун ҳеч ким сизга индамайди. Баҳонада битта «Жигули»лик бўлиб қоласиз.

- Бори шуми? – деди Шерзод лабларини қимтиб.

- Шу, – Сирожиддин хотиржам оҳангда қўшиб қўйди. – Мен сизга эркакча гапни айтдим. Жавобини ўйлаб кўринг.

- Сизга эркакча жавоб керакми? – Шерзод унинг бури-
либ кетаётганини кўриб йўлини тўсди.

- Ҳа, – деди Сирожиддин яна бепарволик билан, – эр-
какча жавоб керак.

- Мана!

Шерзод жуда қаттиқ урдими ё Сирожиддин бундай бўлишини кутмаган эдими, девор тагига бориб тушди. Бир лаҳза гарангсиб ётди-да, қўллари билан бетон деворга суяниб қаддини ростлади. Унинг шими тупроққа қоришган, қора кўзойнаги анча нарига, чанг босган йўлка чеккасига отилиб кетган эди.

- Яхши! – деди у хириллаб. Шунда Шерзод унинг лаб-
лари орасидан қон сизиб чиқаётганини кўрди. – Яхши! – Сирожиддин гандираклагудек бўлиб ўрнидан турди-да, шимининг почаларини қоқиб тозалаган бўлди. – Кафанингни тайёрлаб қўй! – У йўлка четида ётган кўзойнагини тепиб ўтаркан, хириллади. – Фельетонингни пулига кафанлик олиб қўй!

Шерзод турган жойида қалтирар, пешонасидан совук тер чиқиб кетган, алланима томоғини хиппа бўғиб қўйган эди. Сирожиддин катта йўлни кесиб ўтгунча Шерзод унинг изидан қараб турди. Шундагина кўчанинг нариги бетида бақатерак соясида турган «Волга»ни кўрди.

- Итвачча! – деди у энди тилга кириб.

Шу ондаёқ ҳаяжонли бир овоз уни орқага бурилиб қарашга мажбур қилди.

- Шерзод ака!

Йўлка бошидан Зухра югуриб келар, кўзларида қўрқув бор эди. У тез югурганидан бўлса керак, юзлари қизариб кетган, сочлари ёйилиб елкасига тушганди.

- Нима гап? – деди яқин келмасданоқ ҳарсиллаб.

«Кўрибди. Яхши бўлмади», – деб ўйлади Шерзод жил-майишга ҳаракат қилиб.

- Тинчлик.

Зухра яқин келди-да, унинг елкасига қўлини қўйди.

- Қўрқиб кетдим, - у энтикиб жилмайди. - Қўйинг-э!
Отелло бўлиш сизга ярашмас экан.

Шерзод тушунмади. Аммо гапни бошқа мавзуга буриш учун соатига қараб қўйди.

- Тўрт бўпти. Юринг. Кўрғазма бекилиб қолмасин.

39

Шерзод ишга кечикиб келди. Кабинет эшиги қулфлигини кўриб ҳайрон бўлди. «Дарвиш келмабди-да», деб ўйлади калит солиб эшикни очаркан. Ҳаммадан олдин келиб оладиган Абдувоҳид бугун йўқ эди. Унинг стули столга тақаб қўйилган, доим сигарет тутаб турадиган каттакон шиша кулдон бўш эди. Шундагина Шерзод кеча Абдувоҳиднинг навбатчилик қилганини эслади. «Иш чўзилиб кетган бўлса керак», деб ўйлади ўз жойига ўтираркан. У ишни нимадан бошлашини билмай бир зум хаёл суриб туриб қолди. Кеча халқ назоратидан телефон қилишган, бугун соат ўн иккида Сулаймон Рустамович уни кутишини айтишган эди. Шерзод соатига қараб қўйди. Ҳали бир соатча вақт бор... «Демак, масала ҳал бўлган, - кечадан буён хаёлида чарх ураётган фикр яна қуюлиб келди. - Сулаймон Рустамович материалларни тўплаган... Сирожиддин бекорга типирчилаб қолмаган экан-да».

Телефон кўнғироғи жиринглаб, хаёлини бўлди.

- Менга Самандаров керак эдилар! - деди янгроқ овоз.

Шерзод бир зум иккиланиб турди-ю, товуш эгасини таниди.

- Шоирахон, яхшимисиз, - деди жилмайиб. - Сиз ташлаб кетган шикоят хати текшириляпти.

- Ўзингизмисиз? - деди Шоира яна ўша янгроқ товушда. - Мен бошқа нарсани айтмоқчийдим. Шикоят эсимдаям йўқ.

Шерзод кулди.

- Нега эсингизда бўлмас экан. Бошқаларни ишга солиб қўйиб ўзингиз унутиб юборасизми?

Шоира бир зум жим қолди-да, сўради:

- Раҳмонов Абдувоҳид сизларда ишлайди-а?

Шерзод трубкани қулоғига маҳкам босиб тураркан, Абдувоҳидга Шоирани таништиргани, дўсти Шоирани кўрганида анграйиб қолганини эслади. «Бирон ерда гап отиб қовун туширган бўлмасин, дарвиш», деб ўйлади халлан жилмайиб.

- Ишлайди, - деди трубкага. - Танийсиз, шекилли.

- Кеча у кишини хирургия бўлимига олиб келишди.

- Нима? - Шерзод сакраб ўрнидан туриб кетди. - Нимага олиб боришади?

- Кеча приёмний покойда навбатчи эдим. «Скорий»да олиб келишди.

Бу сафар Шоиранинг янгроқ товуши хунук эшитилди Шерзодга.

- Нима? - деди бақириб. - Нимага «Скорий»да олиб боришади?

- Авария бўпти! - Шоира Шерзоднинг товушидан унинг аҳволини тушунди, шекилли, энди секин, тушунтириб гапирди. - Мотоцикли авария бўпти. Мия чаноғи билан қовурғаси синган.

- Ҳозир бораман! - Шерзод энди трубкани улоқтирмақчи бўлиб турган эди, Шоиранинг шоша-пиша қичқиргани эшитилди.

- Алло, алло!

- Ҳа, - деди Шерзод жеркиб, - тагин нима гап?

- Келишингиздан фойда йўқ! - деди Шоира ҳам кескин оҳангда. - Бемор кечаси операция қилинган. Реанимацияда. Олдига ҳеч кимни қўйишмайди. Яхшиси, уйдагиларни юпатинг.

- Бу нима деганингиз? — Шерзод гарангсиганча яна трубкага қичқирди. - Тушунтириб гапиринг, ахир!

- Уйдагиларга айтинг. Операциядан яхши чиқибди денг!

Шерзод оёқларидан мадор кетиб ўтириб қолди. «Нима бўлади! – Бу савол боядан бери миясига қайта-қайта урилаётганини энди пайқади. – Нима бўлади энди? Ойим шўрлик нима қилади энди? Болалари нима қилади?»

У телефон трубкасидан қисқа-қисқа гудок эшитилаётганини энди пайқади. Трубкани жойига ташлади-ю, лифт томонга югурди. «Нимага авария бўлади? Қанақа авария? Абдувоҳид эҳтиёт бўлиб юрарди-ку доим!»

У Самарқанд дарвоза даҳасининг тор кўчаларидан ўтиб бораркан, шу саволлар миясида кузғундек чарх урар, атроф эса сокин эди. Гўё ҳеч нима бўлмагандек пахса деворлар ортида мусичалар сокин кукулар, думбул бўлган оқўриқлар тотли ис таратар эди. Кечаси қаттиқ шамол бўлган, шекилли, кўп ўриқларнинг шохи синиб кетган, баъзилари девор устига илиниб қолган, аммо кўча озода эди. Ҳар бир хонадон ўз дарвозасининг олдини чиннидай супуриб, кўйган эди. Фақат Абдувоҳидларнинг пастак дарвозаси олдида тупроқ ўйнаб ётар, девор тагидаги тахта скамейкани чанг босганди.

Шерзод яқин келиши билан эшик ғийқиллаб очилди-да, енгсиз чит кўйлак кийган қизалоқ отилиб чиқди. Унинг ялангоёқлари, қўлчалари, ҳатто тўзғиб кетган сочларигача тупроқ эди. Шерзод Абдувоҳиднинг қизларини доим адаштириб юрарди. Ҳозир негадир дарров таниди. Бу – дўстининг ўртанча қизи Зулайҳо.

– Зулай! – Шерзод турган ерида тўхтади-да, чўнқайиб кучоғини очди.

Зулайҳо пилдираб келди-да, унинг бўйнига осилди. Шерзод уни даст кўтариб қум гардидан оқариб қолган дўмбоқ юзидан ўпди.

– Уйда ким бор? – деди томоғини бўғиб келаётган аллақандай шўртанг бир нарсадан нафаси қайтиб.

– Адам йўқла, – деди қизча ҳамон унинг бўйнини кўйиб юбормай. – Энди адам ўлалла-а?

Қизалоқ бу гапларни кўзларини катта-катта очиб шу қадар ишонч билан айтдики, Шерзод сесканиб кетди.

- Унақа дема! Эртага аданг келади. Сенга-чи, каттакон кўғирчоқ обкелади.

- Й-у-ўқ, - деди қизалоқ бош чайқаб. - Ман биламан, адам ўлалла!

Шерзоднинг юраги орқасига тортиб кетди. Гандирак-лагудек бўлиб пахса деворга суяниб қолди. Оёқ-қўлидан мадор кетиб Зулайҳони скамейкага ўтқизди. У эшик очилганини, Абдувоҳиднинг хотини чиқиб келганини анчадан кейин пайқади. Қизиқ, Шерзод уни дафъатан таниёлмай қолди. Одам бир кунда шунчалик ўзгариши мумкин экан. Доим кулиб турадиган бу аёлнинг кўзлари ич-ичига тушиб кетган, лўппи юзлари сарғайиб, аллақандай чўзинчоқ бўлиб қолган, бошида рўмоли йўқ, сочлари тўзиган эди. У эмизикли қизчасини кўтариб олган, қизалоғи жажжи қўлчаси билан ҳадеб унинг кўкрагини таталарди. Ўзига сингилдек бўлиб қолган бу аёлнинг мана шу маҳзун ҳолати Шерзодга аллақандай куч ато қилди.

- Ҳозир касалхонадан қўнғироқ қилишди, - деди Шерзод иложи борича хотиржам гапириб. - Аҳволи яхшимиш. Кўрқманг.

Абдувоҳиднинг хотини эшитилар-эшитилмас пичирлади.

- Раҳмат.

Шерзод унинг йиғидан шишиб кетган юзи, қизарган кўзларига тик қарашга журъат қилолмади.

- Ойим қанилар? - деди қия очиқ дарвозадан ичкарига қараб.

- Банниса эшигида қолдилар! - Абдувоҳиднинг хотини овози титраб, кафти билан юзини тўсди. - Ҳеч қаёққа кетмайман, дейдилар.

- Ўзингизни қўлга олинг! - Шерзод аёлнинг елкасига қўлини қўйди. - Йиғламанг!

Аёл чуқур энтикди.

- Эсим қурсин, киринг ичкарига.

Шерзод пастак дарвозадан кириши билан димоғига райҳон исси урилди. Чап томондаги гулзорда райҳонлар

барқ уриб ётар, ҳовли юзи ифлос, ҳаммаёқда шох-шаббалар сочилиб ётарди.

Зулайҳо пилдираганча ҳовли тўрига югурди. Ёнғоқ шохига илиб қўйилган, икки қулоч арқондан ясалган арғимчоққа осилди. Ундан наридаги супа устида хонтахта турар, хонтахтада қолган шиша идишдаги мураббони ари талар эди.

– Нима бўпти ўзи? – деди Шерзод ҳовли ўртасида тўхтаб. – Қанақа авария?

– Анигини ҳеч ким билмайди. – Абдувоҳиднинг хотини қўлидаги қизалоғини ерга қўйди. – Бор, Муҳайё, опанг билан ўйна, – деди ҳиқиллаб. – Маҳалланинг сартароши кўрибди. Шундоқ кўчанинг бошида «Волга» уриб кетибди.

– Қанақа «Волга?» – деди Шерзод гарангсиб. – Ушлашибдимми?

Абдувоҳиднинг хотини алам билан бош чайқади:

– Урибди-ю, кетаверибди. Ноинсоф одам экан. Ҳеч бўлмаса касалхонага вақтлироқ оборганидаям шунчалик бўлмас эди. – У яна ҳиқиллади. – Кўп қон кетган, дейишади.

– Нега ўзи уриб, ўзи қочиб кетади! – деди Шерзод бўғилиб. – Ҳеч бўлмаса, биронта белгиси бордир машинанинг?

Абдувоҳиднинг хотини яна кескин бош чайқади.

– Билмайман! Ҳеч нимани билмайман.

«Изига тушиш керак! – Шерзод хаёлига келган фикрдан қувват олгандек эшик томонга бурилди. – Сартарош билан ҳозироқ гаплашиш керак. Нега энди уради-ю, кетаверади. Ким ўзи у зўравон!»

– Мен ҳозир... – У эшик олдида бир лаҳза тўхтади. – Ўзингизни қўлга олинг, – деди юпатиб.

У чойхона олдига келгандагина ҳарсиллаб қолганини, юраги қаттиқ-қаттиқ ураётганини сизди. Шундагина юриб эмас, югуриб келганини пайқади. Чойхона гавжум, сўриларда чойхўрлар бемалол чордана қуриб ўтиришар, тол шохига илинган тўрқовоқларда беданалар қарс-бадабанг базм қилишарди.

Чойхона ёнбошидаги ойнаванд сартарошхонанинг эшигига оқ дарпарда тутилган эди. Эшик очиқ турар, оқ парда секин-секин силкинарди.

Шерзод эшик пардани силтаб тортди-да, ичкари кирди. Каталакдек тор хона тўрида ингичка стол турар, столга каттакон тошойна тик қилиб қўйилганди. Ойнада бўйнига оқ фартук тутилган чўққисоқол чолнинг акси кўринарди. Оппоқ халат кийиб олган сартарош ҳадеб сув ҳўллаб чолнинг бошини ишқаларди.

Шерзод салом бериб, остонадаги эски стулга чўқди. Сартарош унга қиё боқмай, «Валей» деб кўйди-да, чолнинг бошини ишқалашда давом этди. Чамаси, у чол билан айни қизғин гапга тушганида Шерзоднинг кириб келиши жинига ёқмади. Шерзод буни сартарошнинг қип-қизил баркашдек лунжи бир томонга бурилиб кетганидан сездди.

«Чолнинг чиқиб кетишини кутиш керак! – деб ўйлади у сартарошга зимдан қараб. – Қайсар одамга ўхшайди бу. Гап олиш ҳам қийин, шекилли!..»

– Бу итдан таркаганларга ҳайронман! – деди сартарош бирданига чийиллаб. – Билмадим, нимадан қуруқ қоларкан булар! Бола бечорани урди-ю, индамай кетдиворди, ит эмган!

– Палакат-да, палакат! – деди чол минғиллаб. – Палакат қош билан қовоқнинг ўртасида туради, деган машойихлар.

Шерзод сесканиб кетди. Гап кечаги авария ҳақида кетаётганини сездди-ю, нафасини ичига ютиб қулоқ солди.

– Э, палакат дегани мунақа бўмийди. – Сартарош қип-қизил лўмбиллаган қўлини сочиқ билан ишқаб артди. – Кўриб турибман, болапақир маттасекилини бир чеккага олди. Орқадан келаётган машина бўлса, чироғини ёқиб бало-қазодай устига бостириб келаверди. Ичиб олган, бу эшак! Бўлмаса бировни уриб, ғизғизон бўп кетадими хотинталоқ!

Шерзод сеҳрланиб қолгандек сартарошнинг оғзига тикилиб ўтирар, гапининг давомини кутарди. Аммо энди сартарош жимиб қолди. Устарасини олиб, стол бурчагига миҳлаб қўйилган тасмага урганча чархлай бошлади. Шерзод ортиқ чидолмади.

- Кечаги аварияни айтяпсизми? - деди хотиржам гапиришга уриниб. - Жуда ёмон бўпти-да.

- Секинроқ айтасанми, ука! - сартарош устарани қайишга жаҳл билан қаттиқ-қаттиқ ура бошлади. - Бировнинг тилаб-тилаб олган боласини мажақлаб кетди-ю, ақалли тўхтамади, қизингни...

- Номер-номерини кўрдингизми? - деди Шерзод ҳаяжондан нафаси қайтиб.

- Қаёқда! - Сартарош қайишини силтаб қўйиб юборди. - Шамолдай учиб келди-ю, урди-кетди, хотинталоқ! Аммо-лекин битта-яримта бўйнийўғоннинг мошинаси экани аниқ. Худо ҳаққи, аниқ. Қоп-қора зулукдай «Волга». Олдинги иккита ципраси нол-нол эди. Нон урсин агар, нол-нол эди. Нол-нол номер кимда бўлади? Бўйнийўғонда! - сартарош чолнинг бошига шириллатиб устара тортаркан, ҳамон чийиллаганча алланималарни тушунтирар, аммо Шерзод энди унинг гапларини эшитмасди. «Қора «Волга», - деб ўйлади у чувалиб кетаётган фикрини тўплашга уриниб. - Олдинги номери ноль-ноль... Шошма-шошма... - бирдан унинг миясида чакмоқ портлаб кетгандек бўлди. - Сирожиддин! Сирожиддиннинг мошинаси бўлмасин тағин!..»

- Менга қаранг, амаки! Машинанинг орқасидан вентиллятор кўринмадими?

- Нимага бақирасан манга, ука! Ман қаттан биламан? - Сартарош тажанглик билан бош чайқади. - Бола бечора қора қонга беланиб қолди-ю, вентиляторинан нима ишим бор? - у устарани чолнинг боши устида муаллақ тутганча ўйланиб қолди. - Аммо-лекин деразасига парда тутиб қўйганди, чоғи. Атлас парда...

«Уша! – деб ўйлади Шерзод бирдан миясига қуйилиб келаётган фикрлардан боши сирқиллаб. – Худди ўзи! Бошқа ҳеч ким машинасига атлас парда тутмайди».

Шу ондаёқ бетон девор тагида икки букилиб ётганча лабининг қонини артаётган Сирожиддин кўз ўнгига келди. Унинг алам билан айтган сўзлари қулоғи остида жаранглади: «Кафанингни тайёрлаб қўй!» «Уша! – деб ўйлади у аламдан вужуди титраб. – Доим мотоцикл миниб юрганингни кўрган. Абдувоҳидни сен деб ўйлаган. – У вокзалга борганида Сирожиддин мотоциклнинг номерини масхара қилганини эслади. Бундан чиқди, сенга отилган ўқ Абдувоҳидга теккан. Нега? Бу қандоқ адолатсизлик! – унинг тишлари ғижирлаб кетди. – Ўзингга тегса бўлмасмиди. Бола-чақанг йўқ, орқа этагингда оғирлигинг йўқ!.. Шошма! «Волга»нинг номери қанақа эди! Шерзод ҳарчанд уринмасин эслай олмайди. Қизиқ, у ҳеч қачон қизиқмаган экан бунга. Фақат Сирожиддин ўшанда вокзалда мақтанганини эслади. «Киройи номер олгандан кейин нол-нолидан олиш керак!» Ҳа, худди шундоқ деганди. Худди шундоқ!»

Шерзод сакраб ўрнидан турди-ю, кўчага отилди. Семиз сартарош орқасидан анграйиб қараб қолганини ҳам, ҳозирги ёшларнинг бетоқатлигини айтиб чолга ҳасрат қилганини ҳам эшитмади.

У автобус бекатига қараб югураркан, ҳадеб пичирларди: «Тезроқ бориш керак, тезроқ!» Шерзод Сайфи Соқиевич айтган адресни яхши эслаб қолганди. «Мевазордаги энг катта участка! Театр Навоийга ўхшаган уй...» Сайфи Соқиевич бу гапни қайта-қайта айтганиданми, уйини «театр Навоий»га ўхшатгани учунми, бу сўзлар Шерзоднинг хотирасига маҳкам ўрнашиб қолганди. «Тезроқ бориш керак! – деб пичирлади у яқинлашиб келаётган сурмаранг таксига қўл кўтариб. – Ҳеч бўлмаса машинасида бирон белги қолгандир. Мотоциклни урган машина пачоқ бўлмайдами? Тезроқ бориш керак, тезроқ!»

Сирожиддин ҳеч қачон шу кечадаги сингари азоб чекмаган эди. Кечаси билан шамол ғувиллаб чиқди. Сирожиддин ташқарида шамолнинг шиддат билан уввос солишига, аллақерда увиллаётган итнинг хосиятсиз нолишига қулоқ солиб ётар, мижжа қоқолмас эди. Уй ичи нимқоронғи, девор соати ғашни келтириб тинимсиз чиқиллар, ташқарида эса ваҳимали шовқин-сурон бир нафас тинмасди. Элмиранинг чуқур-чуқур нафас олиб осойишта ухлаши ҳам, соатнинг чиқиллаши ҳам, шамолнинг суронию итнинг увиллаши ҳам унинг ғашига тегар, кўзлари қум тиқилгандай ачишар, аммо ухлай олмасди. Кўзини юмиши билан ўша даҳшатли воқеа ярқ этиб хаёлида жонланар, ётган жойида сесканиб тушар эди. «Ҳеч ким кўрмаган, – дерди у қайта-қайта пичирлаб. – Кўрса, изимга тушарди! Ҳеч ким кўрмаган!»

Йўқ, у бунақа қилмоқчи эмасди. Ҳаммаси ўзидан-ўзи, бир зумда бўлиб ўтди. Сирожиддин эсини йиғиб олгунча ҳаммаси тамом бўлди... бирпасда тамом бўлди... Тушдан кейин у Домлани кутиб олгани аэропортга чиқди. Домла самолётдан очилиб-сочилиб тушди. Эр-хотин Сирожиддин олиб берган йўлланма билан яхши ҳордиқ чиқаришгани билиниб турар, икковининг ҳам димоғи чоғ эди. Домла Сирожиддинга жуда яхши муомала қилди. Ишини тезлаштиришини айтди. Сайфи Соқиевични суриштирди. Сирожиддин дадасининг ишлари орқага кетаётганини айтмай қўя қолди. Домлани уйига кузатиб қўйдида, «Баҳор» ресторанига борди. Кўп ичганиям йўқ, нари борса икки юз грамм коньяк ичди, милиция тўхтатса, ҳиди сезилмаслиги учун озгина қалампирмунчоқ чайнади. Ресторандан чиқди.

Агар ўша лўппи юзли официантка учрамаганда ҳам тўғри уйга келган бўларди. Аксига олиб энди мотор-

ни юргизганда ўша жонон оёқ остидан чиқиб қолди. Сирожиддин у билан икки-уч марта улфатчилик қилганди. Бу сафар ҳам «тайёр нарса»ни ташлаб кетгиси келмади. Уни уйига - Чорсуга кузатиб борди... Улфатчилик чўзилиб кетди, Сирожиддин қайтиб чиққанда вақт алламаҳал бўлган, кайфи хийла ошиб қолганди. У машинани Самарқанд дарвоза кўчаси томон бураркан, кўнгли жуда равшан эди. Ҳар томонлама иши юришиб турган бўлса, шундоқ жононлар хизматига шай турса, тагин нима керак!

Тўғри, кейинги кунларда уларнинг хонадонидан файз кетди. Икки ҳафтадан буён дадаси тик этса, кўчага қараб ваҳимада юрибди. Сайфиддин аканинг юзига қараб бўлмайди. Бир йил ерга ёпишиб ётган касалдек сарғайиб кетди. Унга ҳеч ким тегаётгани йўқ. Аммо тегиши аниқ. Нимадир бўлади. Бунақа пайтда ўша бўладиган нарсанинг ўзидан ҳам ваҳимаси ёмон. Дадаси тўғри айтади, ҳаммасини ўша мирзақуруқ ёзувчи қилди. Сирожиддин бола бўлиб фақат битта одамдан калтак еган эди. Анови профессор Валиев уни бир тарсаки урганди. Аммо Сирожиддин унга индамаганди. Негаки, бу одамга ҳали кўп иши тушишини биларди. Келиб-келиб Шерзоддан, ўша аблаҳдан калтак егани унга алам қилди. Шошмай турсин. Ҳали шунақа қасос оладики ундан!

Сирожиддин Самарқанд дарвоза кўчасидан машинасини ҳайдаб бораркан, шуни ўйлади-ю, ёниб кетди. Қанийди ҳозир дуч келса!

Машина тор кўчада елиб борар, эллик қадам олдинда аллақандай мотоцикл тариллаб оламни бузарди. Сирожиддин оёқ остидан типиллаб чиқиб қоладиган мотоцикллару велосипедларни жинидан ҳам ёмон кўрарди. Ҳозир ҳам уни тезроқ қувиб ўтишга аҳд қилди. Яқинроқ борган эди, қизил мотоциклнинг номери таниш кўринди. Сирожиддин ўз кўзига ишонмай олисни ёритадиган чироғини ёқди. Йўқ, у адашмаган эди. Олдинда ўзининг

ўн учу ўн уч номерли шайтон аравасини миниб Шерзод кетарди. Ҳа, бу ўша Шерзод эди. У Шерзоднинг яшил каскасини ҳам, мук тушиб олган кўйи мотоцикл рулини чангаллаб бораётган қўлларини ҳам аниқ кўрди. Унинг кўзига қон қуюлиб кетди. Кучи борича газ бериб бостириб бора бошлади. «Жон керак бўлса қоч!» – деди пичирлаб. Шерзод орқасидаги машина чироқларини баралла ёқиб келаётганини кўриб, мотоциклни йўл чеккасига олди. «Кўрқмас экансан-а! – деб пичирлади Сирожиддин вужудига ёпирилиб келган аллақандай кучдан роҳатланиб. – Кўрқмас экансан-а, мирзақуруқ! Мана бўлмаса!». Ўз қудратидан лаззатланиш туйғуси тўсатдан қутуриб ҳамла қилди-ю, Сирожиддин рулни мотоцикл устига буриб юборди. Шу ондаёқ машинанинг ўнг қанотига алланима қаттиқ урилганини, мотоцикл коптокдек бир чеккага учиб кетганини кўриб қолди. Кейин тезликни камайтирмасдан машинани хиёл чапга бурди-да, шиддат билан ҳайдаб кетаверди. У ҳадеб орқасига бурилиб қарагиси келар, аммо кўрқар эди. «Орқангдан қувишади! – бу фикр унинг хаёлига яшиндек урилди. – Ҳозир қувишади. Одам ўлдирдинг. Одам!» У машинани шиддат билан ҳайдар, орқада йилт этган чироқ кўринса, ваҳимадан энтикиб газни босар эди.

Йўқ, ҳеч ким уни қувмади. Сирожиддин дарвозадан кириб, гараж олдидаги майдончада тўхтагандан кейингина титроғи босилди. У тушиши билан дарров машинани кўздан кечира бошлади. «Агар фара синиб қолган бўлса, тамом, ўшандан топиб олишади, – деб ўйлади ўнг томондаги чироқни кўздан кечириб. – Йўқ, чироқ синмабди, ҳаммаси жойида! Хайрият. – У машинани шоша-пиша гаражга киритди. – Битта-яримтаси номерни кўриб қолмаган бўлса, марра сеники. Ҳеч ким ҳеч нимани исботлай олмайди».

Гараж дарвозасини қулфлади. Ҳовли қоронғи эди. Кейинги пайтларда дадаси билан онаси кун ботар-бот-

мас уйга кириб кетишар, унга ҳам шу кунларда тезроқ қайтишни тайинлашар эди. Сирожиддин асфальт йўлкадан ўтиб, ўзларининг айвонига кирди. Ундан ётоққа ўтди. Шундагина аъзойи бадани жиққа сув бўлиб терлаб кетганини пайқади. Ётоқхона қоронғи, ёғоч каравотда Элмира ётарди. Сирожиддин чироқни ёқмасликка аҳд қилди. Эндигина ётган эди, Элмира керишиб эснади-да, ўрнидан турди.

Кейинги кунларда эр-хотин деярли гаплашмас, кеч-курун Сирожиддин ишдан келиши билан Элмира гап йўқ, сўз йўқ, бир коса овқатни олдига дўқ этиб келтириб қўяр, кейин тескари қараб ётиб оларди. Ҳозир ҳам ич кийимида Сирожиддиннинг олдидан ўтди-да, эшик ёнбошидаги включателни чиқ этиб босди. Сирожиддин томонга қовоғини солиб қараб қўйди-ю, кўзлари ола-йиб кетди.

- Нима бўлди? - деди ваҳима билан.

Сирожиддин сесканиб тушди.

- Нима, «нима бўлди!» - деди титраб.

Элмира унинг тепасига келди.

- Кўзингиз ғалати...

«Тур-э, падарингга лаънат!» - деди ичида Сирожиддин юзини ўгириб. У устига чойшабни ташлаб бурканар экан, жеркиб берди:

- Чироқни ўчир!

Элмира анчагача ухламай ётди. Сирожиддин унинг ухламаганини, хаёл суриб ётганини билар, аммо гапир-гиси келмасди. Ниҳоят, Элмира чуқур-чуқур осойишта нафас олиб уйкуга кетди. Сирожиддин ҳарчанд ўзини чалғитса ҳам ухлай олмади. Ташқарида шамол увиллайди. Аллаким деразага осилиб ичкарига қараётгандай, дарвоза кўнғироғи жиринглаётгандай бўлади. Кўзини юмса коптокдек учиб кетган мотоцикл хаёлига келади, яшил каска кийиб олган Шерзод арвоҳдай устига бостириб келаётганга ўхшайди.

Ҳеч нима қилмаган бўлса-чи! Машинамни таниб қолган бўлса-чи! Йўғ-э, йўл четидаги тўсиққа бориб урилганини ўз кўзи билан кўрди-ку!

Йўқ, у Шерзодни босиб кетмоқчи эмасди. Бошқачароқ қасос олмақчи эди. Ўзи бир чеккадан туриб пул билан иш битирмоқчи эди. Пул нималар қилмайди бу дунёда... Бутун Шерзод ўзидан-ўзи оёқ остидан чиқиб қолишини қаёқдан билибди? У ўзи қилиб қўйган ишнинг дахшатини энди сезди. Бутун бошли одам ўлади-ю, ҳеч ким билмасмикан? Тағин унча-мунча одам эмас, ёзувчи! «Ишқилиб, ҳеч ким кўрмаган бўлсин! – деб пичирлади у ибодат қилаётган одамдек шифтга боқиб. – Ҳеч ким кўрмаган бўлсин...»

Унинг боши сирқиллаб оғрир, кўзининг ич-ичида олов ёнаётгандек ловиллаб ачишар эди... Фақат тонг отгандагина унинг кўзи илинди. Қизиқ, яна Шерзодни туш кўрди. Қанақа тушлигини аниқ билмайди-ю, аммо тушига Шерзод кирди. Буниси аниқ.

У сесканиб кўзини очганда уй ичи ёп-ёруғ бўлиб кетган, ҳеч ким йўқ эди. Девордаги соатга қаради-ю, ўн иккидан ошганини кўриб ҳайрон қолди. Унинг боши ҳамон сирқиллар, кўзи ловиллаб ачишарди. У секин-секин юриб дарвоза олдига келди, ташқарида қуёш чарақлаб ётар, шамол тинган эди. У ёзув столининг тортмасидан электр устарани олди. Бурчакдаги трюмо олдига келиши билан сесканиб кетди. Тошойнадан унга ранги синиққан, кўзлари қип-қизил, сочлари тўзғиган, майкачан, бегона бир одам ўқрайиб қараб турар эди.

У индамай стулчага ўтирганча соқолини ола бошлади. Зум ўтмай тепасига Элмира келди. У енгил гулдор халат кийиб олган, ҳозиргина кир ювган бўлса керак, совун ҳиди келарди ундан. Сирожиддин бурнини жийриб, юзини ўгирди.

– Нима бўлди ўзи? – деди Элмира қошини чимириб.

Сирожиддин яна сесканиб тушди. Мунча меҳрибон бўп қолди бу. «Бир нимани сезган бўлмасин!»

- Нима «нима бўлди!» - деди кўзи олайиб. - Нега озилиб қолдинг менга?!

- Кечаси билан алаҳлаб чиқдингиз... Ичкилик ҳам ўлсин!

«Топган гапини қара! - деб ўйлади Сирожиддин энсаси қотиб. - Аравангни тортсанг-чи!»

У шошилиб ҳовлига тушди. Нариги ҳовли ўлик чиққан уйдай жимжит, дадаси ҳам, ойиси ҳам кўринмасди. Сирожиддин тўппа-тўғри гаражга кирди. Машинани тислантириб асфальт майдончага олиб чиқди. Худди шуни кутиб тургандек майкачан бўлиб олган ўғилчаси югуриб келди.

- Манам туший, ада! - деди ялиниб. У ҳозиргина қулупнай еган бўлса керак, лабининг чети қип-қизил бўлиб қолганди.

- Халақит берма! - деди Сирожиддин уни оҳиста нари итариб. У машинани яна бир бор синчиклаб кўздан кечира бошлади, ўнг томонга ўтиб энгашиб қаради-ю, даҳшатдан кўзлари олайиб кетди. Кеча қоронғида яхши кўрмаган экан. Машинанинг ўнг қаноти, ялтироқ буфернинг усти пачоқ бўлиб ётарди. Афтидан, мотоциклга буфернинг бурчаги урилган, зарб кучлилик қилганидан қанотни ҳам пачоқлаб юборган эди. У шошилиб энгашди. Пачоқ бўлган жойни кафти билан силаган эди, бўёғи кўчиб тушиб, «ямоқ» бўлиб қолди. «Тузаттириш керак!»

Худди ўша кафти билан босиб турган жойга соя тушди-ю, Сирожиддин жаҳл билан бошини кўтарди. Унинг тепасида кўзларини жавдиратиб ўғилчаси турарди.

- Нима қипти, ада? - деди у катталардек жиддият билан.

- Йўқол! - деди Сирожиддин бақириб. У яна энгашди-да, пачоқни кўздан кечирди. «Қибрайга обориш керак, - деб ўйлади юраги қўрқувдан типирчилаб. Қибрайдаги устахонада унинг эски мижози - ингичка мўйловли арман йигит бор эди. Машинанинг бирон жойи пачоқ бўлса ўша тузатарди. - Тезроқ обориш керак. Нима қилсаям чеккароқ жой!»

Ўғилчаси яна яқин келди, шекилли, тагин худди ўша жойга сояси тушди.

– Қочсанг-чи! – Сирожиддин жаҳл билан қаддини ростлади. Ростлади-ю, даҳшатдан қичқириб юборганча орқасига тисарилди. Аммо бир қадам босмасданоқ машинага урилиб, капотга суяниб қолди. Унинг рўпарасида Шерзод, кеча ўзи пачоқлаб кетган ўша Шерзод кўзларидан ўт сачраб турарди. Сирожиддин худди арвоҳга дуч келгандек, кўзлари олайганча ёнбош томонга сурила бошлади. Аммо алланима оёғига маҳкам осилиб олган, ҳеч юролмас, назарида бу воқеалар ўнгида эмас, тушида бўлаётгандек эди. Сирожиддин ваҳима ичида бурилиб қаради-ю, оёғига осилиб олган ўғилчасини кўрди. Болакай унга қараб кулиб турар, лабининг икки четидаги қулупнай юқи қизариб кўринарди. Сирожиддин талваса билан олайиб яна Шерзодга қаради.

Қизиқ, Шерзод ҳам негадир болакайга қараб турарди. Кейин у бир қадам босди-ю, Сирожиддиннинг тепасига келди.

– Унинг учта боласи бор эди, номард! – деди секин, аммо шиддатли оҳангда.

Сирожиддин аввалига ҳеч нима тушунмади. Кейин ўзининг янглишганини, хато қилганини, энди ҳаммаси тамом бўлганини тўсатдан тушунди-ю, лаблари титраганча бир томонга сурила-сурила чекина бошлади.

Ўғилчаси ҳамон уни қўйиб юбормас, худди ундан айрилиб қолаётгандай оёғига осилиб олган эди. Унинг кўзларидаги бояғи шодон қулги сўнган эди.

Шерзод бўлса, икки қадам нарида турар, унга шиддатли, оловли нафрат билан тикилиб қотиб қолганди.

41

Шерзод шу кеча Абдувоҳиднинг олдида навбатчилик қилди. Абдувоҳид дераза тагидаги карвотда ётар, ҳамма ёғи дока билан ўраб ташлангани учун, юзи яна-

ям кичрайиб қолганга ўхшарди. У кўзларини чирт юмиб ётар, лаблари шишиб, қовоқлари моматалоқ бўлиб кетган эди.

Ярим кечага бориб, касалхона тинчиб қолди. Шерзод каравот ёнбошидаги стулда оёқларини чалиштириб, дўстидан кўз узмай ўтирар эди. Абдувоҳид ора-чора секингина инграб қўяр, шунда шишиб кетган лаблари титраб кетар, Шерзод унинг қаттиқ азоб чекаётганини ҳис этиб, сесканиб тушар эди. Бора-бора Шерзодни уйқу элита бошлади. Унинг кўзлари ачишар, борган сайин томоғи қурир, боши айланиб кетаётганга ўхшарди. Ниҳоят, у толиқди. Силлиқ тумбочка устидаги графин билан стаканни дераза токчасига олиб қўйди-да, стулни яқинроқ суриб ўтирди. Тумбочкага тирсагини қўйганча боши ғувиллаб-ғувиллаб пинакка кетганини ўзи ҳам билмай қолди.

Бир маҳал у Абдувоҳиднинг кўз очганини ички бир туйғу билан ҳис қилди-ю, уйғониб кетди. Абдувоҳид шифтга, лопиллаб ёниб турган чироққа тикилиб ётар эди. Шерзод ўрнидан туриб кетди. Абдувоҳид анчагача унга тикилиб ётди-да, бир нима деб пичирлагандек бўлди. Шишиб кетган лаблари оҳиста қимирлади. «Сув сўра-япти!» Шерзод беихтиёр энгашиб қулоғини тутди.

– Овсар! – деди Абдувоҳид эшитилар-эшитилмас пичирлаб.

Шерзод дўстининг кўзига тикилди-ю, унинг митти кўзларида ўзига қадрдон бўлиб қолган шўхчан нур порлаб кетганини сизди. Шу ондаёқ қалби қувонч туйғусига тўлиб, кулиб юборди.

– Ўзинг овсар! – деди жилмайиб. – Эшитдингми, ўзинг дарвишсан!

Абдувоҳид ҳам жилмайди. Кўзлари янаям кичрайиб ялтираб кетди. Шерзод илдам юриб, дераза дарчасини қия очди. Палатага мусаффо тонг шабадаси қуюлиб кирди. Осмон бўзариб келар, юлдузлар сийраклашиб қолган, фақат олисда, кунботар томонда тонг юлдузи олмос

томчисидай ёрқин-ёрқин порлар эди. Табиат тонготар олдидан бўладиган сукунатнинг ҳузурбахш йўрғагида мудрар, шабада ҳам, осмон тархида соялардек кўринаётган дарахтларнинг япроқлари ҳам, юлдузлар ҳам бу сокинликни бузишдан чўчигандек жой-жойида қотиб қолганга ўхшарди.

Шерзод бурилиб Абдувоҳидга қаради. Абдувоҳид тағин кўзларини юмиб олган, аммо унинг юзида бояги азобли ифода энди йўқ эди. Шерзод кўнглида тошган қувончини ичига сиғдиролмай қолди. Дўстининг оромини бузмаслик учун унсиз бориб, чирокни ўчирди-да, ёруғ йўлакка чиқди. Цемент зиналардан секин-секин тушиб, ҳовлига чиқди. Кўксига мусаффо намхуш тонг нафаси урилди-ю, вужудида алланечук енгиллик сездди. Бошининг ғувиллаши ҳам, кўзларининг ачишиши ҳам дарров босилди. У касалхонанинг теракзор хиёбонига кириб борар экан, қаердадир жажжи бир қушча чирқиллади. Аввалига уйқусирагандек, журъатсиз овоз билан «чирқ» этиб қўйди. Кейин ўзининг товушидан ўзи уйғониб кетди, шекилли, шодон сайраб юборди. Худди шуни кутгандек, худди шу қушчанинг жарангдор қўнғироғини эшитишга мунтазир бўлиб тургандек табиат бирдан уйғонди. Тонготар сукунатида қотиб қолган шамол отини қамчилади, зумрад япроқлар туғилиб келаётган янги кунни олқишлаб, шодон-шодон қарсак чалди.

Кунчиқар томонда олтин киприкларини пирпиратиб қуёш кўз очди. Осмонга нур елпиғичи таралди. Таралди-ю, оламни мунаввар қилиб юборди. Нур кудратидан хуркиган соялар эса қора қанотларини оғир-оғир силкитганча титраб-қақшаб олисларга чекина бошлади. Шерзод бу сеҳрли манзараларни кузатиб тураркан, қалбида яна ўша қадрдон бир туйғуни - вужудини ларзага солган ёзиш туйғусини ҳис этди. Кейинги уч ой ичида - ўзи касалхонага тушганидан буён

бўлиб ўтган воқеалар бутун тафсилоти билан, бутун ҳаяжония фалсафаси билан қайтадан жонланди.

Шерзод уларнинг ҳаммасини ёзиш истаги билан ёна бошлади.

1973-1975

Адабий-бадиий нашр

ЎТКИР ҲОШИМОВ
НУР БОРКИ, СОЯ БОР

Роман

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусаҳҳиҳ
Суннат МУСАМЕДОВ

Бадний муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Нигора УМАРҚУЛОВА

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2015 йил 22 октябрда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 9,0. Шартли босма табағи 15,12.

Гарнитура «Cambria». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 210\413.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кучаси, 60.

Китоб матни «Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.

100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкучаси, 44.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-30-52;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НАШРИЁТИ
АЗИЗ КИТОБХОНЛАРИМИЗГА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ
ТАҚДИМ ЭТАДИ:**

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

«Асрни қаритган кун»

84x108 1/32 бичимда. 432 бет

Қаттиқ муқова

«Манқурт» атамаси илк бора тилга олинган ушбу асар нимаси билан китобхонга яқин?

Асарнинг асосий қаҳрамонлари бўлган оддий меҳнат кичилари – Эдигей Бўрон, Казангап, Бўкей, Уккубола, Абутолиб Қуттибоев, Зарифа образларидаги ўзига хос характер, ички олам, улар бошидан кечган мусибат китобхон қалбига шу даражада яқинки, гўёки улар биздан унчалик ҳам олисда эмасдек...

Казангапни Бўронли бекатидан унча узоқ бўлмаган Она Байит қабристонига дафн этишга ундаган сабаб ҳамда Найман онанинг фарзанди томонидан фожиали ўлдирилиши ўртасидаги боғлиқлик асарнинг бутун бир моҳиятини очиб беради.

Манқуртга айланган фарзанди Жўломонни ниҳоят минг азоблар билан топган онаизор ўз боласига онаси эканлигини уқтиролмади. Худди шунингдек, инсоний туйғуларидан мосуво бўлган, ҳатто отасининг майитини қаерга кўмиш кераклигига бефарқ бўлмаган ҳолда, қабр учун танланган маконга беписандларча қараган онгли Собитжон янги замон манқурти сифатида тасвирланади.

Китоб мутолаасидан кейинги мулоҳазаларингиз биз учун қадрли, азиз китобхон!

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

«Жамила»

84x108 1/32 бичимда. 432 бет

Қаттиқ муқова

«Жамила», «Алвидо, Гулсари!», «Сомон йўли» ҳамда «Бўтакўз» қиссаларидан таркиб топган мазкур китоб Чингиз Айтматов асарлари туркумида чоп этилмоқда.

Жамила – катта оилага тушган янги келинчак. Аммо висол узоқ давом этмайди. Уруш ёш оилага нафақат ҳижрон ва айрилиқ, балки парокандалик олиб келади. Турмуш ўртоғини фронтга жўнатган келин эркаклар меҳнатини зиммасига олиб, далага чиқади. Гўзаллиги-ю чаққонлиги сабаб қайнонаси уни бегона кўзлардан асраш учун ёнига «қўриқчи» қўяди.

Фронтдан ногирон бўлиб қайтган одамови Дониёр нимаси билан Жамиланинг севгисини қозонди? Қайниси севимли янгасини акаси тириклигидаёқ бегона билан кетишига нега йўл қўйди? Йўқсил Дониёр билан кетиб, афсус билан қайтишини кутган овул Жамила қисматида нималарга гувоҳ бўлди?

Чингиз Айтматовнинг нафақат ушбу асари, балки Танабой ва Гулсари, Ер ва Тўлғаной, Абубакр ва Камол образлари гавдаланган кейинги қиссаларида ҳам қаҳрамонлар ўртасидаги умумийлик ва зиддиятлардан ўқувчи фақат ижобий натижа кутади. Асар якунида эса кутилмаган ниҳоя юз очади.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

«Оқ кема»

84x108 1/32 бичимда. 432 бет

Қаттиқ муқова

«Соҳил ёқалаб чопаётган олапар», «Оқ кема» ҳамда «Сарвқомат дилбарим» каби машҳур қиссалардан иборат ушбу китоб Чингиз Айтматов ижодининг энг сермахсул давридан далолатдир.

Ҳар учала асар жонли тасвир ва ҳикоячилик жиҳатидан ўқувчи диққатини буткул ўзига тортади.

Биринчи марта чинакам овчилар билан денгизга чиққан Кириск овдан нега ёлғиз қайтди? Оқсоқол Ўрхоннинг хаёли, Милхуннинг ғзаби ва отасининг қатъий қарори ўн бир ёшли Кириск ҳаётини қанчалик ўзгартирди?

Ёки набирасига Шохдор она буғу ҳақида ривоят айтиб, ўзларининг бош бўғини дея ишонтирган, оғир вазиятларда қабиладошларини фақат Она буғугина асрай олади, деган Мўмин чол нега ўз қарашларига қарши чиқди? Она буғуни овлаб, зиёфат қилишга чолни нима мажбур қилди?

«Сарвқомат дилбарим» эса бир муҳаббат ҳақида икки тақдир ҳикоясидан иборат. Аммо бир қарашда, бир учрашувда ўз севгисини топган Илос нега пок севгисини хиёнатга алмаштирди? Йиллар ўтиб ўғлини топганда нега отаси эканлигини айтолмайди? Асар давомида яна бир муҳаббат тарихидан огоҳ бўласиз.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

«Қиёмат»

84x108 1/32 бичимда. 432 бет

Қаттиқ муқова

Қиёмат... Бу сўз бутун оғриғи билан онгимизга таъсир кўрсатади. Чингиз Айтматов ном берган ва Иброҳим Ғафуров таржимаси билан нашрга тайёрланган мазкур китобнинг аҳамияти хусусида гап кетганда, асарнинг «Қиёмат» деб номланишида бир эмас, бир нечта асос борлигини таъкидлаш керак. Чунончи, Акбара билан Тошчайнар тимсолида бир жуфт бўри ва унинг зурриётлари қисматининг фожеий якуни; умматларига бахт ато этиш учун курашган, алалоқибат айнан ўша бахт улашмоқчи бўлганлар томонидан рад этилган ҳазрати Исонинг чормихга тортилиши; ўзларини жамиятнинг олди кишилари деб билган, аслида эса маънан нопок кишиларга қарши сўз айтгани учун Мўйинқум даштида дарахтга чормих қилиб тортилган Авдий

Каллистратовнинг фожиали ўлими; Ола Мўнгу тоғидаги тубсиз жарликка оти билан тушиб кетган ва ҳатто кафансиз қолган Эрназарнинг қисмати; қўрқув ва таҳдиканинг зўридан Кенжашни олиб қочаётган Акбарани отаман деб аслида ўз жигарпорасининг бағрини ўқ билан илма-тешик қилиб юборган Бўстон Ўркунчиев тақдири – буларнинг бари китобхон қалбини ларзага солмай қўймайди.

ЎТКИР ҲОШИМОВ

«Баҳор қайтмайди»

84x108 1/32 бичимда. 280 бет

Юмшоқ муқова

Ўтган асрнинг 60–70-йилларида ўзбек адабиёти жуда катта истеъдодларни қабул қилди. Ҳам назм, ҳам наср, ҳам публицистика ўқувчиларни мароқли мутолаага, мушоҳадага чорлади. Биз Ўткир Ҳошимовни айнан ўша авлоднинг забардақ вакили сифатида таниймиз ҳамда асарларини завқ билан қайта-қайта ўқиймиз. Ўткир Ҳошимовда нафосат туйғуси беҳад кучли. Унинг қаҳрамонлари аксари гўдакдай беғубор, нафосат туйғусига бой, ҳиссиётли, ўта таъсирчан одамлардир.

«Баҳор қайтмайди» қиссаси 1969 йилда ёзилган. Қиссада ёзувчи истеъдодли, бироқ унинг қадрига етмаган, улуғ мақсадлардан маҳрум худбин йигитнинг таназзул тарихини, руҳий-маънавий инқирозини санъаткорона таҳлил этиб берган. Орадан ўтган 45 йил қисқа муддат бўлмаса-да, воқеалар бугун ҳам давом этяпти. Ҳаётдаги Алимардон Тўраевлар учун ушбу асар кўзгу, ҳаётий сабоқ бўлса, ажаб эмас.



Ўткир ҲОШИМОВ

Одам ўзига яқин кишисининг қилча ўзгаришини ҳам дарров сезади. Шерзод Фариданинг гап оҳангида сезилар-сезилмас афсус-надомат шарпаси борлигини пайқади. Ҳозир унинг кўнглида ҳам бир вақтлар ёниб, кейин кулга айланган чўғ яна йилт этганини, агар салгина шабада тегса, бу чўғ ловиллаб кетиши мумкинлигини сезди. Сезди-ю, уч йилдан бери чеккан изтироблари ҳаққи, Фаридага, бир вақтлар ўзи учун энг азиз инсон бўлган, кейин бировнинг хотинига айланиб қолган мана шу Фаридага, ораларида ўтиб бўлмас жар борлигини эслатиб қўйгиси келди.



ISBN 978-9943-27-637-6



9 789943 276376